

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ



“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН ЮТУҚЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги XVII республика илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

II ҚИСМ

(2020 йил 2-3 июн)



САМАРҚАНД-2020

“Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги ёш олимларнинг XVII республика илмий-амалий online конференцияси материаллари.– Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2020 йил.

Ушбу тўпламга конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда республикамизда амалга оширилаётган шаҳарсозлик, архитектура, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, замонавий бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар натижалари, мулоҳазалар ва таклифлар киритилган.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди. (Баённома № 9, 26.05. 2020).

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

1. С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори, таҳрир ҳайъати раиси;
2. Э.Х. Исаков Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, таҳрир ҳайъати раис муовини;
3. А.Р. Рахимов Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. А.Х.Ражабов Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор,аъзо;
5. О.Б.Хаитов Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, аъзо;
6. У.А. Хушвақтов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо;
7. Л.Т. Ибрагимов Институт “Ёш олимлар” Кенгаши раиси, аъзо;
8. Ф.А. Қосимова Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, аъзо.

Масъул муҳаррирлар: У.А.Хушвақтов, Л.Т.Ибрагимов

Компьютерда саҳифаловчилар: Ф.А. Қосимова, А.Б. Бобоназаров

Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

С Ў З Б О Ш И

Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айтилган пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги илмий-анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» йилида амалга оширишга оид давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 704-сонли “Олий таълим муассаларида илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар ва иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари

учун шароит яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган. Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган **“Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари”** мавзусидаги мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур илмий-амалий конференция ишига мувафакқиятлар тилайман ва келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

Султон Илясович Ахмедов
СамДАҚИ ректори

Ноқулай шароитли регионларда экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш

Атаджанов Илхом Шарипович, Усманова Инобат Ибрагимова
Урганч давлат университети «Геодезия, картография, география»
кафедраси доценти, география фани номзоди. Урганч Университет Кенгаши
илмий котиби inobat.usmanova@bk.ru, тел: +998904328775

Аннотация – Ушбу мақолада Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш тўғрисида фикр юритилади. Сўнгги йилларда Орол муаммосининг чуқурлашуви натижасида минтақанинг табиатида нохуш салбий ўзгаришлар юзага кела бошлагани тўғрисида сўз юритилади

Калит сўзлар - Орол муаммоси, “экологик нохуш” ҳудуд, саксовул, туз, кум ва пестицидлар, (Судочье кўллари тизимини) яратиш, “яшил халқалар” барпо қилиш.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотлар жадаллашган ҳозирги даврда аҳоли саломатлигига, турли ҳудудлардаги экологик вазиятни соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида баъзи хўжалик соҳаларининг ривожланиши экстенсив характерда бўлиши, табиий ресурслардан оқилона фойдалана олмаслик табиий муҳитда салбий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда, яъни табиат мувозанатининг издан чиқишига, ижтимоий муаммоларнинг янада чуқурлашувига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда Орол муаммосининг чуқурлашуви натижасида минтақанинг табиатида нохуш салбий ўзгаришлар юзага кела бошлаган эди.

Орол денгизи атрофидаги радиуси 500 км масофага чўзилган ҳудудлар жаҳон ҳамжамияти томонидан «экологик нохуш» ҳудуд деб эътироф этилган (1993 йилдаги Қизил Ўрда, 1994 йилдаги Нукус ва Тошхөвүз, 1997 йилдаги Алмати конференцияларида) эди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳам бевосита ушбу ҳудуд доирасида жойлашган.

Маълумки, бир пайтлар Орол денгизи ўзининг катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда турар эди. Бугун эса унинг ҳажми қарийб 13 баробарга, майдони 4,2 баробардан зиёдга қисқарди. Сув сатҳи эса 29 метрга пасайиб, қирғоқлари юзлаб километрга чекинди ва ҳозирда иккита кичик кўлдан иборат бўлиб қолди.[1]. Эндиликда денгиз тобора қирғоқдан чекиниб унинг қуриган тубида Оролқум чўли вужудга келаётган эди. Минтақадаги экологик вазиятнинг ўта ёмонлашиб кетишини олдини олиш ва минтақа иқлимида юзага келаётгане салбий оқибатларни юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб Орол денгизининг қуриган тубида саксовул ўрмонзорлари барпо қилишга киришилди. Бугунги кунгача денгизнинг қуриган тубидаги қарийб 600 минг гектар ерга саксовул уруғлари экилди ва улар униб чиқишда давом этмоқда. Мазкур ҳудудда саксовулзорларнинг барпо этилиши минтақага денгизнинг қуриган тубидан туз ва кум зарраларининг учишини тўхтатади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Орол денгизининг қуриши ҳудуд иқлимининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Илгари Орол денгизи қиш фаслида Турон

пасттекислиги орқали шимолдан келаётган совуқ ҳаво оқимини юмшатувчи, ёзда эса аксинча жазирама иссиқни пасайтирувчи восита бўлиб хизмат қилар эди. Маълумотларга қараганда, бугун Орол бўйида ҳарорат 40 даражадан юқорига кўтарилган кунлар сони икки баробарга, Ўзбекистоннинг қолган ҳудудларида эса 1,5 баробарга ортган.

Мутахассисларнинг фикрича, 2035–2050 йилларга бориб ҳудуддаги ҳаво ҳарорати ҳозиргидан 1,5-3,0 даражага ортиши мумкин экан. Нохуш иқлимий ўзгаришларнинг энг аввало, Оролбўйида кутилаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳудудда бундан кейин кутилмаган иқлимий вазиятлар юзага келиши, қурғоқчилик чўзилиб, ҳаво ҳароратининг янада юқори бўлиши, сув ресурсларининг шаклланишида ўзгаришлар юзага келиб, ўз навбатида Орол денгизи ҳавзасида, айниқса, Оролбўйида кўшимча салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Барпо этилаётган саксовул ўрмонзорлари эса мазкур салбий оқибатларни юмшатишга хизмат қилади[2].

Кучли шамолларнинг бу ерга чанг ва тузларни олиб келиши оқибатида вилоят аҳолиси саломатлигига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларига салбий таъсир этиши мумкин. Сўнгги йилларда Хоразм вилоятининг атмосфера ҳавоси, асосан, туз, қум ва пестицидлар эвазига нисбатан кўпроқ ифлосланиб, аҳоли ўртасида нафас йўллари ҳамда тери касалликларининг кўпайишига олиб келган. Маълумотларга кўра, вилоятда ҳомиладор аёлларнинг 71,5 % и камқонлик) ва болаларнинг 72% и турли касалликлар билан касалланмоқда Бундан ташқари, туғма юрак аномалияси 5 марта, юракнинг ишемик касаллиги 8,5 марта, гипертония 7 марта, ўт қопида тош пайдо бўлиши 10 марта, асаб тизими касалликлари 10 марта, ошқозон раки 2 марта, нефрит 2 марта кўпайган[3].

Орол денгизининг қуриши оқибатлари бугунги кунда нафақат Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини, балки, мамлакатимизнинг Бухоро ва Навоий вилоятларини, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятларини ҳам қамраб олган. Аҳолининг асосий қисми бугунги кунда айниқса, қишлоқ ва овулларда яшовчилар яхши тозаланмаган, кучли минераллашган, кўпчилик ҳолатларда кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича гигиеник талабларга жавоб бермайдиган сифатсиз ичимлик сувини ичишга мажбур бўлмоқдалар.

Давлат санитария эпидемиология назорати томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ўртасида юқумли ва ўткир юқумли касалликларга чалиниш даражасининг ортиши, энг аввало, ҳудудда сифатли ичимлик суви муаммосининг мавжудлигидир.

Чунончи, бу ерда аллергия касалликлар, психологик бузилишлар, рак, эндокрин касалликлар, ОИТС, ирсий касалликлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу жойда қайд қилиш жоизки, уларнинг аксарияти, ижтимоий экологик муаммоларнинг кўпайиши, экотизимнинг ўзгариши билан кўпайиб бормоқда.

Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш учун бизнингча:

- Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари (Судочье кўллари тизимини) яратиш, чанг ва туз бўронларини камайитириш

мақсадида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

- Орлбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини кечиктирмай ҳал қилиш;

- Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ихота ўрмонзорлари барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

- минтақа иқлим шароитига мос, яъни шўрга ва иссиқликка бардошли дарахт навларини кўплаб экиб, шаҳарлар атрофида “яшил халқалар” барпо қилиш;

- минтақа қишлоқ хўжалиги тармоқларида сув тежовчи технолгияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланишнинг самарали тизимини яратиш;

- коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

- экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш зарур[4].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов. И.А. “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида. хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997 й.
2. Nigmatov A.N. Tabiiy geografik fanlarning nazariy muammolari. –Т.:, “Fan va Texnologiya”, 2010 у.
3. Rafikov A.A. Geoekologiya asoslari. Maruzalar mat Toshkent., O’zMU., 2000
4. Nigmatov A.N. Geoekologiya fanidan o’quv uslubiy majmua. UzMU, 2012.
5. Эргашев А, Эргашев Т. “Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш” Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2005 йил.

Турар-жой бинолари том конструкцияларининг бино энергия самарадорлигига таъсири

*Ўқитувчи Сирожиддинов Ш.Н., стажёр ўқитувчи Хайдаров Ш.Р.
СамДАҚИ*

Бугунги кунда биноларда энергияни тежаш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Энергетик ресурсларнинг чекланганлиги, энергия нархининг юқорилиги, уни ишлаб чиқариш жараёнининг атроф-мухитга кўрсатадиган салбий таъсири, буларнинг барчаси чекланган ресурслар шароитида энергияни тежаш ва масаланинг ечимини топишни тақозо этади. Шу йўналишда бутун дунёда энергия сарфини камайтириш, янги, муқобил энергия

манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, аҳолининг аксарият қисми, яъни 76.8 фоизи кам қаватли уйларда истиқомат қилмоқда. Кўп қаватли уйлардан фарқли ўлароқ, кам қаватли шахсий турар жой биноларига етказиладиган иссиқлик энергия тизими марказлашмаган ва лойиҳавий ечимларнинг турлича экани улардаги энергия истеъмолига таъсир этувчи факторларни ошишига олиб келади.

Бугунги кунда кўпгина давлат ва нодавлат лойиҳалаш ташкилотлари кам қаватли турар жой биноларини лойиҳалаш босқичида шинам ва қулай мансард қаватини лойиҳалашни таклиф этмоқда. Бу албатта архитектуравий-бадий жиҳатдан мақбул ечим. Аммо куруқ иссиқ ва кескин континентал қиш шароитлари мавжуд республикамиз ҳудудида чордоқ қисмини яшаш хонасига айлантириш энергия истеъмоли сарфини бир неча баробар ошириш эвазига эришилмоқда.

Анъанавий энергия манбалари нархининг ортиб бораётганлиги, хусусан, нефт ва нефт маҳсулотлари нархининг кундан кунга ортиши, газ нархини ошишининг даврий равишда давом этиши, кўмир ва ёғоч материаллари захирасининг тақчиллиги ва қимматлиги бугунги кунда энергияни кам истеъмол қиладиган биноларни қуришга бўлган талабни янада оширмоқда.

Бундан ташқари, йил давомида қарийб 300 кун қуёш чиқиб турадиган мамлакатимиз ҳудудида турар жой биноларида қуёш батареялари, қуёш коллекторлари, умуман, гелиосистемали биноларни лойиҳалаш тажрибаси қурилиш амалиётига жуда секинлик билан кириб келмоқда.

Кам қаватли биноларнинг том конструкцияларининг энергия самарадорлигини ошириш, айнан чордоқ қисмининг энергия сарфини камайтириш ва бу йўналишда Ўзбекистон шароитида қўлланиладиган иссиқлик-физик ечимлар, бу борада қуёш панелларидан фойдаланиш, уларнинг иқтисодий самарадорлиги атрофлича ўрганилмаган.

Кам қаватли бино том конструкциясининг энергия самарадорлигини ошириш ҳисобига бинонинг умумий энергия самарадорлигини ошириш ва шу йўл билан энергия истеъмолини тежашга эришиш учун бир канча ишлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу жумладан:

– энергия тежамкор биноларни лойиҳалаш, қуриш улардан фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш;

– том конструкциясидан кетадиган энергия сарфини бинодан кетадиган умумий энергия миқдори билан солиштириш ва мувофиқ ечимларни танлаш;

– том конструкциясига мавжуд лойиҳавий-технологик ечимлар асосида қуёш панелларини лойиҳалашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва натижаларни таҳлил қилиш;

– том конструкцияси энергия самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этилаётган муқобил ечимни танлаш ва шу бўйича бинонинг йиллик энергия сарфини ҳисоблаш, шунингдек, аввалги йиллик кўрсаткичлар билан солиштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ҚМҚ 2.01.18-2000* “Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари. АКАТМ Госарахигекткурулиш, 2011г.

2. Маракаев Р.Ю., Нуретдинов Х.Н., Кучкаров Р.А. Строительная физика. Учебное пособие. Часть 1. 2. 3. 1996., 1998., 2000., 2001г.

Саноат чиқиндиси ёрдамида энергиятежамкор қурилиш материали ишлаб чиқариш

Т.ф.н., доц. Махмудов М.М., ўқитувчи Мамадалиев Х.Э. (СамДАҚИ)

Аннотация. В данной статье приводятся аналитические данные о сырьевых ресурсах, используемых при производстве энергоэффективное строительных материалов, используемых при строительстве и реконструкция зданий.

Annotation. This article provides analytical and statistical data on the production of energy-efficient building materials used in the construction and repair of buildings.

Мамалакатимизда охириги йилларда барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунинг яққол мисолини ҳудудларда бажарилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишларида кўриш мумкин. Мисол учун пойтахтимиз Тошкент шаҳрида қурилган Хумо арена, қурилиш ишлари давом этаётган Tashkent Siti мажмуаси, вилоятлар марказларидаги янги шаҳарлар (Ситилар), жойлардаги саноат ҳудудларидаги ишлаб чиқариш бинолари, турли жамоат бинолари ва ҳаказоларни айтиш мумкин.

Албатта буларнинг барчаси ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қурилиш саноатини ривожлантириш бўйича қабул қиланётган қарорлар ва фармонлар муҳим рўл тутмоқда. Яна шу мақсадда айрим қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартириш ва кўшимчалар киритилмоқда. Натижада турли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кенг ривожланмоқда. Тадбиркорлар ҳориж тажрибалари асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда ва ривожлантирмоқда.

Маълумки бундай қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун кўп энергия сарфланиши керак. Яқин йилларгача асосий энергия манбаи сифатида табиий газдан фойдаланиб келингани ҳеч кимга сир эмас. Натижада табиий газ етказиб бериш тақчиллиги кузатилди, вақт ўтгани сари ушбу муаммо чуқурлашиб борди.

Айрим ҳудудларда аҳоли истемоли учун ишлатиладиган табиий газ батамом тўхтатилди. Буларнинг барчаси кўмирга бўлган юқори эҳтиёжни келтириб чиқарди. Жойларда кўмир нафақат қулай, балки зарурий ёнилғи манбаига айлана бошлади.

Давлатим раҳбари томонидан 2017 йил 26 майда қабул қилинган “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори бу вазиятда муаммонинг ечими йўлида айтилган муддао бўлди десак муболағи бўлмайди.

Ҳужжатга асосан 2017-2021 йилларда ғишт ва цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарни босқичма-босқич ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланишга ўтказиш кўзда тутилган эди.

Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан мазкур ҳолат бўйича қуйидагилар амалга оширилганлиги тўғрисида қуйидагича маълумотлар берилди.

Биринчи навбатда, юртимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлар иштирокида кўмирдан ёнилғи сифатида фойдаланишнинг афзалликларини тушунтириб берувчи ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Иккинчидан, кўмирдан фойдаланишнинг фойдалилигини ўрганиш мақсадида махсус таҳлилий ишлар ўтказилди. Шу мақсадда, бир қатор ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда тажриба ўтказилди. Натижада, табиий газ ўрнига кўмирдан фойдаланилганда 45-55 фоиз миқдорида ёнилғини тежаш мумкинлиги ҳақида ҳулосага келинди.

Қарор ижросини таъминлаш доирасида мамлакатда кўмирдан фойдаланиш учун зарур бўлган иситиш қозонларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бошланди. Натижада Чирчиқ шаҳрида кўмир қозонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ғиштнинг 33 фоизи табиий газ ўрнига кўмирдан ёнилғи сифатида фойдаланилаётган корхоналарда ишлаб чиқарилди.

2019 йил давомида яна 94 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар кўмирдан ёнилғи сифатида фойдаланишга мослаштирилди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики Ўзбекистондаги ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар тўлиқ кўмирдан фойдаланишга ўтказиш мамлакатга ҳар йили миллиарддан ортиқ куб метр табиий газни тежаш имконини беради. Ёнилғи таннархининг тушиши эса ишлаб чиқарувчилар учун ҳам катта фойда келтиради.



1-расм. Кўмир ёнилғиси ва ҳосил бўлган кўмир кули.

Яна шу нарса маълум бўладики аввал 1000 дона ғиштни ишлаб чиқариш учун 350 минг сўм маблағ сарфлаган бўлсак, кўмир ишлатиш натижасида 1000 дона ғишт таннархи 200 минг сўмни ташкил этмоқда. Юқоридаги маълумотлардан ҳулоса қилиш мумкинки, юртимизда энергия манбаи сифатида кўмирдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.



2-расм. Синфларга ажратилган кўмир кули.

Лекин масаланинг иккинчи тамони ҳам. Кўмирдан саноат асосида жуда кўп фойдаланиш натижасида атроф муҳит ҳар хил турдаги саноат чиқиндилари, шу жумладан пишган ғишт ишлаб чиқаришда кўмирдан фойдаланиш натижасида кўмир кули билан ифлосланмасдан қолмайди.

Юртимизда ғишт ишлаб чиқариш натижасида 100 млн тонналаб кўмир кули пайдо бўлмоқда.

Шу ўринда кўмир кулидан фойдаланиб энергиясамарадор қурилиш материали ишлаб чиқариш мумкинлиги муаммонинг ечими бўлиши мумкин.

Бундай амалиёт дунёнинг бир қанча ривожланган давлатларида кенг қўлланилмоқда. Ҳусусан Англия, Хиндистон, Россия ва шу каби давлатларда кўмир кулини тоифаларга бўлинган ҳолда турли маркалардаги энергиятежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқилмоқда.



3-расм. Кўмир кули асосида олинадиган энергия тежамкор қурилиш материаллари ва уларнинг қўлланилиш соҳалари

Бунинг натижасида атроф муҳит ифлосланишининг олди олиниши ва таркибида кўмир кули бўлган энергия тежамкор қурилиш материалларини

қўллашни амалиётга тадбиқ этган ҳолда биноларни иситишга кетадиган энергия сарфини тежаш мумкин.

Шу сабабли саноат чиқиндиси ҳисобланмиш кўмир кули, цемент, қум ва техник кўпикдан фойдаланиб энергия тежамкор қурилиш материали ишлаб чиқарилса юқоридаги харажатлар ва ресурслар сарфини камайтиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Daryo.uz internet nashri.
2. Kun.uz internet nashri.
3. ҚМҚ 2.01.04-97* «Қурилиш иссиқлик техникаси». ЎзР қурилиш вазирлиги. Тошкент, 2011йил.

УЎК 625.711.813

Туризмни ривожлантиришда автомобиль йўли ва йўл бўйи инфратузилмаси объектларининг аҳамияти

т.ф.д.проф. Содиқов Иброҳим Солихович, асс. Турсунбоев Фаррух Абдусалим ўғли, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти

Анотатсия: Мақолада Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда атомобиль йўлларининг ахмияти, йўл ва йўл бўйи инфратузилмаси обектларини яратиш, диққатга сазовор жойлар ва маданий обектлар бўйлаб қулай транспорт марирутлари тармогини яратиш, мамлакатимизда туристик йўлларни ташиқил қилиш масалалари ўрганиб чиқилган ва таклифлар келтирилган.

Анотатсия: В статье рассматривается важность автомобильных дорог в развитии туризма в Узбекистане, создание объектов дорожной и дорожной инфраструктуры, создание сети удобных транспортных маршрутов по достопримечательностям и культурным объектам, организация туристических дорог в стране и предложения даны.

Annotation: The article examines the importance of roads in the development of tourism in Uzbekistan, the creation of road and road infrastructure facilities, the creation of a network of convenient transport routes along the sights and cultural facilities, the organization of tourist roads in the country and suggestions are given.

Калим сўзлар: Туризм, автомобиль йўли, йўл бўйи инфратузилмаси, қисқа дам олиш жойлари, мотел, кемпинг, йоқилги қуйиш шахобчаси.

Ключевые слова: Туризм, автомобильных дорог, придорожная инфраструктура, зоны короткого отдыха, мотель, кемпинг, автозаправка.

Key words: Tourism, roads, roadside infrastructure, short rest areas, motel, camping, gas station.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни янада чуқурлаштириш жараёнида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни, мавжуд муаммо ва камчиликларни атрофлича ўрганиш таҳлил этиш ва мавжуд

муаммоларни бартараф этиш ҳамда иақтисодиётни ривожлантириш усулларни илгор ва хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали янада такомиллаштириш масалалари бугунги кундаги асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда замонавий ва жахон сифат андозаларига жавоб берадиган халқаро сайёҳлик инфра тузулмасини ривожлантириш бўйича бир қанча давлат дастурлари Президент қарорлари қабул қилинмоқда жумладан президентимизнинг „ **Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида**”ги фармонида 2019 – 2025 – йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлан-тириш Консепсиясини амалга ошириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда ва жойларда амалий натижаларини бериб келмоқда. Ушбу фармонга мувофиқ қуйдагиларни алоҳида этиборга олишимиз лозим [1].

– Сайёҳлар орасида машҳур бўлган обектлар, сайёҳлик маршрутларида ва ҳар бир ҳудуднинг марказий қисмларида туристик инфокиоскларни ташкил этиш;

– Туристлик намоиш обектларини боғловчи автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш ;

– Йўл ва йўл бўйи инфратузилмаси обектларини яратиш, шу жумладан ҳар 50 км масофага ҳисоблаганда санитария-гигиена шохобчалари, кемпинглар, мотеллар ва бошқаларни ташкил қилиш ;

– Транспорт логистикасини такомиллаштириш, шу жумладан диққатга сазовор жойлар ва маданий обектлар бўйлаб қулай транспорт маршрутлари тармоғини яратиш;

– Замонавий кўп қаватли автотураргоҳлар қуриш ;

Мамлакатимиз зиёрат туризими бўйича салоҳияти жуда юқори бунга мисол тариқасида аждоқларимиздан қолган маданий тарихий меросга эга тарихий ёдгорликлар Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз каби шаҳарларда улуғ аждоқларимизнинг юксак истеъдоди билан бунёд этилган обидалар ўзининг ҳақиқий қадр – қимматини топганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу ҳудудларга ташриф буюрувчилар сони эса йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Дам олиш жойларига борувчиларга, тарихий обидаларга ва зиёрат мақсадида ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш ҳамда вақтини мазмунли ўтказишни таминлашда замонавий автомобиль йўллари ҳам алоҳда аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ҳудудида сайёҳлик йўналиши бўйича манзилга элтувчи автомобиль йўллари йўналишлари мавжуд яъни “Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива – Нукус”, “Тошкент – Гулистон – Жиззах – Самарқанд – Қарши – Термиз”, “Қўқон – Фарғона – Андижон – Наманган”.

Ривожланган мамлакатларда жумладан Америка Қўшма Штатларидаги сайёҳлик йўллари ўзига хос дам олиш масканларига эга. Йўлнинг эстетик қиймати табиат билан уйғун ҳолда қандай мос келиши ва макон идрокини яратиши билан боғлиқ бу эса сайёҳларга янада юқори кайфят бахш этади. Сайёҳлик йўлларида одатда юк ташиш тақиқланади ва у эрда сайёҳга хизмат кўрсатиш учун турли хил имкониятлар мавжуд. Йўл ва унинг атрофидаги бўш

жой, бир вақтнинг ўзида сайёҳларга дам олиш объекти ва уларга хизмат кўрсатадиган корхоналар жойлашган жой бўлиб хизмат қилади [2].

Йўл кўплаб тадбиркорларга давлат ёрдамисиз кўплаб сайёҳлик саноат корхоналарини: лагерлар, мотеллар, меҳмонхоналар, ресторанлар, кафелар, атрофи салқин ҳовузлар, сайр қилиш жойлари, ёқилғи қуйиш шохобчалари, кичик музейлар, ёдгорлик дўконларини яратишга бўйич бизнес қилиш имконини беради [2].

Татқиқотлардан шуни кўришимиз мумкинки фақат ўрта ва узоқ муддатли туристик саёҳатлар учун саёҳатларнинг мақсади, саёҳатларнинг жозибадорлиги саёҳат вақтининг узоқ давом этиши билан характерланади. Бошқача қилиб айтганда, саёҳат 2-4 кун давом этадиган вақтда кам сонли сайхатчиларнинг кўпчилиги ҳафта охирида атиги 15-30 дақиқалик масофадаги ҳудудда дам олишга тайёр бўлишади. Дам олиш кунларини саёҳат қилишнинг энг юқори эҳтимоли автомобилларда 45-90 дақиқани ташкил қилиши тахмин қилинган. 90 дақиқадан кўпроқ ҳайдашни талаб қиладиган жойлар учун дам олиш кунлари манзилни танлаш эҳтимоли камайд. Йўлларда ҳаракатланиш вақти уч соат давом этганда, эҳтимоллик 30% ни ташкил қилади, 5 соатлик ҳолатда эса деярли нолга тенг. Дам олиш кунларини тоғларда ёки соҳилда ўтказишни истайдиган одам машинада 5 соат юришга қарор қилади лекин бу сайёҳларнинг жуда кам қисмини ташкил қилади[3].

Транспорт инфратузилмаси туризмга асосланган иқтисодий муваффақиятларга ёрдам беради. Аксарият сайёҳлар сайёҳатга борадиган ҳудудга тез ва арзон (қулай тарзда, масалан, автомобиль ёки жамоат транспортидан фойдаланиш) етиб боришни исташади қолаверса саёҳат ҳудудида барча имкониятлар етари бўлмоғи лозим. Мамлакатимиз аҳолиси ва Ўзбекистонга келган сайёҳлар томонидан фойдаланиладиган асосий транспорт воситаларидан бири бу автомобиллардир.

Йўлларда ҳайдовчи ва йўловчилар қисқа дам олиш жойларини режалаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида аҳамият бериш орқали қисқа дам олиш жойлари табиий булоқлар олдида, ҳудуднинг жозибали эстетик завқ берадиган минтақаларида жойлаштириш тавсия этилади [5].

Юртимизда сайёҳлар оқими асосан тарихий обидалар мавжуд бўлган ҳудудларда ҳамда мавсумий дам олиш (тоғли ва табиат манзараси чиройли бўлган) минтақасида тўпланишади. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси маълумотларига асосан 2018 – йилда Ўзбекистонга турли хил мақсадларда ташриф буюрувчилар сони 5346219 ташкил этган бўлса 2019 – йилда бу кўрсаткич 6748500 га ташкил этган. Автомобиль йўллари бўйича саёҳатни амалга ошириш истагида бўлган сайёҳларни ўз манзилига хавфсиз етказиш, саёҳат йўналишларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиздаги мавжуд автомобиль йўлларида самарали фойдаланиш имконини яратиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳам туристик йўлларни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича олдмизга бир қанча вазифаларни белгилаб олишимиз зарур, жумладан:

- мавжуд туристик йўлларнинг ҳолатини ўрганиш ва унинг сифатини ошириш;
- мавсумий туристик автомобиль йўлларни ташкил этиш ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш;
- туристик йўналишдаги автомобиль йўлларнинг кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт конструкциялаш;
- туристик йўналишдаги автомобиль йўлларнинг бўйида сайёҳлар учун зарур инфратузилмани шакллантириш;
- йўл бўйидаги хизмат кўрсатиш объектларининг реклама фаолиятини такомиллаштириш;
- диққатга сазовор жойлар ва маданий объектлар бўйлаб қулай транспорт маршрутлари тармоғини яратиш;

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5611 сонли „ Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармони 05.01.2019 й.
2. Карташевская Инесса Филипповна „ Туристские дороги как составляющая часть инфраструктуры” Международный научный журнал «Научные вести» № 3(8) | 2019 ИССН 2619-1245.
3. Marek Więckowski, Daniel Michniak, Maria Bednarek-Szczepańska, Przemysław Śleszyński, Dariusz Świątek, Rafał Wiśniewski „ Road accessibility to tourist destinations of the polish-slovak borderland: 2010-2030 prediction and planning” Geographia Polonica 2014, 87, 1, pp. 5-26.
4. И.С.Содиқов, Ф.А.Турсунбоев „Тоғли ҳудудларда атроф-муҳит ландшафтига мос равишда автомобиль йўллари кўкаламзорлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ” ISSN 2181-7421, ТАЙИ хабарномаси 1/2019. Илмий техник журнал 26 бет.


Бино маълумотларини моделлаштириш технологиялари

Фозилова З.Қ. Хамроқулов О. СамДАҚИ



Жамият тараққиётининг замонавий босқичида маълумот воситаларининг таркиби ва белги моделларини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Архитекторларни тайёрлаш жараёнида чизмаларни кўпгина қисмини компьютерда бажарилиши талабаларнинг график тайёргарлигига катта талаблар қўяди. Эндиги вазифа олий ўқув юртларида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган таълимнинг асосий мазмуни, унда таълимнинг илғор технологиялари, интерфаол усуллари тушунтирилиши-ўқув материалларини ўзлаштириш сифатини оширади, талаба ёшлар, бўлажак архитекторларни ишлаб чиқаришдаги ижодий меҳнат фаолиятига, рақобатбардош бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилишга тайёрлайди.

Бино маълумотларини моделлаштириш - бу қурилиш ва бинолар ҳақидаги маълумотларни моделлаштиришдир. Гарчи бу атама яқинда жуда кенг тарқалган бўлсада, кўпчилик инсонлар бу атамани яхши тушунишмайди, чунки

бу ҳақида ҳар хил маълумотлар келтирилган. Баъзилар бу моделлаштириш дизайнга ёрдам берадиган дастур концепцияси деб ҳисоблашади, баъзилар қурилиш моделлари деб ўйлашади. Қурилиш маълумотларининг сақлайдиган базаси. БММ бу иштирокчилар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқот орқали энг муҳим рол ўйнайдиган жараёндир. Ушбу жараён бино ва иншоотларнинг лойиҳалаш ва қурилишни ўз ичига олади. Бунда бажарилган ҳар бир жараён ахборот кутубхонасига киритилади.



Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги замонавий лойиҳалаш ташкилотлари БММга ўтишга фаол ҳаракат қилмоқдалар ва ушбу технологиядан фойдаланишнинг афзалликларини аллақачон ҳис қилдилар. Ҳали ҳам БММга ўтмаганларнинг кўпчилиги архитектура ва қурилиш саноатида юз бераётган ўзгаришларнинг қайтариб бўлмаслигини англашди ва бугунги кунда улар ахборот моделлаштиришни амалга ошириш учун энг яхши усулни танламоқда. 2017 йил 2 майда БИМни Ўзбекистонда амалга ошириш учун муҳим қадам ташланди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг лойиҳалаш ва фойдаланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида (ПҚ-2946) қарори қабул қилинди. Қарорнинг асосий мақсади лойиҳалаш ва қидирув ташкилотларининг истиқболли ва иқтисодий самарадор инвестицион ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини ва ходимларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқилаётган лойиҳалар сифатини сезиларли даражада яхшилаш, шунингдек, уларнинг даражасини ва сифатини тубдан яхшилашдан иборат.



БММни давлат даражасида жорий этиш йўлидаги навбатдаги босқич 2018 йил 14-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қурилиш давлат

тартибини такомиллаштириш учун кўшимча чоралар тўғрисида (уп-5577) фармони қабул қилинди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш натижасида республикамиздаги олий таълим муассасаларида БММ технологияларини ўрганиш учун фанлар жорий этилди.

БММ технологиялари - бу тезкор уч ўлчовли визуализация билан лойиҳалаш жараёнини такомиллаштиришга, корпоратив лойиҳалаш ва рекламани ривожлантиришга, тақдимотларни яратишга ва рақобатдош дизайнга йўналтирилган асосий график дастурлар ва автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари билан назарий ва амалий танишиш; ҳақиқий тасвирларни олиш билан виртуал маконда меъморий иншоотларни моделлаштириш ва таҳрирлаш; компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда архитектуравий лойиҳалашнинг айрим турларини амалий равишда амалга ошириш; САПР ва компьютер графикаларига йўналтирилган доимий такомиллашиб бораётган компьютер технологиялари билан танишиш имконини берадиган дастурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Талапов Владимир. БММ технологияси. Биноларни ахборот моделлаштиришни амалга оширишнинг моҳияти ва хусусиятлари ДС-Пресс, 2015.410 б.

2. Пучков М.В., Бутенко А.А. Параметрик моделлаштириш шаҳарнинг меъморий ва фазовий муҳити.

3. Пенковский ГФ, Курилишда ахборот технологиялари ва компьютер ёрдамида дизайн асослари. СПбГАСУ. СПб., 2018.150 с.

4. Жулиа Аллен, Доминик Холзер. Интерфаол дизайнерлар учун БИМ: [Матн] // БИМ маълумотлари. - 2013. - № 1.- С.3-5.

5. "Информатика" электрон дарслиги А.Ахмедов, Н. Тайлаков. Тошкент 2002 йил.

6. "Електрон почта" ўқув қўлланмасининг электрон версияси.

УДК:635.9.

Ўзбекистонда гулчиликни ташкил қилишнинг анъанавий ва замонавий усулларини ўрганиш

*Бекназарова Махбуба СамДАҚИнинг “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги бўйича II босқич магистранти, тел: +998 97 244 90 60
Абекеева Азиза, ҚДУ “Архитектура” кафедраси катта ўқитувчиси,*

Аннотация. *Мазкур мақола гулчиликни ташкил қилишнинг анъанавий ва замонавий усулларини ўрганиш ва уларни ландшафт амалиётида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.*

Статья направлена на изучения традиционных и современных методов организации цветоводства и разработку предложений по их применения в ландшафтной практике.

The article is aimed at studying traditional and modern methods of organizing floriculture and developing proposals for their use in landscape practice.

Калит сўзлар. *Гулчилик, уни ташкил қилиш, гулчиликнинг анъанавий ва замонавий усуллари, уларни ландшафт амалиётида қўллаш.*

Цветоводство, его организация, традиционные и современные методы цветоводства, применение цветоводства в ландшафтной практике.

Floriculture, its organization, traditional and modern methods of floriculture, the use of floriculture in landscape practice.

Кириш ва тадқиқотнинг долзарблиги

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзи ва эстетик маданиятининг тинмай ошиб бориши билан рекреацион боғ-паркчилик ва гулчиликка, гулларга бўлган эҳтиёжлар ҳам кўпаймоқда ва натижада гулчилик санъатини умуминсоний эстетик ва экологик устувор йўналиш сифатида янада ривожлантириш талаб қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида Республикамизда унинг иссиқ-қуруқ иқлим шароитларига мос гулчиликни ривожлантиришнинг янги замонавий технологияларини ва илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот объекти ва усуллари

Республикамиздаги анъанавий ва замонавий гулчилик, уларни ташкиллаштириш услублари, ландшафт дизайни объектларидаги гулзорлар ва уларнинг шакллари. Тадқиқот услуги диалектик тушуниш йўли-кузатишдан амалиётга умумлаштириш орқали ўтишга асосланган.

Тадқиқот натижалари

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистоннинг иссиқ-қуруқ иқлими шароитида ўсадиган гулларнинг турлари ва классификацияси аниқланиб, гулчилик ва ландшафт дизайни объектларидаги гулзорларни ташкил қилишнинг анъанавий тарихий шаклланган усуллари ўрганилган, очиқ майдондаги гулзорлар композицияси ва уларни ташкил қилишнинг замонавий тамойиллари аниқланган.

Тадқиқотда шунингдек, гулчиликни ташкил қилишнинг хорижий тажрибалари ўрганилиб ва аниқланиб, гулчилик ва гулзорларни ландшафт амалиётида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Гулзорлар ва уларни композициявий турлари илмий аниқланган ва жадвал кўринишида ишлаб чиқилган.

Гулзорларнинг ҳар бир тури бўйича уларга хос хусусиятлар батафсил очиқ берилган. Ўзбекистонда гулчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот муҳокамаси ва хулосаси

Мазкур тадқиқот “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги бўйича магистрлик диссертацияси тарзида тайёрланиб, унинг айрим қисмлари СамДАҚИ “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида муҳокама қилинган. Мазкур мақола мавзуси бўйича қилинган хулосалар ва таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

-хукуматимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 830-сон Қарорини оғишмай амалга ошириш;

-гул етиштиришнинг илмий асосланган усулларини ва ресурсларини тежовчи технологияларни жорий этиш;

-ҳар бир вилоят ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мос манзарали ва бута гул ниҳолларини лаборатория шароитларида етиштиришни ташкил этиш;

-инновацион технологияларни гул етиштириш жараёнига жорий қилиш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

-гул кўчатларини парвариш қилишга жалб этиладиган мутахассисларнинг махсус тайёрлов курсларида малакасининг оширилишини ташкил этиш;

-бунинг учун вилоятларда гулчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, фермер хўжаликларига маҳаллий ва хорижий гул навларини парваришлаш мақсадида плантация ва иссиқхоналар ташкил этиш учун ер майдонларини имтиёзли ажратиш;

-гулчиликнинг қурғоқчиликка чидамли ва вируссиз навларини ўзлаштириш, гулчилик соҳасида илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш ва ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;

-республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам гулчиликни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий гул навларини парваришлаш, замонавий ландшафт ва дизайн асосидаги гулзорлар ташкил этиш, гулчилик санъати сир-асрорларини ўрганиш, илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш, гулчилик бизнесини ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, республика ва чет эллик инвесторларни республика гулчилик бозорига жалб этиш чораларини кўриш;

-Республика шаҳарларида гуллар байрами ва фестивалларини, гул сайлларини мунтазам ўтказиб туриш ва гулчилик фирмаларини рағбатлантириш;

-чет эллик, жумладан Нидерландия, Голландия, Франциялик гулшунослар ва гулчилик мутахассисларини республикага таклиф қилиш ва тажриба алмашиш;

Гулчилик ва майсазорлар барпо этиш бўйича услубий кўрсатмалар, монографиялар, тавсияномалар тайёрлаш ва уларни нашр эттириш.

Гулчилик бизнеси энг яхши бизнеслардан биридир. Масалан, Наманган ва Тошкентдан ташқари Фарғона ва Самарқандда ҳам ана шундай бизнес билан шуғулланувчи катта бизнес маркази ташкил этилган бўлиб, унда турли-туман гулларнинг тухумлари ва кўчатлари бутун республика бўйлаб етиштириб берилади. Бугунги кунда республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам гулчилик фармерлари ишлаб турибди.

Замонавий гулзорлар ўзларининг ландшафт композициявий яратилиши, жойлашиши ва қўлланилишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: солитерлар, партерлар, клумбалар, рабаткалар, бордюрлар, тошлоқ гулзорлар, миксбордерлар, гуруҳлар ва массив гулзорлар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, гулзорларни барпо этишда уларнинг атрофидаги газон (майсазор)ларни ҳам ўша гулзорларга яшил фон сифатида яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, гулзорларни яратишни майсазорларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боисдан республикада гулчилик ва гулзорларни барпо этиш ишлари ҳудудларни майсазорлаштириш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16-октябрдаги 830-сонли “Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. -Тошкент, 2017.
2. Бўриев Ҳ., Абдурахмонов Л., Жононбекова А. Гулчилик. -Тошкент, 1999.
3. Холова Ш.А., Сафаров К.С. Гулчилик ва газон барпо этиш. -Тошкент, 2019.

УДК:635.9.

Ўзбекистонда ландшафт амалиётида гулчиликни қўллаш ва гулзорларни шакллантириш бўйича таклифлар
Акбар Синдорович Уралов-катта ўқитувчи.; Махбуба Бекназарова СамДАҚИнинг “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги бўйича II босқич магистранти, тел: +998 97 244 90 60

Аннотация. *Мазкур мақола Ўзбекистонда гулчилик санъатини ривожлантириш, уни замон талабларига кўтариш, ландшафт дизайнида қўллаш ва гулзорларни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.*

Статья направлена на разветия искусства цветоводства в Узбекистане, повышения его на современные уровень, разработку предложений по применениях в ландшафтном дизайне и формирования цветников.

The article is aimed at developing the art of floriculture in Uzbekistan, raising it to a modern level, developing proposals for their use in landscape design and forming flower beds.

Калит сўзлар. *Ўзбекистон, гулчилик, гулчилик санъати, ландшафт дизайни, гулзорлар ва уларнинг турлари, гулзорларни шакллантириш.*

Узбекистан, цветоводство, искусство цветоводства, ландшафтние дизайн, цветники и их разновидности, формирования цветников.

Узбекистан, цветоводство, искусство цветоводства, ландшафтние дизайн, цветники и их разновидности, формирования цветников.

Uzbekistan, floriculture, the art of floriculture, landscape design, flower beds and their varieties, the formation of flower beds.

Кириш ва тадқиқотнинг долзарблиги

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзи ва эстетик маданиятининг тинмай ошиб бориши билан рекреацион боғ-паркчилик ва гулчиликка, гулларга бўлган эҳтиёжлар ҳам кўпаймоқда ва натижада гулчилик санъатини умуминсоний эстетик ва экологик устувор йўналиш сифатида янада ривожлантириш талаб қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида Республикамизда унинг иссиқ-қуруқ иқлим шароитларига мос гулчиликни ривожлантиришнинг янги замонавий технологияларини ва илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот объекти ва усуллари

Ўзбекистон гулчилик санъати ва амалиёти, гулчилик хўжаликлари, ландшафт дизайни гулзорлари, уларнинг турлари ва шакллари. Тадқиқот услуби диалектик тушуниш йўли-кузатишдан амалиётга умумлаштириш орқали ўтишга асосланган.

Тадқиқот натижалари

2019 йил 11-февралда Ўзбекистонда гулчиликни ривожлантириш ва кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг гулчилик ва боғдорчилик бозорига инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган 830-сонли "Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди[1].

Ушбу Қарорга биноан 2019 йил 24-26 май кунлари "Ўзкўргазмасавдо" кўргазма марказида "FLOWERS GARDEN EXPO UZBEKISTAN" гулчилик ва боғдорчилик халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Бу кўргазма Ўзбекистон ва хорижий компаниялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг гулчилик ва боғдорчилик бозорига инвестицияларни жалб қилиш ва тажриба алмашишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади, чунки бу кўргазма ўта бой ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: гуллар, ўсимликлар ва уруғлар; флористика ва дизайн; боғ безаклари; боғдорчилик ускуналари ва техникалари; боғ ва пейзаж дизайни; иссиқхоналар; барбекю ва аксессуарлар; боғларнинг намуналари; боғ асбоблари ва жиҳозлари; декоратив буюмлар ва аксессуарлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон гулчилик амалиётида бир йиллик гуллар етакчи ўринни эгалламоқда. Уларнинг энг қимматбаҳо хусусиятларидан бири-гулларининг серяпроқлигидир. Ва яна улар хилма-хиллиги, ранг-баранглиги, гуллаш даври давомийлиги бўйича ҳам бошқа гуллардан кескин фарқ қилади. Бир йиллик гуллар клумбалар, рабаткалар, гурухлар ва гулзорларнинг бошқа композицияларини яратишда кенг қўлланилади. Бундай гулларга агератум, долгосветка, алессум, коменник, шероғзи, кўқонгул, гулижавҳар(бархатец), тагитес, шаббо чиннигули, лобелия, резиди, сальвия, шалфий, альнантера, ахерантес ва бошқалар киради.

Кенг тарқалган икки йиллик гул ўсимликларига қўйидагилар киради: виёлла, анютаннинг кузлари, гренадин чинни гули, турк чинни гули, гулипопук, кунғироқ гул, компонулла, гулхайри, маргаретка, дегеталис, низабутка ва бошқалар.

Куп йиллик гул ўсимликларига пёнлар, лилиялар, флокслар, лолалар, ирислар, нарғиз, примула, бадан, арабис, боғ гулсапсари, вироника, гартензия, марварид гул, функия, аквелидия, куп йиллик кўқон гул, гайлардия, дельфиниум, рамашка, аспарагус, мойчечак ва бошқалар киради.

Тадқиқот муҳокамаси ва хулосаси

Мазкур тадқиқот "Ландшафтлар архитектураси" мутахассислиги бўйича магистрлик диссертацияси тарзида тайёрланиб, унинг айрим қисмлари СамДАҚИ "Архитектура тарихи ва назарияси" кафедрасида муҳокама қилинган.

Мазкур мақола мавзуси бўйича қилинган хулосалар ва таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

Бугунги кунда аҳолининг турмуш тарзининг яхшиланиши ва эстетик маданиятининг тинмай ошириб бориши муносабати билан дунё мамлакатларида аҳолининг рекреацион боғ-паркларга ва гулчиликка, гулларга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда ва бунинг натижасида гулчилик санъати дунё бўйича эстетик ва экологик устивор йўналиш сифатида фаол ривожланмоқда. Бироқ, аҳолининг гулларга бўлган эҳтиёжини қондириш, боғ-паркларда гулзорларни шакллантириш, гулчилик санъатини тизимли тарзда самарали шакллантириш, гулчиликни даромадли соҳага айлантириш ва ривожлантириш, унинг амалий ва назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган сай-ҳаракатларни жадаллаштириш талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон ландшафт амалиётида гулчиликни қўллаш ва ривожлантириш бўйича қўйидагиларни таклиф қиламиз:

-хукуматимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 830-сон Қарорини оғишмай амалга ошириш;

-гул етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва ресурсларини тежовчи технологияларни жорий этиш; ҳар бир вилоят ҳудудларининг табиий-иклим шароитларига мос манзарали ва бута гул ниҳолларини лаборатория шароитларида етиштиришни ташкил этиш;

-инновацион технологияларни гул етиштириш жараёнига жорий қилиш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; гул кўчатларини парвариш қилишга жалб этиладиган мутахассисларнинг махсус тайёрлов курсларида малакасининг оширилишини ташкил этиш;

Фойдаланилган адабиётлар

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16-октябрдаги 830-сонли “Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. -Тошкент, 2017.

5. Бўриев Х., Абдурахмонов Л., Жононбекова А. Гулчилик. -Тошкент, 1999.

6. Холова Ш.А., Сафаров К.С. Гулчилик ва газон барпо этиш. -Тошкент, 2019.

УДК:725.73(575.1)

Қашқадарё вилоятидаги абдулбоқи хожаги имконагий хонақосининг архитектураси

*А.С.Уралов-арх.ф.д., проф.; И.Т.Маҳматқулов-эркин тадқиқотчи
(СамДАҚИ)*

***Аннотация:** Мақолада Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳри яқинида жойлашган, шу чоққача илму-фанда кам ўрганилган Хожаги Имконагий хонақоҳ мажмуасининг архитектуравий хусусиятлари аниқланиб очиб берилган.*

В статье раскрыты архитектурные особенности зданияХужагиИмканагий, которая расположено вблизи города Китаб Кашкадарьинской области.

The article describes the architectural features of the khanakHuzhagiImkanagiy building, which is located near the city of Kitab in Kashkadarya region.

Калит сўзлар: *Архитектура, хонақоҳ, Хужаги Имконагий, меъморий обида, тарҳий ва функционал ечимлари, хоналарнинг жойлашиши, бино конструкциялари.*

Архитектура, ханака, Хужаги Имконагий, архитектурный памятник, планировочно-функциональные решения, расположение помещений, конструкции объекта.

Architecture, khanaka, Hojagi of Imanage, an architectural monument of the planning-funksionalnye solutions, raspologenie areas of the design object.

Кириш ва тадқиқотнинг долзарблиги.

Мазкур объект ҳақидаги маълумотлар ўта қисқа тарзда Г.А.Пугаченкова, Ю.Л.Маньковскаяларнинг илмий ишларида ва ўзбек миллий энциклопедиясида учрайди. Хонақоҳ архитектураси шу чокқача чуқур ўрганилмаган бўлиб, обида ҳатто давлат муҳофазасига ҳам олинмаган. Ҳозирда обида деворларида айрим мўжаз ёриқлар пайдо бўлган. Шунга қарамасдан маҳаллий халқ ушбу хонақоҳ мажмуасини бир неча бор таъмирлаб, атроф-муҳитини ободонлаштириб, обидадан зиёратгоҳ сифатида фойдаланиб келмоқда. Биз мазкур хонақоҳни илмий ўрганиш мақсадида унга махсус ташриф буюрдик.

Тадқиқот объекти ва усуллари.

Бизнинг мақсадимиз ушбу обидани халқимизнинг моддий мероси объекти сифатида ўрганиш ва унинг архитектурасига илмий баҳо беришдир. Бунинг учун биз адабиётлардаги ушбу объектга доир маълумотларни йиғиш, ўрганиш, объектга илмий экспедициялар уюштириш, суҳбат, сўров, маълумотларни таққослаш ва умумлаштириш каби илмий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот баёни ва натижалари


Буюк ватандошимиз Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Имконагийнинг хонақоҳ зиёратгоҳи Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳридан 12 км шарқда Хўжаимкана (Имконогий) қишлоғида жойлашган. Хожа Имконагий милодий 1512 йилда туғилиб, 1600 йилда вафот этган ва хонақоҳ ёнига дафн этилган [1]. У киши Хўжагон Нақшбандия тариқатининг Сар ҳалқасидаги 22-пир ҳисобланиб, “Пир Карам” номи билан сифатланган. Тарихий хужжатларва эл орасида Мавлоно Абдулбоқи, Хожайи Калон деб ҳам айтилган. У кишининг асл отлари Абдулбоқи бўлиб, Имконагий эса тахаллусидир¹.

Хожаги Имконагий Нақшбандия йўналишидаги тасаввуфнинг азим пирларидан бири, фикҳ, ҳадисшунослик илмининг буюк алломаси бўлганлар. “Интиҳоб аз китоб”, “Ан-Насама”, “Тарихи томм”, “Мажмуа ар рисолати Боқибиллоҳ”, “Мақомати имом Раббоний”, “Насимотил қуддус минхадоидил инс”, “Зубдатил мақомат”, “Тухфатул ансоб”, “Баҳрул ансоб”, “Абдуллонома”, “Авлиёлар” энциклопедияси (12 жилд Туркия) ва бошқа бир қанча манбаларда зикр этилишича, Хожаги Имконагий қора мағиз, юзи нурли, сийрак соқолли, денгиздек файзли, тўла киши бўлганлар. Оталари Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий ҳазратларининг бош халифаси бўлиб, обидва зоҳид кароматлари кўп бўлган. Зоҳирий ва ботиний илмлардан таълимни Самарқанд ва Бухорода олганлар. Тасаввуфий таълимоти ва тарбиясини отаси Дарвеш Муҳаммад ҳазратларидан ўрганганлар. Оталари Хўжагон Нақшбандия тариқати йўлидаги

¹Экспедиция даврида олинган маълумотларга кўра ёзилди.

21-пир ҳисобланиб, “Хўжагон Нақбандиянинг Сар дафтари” номи билан машҳур бўлган². Хожаги Имконагий эса Нақшбандия таълимоти машойхларидан бўлиб, пайғамбаримизнинг набиралари Имом Хусайдан кейинги 33 авлодидир. У киши подшоҳларни ҳам тўғри йўлга солиб турганлар. Бухорода Шайбонийлар сулоласи тугагач, ўрнига Аштархонийлар сулоласининг келишига асосий фатвони шу киши берганлар. Хожаги Имконагий шарият қоидаларига қаттиқ риоя қилишда беназир, иши ва ҳаёти жуда тартибли, бироз дарвеш табиат бўлганлар. Ўзларидан кейин фарзандлари Хўжа Абдул Қосим (ёки Муҳаммад Қосим) ва шу билан бирга Муҳаммад Собир, Хўжа Аҳмад, Муҳаммад Сайид, Хўжа Абдулазиз, Хўжа Хайриддин Румий, Мавлоно Сўфий Кашмирий каби халифаларга иршод бериб, шайхлик қилишга рухсат берганлар³.

Хожа Имконагийнинг инсонни камол топишида ва уни тўғри йўлга бошқаришда катта хизматлари бор. У киши “олимлар олими-ориф бўлганлар. Орифлар орифи-илмда кон, маърифат оламида уммон, тилаги ҳақ, тили Қуръондан келган”, деб айтилади. Ҳақиқат йўлида тўғри бўлганлиги учун Бухоро амирлигидаги баъзи қозилар шу кишининг яшаган жойларида (Хўжаимкана) мадрасасида таълим олган шогирдларидан танлаб олинган.



1-расм. 1-хонақоҳ; 2-дахма; 3-масжид, 4-мадраса.



2-расм.

бузилган, бизгача юқори гуруҳдаги хонақоҳ ва 2 та катта ва кичик даҳмалар сақланган(2-расм).


Қашқадарё вилоятидаги бу меъморий ёдгорлик мажмуаси XVI-XVII асрда шайх Хўжа Абдубоқий “Имконагий”нинг ўғли Хўжа Абдулқосим томонидан қурилган. Дастлаб, бу мажмуа икки гуруҳ иншоотлардан: биринчиси - қишлоқ қабристонни тепалигида жойлашган юқори хонақоҳ ва 2 даҳма; иккинчиси-тепалик ён бағриданпастда ўзаро туташган 2 ҳовли атрофида жойлашган масжид, мадраса ва карвон-сарой иншоотлари гуруҳидан иборат бўлган(1-расм)[2]. Юқори ва қуйи гуруҳ иншоотлари ғиштдан қурилган асос устидаги зинапоялар орқали бирлашиб, ўзига хос яхлит меъморий мажмуани ташкил қилган. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар XX асрнинг 60-йилларида

²Зиёратгоҳ деворидаги панно ёзувларга биноан.


³Зиёратгоҳ имоми билан ўтказилган суҳбатга асосланиб ёзилди.



3-расм.



4-расм.



5-расм.



6-расм.

тўғри тўртбурчак бўлиб, ўлчамлари 24,0x20,2 метр(5-расм)[3], анъанавий гумбаз томли, бош ва ён тарзлари пештоқли ва равоқли қилиб қурилган. Хонақоҳга кириш уч томонлама бўлиб,асосий кириш қисмидаги пештоқ бошқаларидан анча баланд, китобали, кенг равоқли ва салобатли қуринишга эга(6-расм). Хонақоҳнинг ташқи ва ички кўринишлари меъморий безаклардан ҳоли бўлиб, асосий кириш қисмининг икки томонидаги гулдаста шаклидаги минораларлар ва улкан пештоқ бинонинг умумий кўринишида бирмунча улуғворликни таъминлаган(6-расм). Пештоқ равоғи деворининг юқорисидаги дарчаларга ганчкори услубда панжаралар ишланган.Хонақоҳ 2 қават баландлигида бўлиб, ўртадаги кенг ва баланд, тарҳи чоҳ(крест) шаклидаги гумбазли зал сўфийларнинг зикр маросими, жамоатхона ва масжид вазифасини

бажаришга мўлжалланган. Залнинг қибла тарафига меҳроб ўрнатилган. Залнинг тўрт бурчагидаги иккинчи қаватда хоналар жойлашган. Иккинчи қаватдаги хоналарга ташқаридан бино конструкцияси ичида жойлаштирилган зиналар орқали чиқилади. Ушбу зиёратгоҳнинг ҳозирги вақтда имоми бўлиб ишлаётган, аслида Имконагийнинг авлодларидан бўлган киши бизга 2-қават хоналарининг бири чиллахона бўлган, деб айтди. Тўғриси, бу гапга биз ишонқирамадик, чунки, одатда чиллахона хонақоҳларнинг ер тўла қисмида, пастда жойлашади.



7-расм.

Шуниси эътиборлики, бинонинг бош пештоқи шарққа ориентацияланган бўлиб, пештоқ хажмидаги улкан равоқнинг юқори қисмида, 2-қаватда хонақоҳнинг ўнг томонидан чап томонидаги хонага ўтиладиган узун раҳрав (галерея) жойлашган(7-расм). Унга ташқаридан кириладиган зинапоя орқали кўтарилади. Ана шу раҳравга чиққан одамга Шарқдан биринчи

бўлиб кўешнинг заррин нурлари етиб келади. Демак, залдаги суфийларга зикр маросимининг илк вақтини шу киши етказган. Бу фикр архитектура доктори, профессор Ш.Асқаров илгари сурган суфийларнинг хонақоҳда зикр маросимини ўтказиш вақтини аниқлашга қаратилган назарияга мос келади. Ш.Асқаров ўз назариясини бошқа бир нечта икки қаватли хонақоҳ биноларида исботлаган[4]. Демак, англашиладики, Хўжаги Имконагий хонақоси мисолида ҳам Ш.Асқаровнинг ушбу назарияси исботланди.



8-расм.

Мазкур хонақоҳ марказидаги жамоатхона зали анча катта бўлиб, унинг устини ёпишда Ўрта Осиёда Темурийлар давридан бошлаб қўлланилган “зарба линга” конструкцияси, яъни зал деворлари устининг саккиз жойидан кўтарилган 4 та ўзаро кесишувчи равоқлар устига қурилган гумбаз конструкцияси ишлатилган. Шу йўл билан катта зал усти нисбатан кичик, енгил

чорсу гумбази билан ёпилган. Хонақоҳ зали ичидаги меҳроб ўзининг серҳашам



безатилган мураккаб ироқи муқарнас ҳамда часпак усулидаги намоёнлари билан диққатни тортади. Хонақоҳда чилла маросимини ўтказишга мўлжалланган хоналар бинонинг устки қисмида жойлашган. Уларга чиқиш бинонинг ташқи томонидан махсус зиналар

ёрдамида амалга оширилган.

Вилоят ҳокимлиги томони-дан ҳозирги кунгача тарихий ёд-горликда бир қанча таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган(8-расм). Жумладан, ёдгорлик ҳовли қисмида ҳудудни ёритиш мосламалари, зиёратчилар учун ўриндиқлар ва тоат ибодат маросимлари учун махсус хоналар ташкил қилинган. Авлиё ва шайхлар қабрларини ташқи муҳитдан ҳимоялаш мақсадида



9-расм.

уларнинг устки қисми енгил темир конструкциялар билан ёпилган(9-расм). Хонақоҳ табиий офатлар натижасида бир қанча талофат кўрган, оқибатда айрим конструктив қисмларига шикаст етган. Натижада мутасаддилар томонидан имконият даражасида бинонинг орқа томони девори тиргак деворлар билан ҳимоялаган. Катта ва кичик даҳмалар устидаги оқ мармар қабртошларининг ён томонлари кулранг мармар билан қопланган. Улар юзаси ҳандасавий тўртбурчак мураббашакларга бўлиниб, ўйма нақшлар билан нафис беа-тилган.

Тадқиқот муҳокамаси ва хулосалари.

Хужаги Имконагий каби аجدодларимизнинг ҳаётларини ибрат учун ўрганиш, яшаган манзилларини обод қилиш, мазкур хонақоҳни келажак авлодларга бус-бутунлигича етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Зиёратгоҳга келётган сайёҳларга нафақат Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Имконагийнинг ўтмишда қандай арбоб бўлганлигини ва унинг халққа қилган хизматларининг ижтимоий тарбиявий аҳамиятини, балки мазкур обиданинг меъморий функциявий ва конструктив хусусиятларини ҳам тушунтириш ва шу йўл билан уни кенг жамоатчиликка оммалаштириш зарурдир. Мазкур обидани республикамиздаги зиёрат туризмини ривожлантириш давлат дастурига киритмоқ, уни давлат муҳофазасига олмоқ, ҳар томонлама: тарихий, мафкуравий, диний, меъморий жиҳатлардан янада чуқур ўрганмоқ навбатдаги долзарб масалалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.9. -Т., 2005. -527 бет.
2. Пугаченкова Г.А. Памятники искусства Советского Союза. Средняя Азия.- М., 1983.
3. Маньковская Л.Ю. Формообразование и типология зодчества Средней Азии. IX-началоXX века. – Т., 2014.
4. Асқаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. –Т.,2017.

Самарадор елимланган ёғоч конструкцияларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг истиқболлари

Т. Махматқулов – т.ф.н., проф. в.б., Д. Тагаев – магистр, М. Эшқобилов - талаба

Аннотация. Мақолада Республикамизда елимланган ёғоч конструкциялар ишлаб чиқариш истиқболлари ва ишлаб чиқарилган конструкциялардан

фойдаланишининг самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар бўйича маълумотлар баён қилинган. Шу билан бирга елимланган ёғоч конструкцияларни тайёрлаш бўйича хорижий тажрибалар умумлаштирилган.

Калит сўзлар. *Ёғоч конструкциялар, елимланган конструкциялар, иқтисодий самарадорлик, агрессив таъсирларга чидамлик, материаллар сарфини камайтириш, технологик жараён, маҳаллий ёғоч материаллардан унумли фойдаланиш*

Охирги йилларда қурилиш конструкцияларининг ажралмас қисми бўлган ёғоч конструкциялардан фойдаланиш, унинг янги турларини лойиҳалаш ва тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёғоч конструкциялардан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири, елимланган конструкциялардан фойдаланишдир. Хорижий мамлакатларда бу турдаги конструкциялардан фойдаланиш 1950 йилдан бошланган бўлса, ҳамдустлик мамлакатларида эса 1971 йиллардан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Елимланган ёғоч конструкциялардан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ масалалар, бу турдаги конструкциялар тадқиқоти билан боғлиқ муаммолар олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шундай экан, Ўзбекистон шароитида масаланинг ўрганилиши жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бино ва иншоотларда қурилиш конструкцияларининг у ёки бу туридан фойдаланиш бир қатор иқтисодий масалалар, уларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш билан боғлиқ. Бу борада елимланган ёғоч конструкциялар бошқа ёғоч конструкцияларга қараганда ўзининг қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туриши қатор илмий тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Шу жумладан:

-темир-бетон ва бошқа конструкциялардан фойдаланиш даражаси иқтисодий жиҳатдан паст бўлган ҳудудларда фойдаланиш мумкинлиги;

-транспорт харажатлари юқори бўлган ва бориш қийин бўлган ҳудудларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

-агрессив таъсирлар юқори бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ бино ва иншоотларда фойдаланишнинг самарадорлиги;

-меъморий ва бадий талаблар юқори бўлган биноларда кенг фойдаланиш имконияти;

Бу омилларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ва тегишли меъёрий кўрсатмалар расмийлаштирилган[1].

Бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик бинолари, омборхоналар ва тез барпо қилиниши лозим бўлган биноларда равоқ оралиғи 6 метр бўлган яхлит ёғоч конструкциялардан, айниқса, қишлоқ қурилишида ёғоч стропил элементлардан том конструкцияларида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Шу билан бирга, иситилмайдиган биноларда бир ва икки қатламли тахта тушамалардан ва сарровлардан иборат том элементларини қўллаш бир қатор афзалликларга эга эканлиги маълум. Масалан, бундай конструктив ечимлардан

фойдаланиш ёпманинг таннархини 5,4 - 7,3 сўм / м² га ва материаллар сарфини 2 баробарга камайтириш имконини бериши тасдиқланган[1].

Шуни эътироф этиш лозимки, юқорида қайд этилган ижобий кўрсаткичлар катта равоқли ёғоч синчли иморатлар учун самарадор ечим ҳисобланмайди.

Шу сабабли, бугунги кунда самарадор ҳисобланган елимланган конструкциялардан фойдаланиш орқали бирданига бир неча долзарб масалаларни ечиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бундай конструкциялардан бири елимланган ёғоч конструкциялар ҳисобланади. Замоनावий енгил елимланган ёғоч конструкциялардан фойдаланишнинг истиқболлари қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан баҳоланади.

–катта равоқли иморат ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш имкониятини пайдо бўлиши;

–тайёрланаётган конструкция кесим юзасида турли тоифа ва сифатдаги ёғоч материаллардан фойдаланиш имконияти;

–тугунларнинг ва бириктирувчи элементларнинг камлиги;

–конструкциялар ва деталларнинг замоनावий асбоб ва ускуналардан фойдаланган ҳолда тайёрланиши натижасида меҳнат ҳаражатлари ва конструкциялар таннархини камайтириш мумкинлиги;

–ишлаб чиқариш жараёнларини индустриялаштирилиши;

– завод шароитида катта ҳажмда конструкциялар ишлаб чиқариш имконияти ва бошқалар.

Елимланган ёғоч конструкциялардан фойдаланишнинг самарадорлигини тасдиқловчи бир қатор бино ва иншоотларнинг қурилганлиги фикримизнинг далилидир.

Бугунги кунда дунё амалиётида елимланган конструкциялардан фойдаланилган равоқ оралиғи 100 метр бўлган Туре шаҳридаги кўрғазмалар павильони (Франция), равоғи 158 метр бўлган Флагстаффе шаҳридаги ёпиқ стадион (АҚШ), Норвегиянинг Бруменндал минтақасидаги Меъёс кўлида бўйида қурилган баландлиги 85.4 метр бўлган дунёдаги энг баланд ёғоч синчли бинолар фикримизнинг далилидир[3].

Елимланган ёғоч конструкциялар ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараён бўлиб унда замоनावий асбоб ва ускуналар билан бир каторда малакали мутахассислар ва ишчиларга катта эҳтиёж сезилади.

Республикамизда бу турдаги конструкцияларни ишлаб чиқариш кичик қувватга эга бўлган ёғочни қайта ишлаш заводларида амалга оширилмоқда. Маълумки, ҳар қандай тайёрланаётган ёғоч конструкцияларнинг, шу жумладан елимланган ёғоч конструкцияларнинг тайёрлаш, юқори сифатли материаллардан фойдаланишни ва уларни замоनावий асбоб ва ускуналар ёрдамида қайта ишлаш билан боғлиқ.

Елимланган конструкциялар тайёрлашдаги мураккаб жараёнлардан бири материалларни белгиланган намлик даражасигача қуритиш ҳисобланади.

Бунда жараён икки босқичда амалга оширилади, ташқи ҳавода маълум намлик ҳолатигача ушлаб туриш ва махсус камераларда талаб қилинган

8-12% якуний намлик ҳолатига етказилади. Маълумки, тахта материалларнинг кесим юзасида намликнинг нотўғри тақсимланиши уларнинг бўйлама, кундаланг ва уринма йуналишларда тоб ташлашига сабаб бўлади.

Қурилган тахталарга ишлов бериш ва елимлашга тайёрлашда асосий эътибор тахта материалларнинг турига, конструкцияларнинг ўлчамига қаратилади. Бунда ёғоч конструкцияларни эксплуатация шароитини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Жавобгарлик талаб қиладиган технологик жараёнлардан бири эса тайёр материалларни елимлаш ҳисобланади.

Елимларни турини, тўғри ва эгри чизиқли конструкциялар тайёрлаш учун мос келадиган босимни тўғри аниқлаш тайёрланган конструкцияларнинг мустаҳкамлиги таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Елимланган конструкцияларни жорий этиш орқали бир қатор янги конструктив ечимлар, ёғоч рамаларнинг йиғиладиган турларини ишлаб чиқиш, янги ва самарадор бириктириш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда елимланган конструкциялар тайёрлашда маҳаллий ёғоч материаллардан, мавжуд кичик ишлаб чиқариш имкониятларидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Чунки, четдан келтирилган хорижий материаллар асосида ёғоч конструкцияларнинг тайёрлаш ва фойдаланиш иморат ва иншоотларнинг таннаҳини бир неча баробар оширади [1, 2].

Демак, бугунги кунда самарадор елимланган конструкцияларни Республикамиз миқёсида ишлаб чиқариш ва фойдаланиш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар

1. В.С.Сарычев, В.А.Колугин. Эффективность производства клееных деревянных конструкций. В кн.: Механическая обработка древесины. М.: Лесная промышленность, 2013 г, - 213 с.

2. ҚМҚ 2.03.08-98 - Ёғоч конструкциялари, Тошкент, 1998 йил, - 90 бет.

3. Т. Махматқулов. Ёғоч ва пластмасса конструкциялари, Самарқанд, СамДУ нашриёти, 2019 йил. 127-бет.

УДК:528-946

Масжид меҳробида бадий безакнинг Қўлланилиш анъаналари

Султанов Акрам Намазбаевич

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мустақил тадқиқотчиси, Самарқанд akram2244@mail.ru, тел: +99897-916-22-44

Ўролов Ахтам Синдарович

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти профессори, арх.ф.н.

Самарқанд axtamuralov@mail.ru, тел: +99897-393-48-11

Аннотация

Uz: Мақолада ўрта аср марказий осие масжидларида меҳробнинг тутган ўрни ва роли, минбарнинг аҳамияти, улардаги нақшу-нигорларнинг ишланиш даражаси, безатилиш анъаналари қатор масжидлар мисолида тадқиқ қилиниб, очиб берилган.

Ru: В статье на примере ряда мечетей средневековой центральной Азии раскрыто роль и место мехрабов, значение минбара, степень художественного оформления и традиции их декорирования.

En: The article uses the example of a number of mosques in medieval Central Asia to reveal the role and place of the mehrabs, the meaning of the Minbar, the degree of artistic design and the traditions of their decoration.

Калим сўзлар

Uz: меҳроб, чорхона, акустика, тахмин, равоқ, минбар, куфи, насхи.

Ru: михраб, сеновал, акустика, полка, портал, кафедра, куфи, насхи.

En: mihrab, hayloft, acoustics, shelf, portal, pulpit, kufi, naskh.

Кириш ва тадқиқотнинг долзарблиги


Ҳозирги кунда республикамиз ҳукумати ҳалқимизнинг диний эътиқоди ва умуман динга бўлган муносабатига, ислом динининг жамиятимиздаги тутган роли ва ўрнига ижобий баҳо бермоқда. Республикамизда янги масжид бинолари ва ҳатто диний марказлар барпо этилмоқда. Шу боисдан масжидлар архитектураси, уларнинг бадиий меъморий безатилиши, ва айниқса, улардаги асосий қисм - меҳроб архитектоникаси ва безатилиш услубларини тадқиқ қилиш, уларнинг устивор анъаналарини аниқлаш долзарб масалага айланмоқда.

Тадқиқот объекти ва усуллари

Республикамиз ва марказий осийнинг анъанавий ва замонавий масжидлари, улардаги меҳроб ва минбарлар, улардаги безаклар тадқиқот объектига киради. Тадқиқот услуби диалектик тушиниш-кузатишдан амалиётга умумлаштириш орқали ўтишга асосланган.

Тадқиқотнинг асосий қисми ва натижалари

Ислом меъморчилиги ўз ичига турли меъморий безакларни қамраб олиб, улар Ислом ҳаётидаги ижтимоий, маданий, диний ва сиёсий қарашларни ўзида акс эттиради. Мусулмон тақвими 622 йилдан бошланиб, ер юзидаги энг биринчи қурилган уй, бу қаъбадир. Масжидлар Аллоҳнинг уйи ҳисобланади. Бирок, илк бино қилинган масжид-Масжид ул-Ҳарамдир. У ҳақда қуръони каримнинг сурасида шундай дейилади: “Масжид одамлар учун биринчи ҳидоят қилинган уйдир”. Аллоҳга ибодат қилиш мақсадида қурилган биринчи уй-Маккаи Мукаррамдаги муборак уй, бутун оламлар учун ҳидоят маёғи бўлган Қаъбаи Мукаррамдир. Шу боис Масжид ул-Ҳарам қиёматга қадар қуриладиган барча масжидларнинг энг шарафлиси бўлиб қолаверади. Масжид қуриб, уни обод қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаб, намоз ўқиш учун қулай ҳолга келтириш энг афзал ва энг эзгу ишлардан бири бўлиб,



Меҳроб безаклари

бунинг учун қулай ҳолда Аллоҳ таъоло улуғ ажру савоблар ато этади. Мазкур масжидда қон тўкиш ва бошқа гуноҳ ишлар ҳаром қилингани боис, у шундай ном билан аталган. Масжиднинг тўққизта баландлиги 95 метр бўлган минораси бор, тўртта бош дарвозаси ва 45та эшиги бор. Ўн битта зиналар орқали масжиднинг 2 ва 3 қаватларига чиқилган. Кейинги ўринда турувчи “Масжидул Ақсо” – “Узоқдаги масжид” маъносини англатувчи жомъе масжиди Қуддуси шарифда Сулаймон алайҳиссалом томонидан қурилган.

Масжидлар интерьерида меҳробнинг улуғворлигига катта эътибор қаратиш илк масжиддан то ҳозирги қунимизгача асосий масала сифатида қаралади. Илк масжидларда меҳроблар рангда оддий нақшлар билан безатилган бўлса, сўнгра масжидларнинг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, безакларда ишлатиладиган хом-ашёлар қўлланилган. Биринчи масжидларда меҳроб композицияси, бир-биридан кичрайиб борган бир неча равоқлардан ташкил топган. Ичкаридаги равоқ чуқурроқ ва кичкина бўлган. Меҳроб бурчаклари декоратив устунчалар билан безатилган. Бунга, бизгача етиб келган Афросиёб (Iха.), Данданакон (XIа.), Шир Кабир (IX-Хаа.), Ашт (X-XIаа.), Искодар (X-XIа.) масжидларининг сербезак меҳроблари гувоҳлик беради. Меҳробнинг асосий вазифаси масжиднинг қибла томонини ва имом ўтирадиган жойни белгилаб бериш бўлган.




Меҳробнинг масжид интерьери муҳитида доминантликка эришиши, унинг вазифаси юзасидан келиб чиққан. Биринчи навбатда масжид интерьерининг барча қисмларидан меҳробнинг кўриниб туриши ҳисобга олинган. Шунинг учун меҳроб бўлинмаси ташқи томондан бир неча қават равоқларни ўз ичига олган. Меҳроб композициясида равоқлар мутаносиблиги улар орасидаги юзаларнинг кенглиги, баландлиги ва нақшлари нисбатларидан келиб чиққан. Улар

бир-бири билан боғланиб, яхлит композицияни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам меҳроб нафақат функция, балки тантанаворлиги билан ҳам масжид муҳитида доминантлик вазифасини эгаллайди ҳамда диний обидалар интерьерини яратишда асосий омил ҳисобланади. (1)

Афросиёб масжиди меҳроби бурчакларидаги устунчалар кўзаги, пойқурси, боша каби қисмларга эга бўлган. Меҳроб безаклари Самарқанд декоратив нақшлари безакларини эслатади. Меҳроблар гилдан ҳам ишланган. Шулар жумласига IX-XI асрларга оид Ашт қишлоғи масжид ҳаробаларида сақланиб қолган меҳроб киради. Равоқ шаклидаги меҳроб тўртбурчак ҳошия ичига олинган. Меҳроб устида девор юзаси яна битта ҳошияли равоқ билан айлантирилган. Равоқ атрофи ҳошия ичига олинган қуш қанотиға ўхшаш тасвирлар билан бойитилган.

IX-асрга оид Данданакон масжидида ғиштлардан хар-хил шакллар кесиб, уларни турли йўналишда жойлаштириб, чиройли композицияли меҳроб яратилган. Сурхондарёнинг Чош тоғ қишлоғи масжиди меҳробидаги гил безак IX-асрга оид Ашт масжиди меҳробининг оддийлаштирилган вариантыни эслатади. Масжид меҳробининг юқори қисми равоқ шаклидаги бўлинмаси икки томондан бўртиб чиққан жуфт рута билан белгиланган. Ундаги руталар очилмаган лола, айвон девори меҳробида эса лола тасвири мадохил нақши шаклида тузилган. Зарафшон дарёсининг юқори оқимида Қум қишлоғининг Гузари Миёна маҳалласида XIX-аср бошларига доир ёғоч меҳроб топилган. Меҳроб 310см баландликка, 168см кенгликка эга. Меҳроб юзаси квадрат ва учбурчак қисмлардан терилган. Қисмлар ичи балиқ думига ўхшаш, учбаргли турунж, ромб каби нақшлар билан тўлдирилган.

Масжидлар интерьерида Минбарлар ҳам асосий ролни эгаллаган. Масалан Бухоро жомеъ масжиди учун подшоҳ Шамсулмулк буйруғи билан минбар ва меҳроб Самарқандда ясашиб, Бухорога келтирилганлиги ва ийд намозгоҳида пишган ғишдан минбар ва меҳроб қурилганлиги ҳақидаги маълумотлар 10 аср тарихнависи Наршахий томонидан ёзиб қолдирилган. Минбар тасвирини мактаб, масжид мавзусига бағишланган миниатюраларда ҳам кўрамиз. Минбарлар уч поғонали зина шаклида бўлиб, юқоридаги поғона ўриндиқ вазифасини бажарган. Унинг уч томони ёғоч суянчиққа эга. Минбарнинг яна бир тури минора тузилишида бўлиб, у 1920 йилда уста Ато томонидан ясалган ва ҳозирда Чорқуҳ масжиди ҳовлисида сақланиб қолган. X-XII асрларда интерьер беағида ғишт билан ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Интерьерларда токчалар икки ёни рангли декоратив устунчалар билан белгиланган. XI-XII асрларда иморатларнинг ички ва ташқи беағида, интерьер қисмларида "куфи" ва "насхи" дастхатларини қўллаш жорий қилинган.



Минораи Калон масжидининг меҳроби ва минбари. (Бухоро)



Марказий Осиё масжидларининг ичида безаклар маромида қўлланилган. Ранг-баранг нақш кўпроқ шифт ва гумбазларда қўлланилган. Масжиднинг қибла томон деворидаги нақш киши ҳаёлини чалғитмайдиган даражада бўлган. Марказий Осиёда, хусусан, Бухорода сарой ва турар жойларда қўлланилган кўзгу устини нақши билан безаш услуби масжидларнинг нафақат ғарбий деворида, балки ўзида ҳам деярли қўлланилмаган.

Шуни айтиш лозимки, масжид иморатининг айрим қисмлари тузилиши жиҳатидан ўз-ўзидан безакни талаб қилади. Жумладан, гумбазли иморатнинг тўртбурчакдан саккизбурчакка ўтишда бурчаклари, яъни бағаллари очик қолдирилиши мумкин эмас. Интерьерда масжиднинг ўша жойлари нима биландир тўлдирилишни талаб қилади. Айнан шу жойда меъморлар кўп бурчакли шарафа қўллашни лозим топишган. Шарафа шу жойга ишлатилиши айнан қўл келган. Шарафа ўз-ўзидан шакллардан, муқарнаслардан

тузилганлиги сабабли конструктив элемент бўлишига қарамасдан, у маҳобатли безак вазифасини ҳам бажарган. Унга озгина ранг берилса бас, ибодатхона интерьерига ўзгача бадиий хусн ато этади. Шарафанинг тўртбурчакдан саккизбурчакка ўтишида конструктив асос вазифасини бажарганлиги Сарахсдаги XI асрга оид Яртигумбаз мақбараси интерьериде яққол намоён бўлади. Мазкур шарафа йирик нимкоса ва меҳробсимон бўлақлардан ташкил топган.

Масжид интерьериде, умуман композициясида меҳроб асосий вазифани бажаради. Ҳаммамизга маълумки, меҳроб масжиднинг қибла томонини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам Жалолиддин Румий: "... улар муаззам масжидлар қуришади, эшиги, девори, бошқаси учун кўп пул сарфлайдилар. Ҳолбуки, унинг қиймати қиблададир ва мақсад қибладир", - деб ёзади.(1) Шунинг учун ҳам масжидга кирган киши кўзига унинг меҳроби яққол кўриниши лозим. Чунки меҳроб масжиднинг қибла томон деворида жойлашади. Шунинг учун ҳам меҳроб ўз хизмати юзасидан ифодали бўлиши меъморлар назаридан четда қолмаган. Марказий Осиёда қурилган масжидларда меҳроблар жуда гўзал, мутаносиб пропорция ва композицияда ишланган. Бунга Афросиёб масжиди, Шир Кабир, Данданакон, Ашт Тоғ Қишлоғи масжиди меҳроблари мисол бўла олади (1).

Шунингдек, масжид интерьериде имом товуши ҳаммага баравар эшитилиши лозим. Бу муаммонинг ечими меъморлардан меҳробга эътиборни кучайтиришни талаб қилган. Меъморлар интерьерда акустикани кучайтириш муаммоларини оддий Тоғ қишлоқлари масжидлари бурчагида, девор мағзида, Оғзи хонага қаратилган кўзалар ўрнатиш йўли билан қисман ечишган(1). Акустика масаласини меҳроб тузилиши билан ечишга ҳам ҳаракат қилинган. Меҳробни тарҳда уч, беш қиррали қилишган, равоқ қисмини эса шарафалар билан тўлдиришган. Улар меҳроб қаршисидаги имом товушини залга қайтишига ёрдам берган. Юқорида келтирилган далиллардан, меҳроб беаги унинг вазифасидан ҳам келиб чиққан, деган хулоса келиб чиқади.

Ўрта Осиёда Ислом дини ўрнатилишининг дастлабки даврларида бу ердаги мавжуд аввалги оташкадалар оловхонаси ичига масжидга айланирилган. Оловхона бир хонани ташкил қилган. Бундай пайтда хона кириш қисмининг чап томонида ўчоқ жойлаштирилган. Ўчоқнинг атрофида супа назарда тутилган. Шу хонанинг тўр қисмида, ғарб томон деворида меҳроб ўрнатилган. Шифтнинг ўчоқ усти қисми «чорхона» ёки «харуза» услубида ёпилиб, унинг марказида тўйнуқ қолдирилган (1). Кейинчалик масжид ва оловхона учун алоҳида-алоҳида хона ажратилган. Улар кўпинча ёнма-ён жойлаштирилиб, узунасига бир айвон билан бирлаштирилган. Масжид интерьери меҳроби билан оловхонадан ажралиб турган. Оловхона катта хонани ташкил қилган. Унинг марказида тўрт ва ундан ортиқ устун жойлаштирилган. Хона сатҳининг устунлар оралиғидаги майдони пастроқ бўлиб, унинг ўртасида ўчоқ назарда тутилган. Ўчоқ тутунининг чиқиб кетиши учун шифтнинг марказий устунлари оралиғидаги қисми 1,5-2 метр юқорига кўтарилган ва ён томонларида очиқ тўйнуқлар қолдирилган.

Хижрий 844 йили Рамазон ойи ўн еттисида туғилган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг Ислом неъматидан бекиёс даражада баҳра олгани туфайли ҳам унинг бутун ижоди ислом нури билан шуълаланиб туради, одамийликнинг энг улуғ ғояларини гўзал шаклда қалбга муҳрлайди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг динимизга ихлос ва муҳаббати ҳаётда ҳам катта миқёсда кўп савобли ишларнинг амалга ошишига сабабчи бўлган. У Хуросонда Ислом равнақи учун ибодат аҳлига имкон қадар яхши шароит яратишга алоҳида эътибор берган. Улуғ шоирнинг замондоши, шогирди, машхур тарихчи олим Хондамирнинг "Мақоримул ахлоқ" тарихий асарида бу ҳақда қимматли маълумотлар бор (3).

”Бу обидалар бандалар панҳининг жума ва бошқа намозларни жамоат билан ўташда ғайрати шу даражага етган эдики, Марғани боғида ғоят зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атоқли қориларидан Хожа Хофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди”(4).

Тақиқотнинг муҳокамаси ва хулосаси

Мазкур тадқиқот “Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” ихтисослиги бўйича фалсафа докторлиги диссертацияси тарзида тайёрланмоқда ва унинг айрим қисмлари СамДАҚИ “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида муҳокама қилинган. Мазкур мақола мавзуси бўйича қуйидагича хулоса қилинди: Марказий Осиёда ўрта асрларда дастлабки масжидларни қуришда ҳаддан зиёд безакка эътибор берилмаган. Масжидни безаш масаласи интерьернинг меъморий композицияси ва қисмлари вазифаси ва қурилиш ашёларини моҳирлик билан ишлаш талабидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам безак фақатгина меҳроб, гумбазости бурчак бағалларига, ёғоч шифтли интерьерда устунларга берилган, холос. Шифтларни нафис ранг-баранг нақшлар билан безаш, асосан XV асрлардан бошлаб кенг қўлланилади. XVI асрда масжидлар интерьерида гумбаз остида ишланган қалқонсимон юзалар, равоқлар чегаралари кўк чизик билан белгиланган. Бу тадбир ҳам гумбаз ости конструктив асосининг таъсири натижасида юзага келган. Яъни интерьер конструкциясини бироз бўлса ҳам бадийлаштиришга қаратилган. Шифт ва гумбазларда қўлланилган ранг-баранг безак, масжидда мутаносибликни таъминлашга ёрдам берган. Марказий Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида нафис ранглар обида ичида ўтирганларга салқинлик ҳиссини беради. Шунингдек, у масжид саҳнига тўшалган гулдор гиламлар билан боғланиб, бир маромни ташкил қилади ва намозхон ҳаёлини чалғитмайдиган қулай муҳит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер.- Ташкент, 2005.
2. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Ташкент, 1995.
3. info.islom.uz. “Навоий қурдирган масжидлар” ,2009.
4. Уралов А.С. Ислом ва тасвирий санъат. Ташкент, 1996.

Raqamli o'zbekiston: raqamli ta'lim muhiti va raqamli iqtisodiyot

Latipov Ashur Ali Rustamovich,

Samarqand davlat arxitektura-qurulish instituti

Ko'chmas mulk ekspertizasi va uni boshqarish kafedrasini o'qituvchisi,

Pulatov Shaxron Axmedovich, 202-KMB va B magistranti

Samarqand davlat arxitektura-qurulish instituti,

Annotatsiya

Mazkur maqolada raqamli ta'lim muhitining mohiyati va uning raqamli iqtisodiyotni tashkil etishdagi roli haqida yoritilgan.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli ta'lim muhiti, raqamli texnologiyalar, raqamli O'zbekiston

Abstarct

This article highlights the importance of the digital learning environment and its role in creating the digital economy.

Keywords: digital economy, digital learning, digital technologies, digital Uzbekistan

Аннотация

В этой статье подчеркивается важность среды цифрового обучения и ее роль в создании цифровой экономики

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровая обучения, цифровые технологии, цифровой Узбекистан

XXI asr - bu tez o'zgaruvchan, jadal rivojlanayotgan raqamli texnologiyalar asri. Hozirgi vaqtda raqamlashtirish inson hayotining barcha sohalarida faol joriy etilmoqda. Raqamli ta'lim muhitini yaratish bo'yicha samarali ish olib borayotgan ilg'or davlatlar, mintaqalar ta'limning yuqori sifat natijalarini ko'rsatmoqda. Shu bois O'zbekiston ham xorijiy davlatlarning ilg'or tajribalarini o'rganib chiqib, o'z taraqqiyoti yo'lida ildam olg'a qadam tashlashda davom etmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2019 yil 8-oktabrdagi PF-5847 sonli "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq oliy ta'limni tizimli isloh qilish maqsadida quyidagi ustuvor vazifalar alohida qayd etildi:

- ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etish;
- ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklarni optimallashtirishda STEAM (aniq fanlar, texnologiya, injiniring, ijodiy san'at va matematika) yo'nalishlarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish;
- oliy ta'lim muassasalarining o'quv rejalarini kredit-modul tizimiga o'tkazish mexanizmlarini ishlab chiqish va ularni bosqichma-bosqich mazkur tizimga o'tkazish;
- oliy ta'lim muassasalarida talabalarning ishdan ajralmagan holda o'qishini ta'minlash maqsadida sirtqi va kechki ta'lim shakllarida kadrlar tayyorlashni rivojlantirish, bunda raqamli texnologiyalarga asoslangan zamonaviy ta'lim texnologiyalarini joriy etish;

- ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish, masofaviy ta'lim xizmatlarini rivojlantirish, webinar, onlayn, "blended learning", "flipped classroom texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etish;

- zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida masofaviy ta'lim dasturlarini tashkil etish;

- ma'ruza va amaliy mashg'ulotlar, seminarlarni onlayn kuzatish va o'zlashtirish imkonini beruvchi, shuningdek ularni elektron axborot saqlovchilarga yuklovchi "E-MINBAR" platformasini amaliyotga joriy etish, ta'lim jarayonlarida "bulutli texnologiyalar"dan foydalanish;

- milliy elektron ta'lim resurslari yaratilishini jadallashtirish, xorijiy elektron ta'lim resurslarini tarjima qilish ishlarini tashkil etish, ta'lim jarayonida elektron resurslar salmog'ini bosqichma-bosqich oshirib borish, elektron o'quv adabiyotlar yaratish, ularni mobil qurilmalarga yuklab olish maqsadida kutubxonalarda QR-kod yordamida elektron resurslar haqidagi axborotlarni joylashtirish tizimini yaratish [1].

Shu kabi ustuvor yo'nalishlardagi islohotlar natijasi bizni bevosita raqamli ta'lim tizimi, raqamli iqtisodiyot sari yetaklaydi. Hech kimga sir emaski, raqamli iqtisodiyot sharoitida jamiyatimiz rivojlanishi uchun yangi raqamli texnologiyalar, shu jumladan yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari zarur[3]. Shuningdek, mazkur yangi raqamli texnologiyalardan bemalol foydalana oladigan mutaxassis kadrlar ham talab etiladi. Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyot va raqamli ta'lim tizimini joriy qilinishi munosabati bilan bo'lajak mutaxassislarga kelgusi ish faoliyatlarida raqamli texnologiyalardan foydalanishni o'rgatishimiz, axborot va raqamli kompetensiyalarini shakllantirishimiz lozim.

Raqamli iqtisodiyot mehnat bozorini tubdan o'zgartiradi: kompyuter ishchi kuchi o'rnini bosib, ish joyini yo'qotgan odamlar uchun o'z-o'zini ish bilan taminlash masalasi ko'tarilgan bir paytda, kasbni muntazam ravishda o'zgartirish odatiy holga aylanadi va bu esa insonlardan ko'proq tayyorgarlikni, turli zamonaviy kompetensiyalarni shakllantirishni talab qiladi. Uzluksiz ta'lim konsepsiyasi insonning hayoti o'qish va ish vaqtiga bo'linmaydi, ta'lim olish bu hayot davomida olib boriladigan doimiy jarayon ekanligini nazarda tutadi[5].

Raqamli ta'lim tizimida ta'lim jarayonini onlayn makonga ko'chishini kuzatamiz. Bu esa talabalarga mamlakatning va hattoki dunyoning istalgan nuqtasida turib, ixtiyoriy vaqtda erkin bilim olish, o'zaro muloqot qilish, tajriba almashinish imkoniyatini beradi.

Shubhasiz qachonki, har bir mutaxassis, har bir o'qituvchi mustaqil ravishda mehnat faoliyatini raqamlashtirilgan tarzda olib bora olsa, o'zining raqamli ta'lim makonini yarata olsa hamda o'quv jarayoniga barcha ishtirokchilarni jalb qilgan holda o'zaro muloqotni tashkil eta olsagina raqamli ta'lim tizimiga to'liq o'ta oldik deya ayta olamiz.

Shu o'rinda aytish joizki, bugungi zamon har bir o'qituvchidan raqamli texnologiyalardan foydalanish, ularni to'g'ri ishlata olish va ta'lim oluvchilarga yetkazib bera olishni talab etmoqda.

Buning natijasida o'qituvchilar o'quv vaziyatlarini tashkil etuvchi, maslahat beruvchi va yo'naltiruvchi vazifasini bajaruvchi tyutor rolida ta'lim jarayonida ishtirok eta boshlaydilar[4]. Raqamli ta'lim tizimi ta'limiy maqsadlarda qo'llaniluvchi

raqamli texnologiyalar(kompyuter, mobil qurilmalar, smartfon, planshet va h.k) orqali o'qitishni individuallashtirish, har bir talabani individual ta'lim trayektoriyalari bilan ta'minlash, interfaol o'quv materiallari va ta'limiy o'yinlar, simulyatorlarni joriy etish orqali ta'lim oluvchilarning ta'limga bo'lgan ishtiyoqi - motivatsiyasini oshirishda va bir so'z bilan aytganda, ta'lim samaradorligini oshirishda qo'l keladi.

Mamlakatimizda zamonaviy raqamli ta'lim muhitini yaratish, mazkur sohada ustuvor loyihalarni amalga oshirish ta'lim tizimimizni yangi sifat bosqichiga olib chiqish, o'qitish usulini tubdan o'zgartirish, O'zbekistonni yangi texnologik tuzilishga - raqamli iqtisodiyotga o'tishga tayyorlashga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. SH.Mirziyoyev "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847 son O'zbekiston Respublikasi prezidenti Farmoni, 08.10.2019 y.

2. O'zbekiston Respublikasi prezidenti SH.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi, 28.12.2018/ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018>

3. Е. Дьякова, Г.Сечкарева "Цифровизация образования как основа подготовки учителя XXI века: проблемы и решения", ЖУРНАЛ "Вестник Армавирского государственного педагогического университета", 2019

4. F.Umarova, Kh.Umarov, Z.Umarova "Scientific and practical bases of creation and use of electronic educational resources in educational process" / European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, Vol. 7 No. 12, 2019

5. <https://newtonew.com/tech/nelzya-prosto-vzyat-i-ocifrovat>

Ёғоч конструкция элементларини таъмирлаш ва кўчайтиришнинг долзарб масалалари

Махматқулов Турдимурод - СамДАҚИ “Курилиш конструкциялари” кафедрасининг профессори в.б., т.ф.н. тел: +998 97 575 13 21

Тагаев Достон – “Курилиш конструкциялари” кафедрасининг магистри

Аннотация. *Мақолада ёғоч конструкциялари ва элементларини эксплуатация қилиш даврида содир бўладиган турли бузулишлар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Таъмирлаш, кучайтириш ва қайта қуриш билан боғлиқ мавжуд усуллар таҳлил қилинган ва уларни амалга ошириш босқичлари ёритилган.*

Аннотация *В статье приводятся сведения о различных дефектах, возникающих в период эксплуатации деревянных конструкций и элементов, а также о факторах, влияющих на них. Проанализированы существующие методы, связанные с ремонтом, реконструкцией и усилением освещены этапы их внедрения.*

Annotation. *The article provides information about various distortions that occur during the operation of wooden structures and elements, as well as the factors that affect them. The existing methods related to repair, reconstruction and reconstruction are analyzed, and the stages of their implementation are highlighted.*

Калит сўзлар. Ёғоч конструкциялар, таъмирлаш, кўчайтириш, қайта қуриш, нуқсонларнинг турлари, ёғоч материалларни ёнишдан ва чиришдан соқлаш, намликдан ҳимоялаш, ёғоч материалларни бузувчи биологик манбалар, биокимёвий жараёнлар, конструкцияларни иш схемасини ўзгартириб ва ўзгартирмасдан кўчайтириш усуллари, кўчайтириш ва қайта қуришнинг иқтисодий самарадорлиги.

Асосий юк кўтарувчи ва ўраб турувчи ёғоч конструкцияларни хизмат даврида мустаҳкамлиги ва турғунлиги таъминлаш масаласи давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан биридир. Бу каби масалаларни ечиш эса техник эксплуатация талабларига қатъий амал қилиш, белгиланган муддатларда таъмирлаш, яроқсиз элементларни алмаштириш, ёғоч конструкцияларнинг жисмоний физик эскиришини олдини олиш ҳажмий – режавий ва санитар - гигиеник талабларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади [3].

Таъмирлаш ва қайта тиклаш тадбирлари бир қатор муҳим ишларни амалга оширишни тақоза этади, шу жумладан конструктив ва кимёвий ҳимоялаш, эксплуатациявий хусусиятларини йўқотган конструкция ва элементларнинг лойиҳавий даражага келтириш, кесим юзаларини кўчайтириш орқали конструкция ва элементларнинг юк кўтариш қобилияти ва турғунлигини таъминлашдан иборат.

Ёғоч синчли иморат ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш конструкцияларни юк кўтариш қобилитини ҳисоблаш, ишлаш қобилитини ўрганиш, деформация даражасини ўлчаш ва ишчи лойиҳаларни тузиш натижасида амалга оширилади.

Амалга оширилган натижаларга кўра конструкцияларни ёки бинонинг техник ҳолати юзасидан ҳулосалар тайёрланади ва бу ишлар икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисм юк кўтарувчи элементлар ҳолатини ҳисоблаш усуллари ёрдамида баҳолаш бўлса, иккинчи қисм таъмирлаш ва қайта қуриш тадбирларини амалга ошириш режасини тузишдан иборат.

Ёғоч конструкцияларни кўчайтириш ишлари тўлиқ ёки алоҳида элементлар ва бирикмаларини кўчайтиришни ўз ичига олади. Кўчайтириш ишлари икки гуруҳга, конструкцияларнинг дастлабки иш схемасини ўзгартирмасдан ёки иш схемасини ўзгартириб кўчайтиришга бўлинади.

Биринчи усулда кўчайтириш-конструкцияларда пойдо бўладиган зўриқишларни қабул қиладиган алоҳида элементларни ўрнатиш, нуқсонли элементларни янгисига алмаштириш, элементларга протезлар қўйиш орқали мустаҳкамлаш, турли металл торткилар ва қопламалар қўйиш ва бошқалардан иборат.

Дастлабки иш схемасини ўзгартириб кўчайтириш ишлари ҳам бир қатор усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шу жумладан, статик аниқ тизимларни статик ноаниқ тизимга ўтказиш, конструкциялар панжараларига ёки элементларига ўзгартириш киритиш орқали бошқа конструкцияга ўтказиш (масалан, уч шарнирли аркаларни фермага ўтказиш) ва бошқалар. Бунинг натижасида конструкция ва элементларнинг ҳисобий схемалари ўзгаради.

Ёғоч конструкцияларни хизмат муддати давомида бузулишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан яна бири намликдир. Намликка ва намлик натижасида пайдо бўладиган биологик бузулишларга қарши бир қатор усуллар мавжуд. Кенг тарқалган усуллардан бири конструкцияларнинг кесим юзаларини намликдан ва турли ззамбуруғлардан химоялашга кимёвий таркиблар билан қайта ишлашдан иборат. Лак буёқли материалларнинг асосий хусиятларидан бири юзада турли қалинликда қатламларни ҳосил қилишидир. Энг асосийларидан бири эса юзанинг шаффофлигини таъминлашдир. Бундай таркибларнинг бугунги кунда кенг тарқалган турларидан бири пентафталли ва уританли лаклар ҳамда таркиби эпоксид асосли буёқлар ҳисобланади. Бундай лок буёқли таркибларнинг қалинлиги уларнинг эксплуатация шароитини эътиборга олган ҳолда, турига мос равишда 100-250 мкм оралиғида бўлади[1].

Юқори намлик шароитида, белгиланган меъёрий талабларга риоя қилинмасдан фойдаланилаётган ёғоч конструкцияларда турли замбуруғлар пайдо бўлади. Замбуруғлар таъсирида биокимёвий жараён-чириш кўзатилади. Бундай ҳолат айниқса, кўп асрлик хизмат муддатига эга бўлган тарихий ёдгорликларнинг ёғоч элементларида кўзатилади.

Ёғоч материалларни чиришдан сақлаш мураккаб кимёвий таркибли аптисептиклар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, турли зараркунанда ва ҳашоратлардан химоялаш синил кислотаси (HCN), фосфин (PH₃), бромметил (CH₃Br) каби таркиблар билан фумигация усулида қайта ишланса, айрим конструкцияларни химоялашда физик усуллар, яъни иссиқ ҳаво билан дезинфекция қилиш усулидан фойдаланилади. Бу усулда ёғочнинг ташқи юзасидаги ҳароратни 60⁰ С га етказиш, таъсир муддатини 0,5 - 5 соат оралиғида сақлаш зарур[1].

Кийинги йилларда жавобгарлик талаб қиладиган ноёб ёғоч конструкцияларни бирданига турли биологик таъсирлар ва зараркунандалардан химоялаш имконини берувчи радиоактив ёки ионлашган нурлар ёрдамида химоялаш усули кенг жорий этилган. Бу усул юқори даражали молиявий ҳаражатларни, мураккаб асбоб ва ускуналарни талаб қилсада, ишончли усуллардан бири эканлиги тан олинган[2]. Бу усулда 60Со ёки 137 Cs изотопларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Кенг тарқалган химоялаш усулларидан бири кимёвий таркибларни ёғоч конструкцияларга юзаки ва чуқур шимдириш усулидир. Бундай таркиблар асосан икки хил, сувда эрийдиган ва ёғли таркибларга бўлинади. Юзаки шимдириш усулида таркиблар шеткалар ёрдамида конструкцияларнинг юзасига бир неча қатламда суртилса, ёғли таркиблар махсус ванналарда оддий усулда ёки босим остида шимдирилади.

Оддий усулда шимдиришда таркиблар кесим юзасига 1 мм чуқурликгача шимдирилса, махсус асбоблар ёрдамида босим остида шимдириш орқали 10 мм ва ундан ортиқ чуқурликгача шимдириш имконияти мавжуд.

Конструкцияларни жойида шимдириш учун панел усулидан ёки инъекция усулидан фойдаланилади. Шимдиришнинг у ёки бу усулини танлаш, конструкциялар кесим юзасига, таркибларнинг турига, бузулиш даражасига ва

бошқа кўрсаткичларга қараб техник иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали танланади.

Ёғоч ёнувчан материал ҳисобланади. Материаллар очик ҳавода $t = 250-300^{\circ}$ С да алангаланса, $t = 350-400^{\circ}$ С да эса ўз ўзидан алангаланади. Бу кўрсаткичлар материалнинг турига, намлигига ва бошқаларга боғлиқ. Ёнғиндан ҳимоялашда конструктив ва кимёвий усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Конструктив усуллар ёрдамида ёғоч материалларнинг юзалари турли қийин ёнувчан материаллар билан ҳимояланса, (сувоқ қилиш, асбестцемент плиткалар билан қоплаш ва бошқалар), кимёвий усулда бура, хлорли аммоний, аммонийли тузлар ва бошқа мураккаб таркибли антипиринлар билан оддий ва чуқур шимдириш орқали ҳимояланади.

Адабиётлар

1. Н.А.Машкин, В.М.Хрулев, Н.С.Дорофеев. Модифицированная древесина и ее применение. Кемерово, 1988. -126 стр.

2. В.Д.Ли. Конструкции из дерева и пластмасс, Томск, 2023,- 475 стр.

3.Т.Махматқулов. Ёғоч ва пластмасса конструкциялари, Самарқанд, СамДУ нашриёти, 2019 йил. -127 бет.

Имом Ал-Бухорий меъморий мажмуасини ривожлантириш йўллари

Балгаева Ш.А. СамДАҚИ Арх.ф.б.д. (PHD) катта ўқитувчи

Асатуллаева У.Э.101-Ш ва ҚЯЖКҚ гуруҳи магистранти

Ислом оламида жуда катта ҳурмат билан тилга олинадиган Имом ал-Бухорийнинг қабрлари жойлашган зиёратгоҳ Самарқанд вилоятининг қадимий меъморий ёдгорликлардан бири саналади. Имом ал-Бухорий ўз умрини илм ўрганиш учун сарфлаган буюк ва улўғ уламолардан бири эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Мустақиллик йилларида уларнинг ишларини янада кўпроқ ўрганиш ва Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий руҳларини шод этиш мақсадида аллома ётган зиёратгоҳни ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 29-апрелдаги № 217-қарорига мувофиқ бу ёдгорлик мажмуаси ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Самарқанд, Кўқон ва Шаҳрисабз халқ усталари меъморчилик тарихида энг қисқа муддат, яни 8 ой мобайнида барпо этилди. Бу меъморий мажмуа Самарқанд вилоятидаги Хартанг қишлоғи Пайариқ шаҳрининг туман марказидан жанубий-шарқдан 20 километр ва Самарқанд вилоятининг маъмурий маркази шимолидан эса 16 километр узоқликда жойлашган. Шунингдек, Хартангдан 12 километр шимолий-ғарбда Челак шаҳри жойлашган. Хартанг қишлоғининг умумий майдони 4км² майдонга тенг. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқда камида 1000 киши истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Қишлоқда туризм ривожланган.

Хартанг қишлоғининг асосий диққатга сазовор жойи, ислом динининг машҳур етакчиси, олим, муҳаддис ва муфассир – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий яъни Имом ал-Бухорий номи билан машҳур ёдгорлик

мажмуаси ҳисобланади. Хартанг қишлоғи атрофида Оққурғон ва Қўшқўрғон каби йирик қишлоқлар жойлашган.

Мажмуанинг бош режасини тузишда анъанавий миллий меъморий ечимлар (пештоқ, равоқ, гумбаз, айвон) асосида барпо этилган бинолар (мақбара, масжид, маъмурий ва бошқа иншоотлар) билан безатилган. Мақбара марказида оқиш кўк шаффоф оникс тошдан ишланган сағана ўрнатилган. Мақбаранинг ўнг томонидаги эшикдан зина орқали мақбаранинг остки қаватига — дахмага тушилади. Юқори қаватдаги сағананинг айнан остида Имом ал-Бухорий қабрлари мрамртош билан қопланган. Ҳовлининг чап томонида масжид жойлашган. Масжид — хонақоҳнинг умумий майдони 786 кв. м. Пешайвонининг умумий майдони 214 кв. м. Хонақоҳ ва пешайвонда 1500 га яқин киши намоз ўқиши мумкин. Ҳовлининг ўнг қанотида ҳам пештоқли ва миёнсаройли бино бор. Миёнсарой гумбази ҳам бошқа гумбазлар билан бир хил шаклда ва ўлчамда қурилган. Бу бинода кутубхона, илмий ходимлар хонаси ва бошқа юмушларга мўлжалланган хоналар мавжуд. Буларнинг умумий майдони 946 кв. м. Пешайвонининг майдони 110 кв. м.

Ҳозирги даврга келиб, Самарқанддаги ал-Бухорий мажмуаси ҳудудида туризм соҳасини ривожлантиришни ва зиёратга келадиган меҳмонларга қулайлик яратиш, эҳтиёжларини қондириш, очиқ ҳавода ҳордиқ олишни йўлга қўйиш ва инфраструктура объектларини қуришга зарурат туғилади. Ал-Бухорий меъморий мажмуаси ҳудудини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожланиш тамойиллари вазифаси турибди. Шунини таъкидлаш жоизки, 2016 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича янги ташаббус билдирилган эди. Ушбу ташаббус жаҳон ҳамжамияти Ислоҳ дунёси томонидан жуда катта қизиқиш билан қабул қилинди ва қўллаб – қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Имом Бухорий мажмуаси ҳудудида халқаро тажрибани ўрганган ҳолда халқаро илмий марказ қурилиши бўйича топшириқ берилган эди. Шу муносабат билан мажмуага туташ ҳудуддан 5,8 гектар ер майдони очилиб, илмий марказ ҳамда марказ қаршисида 3 та уч қаватли турар-жой қурилиши учун ажратиб берилди. Президентимизнинг жорий йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириғи билан Имом Бухорий мажмуасини қайта қуриш лойиҳа-таклифи ва Хартанг қишлоғининг бош режа-лойиҳаси маъқулланди.

Имом ал-Бухорий меъморий мажмуаси ҳудудининг бош режаларини ишлаб чиқишда, уларни ўзгартиришда шаҳарсозлик ғоясининг асоси

сифатида ҳудуднинг иқлим шароитига, ер ости сувларининг жойлашувига ҳамда ундан ўтаётган кўчаларнинг муҳитига табиий равишда ҳосил бўлган ландшафтига ҳамда функционал мақсадлардан келиб чиққан ҳолатда зоналаштиришга эътиборни қаратмоқ керак.

Ҳозирда халқаро илмий марказ қурилишининг умумий лойиҳа қиймати 122 млрд. сўмни ташкил этиб, бугунги кунда қурилиш-пудрат ишлари яқунланиш арафасида. Шу билан бирга, илмий марказ қаршида 3 та уч қаватли, 18 хонадонли турар-жойлар ҳамда мажмуага олиб борувчи Оқдарё–Қўлбости автомобил йўли бўйида 62 та миллий кўринишдаги 2 қаватли коттежлар қуриб битказилган.

Хартанг қишлоғининг бош режаси дастлаб “ТошбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонаси лойиҳа ташкилоти томонидан тайёрланаётган эди. Лойиҳа ишларини жадаллаштириш мақсадида бош режа ва батафсил лойиҳалаштириш режаси “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ишлаб чиқилган бош режа ва лойиҳа таклифига мувофиқ, мажмуанинг умумий жойлашув ер майдони 60,4 гектарни ташкил этиб, мажмуа тўлиқ қайта реконструкция қилиниши белгиланган. Жумладан, мажмуага кириш қисмидаги мавжуд бир қаватли бинолар икки қаватли қилиб қурилиши режалаштирилган.

37		минерал тола билан тўлдирилган, ички	42	-35
38		ва ташқи томондан сувалган, совук қоришмада яхлит терилган	55	-45

Шунинг учун ҳам оддий сопол ёки силикат ғиштдан яхлит терилган ғишт теримининг қалинлиги 38 см (1,5 ғишт) катта бўлса иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Хулоса

Ғиштни кам сарфлаш, деворни массасини ва пойдеворга тушаётган юкни камайтириш учун ташқи деворлар - кўп тешикли сопол ғиштлардан, теримга ҳаво қатлами киритиб ёки терим қудуқсимон қилиб теришиш лозим. Бундан ташқари энергия тежамкор иссиқлик изоляция, терим ва сувоқ учун иссиқ қоришмалар қўллаш керак бўлади. Энергия тежамкор ғиштдан фойдаланиш оддий ғиштга нисбатан деворнинг массасини ва иссиқлик ўтказишини камайтиради. Бу эса деворнинг иссиқлик изоляцияси хусусиятини сақлаган ҳолда унинг қалинлигини камайтиришга олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. ҚМҚ - 2.01.04-97* - «Қурилиш иссиқлик техникаси». Тошкент: 2011 й.
2. Е.В.Щипачева. Проектирование энергоэффективных гражданских зданий в условиях сухого жаркого климата. Учебное пособие - ТТЙМИ, 2008 й.
3. В.С.Беляев, Л.П.Хохлова. Проектирование энергоэкономичных и энергоактивных гражданских зданий: Учебное пособие. М.:Высшая школа, 1991, - 255с.
4. Г.М.Бадьин. Строительство и реконструкция малоэтажного энергоэффективного дома. СПб.: БХВ-Петербург. 2011. 432 с.
5. Энергия тежамкор биноларнинг конструкциялари фанидан маърузалар курси. СамДАҚИ: 2015й.-252б.

Kadrlar tayyorlash va sifatini oshirish

Turdimurodov Jasur Ilxomovich

*Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti, qurilishni boshqarish fakulteti,
201 – ICHTE va B guruhi talabasi, tel: +99891-539-66-16*

Аннотасија: *Maqolada kadrlarning o'z sohalorida tutgan o'rni, kadrlarni tayyorlash va sifatini oshirish bo'yicha qolaversa, raqamli iqtisodiyotta ularning qanchalik muhim o'rin tutishlari haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

Аннотация: *В статье представлена информация о роли, которую играют сотрудники в своей сфере, о том, как они играют важную роль в цифровой экономике, если речь идет о подготовке и повышении качества кадров.*

Annotation: *the article provides information on the role of personnel in their field, how important they will be in the digital economy if they remain on training and quality improvement.*

Kalit so'zlar: *Zamonaviy kadrlar, raqamli iqtisodiyot, innovatsiya, strategik rejalashtirish, globallashtirish.*

Ключевые слова: *Современные кадры, цифровая экономика, инновации, стратегическое планирование, глобализация.*

Keywords: *Modern manpower, digital economy, innovation, strategic planning, globalisation.*

Hozirgi kunda qaysi sohada faoliyat olib borilishidan qat'iy nazar zamonaviy ilmlarni puxta egallagan, pozitiv ruxdagi kadrlar bilan ishlash va ularni ishga jalb etish juda muhim. Yuksak ilmi kadrlarni tarbiyalash, ularni malakalarini oshirish esa dolzarb masalalardan biridir. Bu yo'lda zamonaviy, innovatsion yondoshuvlardan foydalanish juda muhim ahamiyat kasb etadi. Kadrlar zamon bilan hamnafas bo'lishi va hozirda rivojlanib keng targ'ib qilinayotgan raqamli iqtisodiyotning sir asrorlarini o'rganishlari zarur.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish Dasturida kadrlar va ta'lim tizimi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun sharoitlar yaratiladigan asosiy institutlar qatoriga kiritilishi va unga alohida bo'lim bag'ishlanishi kerak deyilgan. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturida kadrlarga to'g'ri yo'nalish va zaruriy maslahatlar berilsa, kadrlar barcha zaruriy shart sharoit va ma'lumot ba'zasi bilan ta'minlangan bo'lsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bundan tashqari kadrlarlar tarbiyalashga mas'ul xodimlarning zimmasida quyidagi vazifalar ham mavjud:

- kadrlarning individual bilimlarini hisobga olish, ularning har biriga alohida yondoshish;
- har bir kadruga uning mehnati natijalarini his qilishga yordam berish;
- kadrlar talantini va kasbiy malakasini yanada o'sishiga imkoniyat yaratish;
- kamchilik va muvaffaqiyatsizliklaridan to'g'ri xulosa chiqarishiga ko'maklashish;
- kadrlarni jamoa bo'lib izlanishga o'rgatish, ularning harakatlari samarali bo'lishiga ishontirish(motivatsiya);
- o'z vaqtida mas'uliyatni zimmasiga ola bilishni o'rgatish;
- kadrlar mustaqil izlanishlari uchun shart – sharoit yaratish ular uchun zarur ma'lumot ba'zasi tashkil etish.

Mas'ul shaxslarga yana bir qator mas'uliyat yuklatiladi: kadrlar ishini baholash, so'ngi natijalar bo'yicha zaruriy rag'batlantirish, maqsadli kadrlar jamoasini shakllantirish va nazorat qilish. Kadrlarni boshqarish va nazorat qilish ulkan mas'uliyat kasb etadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev davlat va jamiyat boshqaruvini takomillashtirishda har tomonlama yetuk, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini puxta o'zlashtirgan, boshqaruvning huquqiy asoslari va zamonaviy usullaridan xabardor, yetakchilik fazilati, shuningdek, strategik rejalashtirish va favqulodda sharoitlarda to'g'ri qaror qabul qila oladigan yosh rahbar kadrlarni tayyorlash masalasiga alohida e'tibor qaratilayotganini ta'kidladi. Bunday say-harakatlar jamiyatni ma'naviy yangilash, ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini yanada rivojlantirish, demokratik huquqiy davlat va ochiq fuqarolik jamiyati qurish yo'lidagi intilishlarni yuqori pog'onaga olib chiqishda muhim o'rin tutishi qayd etdi. Globallashtirish sharoitida intellektual salohiyatli kadrlarni tanlash boshqaruv tizimida texnik va texnologik yangilanish dasturlarini izchil joriy etish imkonini beradi. Prezident huzuridagi Davlat boshqaruv akademiyasi professorlarining ta'kidlashlaricha, akademiya faoliyati ham jaxon miqiyosidagi yutuqlar asosida yuksak ijodiy faollikka, ijtimoiy – siyosiy hayotda mustaqil qarashlarini ilgari sura oladigan va ularni hal etishga qodir kadrlarni tarbiyalashga qaratilgan. Mamlakatimiz xalqaro tajribalar asosida kadrlar faoliyatini

samaradorligini oshirishga, ularni tarbiyalashga harakat qilmoqda. Kadrlar tayyorlash Milliy dasturida nafaqat yetuk kadrlar tarbiyalash masalasi qolaversa, mavjud kadrlar sifatini oshirish vazifasi ham mavjud.

Yuqorida ta'kidlaganimdek kadrlar zamon bilan hamnafas bo'lishi, yaratilayotgan yangiliklardan muntazam xabardor bo'lishi zarur. Kundan kunga rivojlanob borayotgan texnologik olam yangiliklaridan boxabar bo'lishlari va ulardan yurtimiz rivoji uchun samarali foydalana olishlari kerak. Xorijiy tadqiqotchilar tahliliga muvofiq, hozirgi maktab o'quvchilari va talabalarning 65%i kelajakda hozircha mavjud bo'lmagan lavozimlarni egallaydi. Mutaxassislarining bashoratlariga ko'ra, 2025 yilga kelib virtual yashash muhiti dizaynerlar, robototexnika bo'yicha mutaxassislar, advokatlar va bioxakerlarga talab eng yuqori bo'ladi. Davlat va jamiyat hayotida ro'y berayotgan tub o'zgarish va islohotlarning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi, avvalo, bozor iqtisodiyoti sharoitida mustahkam bilimga ega, O'zbekistonning bugungi tashqi va ichki siyosati yo'nalishlarini tushunadigan, tahlil eta oladigan yosh va tashabbuskor kadrlarni taqozo etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" 1997 yil 29 avgustda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida qabul qilingan.
2. M.A. Rahmatov, B.Z. Zaripov. "Iste'dodli insonlar mamlakatning bebaho boyligidir". 2019 y.
3. Personalni boshqarish – Sh.N. Zaynutdinov, R.I. Nurimbetov. –"O'zbekiston" - Toshkent 2010 y.
4. <http://www.ziyonet.uz> – axborot ta'limi tarmog'i.
5. <http://www.stat.uz> – O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi web sayti.

Бино ва иншоотларнинг замин ва пойдеворларини сейсмик юклар таъсирига ишлаши борасида қилинган илмий ишларнинг қисқача умумий таҳлили.

Ўқитувчи Исматова Д.М., 401 КМЭваУБ талабаси Рахматова С.

Республикаимиз курилиш майдонларининг асосий қисми зилзила содир бўладиган ҳудудларга мансублиги сабабли, бино ва иншоотларни лойихалаш ва уларни куриш жараёнида маълум қийинчиликлар вужудга келмоқда. Ушбу курилиш ишларини олиб боришда, албатта майдонда жойлашган грунт ҳолатларини инобатга олмаслик мумкин эмас. Шу билан биргаликда кучли зилзилалар юз берадиган ҳудудларда турли иншоотлар курилиши сабабли, уларни сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Тарихдан маълумки, ота боболаримиз бино ва иншоотлар зилзилабардошлигига асосий эътиборни қаратишганлар. Бу борада доимо энг илғор фикрларни илғори суришганлар. Ўтмишда яшаб ўтган инсоният ривожига бекиёс улкан ҳисса қўшган бобоқолонларимиздан Ал Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино ва бошқа олимларимизнинг қатор асарларини келтириш мумкин. Ушбу асарларда иншоотни асос билан боғлиқ жараёнлар талқинига таяниб, ушбу жараён қонуниятларини очишга

уринишганлар. Уларнинг билдирган илғор фикрлари асосида кейинчалик зилзила жараёнини очиб берувчи қонунлар пайдо бўлди.

Кейинги йилларда К.С.Завриев, А.Г.Назаров, С.В.Поляков, И.Л.Корчинский, В.К.Кабулов, Б.К.Карапетян, Г.Напетваридзе, А.П.Синицын, М.Ф.Бернштейн, В.А.Быховский, Н.А.Николаенко, Г.А.Шапиро, М.Г.Корф, Г.Н.Карцивадзе, Н.Ф.Дроздов, Ш.А.Жабуа М.Т.Уразбаев, В.Т.Расказовский, Я.М.Айзенберг, К.С.Абдурашидов, Т.Р.Рашидов, ва бошқа кўпгина малакатимиз ва чет эл мутахассислари томонидан сейсмик мустаҳкамлик назарияси асослари ва сейсмик мустаҳкам иншоотларни лойихалаш усуллари ишлаб чиқилди.

Сейсмик мустаҳкамлик назариясини ривожлантиришда иншоот ва грунтлар динамикаси соҳасидаги фундаментал тадқиқот ишларига таянилди. Буларга чет эллик олимлардан Ш. Окамото, И Мацүто, К. Кубо, А.Н.Крылов, С.П.Тимошенко, И.М.Рабинович, А.Ф.Смирнов, И.И.Гольденблат, Д.Д. Баркан, В.В.Болотин, Б.Г.Коренев, Л.Г.Пановко, Д.Д.Баркан, К.Снитко, О.А.Савинов, Е.С.Сорокин, Г.С.Писаренко, О.В.Лужин, ва бошқаларни ишларини мисол келтириш мумкин.

Республикамиз олимларидан Х.З. Расулов раҳбарлигидаги Ю.Н. Частоевский, С. Сайфиддинов, Г.А. Хакимовларни лёссимон грунтларни зилзилабардошлигини оширишга бағишлаган илмий ишларини мисол келтириш мумкин. Қозикли пойдеворлар устида илмий изланишларни С.З. Сирожиддинов Қ.М. Жумаев ва Б.С. Бузруковлар олиб боришди. С.З. Сирожиддинов ишончлилик назариясига асосланиб, қозикли пойдеворларни мустаҳкамликка ҳисоблаш назариясини яратди.

Охириги йилларда Республикамизда ва Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида вайроналар келтирувчи Ашхобод-1948 й. , Тошкент-1946 ва 1966 йй.), Зангузар – 1948й., Доғистон – 1970 й. Ва 1975 йй., Киргизистон – 1970 йй., Жамбул – 1971 йй., Петропавловск-Камчатка – 1971 йй., Газли – 1976 – 1984 йй. , Назарбек – 1980 йй. , Поп – 1984 йй., Қайроққум - 1985 йй. ва Арманистон – 1988 йй. зилзилалари меъёрий ҳужжатлар асосида лойихаланган ва қурилган бино ва иншоотларнинг етарлича мустаҳкамликка эга эканлигини кўрсатади. Лекин, шу билан биргаликда улар яна бир бора бино ва иншоотларнинг етарлича сейсмик мустаҳкамликка эга эмаслиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлади. Ушбу зилзилаларнинг аянчли оқибатлари яна бир бор муҳандислик сейсмологиясига таълуқли зилзилабардош қурилиш ишларини олиб боришдек мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Иншоотларни сейсмик мустаҳкамлигини ўрганиш йўлида олиб борилаётган илмий- тадқиқот ишларининг замонавий босқичи интенсив сейсмик таъсирида (геометрик ва физик ночизикли, деформацияланишнинг фазовий характери, «грунт-иншоот» системасида ўзаро таъсир механизми, бино ва иншоотлар шикастланиши ва деформацияланишининг мумкин бўлган схемалари, энергиянинг ютилиш жараёнлари ва ш.у.) конструкцияларни ҳақиқий ишлаш шароитини янада тўла ҳисобга олишни характерлайди.Кейинги вақтда кучли зилзилалар содир бўладиган жойларда кўплаб иншоотларни

қурилатганлиги сабабли, грунтнинг сейсмик жиҳатидан мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Бино ва иншоотларни сейсмик таъсирга ҳисоблаш, уларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш ўта муҳим босқичдир. Маълумки, барча сейсмик актив ҳудудларда бино ва иншоотларни сейсмик таъсирга ҳисоблаш меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Шунинг учун сейсмик мустаҳкам қурилиш ишончлилиги ва иқтисодий самарадорлиги маълум даражада ушбу меъёрий ҳужжатлар мукамаллиги, давр талабига жавоб бера олиши каби кўрсаткичлар орқали белгиланади.

Ҳар бир сейсмик актив ҳудудда қурилиш меъёрий ҳужжатлари илмий-тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб боради. Бундай такомиллаштириш меъёрий ҳужжатларда сейсмик таъсир аниқлик даражасини грунт шароитига кўра ошириш, бино ва иншоотларни уларнинг ишончлилик даражасига кўра дифференциялаш, динамик коэффициентларнинг аниқлик даражасини ошириш, конструкциялар пластик деформацияларини ҳисобга олиш ва шу кабилар орқали амалга оширилади.

Зилзилага чидамли бўлган қўлай грунтларга, бузилмаган қоя жинслари, зич жойлашган, кам намли йирик ва майда заррачали грунтлар киради. Тик қояликлар, зах жойлар, шунингдек, тўла намланган майда заррачали қумлар, юмшоқ ҳолатдаги лойлар, ўта чўқувчан грунтлар сейсмик жиҳатидан ноқулай ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир алоҳида қурилиш майдони грунтларининг физик-механик мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва сейсмик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш иншоот мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий гаровидир. Чунки 1 балл юқорига ҳисобланган иншоотнинг таннархи 4 % дан кўп миқдорга ошиб кетиши маълум.

Зилзила юз берган вақтда грунт қатламлари бўйлаб бўйлама, кўндаланг ва ер сирти бўйича тарқалувчи тўлқинлар ҳосил бўлиб, уларнинг грунт заррачаларига ва улар орасидаги сув ва газларга таъсири натижасида сиқилиш-чўзилиш ва силжиш зўриқишлари вужудга келади. Зилзила вақтида грунт заррачалари орасидаги боғланиш кучларининг камайиши грунт заррачаларининг силжишига олиб келади. Грунтларнинг силжишга қарши кўрсаткичлари уларнинг силжитувчи ташқи кучларга нисбатан бўлган асосий мустаҳкамлиги бўлиб, улар босимга ва грунт заррачаларининг ўзаро боғланиш ҳолатларига қараб ўзгаради. Турли грунтлар устида олиб борилган кўплаб текширувлар натижасидан шу нарса келиб чиқадики, ўта чўқувчан грунтлар силжишга қарши мустаҳкамлик кучини грунт заррачалари орасидаги боғланишлар ҳал қилади. Шунинг учун силжитувчи сейсмик зўриқишлар таъсирида грунтнинг қаршилигини ўрганишда грунт зарралари орасидаги боғланишга аҳамият беришга тўғри келади. Ўта чўқувчан грунтларнинг зилзилага нисбатан мустаҳкамлигини оширишга қаратилган тадбирлар турличадир. Шулардан энг асосийлари қурилиш тажрибасида кенг қўлланиладиган пойдевор чуқурлигини ошириш ёки қозикли пойдеворларни қўллашдир.

Кўп ҳолларда, иншоот замини катта қатламдаги ўта чўқувчан грунтлар жойлашган бўлиб, пойдевор чуқурлигини ошириш тадбирларини имкони

бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, катта қатламдаги бўш ва ғовак грунтларни кесиб ўтиб, иншоот таъсирини пастки мустаҳкам қатламларга ўзатишда устун қозикли пойдеворларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай пойдеворларнинг энг асосий афзалликларидан бири уларни ишлатишда чуқур зовурлар қазишни ва махсус қурилмалар ишлатишни шарт эмаслигидир.

Шундай қилиб, ўта чўқувчан грунтлар жойлашган ерларда чуқур лентасимон пойдеворлар ва қозик пойдеворлар ишлатишдан асосий мақсад, бўш ва ғовак қатламни қисқартириш йўли билан заминларнинг зилзилабардошлигини оширишдир.

Электрофлотационная очистка сточных вод металлургических производств от тяжелых компонентов.

Саидов С.С., Шодиев.Х., Мухаммадиев.Б., Саидов Х., С. СамДАҚИ

Проблема охраны водных объектов в Узбекистана в значительной степени решается за счет технологий и сооружений для очистки загрязненных сточных вод, поступающих в эти объекты.

В связи с развитием машиностроительной промышленности, высокой водоемкостью гальванического производства и повышенным дефицитом чистой воды в нашей стране становится актуальной проблема очистки и повторного использования сточных вод, содержащих ионы тяжелых металлов.

В городе Самарканде находятся ряд промышленных предприятий, где одним из основных процессов является гальваническое производство.

К таким предприятиям относятся заводы «Кинап», лифтостроительный, завод бытовых холодильников «Сино» и Локомотивное депо.

Сточные воды, таких предприятий загрязненные ионами тяжелых металлов должны очищаться отдельно, так как к каждому виду загрязнений подбирается свой метод очистки.

В последние годы разрабатываются и внедряются всё более эффективные методы очистки и доочистки сточных вод с применением электрохимических, мембранных, сорбционных и других процессов.

В то же время высокие требования к эффективности очистки сточных вод влекут за собой применение сложных, не всегда экономически оправданных технологических и технических решений, внедрение которых требует привлечения значительных капитальных затрат.

В связи с этим требуется принципиально новые подходы. Одним из таких подходов является разработка и внедрение способов интенсификации и повышения эффективности существующих процессов водоочистки. Под интенсификацией в данном случае понимается повышение скорости процесса, производительности очистных сооружений и установок, сокращение эксплуатационных затрат и себестоимости очистки воды.

Одним из электрохимических методов, используемых в практике очистки производственных сточных вод, является электрофлотационный, при котором извлечение загрязняющих веществ происходит при помощи электролизных газовых пузырьков. Несмотря на большие потенциальные возможности этого ме-

тогда, имеется ряд дисперсных систем, содержащих гидрофильные частицы малорастворимых соединений цветных и тяжелых металлов, в частности, хрома, являющихся агрегативно устойчивыми и обладающими канцерогенными свойствами, при очистке которых, данный метод мало эффективен, т.е. не обеспечивает требуемой степени извлечения. В связи с чем, создание новых и изыскания путей интенсификации и повышения эффективности существующих способов и технологических приемов электро- флотационной очистки сточных вод является актуальной научной задачей.

Исходя из литературных данных, можно выделить 3 группы методов, повышения эффективности процессов водоочистки: химические, физические и технологические. К числу наиболее распространённых химических методов относятся: регулирование pH, коагуляция, флокуляция, осаждение. К физическим – обработка воды магнитным и электромагнитным полем, ультразвуком и ионизирующим излучением. К технологическим – оптимизация дозы реагента и последовательность его ввода в очищаемую воду, совершенствование конструкции аппарата, оптимизация гидродинамических условий интенсификации и др. [1].

Применительно к процессу электрофлотационного извлечения малорастворимых соединений хрома наша основная задача состоит в том, чтобы выявить основные факторы, позволяющие повысить эффективность и скорость процесса, и определить пути управления ими.

Основными источниками образования хромсодержащих стоков являются: гальваническое производство, кожевенная, текстильная, металлургическая, химическая промышленность [2, 3].

В гальваническом производстве сточные воды, загрязненные хромсодержащими соединениями, образуются при химической и электрохимической обработке металлов и их сплавов. Соединения шестивалентного хрома содержатся в сточных водах, образовавшихся при промывке изделий от процессов хромирования, химического травления и пассивирования поверхности деталей из обычной, оцинкованной и кадмированной стали, медных сплавов, электрополирования стальных деталей, а также электрохимического анодирования деталей из алюминия

В гальваническом производстве сточные воды, загрязненные хромсодержащими соединениями, образуются при химической и электрохимической обработке металлов и их сплавов. Соединения шестивалентного хрома содержатся в сточных водах, образовавшихся при промывке изделий от процессов хромирования, химического травления и пассивирования поверхности деталей из обычной, оцинкованной и кадмированной стали, медных сплавов, электрополирования стальных деталей, а также электрохимического анодирования деталей из алюминия [3].

Одним из методов разделения фаз является электрофлотация.

Недостатком данного метода является узкий диапазон исходных концентраций гидроксида хрома (III) (не более 25 мг/л). Данный факт значительно осложняет возможности применения метода в промышленных условиях. Другим недостатком является обязательное применение избытка

хлорида натрия, при котором наблюдается окисление хрома (III) до хрома (VI) в ходе электрофлотации.

Современное состояние науки и техники показывает, что основными направлениями утилизации хромсодержащих осадков являются металлургия, строительная индустрия и переработка с целью извлечения хрома для его дальнейшего применения.

Литература

1. Ильин В.И. Интенсификация электрофлотационных процессов извлечения загрязняющих веществ из техногенных жидких отходов. М.: РХТУ им. Д.И. Менделеева, 2018. 128 с.
2. Очистка производственных сточных вод и утилизация осадков машиностроительной промышленности: материалы семинара. М., 2017. С. 3-8.
3. Малоотходные и ресурсосберегающие процессы в гальванотехнике: материалы семинара. М., МДНТП. 2019. С. 3-6.

Строительные растворы и смеси

Баходур Хайдарович Солиев, Шохсанам Олимовна Алиева СамГАСИ.

Строительные растворы используются при возведении всех без исключения зданий и сооружений. Без них не обходятся ни каменная, ни кирпичная кладка, они необходимы для скрепления крупных элементов и облицовки стен, заливки полов и обработки различных поверхностей. Поскольку область применения строительных растворов весьма широка, велико и их типовое разнообразие: состав продукции подбирается в зависимости от целей применения.

Строительным раствором называется искусственный каменный материал полученный в результате затвердения растворной смеси, состоящей из вяжущего вещества, воды, мелкого заполнителя и добавок для регулирования свойств смеси и растворов.

Строительные растворы классифицируют по основному назначению, применяемому вяжущему и средней плотности.

По основному назначению растворы подразделяют на: кладочные – для каменной кладки стен, фундаментов, и т.д. в том числе и для монтажных работ; облицовочные – для отделки стен, декорации и т.п.; штукатурные – для оштукатуривание внутренних стен, потолков, фасадов зданий.

По применяемым вяжущим различают растворы: простые – состоящие из вяжущего одного вида, сложные – имеющие в составе несколько видов вяжущего а другими словами на основании смешанных вяжущих.

В основном для изготовления строительных растворов используют минеральные вяжущие вещества. Выбор вяжущего зависит от назначения раствора, предъявляемых к нему требований, температурно-влажностного режима твердения и условий эксплуатации здания. В качестве вяжущих применяют портландцементы, пуццолановые портландцементы, шлакопортландцементы, специальные низкомарочные цементы, известь, гипсовое вяжущее. Для экономии гидравлических вяжущих и улучшения

технологических свойств строительных растворов широко применяют смешанные вяжущие. Известь в строительных растворах используют в виде известкового теста или молока. Гипс в штукатурных растворах является добавкой к извести.

По средней плотности растворы подразделяют на: тяжелые плотностью более 1500 кг/м^3 изготавливаемые обычно на кварцевом песке и легкие растворы плотностью менее 1500 кг/м^3 , изготавливаемые на пористом мелком заполнителе и с порообразующими добавками.

В качестве мелкого заполнителя применяют природные – кварцевые, полевошпатовые пески, а также искусственные – дробленные из плотных горных пород и пористых пород. Для приготовления легких растворов применяют пористые пески. При содержании в песке крупных включений, то его просеивают.

В основном растворные смеси укладывают тонким слоем на пористое основание способное отсасывать воду. Чтобы сохранить удобоукладываемость растворных смесей при укладке на пористое основание, в них вводят неорганические и органические добавки, повышающие способность удерживать воды.

В растворы, применяемые для зимней кладки и штукатурки, добавляют ускорители твердения, понижающие температуру замерзания растворной смеси: хлористый кальций, поташ, хлористый натрий, хлорную известь.

Состав строительного раствора обозначают количеством (по массе или объему) материалов на 1 м^3 раствора или относительным соотношением (по массе или объему) исходных сухих материалов. При этом расход вяжущего принимают за 1.

Для простых растворов, состоящих из вяжущего (цемента или извести) и не содержащих минеральных добавок, состав обозначают 1:4, то есть на 1 массовую часть цемента приходится 4 массовые части песка. Смешанные растворы, состоящие из двух вяжущих или содержащие минеральные добавки, обозначают тремя цифрами, например 1:3:4 (цемент : известь : песок).

Качество растворных смесей характеризуется их удобоукладываемостью. Удобоукладываемость растворных смесей оценивают по показателям подвижности и водоудерживающей способности. От удобоукладываемости смеси зависит качество каменной кладки и штукатурки. Правильно подобранная и хорошо перемешанная растворная смесь плотно заполняет неровности, углубления, трещины в основании, поэтому получается большая площадь контакта между раствором и основанием, в результате возрастает монолитность кладки и штукатурки, увеличивается их долговечность.

Пластичность смеси характеризуют ее подвижностью, т. е. способностью растекаться под действием собственного веса или приложенных к ней внешних сил. Подвижность почти всех растворных смесей определяют глубиной погружения (в см) стандартного конуса массой (300 ± 2) г. Высота конуса - 180 мм, диаметр основания - 150 мм, угол при вершине - 30° .

Водоудерживающая способность – это свойство растворной смеси сохранять воду при укладке на пористое основание, что необходимо для

сохранения подвижности смеси, предотвращения расслоения и хорошего сцепления раствора с пористым основанием. Водоудерживающую способность увеличивают путем введения в растворную смесь неорганических дисперсных (состоящих из мелких частиц) добавок и органических пластификаторов.

Затвердевшие строительные растворы должны обладать такими свойствами, которые гарантируют их безотказную работу в течение всего периода эксплуатации конструкции. К основным свойствам затвердевшего раствора относятся прочность и морозостойкость.

Марка раствора определяется пределом прочности при сжатии стандартных образцов кубов размером 7,07 см. Изготовление образцов из растворной смеси подвижностью менее 5 см производят в обычных формах с поддоном, а из смеси с подвижностью 5 см и более – в формах без поддона, установленных на основании-кирпиче (покрытой смоченной водой газетной бумагой).

Прочность строительного раствора зависит от его марки, которую устанавливают по пределу прочности при сжатии после 28 сут твердения, на гипсовых и гипсосодержащих вяжущих - 7 сут. Существуют следующие марки растворов: 4,10,25, 50, 75,100, 150, 200.

Морозостойкость растворов определяют числом циклов попеременного замораживания и оттаивания до потери 15% первоначальной прочности (или 5% массы). По морозостойкости растворы подразделяют на марки Мрз от 10 до 200.

Для каменной кладки наружных стен зданий применяют главным образом цементные и смешанные растворы (цементно-известковые и цементно-глиняные) марок 10, 25, 50 в зависимости от влажностных условий и требуемой долговечности здания. В кладке перемычек, простенков, карнизов, столбов марка может быть повышена до 100.

Литература:

1. Микульский В.Г. Строительные материалы (материаловедение и технология): Учебное пособие. – М.: ИАСВ, 2002. – 536 с.
2. ГОСТ 28013-98 Растворы строительные. Общие технические условия»
3. [ГОСТ 5802-86](#) Растворы строительные. Методы испытаний
4. <https://works.doklad.ru>

Бетон ва темирбетон конструкцияларнинг агрессив мухитга

чидамлилигини ўрганиш усуллари

Ибрагимов Н.Ш., магистр, СамДАҚИ.

Бетон ва темирбетон конструкцияларга зарарли мухитлар таъсири физик ҳолатига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

суяқ мухит – бунда суяқлик таркибида мавжуд бўлган зарарли моддалар, яъни турли хил тузлар, кислоталар ва бошқа моддалар таъсир қилади;

газли мухит – ҳаво таркибида турли хил газларнинг тўпланиши ва уларнинг намлик таъсирида реакцияга киришиши туфайли зарар етказиши;

қаттиқ муҳит – тупроқ таркибидаги тузлар, аэрозоллар ва уларнинг атроф муҳитдан намланиши натижасида реакцияга киришиб зарар етказиши.

Қурилмаларга юқорида қайд қилинган салбий муҳитларнинг таъсир қилиш даражаси меъёрий ҳужжатлар орқали аниқланади.

Агрессив муҳитнинг бетонга таъсири турлича бўлганлиги сабабли бу жараёнларни ўрганиш усуллари ҳам турлича бўлади.

М.Москвин [1] бетон коррозиясини 3 турга бўлиб ўрганишни таклиф этади. Бунда биринчи ва иккинчи тур коррозиялар суяқ муҳит таъсири натижасида вужудга келади. 3-тур коррозия эса қаттиқ муҳит таъсирида вужудга келади.

Суяқ муҳит таъсири натижасида бетоннинг агрессив муҳитга чидамлилигини ГОСТ 27677-88 [6] орқали текшириш мумкин. Бунда тажрибада агрессив муҳитга чидамлилиги ўрганилаётган намуналар асосан агрессив ва агрессив бўлмаган муҳитда бир вақтнинг ўзида параллел олиб борилади. Тайёрланган намуна ўлчамлари тўлдирувчиларнинг ўлчамларига боғлиқ ҳолда аниқланади. Тажриба ишлари 12 ойгача давом эттирилади. Маълум муддатларда намуналарнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги, эгилишдаги мустаҳкамлиги, намунанинг ташқи кўриниши, яъни ҳажмий ўзгариши, массасининг ўзгариши, ғоваклиги каби кўрсаткичлари аниқлаб борилади ҳамда тажриба ишлари бўйича хулосалар тайёрланади.

Суяқ муҳит таъсири натижасида бетоннинг агрессив муҳитга чидамлилигини юқори ҳарорат ҳамда концентрация даражаси юқори бўлган агрессив муҳитда ҳам ўрганиш мумкин. Бу усулдан асосан Guerrero, A. Long [4] ҳамда E. E. Nechal [5] ўз тадқиқотларида фойдаланган. Бунда агрессив муҳитнинг концентрация даражаси 10%ни, ҳарорат 40-60°Сни ташкил этган.

Газли муҳитларнинг бетонларга таъсирини автоматлаштирилган камера ёрдамида ҳам ўрганиш мумкин. Бу усулдан Г.А.Зимакова, М.П.Зелиг [2] ўз тажрибаларида фойдаланган. Бунда газнинг концентрацияси камера ҳажмига нисбатан 10±5 %, ҳарорат (20±5)°С, нисбий намлиги (75±3)%ни ташкил этган.

Бетон ва темирбетон элементларининг агрессив муҳит таъсирида емирилиш жараёни намуналарнинг ўлчамларига ҳам боғлиқ. Буни В.В.Кинднинг [3] тажрибаларида кўриш мумкин. Бу тадқиқот усули майда ўлчамли намуналар билан тажриба ўтказишга асосланган. Намуналар сифатида ўлчамлари 1x1x3см бўлган призмалардан фойдаланиб, намуналарга кўпроқ ғовак тузилиш бериш учун йириклик модули $M_f=2,4-2,5$ бўлган Вольск кумидан фойдаланган. Шу сабабли агрессив муҳитлар намунага чуқурроқ кириб боради ва уни тезроқ бузади. Бу синов вақтини тезлаштиришга сабаб бўлади. Бироқ 1x1x3см ўлчамдаги кичик призмалар бетонни синашга имкон бермайди. Бундан ташқари намуналар агрессив восита билан тўйинтирилади, уларда ионлар концентрацияси ва муҳитнинг рН даражаси бузилади. Тўлиқ тўйинган намуналарда $Ca(OH)_2$ концентрациясининг кескин пасайиши содир бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бетон ва темирбетон элементларининг агрессив муҳит таъсирида емирилиш жараёнини ўрганиш усуллари ушбу элементларнинг қўлланилиш соҳаси, ҳудуди, бетон таркиби,

агрессив моддаларнинг турлари ҳамда концентрация даражасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.М.Москвин “Коррозия бетона и железобетона, методы и защиты” М.: Стройиздат, 1980. 536с.
2. Г.А.Зимакова, М.П.Зелиг «Защита бетонных и железобетонных конструкций от коррозии. Методы испытаний» Методические указания к выполнению лабораторных и самостоятельных работ для студентов Тюмень-2014.
3. В.В.Кинд «Коррозия цементов и бетона в гидротехнических сооружениях» М.-Л.: Госэнергоиздат, 1955.– 320с.
4. Guerrero, A. Long term durability at 40 °C of ecoefficient belite cement mortar exposed to sulfate attack/ A.Guerrero, S.Goni, M.P. // Lorenzo (Instituto de Ciencias de la Construcción Eduardo Torroja (CSIC), Serrano Galvache, 4, 28033 Madrid). Adv, Cem. Res. 2008.–20. –№4.– P.139–144.
5. Hekal E. E. Magnesium sulfate attack on hardened blended cement pastes under different circumstances/ E. E.Hekal, E. Kishar, H. Mostafa // Cem. and Concr. Res. –№9.–2002.–т. 32 –P.1421–1427.
6. ГОСТ 27677-88 “Защита от коррозии в строительстве. Бетоны. Общие требования к проведению испытаний.” Москва 1988.

Туман жамоат марказларини ривожлантириш тамойиллари.

Магистрант: Ўрозалиев Исмоил Махкамбой Ўгли 101-Ш ва ҚАЯЖКҚ

Илмий раҳбар: доц. Балгаев А.Б.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармонлари ва Давлат дастурларида қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг бош режалари асосида ҳовлили ва ўрта қаватли турар-жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма иншоотларининг наъмунавий лойиҳаларига комплекс қайта қуриш тизимини яхшилаш ва шу асосда қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва қишлоқда жамоат марказларининг инфратузилмасини яхшилаш мамлакат ривожига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш, одамларга қулай шарт-шароит яратишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун кейинги пайтда юртимизнинг барча туманлари ва қишлоқ аҳоли ҳудудларида турар-жой ва жамоат марказларида қурилиш ва бунёдкорлик ишларини юқори поғонага кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш қишлоқ аҳоли ҳудудларини ва жамоат марказларини ўзгартиришнинг муҳим жихатларидан бири ҳисобланади. Бунда қишлоқ жамоат биноларининг режали тузилмаси ва типологиясини қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизими – ижтимоий, шаҳарсозлик, композицион нуқтаи назарда рационал бўлган ҳудудларнинг жамоат марказини ташкил қилиш асосида шакллантириш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида юритишга ўтиш, транспорт ва алоқа воситаларини, коммуникация инфратузилмасини ривожланиши, жойлашув

тизимларининг шакилланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими яратилиши учун асосий дастлабки шартлар бўлиб хизмат қиладилар. Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида шакилланаётган жойлашувнинг янги тизимида бундай ўзгаришларни амалга ошириш реал воқелик сифатида қабул қилинмоқда. Жойлашувнинг бундай тизими шаҳар ва қишлоқ учун ягона жойлашув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демак, қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатиш тизими ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича ягона тизимнинг бир қисми бўлиши керак. Бу тизим шу соҳанинг барча корхоналари ва муассасаларининг бирлашиши асосида қурилиб, аҳоли пунктларига бир маромда хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.

Қишлоқ аҳоли пунктининг жамоат маркази аҳолининг ижтимоий ва ишбилармонлик фаолияти жамланадиган жой ва шаҳар ташкил этувчи бош элемент ҳисобланиб, посёлканинг меъморий-ҳажмий композицияси ва контурини белгилаб беришда катта роль ўйнайди. Жамоат маркази маъмурий бошқарув, савдо маиший, маданий-маърифий ва бошқа функцияларни бажаради.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жамоат марказларини лойиҳалашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак экан:

- марказнинг композицион тизими узвий боғланишга эга бўлишига:
- хизмат кўрсатишнинг қулай ва оқилона ташкил этилишига:
- марказ функционал вазифаларга мувофиқ аниқ зоналаштирилиши, ҳажмлар талқинидаги ассиметриялик, шакиллар, контур ва ландшафт тузилишидаги уйғунликка риоя қилинишига:
- архитектура, табиат ва санъат синтези:
- марказдаги бино ва иншоотлар қурилишида миқёслилик, модуллик услубнинг ягона булиши, шакллар ва ҳажмлар уйғунлигига.

Жамоат маркази ҳудудининг функционал жихатдан оқилона ташкил этилишида уни аниқ белгиланган вазифалар (маъмурий, маданий-маърифий, савдо-маиший, таълим муассасалари, дам олиш ва спорт) бўйича бўлинган ҳолда ягона режавий-ҳажмли зона яратилишига эътибор қаратиш лозим.

Маданий-томоша зона таркибига одатда, қишлоқ клуби, кутубхона, чойхона каби объектлар киради. Фаолият кўрсатиш хусусияти ва Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими бундай муассасаларга кечки салқинда таъриф буюрилишини шартлаб беради. Шу сабабдан зона ҳажми ҳам сутканинг айнан шу вақтига мос бўлиши керак: унинг майдони очиқ характерга эга бўлиб, имкон қадар сувли юза (ҳовуз, фаввора ва ҳк.) ташкил қилиниши лозим, шохлари ёйилган дарахтлар бўлмаслиги даркор, кечки салқинни сақлаши ва яхши шамоллатилиши, етарли даражада чироқлар ва ёритиладиган рекламага эга бўлиши лозим.

Маъмурий зона қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти биноси, агрофирма бирлашмасининг бошқаруви, алоқа бўлими, омонат кассаси, АТС биноларидан таркиб топиб, кундалик меҳнат фаолиятининг маркази сифатида асосан эрталаб ва кундузи ишлайди.

Савдо-маиший зона таркибига озиқ-овқат ва саноат-хўжалик моллари дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, умумий овқатланиш корхоналари (ошхона, кафе ва ҳк.) киради. Бу зонага одамлар асосан эрталаб ва кундузи ташриф буюришади, шунинг учун унга қўйиладиган талаблар маъмурий зонадаги каби бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир туман ва қишлоқ аҳоли ҳудудларида жамоат марказлари жойлаштирилишида, уларнинг функционал-режали ва меъморий-ҳажмий ташкил этилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Текисликлардаги вохаларда марказ енг қулай, микроклим яратиш имконини берувчи, ҳудуд аерацияси етарлича бўлган ва биноларни иссиқликдан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган участкада жойлаштирилиб, посёлкадаги устувор ҳолатни эгаллаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ачилов Ш.Д., Турсунов Х.К., Умаров М.У. Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш.-Ўқув қўлланма-Т.:ТАҚИ.2012.211 б.

2. Плотникова А.С., Маханко Б.А., Моисеева С.Б. Архитектурно-планировочная структура общественных центров сельских поселков.-М.: Стройиздат. 1982.108 б.

Фарғона вилоятининг атмосфера ҳавоси ва сув манбаларини муҳофаза қилиш карталарини тузишнинг долзарблиги

Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти “Геодезия ва картография” кафедраси ўқитувчиси Хусанова Маишхура Исломовна, 305-ГКК талабаси Холиқулов Бектош Нормурод ўғли

Загрязнение атмосферного воздуха сегодня имеет далеко идущие негативные последствия. Атмосферный воздух, который является источником жизни для всего человечества и всех других живых существ, загрязнен в основном двумя типами источников. Это природные и антропогенные факторы.

Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосини ифлосланиши жуда катта салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бутун инсоният ва бошқа барча тирик мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлган атмосфера ҳавосини асосан икки турдаги манба ифлослантормоқда. Булар: табиий ва антропоген омиллардир.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчиси табиий манбаларга тоғ жинсларининг емирилиши, зилзила, кучли шамоллар, ўрмонларга ўт кетиши, тупроқларни табиий эрозияга учраши ва шунга ўхшаш ходисалар натижасида атроф муҳитга зарарли омилларнинг тарқалиши киради.

Антропоген таъсир натижасида ифлосланишга эса асосан саноат корхоналари, автомобил, темир йўл, сув транспорти, маиший хизмат кўрсатиш корхона чиқинди ва ажратмалари, шунингдек турли ёқилғи турларини ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган захарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилиши ҳавони ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Корхоналар,

ташкilotлар, муассасалар, атмосфера ҳавоси ва сув бойликларидан фойдаланишда чиқиндисиз ва камчиқим технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш лозим. Уларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш, чиқиндиларни турларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари керак. Ҳозирги даврда инсон саломатлиги учун энг хавфли манбалар саноат корхоналари ҳамда транспорт воситаларидан чиқадиған захарли газлардир. Фарғона вилояти бизнинг республикамизнинг саноати тараққий этган худудлардан хисобланади. Вилоятда халқ хўжалигига зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи талайгина кимёвий корхоналар жойлашган. Шу билан биргаликда вилоятимиз Марказий Осиё худудидаги энг ифлосланган шаҳарлардан бири хисобланади. Саноат корхоналарининг экологик муҳитга таъсирини ўрганиб, атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида биз Фарғона вилоятининг атмосфера ҳавосини ва сув манбаларини муҳофаза қилиш карталарини тузишга қарор қилдик. Лойихаланаётган карталар ўзининг соддалиги ва мазмунини бойлиги барча олдинги тузилган карталардан фарқ қилиши керак.[1]

Экологик жихатдан мазкур вилоят тоғ олди ва тоғли худудда жойлашганлиги учун тоза бўлиши керак, лекин вилоятда ҳам саноат корхоналари, ташкilotлар, завод ва фабрикалар атмосферага маълум миқдорда ифлослантирувчи моддаларни чиқаради. Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маълумотларига кўра, Фарғона вилояти табиатини муҳофаза қилиш кўмитаси назорати остида 38 та ташкilot, корхона ва муассасалар бўлиб, улардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташлаш манбалари инвентаризация қилинган. Чиқиндиларнинг чекланган меъёрини ташлаш лойиха хужжатлари ишлаб чиқилган. Туманлар корхона ва ташкilotларида жами 972 та зарарли моддалар ажратиш қурилмалари мавжуд бўлиб, шундан 131 таси чанг–газ тозалаш қурилмалари билан жихозланган. Вилоятда табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан келишилган ҳолда ҳар йили туман корхоналарида табиат муҳофазасига, шу жумладан, атмосфера ҳавоси сув ресурсларини муҳофазасига қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар ҳажмини камайтириш, рухсат этилган чиқиндилар меъёрини атмосферага ташлаш, экологик вазиятни яхшилаш каби тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда Фарғона вилояти атмосфера ҳавосини ифлосланиш кўрсаткичини ифодаловчи карталарни тузиш ва уни кенг оммага тақдим этиш картографларнинг олдига қўйилган долзарб масалаларидан бирига айланди.

Масалан, бундай карталар Фарғона вилоятида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни тарқалиши, уларни хажмива атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун керакли чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга ошириш кўрғазмали манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек бундай карталарда атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини географик тарқалишини яққол кўрсатиб беради.[2]

Вилоятда фойдаланилаётган сувларнинг асосий қисмини ер усти сувлари ташкил қилиб, бу Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона каналидир ва уларнинг бир қанча ирмоқларидир.

Умуман олганда Фарғона вилоятида аҳоли, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини тоза сув билан таъминлаш, ифлосланган сувларни тозалигини назорат қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун туман ер усти сувларини муҳофаза қилиш мавзусидаги карталарни тузиш, шунингдек уларнинг тозалигини илмий асословчи чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш масалалари юзасидан бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бундай карталарга қуйидагилар мисол бўлади:

- Сувнинг ифлослантирувчи манбаларни тарқалиш картаси;
- Сувнинг ифлосланиш даражасини кўрсатиб берувчи карталар;
- Сув сарфини тақсимлаш

каби карталарда, корхона муассаса ва ташкилотларнинг ишлатилаётган сув сарфларини динамикасини, уларни ифлосланиши, географик жойланиши ва ифлослантирувчи манбаларни диаграммаларда ҳамда графикларда, ташланаётган сув миқдорининг кўрсаткичлари тасвирланади.

Бу карталардан қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари, соғлиқни сақлаш, дам олиш масканлари сувлардан оқилона фойдаланишда қўлланилади ҳамда кўргазмалар манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзалиев Т. Проблемы комплексного и тематического картографирования в Узбекистане Т. 1990. с. 96-112
2. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. –Т.: Университет, 2001.-25 б.
3. Экологический атлас Харьковской области. 2002. с. 4
4. Фарғона вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси. Статистик маълумотлар. Фарғона 2003. 2-16 б.

Сув ҳавзаларини ва дарё ўзанларни планга олишда бажариладиган геодезик ишлар

Стажёр ўқитувчи М.С.Ҳамдамов, 305-ГКК талабаси Б.Холиқулов (СамДАҚИ)

Дарёда тўғон барпо этишда сув сатҳи лойиҳавий сатҳ отметкасигача кўтарилади. Тўғондан сув ҳавзасининг охириги қисмигача узунлиги қуйидаги келтирилган ифода ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$L=K \cdot H / j$$

бу ерда L – сув босими баландлиги, j – ўртача бўйлама нишаблик, K – коэффициент, тўғон учун 1,5 – 2,2.

Текисликдаги дарёлар учун $H = 28\text{м}$, $K=1,5$ ва $j = 150,000$ бўлса, $L= 280$ км бўлади.

Тўғон билан тўсилган дарё суви нотекис ҳаракатга эга бўлади ва тўғонга яқинлашган сайин чуқурлиги ортиб боради, оқим тезлиги эса камайиб боради.

Сув ҳавзаларини лойиҳалашда қуйидаги асосий вазифалар ечилади:

- сув ҳавзаси чегарасини аниқлаш;
- сув ҳавзасидаги сув ҳажми ва кўмилиш майдонини аниқлаш;
- сув босиши мумкин бўлган аҳоли яшаш пунктлари, йўллар, электр узатгич тармоқларини аниқлаш, зарар кўриш харажатларини ҳисоблаш, янги аҳоли яшаш пунктлари лойиҳасини тузиш;
- шаҳар ва турли аҳоли яшаш пунктларини сув босишдан муҳофаза этувчи инженерлик иншоотлари лойиҳасини тузиш.

Сув ҳавзаларини лойиҳалашда турли масштабдаги топографик карталар ишлатилади. Бошланғич ҳисоблар 1:100000 – 1:50000 масштабли карталарда бажарилиши мумкин. Йирик сув ҳавзалари учун техникавий лойиҳалар тузишда 1:25000 масштабли карта ишлатилади.

Сув ҳавзаларини планга олиш кўшма ёки стереофотограмметрик усулда амалга оширилади. Планли асос тармоғи сифатида триангуляция ёки полигонометрия тармоғи хизмат қилади. Баландлик асоси III ва IV синф нивелирлаш йўли кўринишида барпо этилади. Планли ва баландлик тармоқларини лойиҳалашда улар фақат план олиш асоси эмас, балки сув ҳавзаси лойиҳасини жойга кўчириш учун ҳам хизмат қилиши кўзда тутилади. Шунинг учун тармоқ пунктлари сув босмайдиган жойларга маҳкамланишига ҳаракат қилинади.



(1-расм)

Сув ҳавзалари майдони топографик картадан планиметр ёрдамида аниқланади. Майдонни топиш аниқлиги ўртача $m_p / P=1/100$ ни ташкил этади.

Топографик картада сув ҳавзаси ҳажми 3 – 5% аниқликда, мураккаб усулда 1,5 – 2% аниқликда ҳисобланиши мумкин.

Ўзанларни планга олиш

План олиш масштаблари. Сув транспорти кидируви ишларида дарё ўзанларини планга олиш асосий масала ҳисобланади. Дарё чуқурлигини, сув юзаси нишаблиги, қирғоқлар ҳолатини кўзатишда, ўзанларни планга олиш муҳим аҳамиятига эга бўлади.

Дарё ўзанини планга олиш сув сатҳининг юқорги чегараларида олиб борилади. Қирғоқ тафсилотларини планга олиш умумлаштирилган ҳолда бажарилиши мумкин. Шу сабабли планли асослаш тармоғини тузиш аниқлигига бўлган талаб бир мунча камайтиради.

200 – 500 м энликдаги дарёлар учун план 1:2000 – 1:5000 масштабда, таг қисми рельефи 0,25 – 0,5 м горизонталлар билан ифодаланади.

Ўзанларни планга олишда планли асос сифатида I – даражали триангуляция, чизиқли-бурчак тармоқлари, светодалномерли полигонометрия полигонларидан фойдаланиш мумкин.

План олиш майдонлари катта бўлганда, планли асослаш тармоғи давлат тармоқларига боғланади, бунда заиф пункт ҳолатининг ўрта квадратик хатолиги 0,5 мм дан, план олиш тармоғи учун 1 мм дан ошмаслиги керак.

Текис дарёлар ўзанини планга олишда баландлик асоси сифатида III синф нивелирлаш тармоғи, тўлдирувчи тармоқ бўлиб IV синф ёки техникавий нивелирлаш амалга оширилади.

Бажариладиган иш турлари:

Ўлчаш ишлари.

Ўлчаш нукталарини планли боғлаш.

Радио ўлчагич тизимини қўллаш.

Бунга қўшимча бўлиб топографик-геодезик ишлар системасида замонавий технологияларга асосланган GPS ва ГЛОНАСС сунъий сунъий йўлдош тизимларини, геоинформацион тизимларни, рақамли ва лазерли-электрон ўлчаш ва ҳисоблаш техникаларини, шунингдек лазерли сканерлаш технологияларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинади.

Адабиётлар рўйхати

1. P.Sultonov. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari. —MUSIQAI nashriyoti Toshkent 2007.

2. Qodirov E.V va boshqalar. Tabiiy muhitni muhofazalashning ekologik asoslari. T., —O'zbekistonl, 1999-y

3. Ш.К.Авчиев. Амалий геодезия. Ворис нашриёти. Тошкент 2010.

4. А.А.Мирзаев. —Замонавий геодезик асбобларl. Ўқув қўлланма. Самарқанд-2010 й.

5. Болдин В. А., Зубинский В. И. и др. Глобальная спутниковая радионавигационная система ГЛОНАСС – М.: ИПРЖР, 1998. – С. 6-11.

6. ZIYO.net Internet sayti.

7. <http://www.gisa.ru>

Ko'p qavatli turar joy uylarida liftlardan foydalanish

*Zoirov R.Z. SamDAQI, Arxitekturaviy loyihalash kafedrasi katta o'qituvchisi,
Sharipova Y.O. SamDAQI, 201-B va I A magistranti.*

Annotatsiya.

Bugungi kunda yurtimizda arxitektura sohasida juda katta loyihalar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa ko'p qavatli turar joy binolari qurilishiga katta e'tibor berilmoqda. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad aholimizning turmush tarzini yanada

yaxshilashdir. Ushbu maqolada ko'p qavatli turar joy uylarida liftlarning loyihalanishi tahlil qilingan va ularning yanada zamonaviy takliflari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar.

Kvartira, kabina, vertikal aloqa, shaxta.

Lift uskunalari har qanday zamonaviy yuqori qavatli binolarni jihozlashda muhim element hisoblanadi. U turar-joy binolarida, idoralarda, savdo markazlarida, jamoat va boshqa ob'ektlarda qo'llaniladi. Zamonaviy lift qurilmasi yo'lovchilar va buyumlarni binoning istalgan qavatiga tez, qulay va xavfsiz ravishda ko'tarish va tushirish imkoniyatini beradi. Qurilish egalari, boshqaruv kompaniyalari vakillari, xizmat ko'rsatuvchi xodimlar va oddiy yo'lovchilar hech bo'lmaganda liftning baland qavatli binoda qanday joylashtirilganligi va qanday ishlashi haqida umumiy tasavvurga ega bo'lishlari kerak.

Lifflar vertikal aloqaning eng oson va tez vositasi bo'lib, 5 qavatdan yuqori bo'lgan binolarga o'rnatiladi. Lifflar kabinalari shaxta ichida, zinapoyalar bilan birga o'rnatiladi. Lekin lift shaxtalari alohida xonalarda ham bo'lishi mumkin. Liftlarning borligi bizni zinapoyalarni o'rnashdan ozod etmaydi, chunki zinapoyalar aholini evakuatsiya qilishda eng ishonchli vositadir. 6 qavatdan 9 qavatgacha bo'lgan uylarda har bir zinapoya katagi aholi uchun lift 320 kg yuk ko'taradigan, 9 qavatdan ortiq binolarda esa aholi uchun 500 kg yuk ko'taradigan qilib o'rnatiladi.

Yuqori qavat polining sathi yer sathidan 13 m va undan baland turar-joy binolarda liflardan foydalaniladi. Loyihalash topshirig'i bo'yicha yuqori qavat polini bundan kam sathda ham lifflar bo'lishi mumkin.

Uylar ustiga bir qavat qurilganda ham turar-joy uylarni jihozlash uchun lozim bo'lgan eng kam lifflar soni ushbu ilovada eltirilgan.

Ilova. Yo'lovchi liftlarning minimal soni

Binoning qavatlari	Li flar soni	Yuk-ko'taruvchanligi kg	Tezligi m/s	harakatdagi kvartiralarning eng katta maydoni, m ²
9 gacha	1	630 yoki 1000	1,0	600
10-12	2	400, 630 yoki 1000	1,0	600
13-16	2	400, 630 yoki 1000	1,0	500

Izohlar: 1. 630 yoki 1000 kg yuk ko'taruvchi lift kabinalarini gabaritlari 2100x1100 mm dan kam bo'lmasligi kerak.


2. Jadval 1 yashovchiga 16-18m² yashash maydoni, qavat balandligi – 3,0m, lift xarakati intervali 81-100 sek hisobidan kelib chiqib tuzilgan.

Butun dunyoga tarqalishga ulgiran ushbu koronavirusga qarshi yechim topish va faoliyatni davom ettirish hozirgi davr ijtimoiy-ekologik vaziyatda turgan muhim vazifadir. Garchand Samarqand shahrida ham epidemiologik vaziyat hukumron bo'lsada, davlat rahbarlari tomonidan Samarqand shahri ekotizimini boyitish bo'yicha chora tadbirlar ishlab chiqilishini bugungi kunimiz va kelajagimiz uchun o'sish holati deb baholasak bo'ladi.

Bugungi kunda Samarqand shahri aholisi 600 mingdan oshgan bo'lib, aholining uy-joyga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida shaharni Pastdarg'om, Nurobod, Samarqand tumanlari tomon kengaytirish, yangi mavzelar hamda "yo'ldosh shaharlar" barpo etish rejalashtirildi. Samarqand viloyatidagi 60 foiz korxonalar o'z faoliyatini tiklab, yana o'z ishiga kirishdi [5].

Xulosa qilib aytganda, Covid-19 pandemiyasi tibbiy jihatlama qaraganimizda insonlar sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatgan bo'lsada, sotsial va ijtimoiy-ekologik jihatdan qaraganimizda esa uning ijobiy ahamiyatini ham ko'rishimiz mumkin. Yuqorida ta'kidlaganimizdek, Covid-19 pandemiyasi oqibatida yuzaga kelgan ushbu ijobiy holat uni bartaraf etmaslikka asos bo'la olmaydi. Biroq, insonlar ushbu ijobiy holatlarni koronavirus infeksiyasi bartaraf etilganidan so'ng ham chuqur tahlil qilishi lozim deb topdik. Bu jarayonda galdagi vazifalarga yechim topish muhim deb bilaman:

Birinchiidan, shaxsiy va jamoat gigiyena qoidalariga amal qilishda davom etish va kelajak avlodni ham shu zayinda tarbiyalash. Yurtimizda kun sayin aholi ham jamoat joylari ham ortib bormoqda. Jamoat joylarida gigiyena qoidalariga amal qilish bilan ham o'zini, ham o'zгалar hayotini nafaqat Covid-19 pandemiyasidan balkim har qanday yuqumli kasalliklardan saqlab qolish mumkin.

Ikkinchiidan, tabiat qonunlarini hurmat qilish, uni asrab-avaylashga o'z hissasini qo'shish. Ba'zan majoziy ma'noda aytganda bir qadam yurish kerak bo'lgan joyga

ifloslantiruvchi moddalarni atmosferaga chiqaradigan xususiy moshinani ishga solishni afzal bilishni bas qilish lozim. To'g'ri texnika biz uchun yaratilgan, biroq biz texnikani ishlab turishi uchun yaratilmaganmiz.

Uchinchidan, yo'l xizmat transportida velosipedda faoliyat olib borish uchun shart-sharoitlarni yaratish. Ko'pgina rivojlangan davlatlar ham avtomoshinalardan voz kechayotgan bir vaqtda ushbu masalani mamlakatimiz bo'ylab tahlil qilsak va unga yechim topsak yaxshi bo'lardi.

To'rtinchidan, davlat tomonidan yaratilgan sun'iy ekotizimga hurmat bilan qarash lozim. Istirohat bog'lariga borganda axlatni qutiga solish, daraxtlarni sindirmaslik, ko'chatlarga zarar bermaslik shular jumlasidandir. Zero, shunday payt qachonlardir shu yerga kelib, oilaviy yohud do'stlar bilan aylanib yurishga zor bo'lgan hozirgi karantin davrni unutmash lozim.

Beshinchidan, har bir shaxs o'z ishiga shunchaki yondashmaslik lozimligiga o'rganish va buni davlat rahbarlari tomonidan nazorat qilinishidir.

Xulosa yakunida Covid-19 pandemiyasiga qarshi kurashishda sabrli bo'lish har bir fuqaroning vazifasi ekanligini ta'kidlagan holda, fuqarolarimizni shahar ekotizimini asrab avaylashda birlashishga chorlayman.

Adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. T.: 2013. 43 b.
2. <https://un75.online/?lang=uzb>
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/05/14/quarantine-stratgy/>
4. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/05/15/covid-19/>
5. Shavkat Mirziyoyev: Epidemiologik vaziyat jilovini mahkam ushlagan holda karantin talablarini yumshatishni davom ettiramiz. Xalq so'zi. 2020 yil 14 may, №101 (7603).

Ўзбекистон шаҳарларида ўрта ва кўп қаватли турар-жойлар қурилишининг қисқача тарихи ва ривожланиши

СамДАҚИ 101- III ва ҚАЯЖКҚ магистранти Ахмедов И.Х.

Калит сўзла: ўрта ва кўп қаватли, турар жой, маскан, уйлар, ҳовли, иқлим.

XX асрда Республика шаҳарлари тез суръатлар билан ривожланиши натижасида ўрта ва кўп қаватли турар-жой уйлари қурила бошлади ва унинг архитектурасида катта кизиқиш уйғотди. Шу даврда олимлар томонидан Ўзбекистон шаҳарларининг табиий иқлим шароитларига мос ва хос булган уйсозлик халқ тажрибалари тадқиқотлар қилинган ва жамланган. Масалан Бухоро халқ уйлари ва унинг иморат қурилиши ўзининг бетакрорлиги билан бошқа шаҳарлардан ажралиб туради. Турар-жой масканлари композицияси очик, ярим ёпик ва ёпик характерли бўлиб иқлимнинг салбий томонларидан кўча шовқини ва чангдан ҳимояланган. Бундай ҳовлили-уйларда ўзининг микро иқлими бўлиб ва куннинг жазирама иссик вақтларида салкин булган. Хива халқ уйларида ўзининг микро иқлимини хосил қилувчи махсус система яратилган.

XX асрнинг 30-40 йилларида республика шаҳарлари тез суръатлар билан ривожланиши натежасида, ўрта каватли турар-жой уйларига талаблар орта бориб курила бошлади. Бу давргача республикамиз шаҳарларида ўрта каватли тураржой бинолари курилмаган, ва шу сабабли бу уйларга нисбатан олимлар ва архитекторлар томонидан катта кизиқиш уйғотди. Бу даврда республикамизда илмий-тадқиқотлар ва лойиҳа ишлар олиб борилди ва конкурслар эълон қилинди.

1940-йилларнинг охирида, Узгоспроект институт томонидан типлаштирилган турар-жой биноларининг 2-каватли кўпсекцияли уйларнинг 210-серияси ишлаб чиқилди ва шаҳар иморат курилиши тавсия қилинди.

XX асрнинг 40-йилларидан Тошкент ва Чирчиқда ҳам 3-4 каватли турар-жой уйлари курила бошлади. Бу турар-жой уйлар танланган майдонга қараб алоҳида лойиҳаланган, мисол учун Пушкин кўчасидаги 4-каватли уй. (Арх.К.Бобиевский). Кейинчалик Ўзбекистон шаҳарлари учун икки квартирали секция типдаги ёзги хоналари ва икки томнама шамоллатиш мумкин булган кўп секцияли уйлар лойиҳаланган.

XX асрнинг 50 йилларида турар-жой уйлари курилишининг катта ютуқларидан бири, бу тайёр темирбетон конструкцияларидан йиғиладиган уйлар курилишига ўтишдир.

1961-1962 йилларда Гипростройиндустрия ТДСК ва 1-464-АСП сериялари қайта ишлаб чиқилган. ТДСК-серияли уйларнинг архитектуравий ечимлари умумий, ва яшаш хоналарини режалаштирилиши 1-310-серияли ғиштли уйлардан фарқ қилмайди, фарқли жиҳати ёзги хона терассаси умумий хона билан боғланган лоджия билан алмаштирилган.

Бу янги тураржой уйларни лойиҳасини ишлаб чиқишда Архитектор ва муҳандислар катта гуруҳи институт бош муҳандис раҳбарлигида ишланган улардан;

Хоналар режавий ечимлар тўғри топилган. Терасса билан умумий хонани функционал боғлиқлиги сақланиб қолинганлиги, IV климатик минтақада секцияли тураржой уйларини лойиҳалаш ва курилишидаги кўп йиллик тажрибаларга асосланиб умумий хона билан бирга барча хоналар алоҳида ошхона билан боғланган ва ундан ташқари ошхона майдони 5,3 м² дан 8,3 м² га оширилган; 2-хонали квартирадан бошлаб барча квартираларда алоҳида хожатхона ва эксплуатация сифатининг кўтарилишига олиб келинган.

1960-йилда Навоий шаҳри Горстройпроект (Москва) институт лойиҳаси асосида курилиб бошлаб, кейинчалик Ленинград давлат институтига комплекс лойиҳалаш учун берилган. 1961 йилда Навоий шаҳрини лойиҳаси (муаллифлар гуруҳи; хиз. кур қурувчи А. Коротков; архитекторлар В. Иванов, И Орлов, муҳандис. Г. Сморидин) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Микрорайонлар асосан 5-каватли 1-464, IV-4,5,6 серияли уйлар ва типдаги каркас-панел конструкцияли 9-каватли (1-101-1БГ-9 серияли) галерияли ва коридорли уйлар билан боғлаб қурилган.

Республикадаги уй курилиш комбинатининг (ДСК) маҳсулоти турар-жой уйлар 1Уз-500 серияси Тошкент ва Андижонда қурилган, 76-серия Олмалик, Қарши, Наманган, Урганч, Гулистон, Фаргона шаҳарларида, 146-серия Бухоро

ва Нукусда, 464-срия Самарқанд ва Фарғонада (бу тураржой уйларни барчаси 4-5 каватли); 148-серия 9-каватли турар-жой уйлари Тошкент ва Самарқанддан ташқари республика вилоятларининг марказида ҳам қурилади бошлади.



Ўрта ва кўп қаватли турар-жой уйлари шаҳарга хос бўлган табиий ва ижтимоий талабларнинг (шакли ва рангларининг хилма-хиллиги ва шаҳарсозлик омиллари) қондириши керак. 148-серияли 9-каватли турар-жой уйлари 2-та жиддий камчиликка эга (ТошЗНИИЭП) 1) ташки деворнинг конструктив ечими қатъийлиги сабабли тарзи ўзгармас.

2) Магистрал кўчаларда хоналарни шовқиндан химоя қилишда, тарз олди ҳовлили килиб боғланади.



Айниқса кўп қаватли биноларда 5-каватдан юқори бўлса 1 та лифт 10 та каватдан кейин 2 та лифт қулланилади. Бундан ташқари 5 каватдан кейин ердан узоклашиш хоналарнинг микро иклими анча қийинлашади.

Кўп секцияли уйлар. Республикамизда оммавий уй-жойлар қурилиши типовой ҳамда индивидуал лойиҳаланган лойиҳалар бўйича амалга оширилмоқда (1-расм). Қуйидаги келтирилган лойиҳалар Самарқанд шаҳрида амалиётга жорий қилинган лойиҳалар ҳисобланади.



Квартиралар тизимини такомиллаштиришнинг кейинги босқичида ўрта ва кўп қаватли биноларнинг иқтисодий тежамкорлигини ошириш ва табиий-иклимий нуктаи назаридан бир зинада квартиралар сонини ошириш, табиий горизантал ва вертикал шамоллатишни аэроцион шахталар орқали амалга оширилади. Зина-лифтлар тугуни бу хил уйларда икки кўринишда бўлади қоронғу блок-секциянинг ўртасида жойлаштирилган ва ёруғ. Аэроцион шахта икки блок секция ўртасида ва блокировка вақтида бинонинг бутун энига 1-1,5м бўшлиқ қолдирилади. Аэроцион шахта зина-лифт ва ёзги хоналар билан биргаликда йечилади. Аэроцион шахталар шундай жойлаштирилганки, улар нафақат яшаш хоналарни эмас, балки ювиниш хонаси ва ошхоналар

шамоллаттирилади ҳам салқинлатади. Шунинг учун икки блок секцияли оралиғида жой колдирилган бўлади. Бу типдаги уйларнинг тахлили 2-расмда келтирилди.

Хулоса.

Изланишлар ва илмий тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, халқ меъморлари томонидан ҳар бир регионнинг табиий-иклим шароитига мос келадиган бетакрор халқ уйлари яратилган. Регионлардаги турли хил халқ турар-жой уйларининг ҳажмий-фазовий тузилишлар, уларнинг оптимал блок-элементлар, асосида рационал - меъморий режавий тузилиши ва ҳажмий - фазовий композицияга эга бўлган мажмуаларни ташкил этиш ва бир вақтнинг ўзида ўзининг микроклимини бошқарадиган табиий муҳит билан бевосита боғланган, ҳамда очик ҳовлида оила турмуш тарзига мос келадиган муҳитни яратувчи халқ уйларининг тизимини яратишдир.

Қаламтасвирда қисқа муддатли қаламчизги ва қораламанинг ўрни.

*Махкамова Глнора Абилкасимовна, Қаххоров Мурод Эргашевич СамДУ
Тасвирий санъат кафедраси ўқитувчилари, Шарифова Хилола 104-Тас.сан.ва
мух. графикаси талабаси*

Аннотация

Ушбу мақолада қаламтасвир дарсларида қоралама ,қаламчизги ва қисқа муддатли қаламтасвирнинг бир-биридан фарқ, уларнинг вазифаси ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Тасвирий санъат тарихида буюк рассомларнинг тасвирий санъатда қоралама ва қаламчизгиларнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларини ёритган.

Аннотация

В этой статье обсуждаются различия между рисунками, карандашами и краткосрочными красками в их художественных классах, их роль и значение. В истории изобразительного искусства он иллюстрировал идеи великих художников о важности рисунков в изобразительном искусстве.

Annotation

This article discusses the differences between drawings, pencils and short-term paints in their art classes, their role and significance. In the history of fine art, he illustrated the ideas of great artists about the importance of drawings in the visual arts.

Қисқа муддатли қаламтасвирларнинг бажарилиши қаламтасвир фани ўқитишда ўта муҳимдир. Қисқа муддатли қаламчизги (“наброска” – рус тилида “croquet” – французча, sketch-инглизча) табиатдаги предметларни умумий кўриш, қисқа муддатли қаламчизгилар одатда тезликда, қисқа муддатда бажарилади. Мураккаб шакилларни тасвирлашда, тахлил қилишда унинг асосий белги ва характерларини, белгиларини ўрганиш муҳимдир. Бу қаламтасвирни ўрганишдаги муҳим бир жараёндир. Шунинг учун тез, қисқа муддатда, умумий, қисмларсиз тасвирланади.

Қаламчизги - бу натуранинг қисқа муддатли қораламасидир. У тезлик билан фикр юритишга, тор доирадаги ифодани топишга ёрдам беради

Қаламчизгининг асосий мақсади, тасвирловчининг кузатувчинлик билимининг ўсишига, модельнинг пластик қиёфасини тезликда англаб, унинг ҳаракати ва нисбатларини аниқлашга олиб келади. Қаламчизги кўз чамалаш аниқлигини ўстиради, қийин ҳолатда мўлжал олишга ўргатади. Қаламчизги-қаламтасвирни сирларини чуқур, пухта эгалламоқчи бўлган талабаларнинг илмий ривожланишига, билимларининг мустахкамланишига ёрдам беради. Тирик модельдан узоқ муддатли қаламтасвир ишлаганда, натурани тўғри қурилишида, анализ қилишда, ҳаракатдаги ҳолатни аниқлашда кўпгина билим талаб қилинади.

Қоралама (зарисовка) – эса қаламчизгидан фарқли бўлиб, кенгрок, табиатнинг кўпқиррали томонларини тасвирлайди. Қоралама- шаклни яхлит қабул қилишга мўлжалланади ва бундан талабаларда мстақил ишлаш кўникмаси келиб чиқади. Лекин вазифани бажариш вақтида талаб билан боғлиқлиги, энг кераги белгиланади ва тасвирланади. Қораламанатурадан тасвирланади, қаламчизгининг асосий вазифаси- композицион муҳитни топишда, ишнинг асосийсини бажаришда вазиятни осонлаштиради. қаламчизгининг тўғри топилиши ўқув қаламтасвирини ишлашда ёрдам беради.

Қадим замонлардан буён кўпгина номдор рассомлар қаламчизги ва қоралама бажариш зарурияти ҳақида ўйлаб кўрганлар. IV-асргача одатий хомаки вариант ишлаш анъанаси мавжуд бўлган. Леонардо Да Винчи ўз ишини бошлаганда кўпгина хомаки вариантларини бажарган ва уларнинг ичида ўзига ёқганини танлаб олган. Рафаель Санти эса унинг бу фикрига қарши равишда айнан шу ишни қайта ишлаш жараёнида бажарган. Рус рассом-педаги Ч.П.Павлов фикрича инсониятдаги бадиий жиҳати илк сигнал тизими ва унинг ҳақиқатни ҳеч қандай бўлинишсиз, узилишсиз умумий қабул қилади. Л.П.Чистяков ўзнинг нисбат олишни билмаган ўқувчиларига қаламчизги қилиш кераклигини уқтиради. И.Е.Репин устахонасидаги дарсларида қаламчизги дарсинг ажралмас қисми ҳисобланган. Д.Ш.Кардовский ҳам ўқув-услубий тушунчаларида ҳам қаламчизгини алоҳида таъкидлаб ўтган. Қаламтасвирда қаламчизгининг ўргатилиши кўп қисмлидир. Талаба ҳар куни турли хил предметлардан қаламчизги бажариши шарт. Рус рассоми К.Ф.Юоннинг фикрича, натурадан қаламчизги қилишнинг асосий боғлиқлиги манбаани ўрганишга замин бўлади.

Шундан келиб чиқадики, қаламчизги ва қораламанинг эътиборга молик жиҳати шундаки, тасвирнинг мақсад имкониятига эришишдир. Қаламтасвирнинг қисқа ва узоқ муддатли бажарилишини билиш хотирани мустахкамлашга олиб келади. Айнан шу жиҳати уларнинг мақсадлилигидир. Қаламчизгининг бундай бажарилиши мустақил ижод қилиш баҳосини беради.

Музейларда ва кўргазмаларда иштирок этаётган қаламчизгилар ва қораламалар эркин ижод намунаси сифатида қўйилади. Буларнинг барчаси педагогик жараёнда ўқтилиши муҳимдир. қаламчизгининг бажарилиши ўқувчига ўлчам, мўлжал, нисбат олишга эътибор қаратишга ўргатади.

Қаламчизги ва қоралама ишлашга қуидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ. Қаламчизги ишлашда юз, шакл ва ҳайвон, хотирадан расм ишлаш (қомат ва ҳаракат), тирик ҳаёт (табиат)дан қоралама ишлаш, табиат бўлаги, меҳнат жараёни, ҳолат, девор, бурчак, типаж кабилардан қоралама ва қаламчизгилар ишлаш шарт. Улар кўз мослашувига, кузатувчанликка эришишга, қиёфани сезишга ўрганишга, нисбатларни тўғри олишга, техник мукамалликка ва ҳусусий график усулларни топишга ва ниҳоят ижод сари биринчи қадамни қўйишга ёрдам беради. Қораламалар ишлаш-кераксиз қисмларсиз, натуранинг энг ҳарактерли томонини кўришни талаб қилади.Талабалар хотирадан қораламалар ишлашлари профиссионал билимларни олишга замин бўлади. Қаламтасвир фанида узоқ муддатли расм чизиш машғулотлари хотирадан қоралама ишлаш билан алмашилиб туриши керак. Бунинг натижасида бир бир неча кундан сўнг (масалан бир ҳафтадан сўнг) модель хотирада муҳирланади. Кейинги кун қоралма иш ҳақийқий модель билан таққосланади, хотирада тўлдирилади. Юқори аниқликка эришишга ҳаракат қилиш керак. Талабалар қанчалик қоралама ишларни кўп бажарсалар, шунчалик кўриш хотираси ривожланади. Биринчи усул: модель 10 дақиқа кузатилади ва тирик натурани ҳаёлан тасвирлаб кўради. Модельга қайтиб ҳаёлан қоралама билан тақоссалади. Мантиқий кузатилиб, ҳамма ноаниқликлар аниқланади.Иккинчи усул: қайсидир предмет ёки тирик натурадан яний кўчада, автобусда ёки бирор жойда кузатиб келиб, уни қоралама қилишга ҳаракат қилинади.Бунинг учун кафтга, қўлга яхши жойлашадиган блокнот ёки альбом олиб юриш мақсадга мувофиқдир.Бирор предметнинг кичик бўлаги ёки одамнинг юз бўлаклари:кўз, лаб, қулоқ, бурун ёки тана аъзоси қўл, оёқ ҳолатларидан бирини қоралама қилиш яхши натижа беради.

Шаклни ўрганишдаги ягона таълим- бу буюк рассомлар ижоди билан танишиш (В.А.Серов)Ижодкор асарларида нафақат ўз замондошлари, балки ҳайвонлар ва қушлар, уларнинг қиёфалари ҳақида умумий билим оилшимиз мумкин. Турли авторларнинг одам, ҳайвон ва қушларни тасвирлаган ишларини таққослаш, турли усулларни бажаришда, тушунишга ҳаракат қилишга ёрдам беради.Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб,тасвирий санъат амалий машғулотларнинг дастлабида қоралама ва қаламчизгиларни бажариши талабаларда қаламтасвирни сирларини чуқур, пухта эгаллашига, илмий ривожланишига, билимларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.Тирик модельдан узоқ муддатли қаламтасвир ишлаганда, натурани тўғри қурилишида, анализ қилишда, ҳаракатдаги ҳолатни аниқлашда кўпгина билим талаб қилинади. У тезлик билан фикр юритишга, тор доирадаги ифодани топишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Николай Тен “Основы учебного академического рисунка” 421-426 ст.2007 г

2.Е.Е.Бирюкова “Рисунок голова человека:основы конструктивного построения” (Учебное пособие) 2016 г.М.

Supermarketda savdo sotiq va nazoratni amalga oshiruvchi dasturiy ta`minot yaratish.

Muhammad al-Xorazmiy nomi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Samarqand filiali Kompyuter Injinirov fakulteti Dasturiy injinirov yo`nalishi Dasturiy injinirov kafedrasida o`qituvchisi Maxkamova Dilbar Abilkasim qizi. 409-guruh talabasi Xolyorov Xolbek Abdushukur o`g`li.

Annotatsiya

Ushbu maqolada iqtisodiyotning savdo sotiq sohasi tizimini samarali amalga oshirishga qaratilgan axborot tizimi haqida ma`lumot berilgan. Bu tizimning ishlash strukturasi va foydalanish ko`rsatmalari keltirilgan. Ishlab chiqarishga qo`llanish uchun tayyor hoga keltirilgan.

Аннотация

В данной статье представлена информация об информационной системе, направленной на эффективное внедрение торговой системы экономики. Приведена структура системы и инструкция по применению. Готов к использованию в производство.

Annotation

This article provides information about the information system aimed at the effective implementation of the economic trading system. The structure of the system and instructions for use. Ready for use in production.


Kalit so`zlar: Dasturiy ta`minot, axborot tizimi, innovatsiya, avtomatlashtirish.

Ключевые слова: программное обеспечение, информационная система, инновация, автоматизация.

Key words: software, information system, innovation, automation

Bugungi kunda axborot-kommunikatsiya sohasini rivojlantirishning asosi hisoblangan dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqarish milliy iqtisodiyot rivojlanishining muhim sharti sifatida alohida ahamiyat kasb etmoqda. Hayotimizning har jabhasida faol qo`llanilayotgan axborot almashinuv texnologiyalaridan samarali foydalanish ulardagi dasturiy ta`minotlarning o`ziga xosligi, ommabopligi va innovatsion yangiligiga bog`liq.


Ushbu maqola ham iqtisodiyotning muhim jabxalaridan biri bolmish savdo-sotiq tizimini avtomatlashtirish va bu jarayonni bevosida dasturiy ta`minot yordamida amalga oshirish, bu esa xizmat ko`rsatish tizimini yanada jadallashtirishini ko`rsatadi. [1].



1-rasm. Supermarket dasturining ishlash jarayoni.

Ushbu dasturiy taminot supermarket ishini osonlashtirish uchun yaratilgan bolib boshqa shunga o'xshagan dasturlardan qator afzal tomonlari mavjud bular:


Kirishda parol va login bilan kirish : bu narsa birinchidan dasturning xafsizlini oshiradi va har xil ishchilar uchun har xil huquqlar taqdim etadi;



2-rasm. Tizimga kirish oynasi.

Foydalanuvchi huquqlari : Bular Sotish , Tahrirlash , yangi mahsulot qo'shish; **Admin huquqi**. Ushbu huquqlarni faqat admin huquqiga ega bo'lgan foydalanuvchi taqsimlay oladi.

Foydalanuvchi interfeysi : juda sodda va qulay hatto yangi foydalanuvchi ham tez o'zlashtira oladi[2];



3-rasm. Foydalanuvchi interfeysi.

Qidiruv tizimining mavjudligi: bunda mahsulotning faqatgina nomi bilan emas balki turi orqali ham qidirsangiz bo'ladi hamda qidiruvda siz qidirilayotgan mahsulot nomini to'liq yozishingiz ham shart emas balki bir qismini yozishingiz yetarli;



Savdo uchun savatchaning mavjudligi: Bu bizga biror xaridor bir necha xil turdagi mahsulotni sotib olmoqchi bo'lsa har bir mahsulotni savatchaga joylashtirib borib oxirida hisob kitob qilish imkonini beradi;

Har bir sotilgan mahsulot uchun hisobot yozilishi: Bunda biz har bir sotilgan mahsulotni qachon va qancha miqdorda sotilgani hamda qaysi ishchi tomonidan sotilgani haqida ma'lumotga ega bo'la olamiz. Mahsulotning o'zidan turib tahrirlash: bu bizga juda qulaylik yaratadi. Mahsulot haqida ma'lumotlarning ko'rinib turishi (rasm, turi, nomi, narxi): bu narsa sotish jarayonida o'xshash mahsulotlarni ajratib olish va mahsulot yetarliligi yo'qmi aniqlash imkonini beradi;

Sana_yast	Mahsulot_nomi	Sotilgan_Miqdori	Umumiy_Naxsi	Sotuvchi
24.03.2020	pepsi	2	18000	admin
24.03.2020 14:16	nonn	4	12000	admin
24.03.2020 14:18	gugurt	10	15000	admin
24.03.2020 14:18	olma	10	20000	admin
24.03.2020 14:18	pishiriq	5	5000	admin
01.04.2020 15:24	pichena	1	20000	admin
01.04.2020 15:24	pishiriq	3	3000	admin
01.04.2020 15:24	olma	4	8000	admin
04.04.2020 22:17	nonn	4	12000	admin
04.04.2020 22:17	gugurt	1	1500	admin
09.04.2020 16:27	sut 2L	4	100000	admin
09.04.2020 16:27	olma	1	2000	admin
09.04.2020 16:27	pepsi 1.5	6	54000	admin
01.05.2020 15:38	nonn	1	3000	admin
01.05.2020 18:48	nonn	1	3000	xolbek
01.05.2020 23:20	pepsi 1.5	3	27000	admin
01.05.2020 23:20	pichena	2	40000	admin
04.05.2020 12:04	nonn	0	0	admin

4-rasm.Hisobot oynasi.

Mahsulot qo'shishning juda soddaligi. Bunda biz yangi oyna chaqirmagan holda asosiy oynaning o'zida tezkor mahsulot qo'shish imkonini beradi[3].

Xulosa.

Xulosa qilib aytganda axborot texnologiyalari asrida tezkorlik eng muhim omillardan hisoblanmaganligi bois bizning axborot tizimimiz avvalo tez va foydalanuvchi uchun qulay tarzda ishlashi, uning xavfsizligi himoyalanganligi, ma'lumotlar ustida amallar tez va qulay olib borilishi foydalanuvchi va xaridorlarga, qolaversa sotuvchiga ham xarid jarayonini tezlashtiradi. Bu esa eng muhim hayot omili bo'lmish vaqtning tejaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Y.Daniel Liang "Introduction to programming with C++" Pearson", USA 2014
2. Paull Amman, Jeff Offutt "Introduction to software testing" Cambridge University press, UK 2012 y.
3. SQL tilida ma'lumotlar bazasini yaratish.
https://www.w3schools.com/sql/sql_create_db.asp

Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта тиклаш муаммолари Джумақулов Фозил Узоқович докторант (PhD) (СамДАҚИ)

Республикамиз тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда асосий йўналишбу, энг аввало, ёдгорликларга эҳтиёткор муносабатда бўлган ҳолда, қадимий шаҳар марказларини сақлаш ва қайта тиклашда уч асосий муаммо муҳим аҳамиятга эга:

- композиция асосий доминантларининг фаъзовий аҳамиятини сақлаш;
- турар жойлар маҳаллаларини қайта тиклаш ва замонавийлаштириш;
- кўча тизимини бугунги давр шаҳари талабларига мослаштириш.

Умуман олганда, шаклланган тузилиш элементлари: маъмурий ва ижтимоий бинолар, савдо ва томоша муассасалари, хизматкўрсатиш корхоналари, меъморий ёдгорликлар ва уларнинг муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш шаҳарнинг функционал асосини белгилаб беради. Бундан ташқари, тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда қатор шаҳарсозлик, меъморчилик, бадиий ва ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилади.

Режалаштиришда қатъий функционал зоналаштириш асосий вазифа хисобланади, дахлсиз зоналарда транспорт олиб ташланади, чунки транспорт меъморий ёдгорликларга салбий таъсир кўрсатади. Шаҳарларнинг тарихан юзага келган меъморий-бадий қиёфасини сақлаш мақсадида ва ёдгорликларнинг яхши идрок қилиниши ҳамда фаолият кўрсатиши учун

кулай шароит яратиш мақсадида муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тарихан юзага келган мажмуани сақлаш ва қайта тикланаётган шаҳар маркази ривожини таъминлашда режалаш лойиҳасини ишлаб чиқиш давомида юзага келувчи мураккаб ва зиддиятли вазифалардан иборат муаммолар мавжуд. Дунё амалиётида айнан баркамолликка эришган бебаҳо тарихий марказий шаҳар мажмуаларини бузиб ташлаш холлари кўп бўлган. Юз йиллар давомида асосан XX аср пиёдалар йўллари негизида шаклланган тарихий марказлар автомобиль транспортига (кўпҳолларда катта тезликликдаги ҳаракат ва юк микдори ҳамда машиналар сонининг ортиши) мослашишга мажбур бўлади. Тарихий ва меъморий жихатдан қимматли бинолар турар жойларнинг замонавий талабларига жавоб бера олмаганлигидан ва марказнинг маданий-маиший ҳамда маъмурий вазифаларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда замонавий, одатдагидек шаклланган мажмуаларни бузувчи биноларга жой бўшатиб беришга мажбур булади.

Тарихий марказларга замонавий вазифаларнинг кириб боришини чеклашга йўналтирилган турли маъмурий ва режаланган тадбирлари (химоя зоналарини яратиш, уларда янги қурилишларни таъқиқлаш, транзит ҳаракатни йўқотиш мақсадида марказларга транспорт халка йўлларини олиб кириш ва шу кабилар) одатда ўз сунъийлигини ошкор қилиб қуяди. Бу энг аввало шу билан тушунтириладики, кўп холларда тарихий марказлар бир вақтнинг ўзида шаҳарларнинг геометрик маркази бўлиб ҳам хисобланади, яъни умумшаҳар муассасаларини жойлаштириш учун, шунингдек аҳолининг меҳнаткаш ва маданий-маиший оқимининг ялпи кесишуви учун (агар транспорт бўлмаса, пиёда) энг афзал ва қулай жой. Шаҳарқурилишлари (асосан турар жойлар марказларининг тарихан шаклланган туташганлиги) шунингдек, уларнинг кенгайишини ҳаддан ташқари қийинлаштиради. Юзага келган танглик ҳолати шаҳарнинг янги маъмурий-ижтимоий марказини замонавий шаҳар чеккасида (масалан, Санкт Петербург, Таллинда) ёки шаҳарнинг бош режасини яратишда тарихий марказни ривожлантириш имкониятини таъминлаш мақсадида чора излашга мажбур қилади.

Таърифи келтирилган вазият энг аввало ривожланган (XX аср бошларида) Европа шаҳарлари учун хос. Осиёнинг тарихан шаклланган марказларига келсак, жумладан Ўзбекистонда, бундай танг ҳолат хали юзага келмаган. Бу маънода Бухоро шаҳри ажралиб туради. Тарихан шаклланган такрорланмас мажмуани йирик сайёхлик маркази ва шу биланбирга йирик перспектив такомиллашган вилоят маркази хисобланади.

Бухоронинг тарихий ўзаги ҳозирги вақтда шаҳар ҳудудининг 20 фоизга яқинини эгаллайди: Ижтимоий хизмат кўрсатиш ва маъмурий муассасаларнинг

90 фоиз корхонаси тарихий ўзак чегарасида асосан маънавий эскирган иншоотларда жойлашган.

Капитал турар жой ва ижтимоий қурилиш ҳозирги вақтда шаҳарнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмларида олиб бориляпти. Тарихий ўзакнинг ғарбий, шимолий ва қисман шарқий томонидан маҳаллий турдаги хом ғиштдан қурилган турар жой биноларининг кичик участкалари мавжуд, ҳозирги кунгача улар маълум маънода эскирган. Умуман шаҳарнинг 56,8% турар жой фондиди бир қаватли бинолар ташкил қилади (кўплари маҳаллий турдаги сомонли лойдан қурилган), 2,3,4 қаватли капитал турар жой фонди асосан шаҳарнинг жанубий-шарқий ва жанубий қисмларида. Пассажир темир йўл магистрали замонавий шаҳарҳудудидан ташқарида, тарихий ўзакдан 6-7 км масофадан ўтади. Шаҳарни ўраб турган ҳудуд инженер-геологик ва табиий ландшафт хусусиятлари бўйича нисбатан тенг қийматли. Шаҳарда ва унинг яқинида йирик сув хавзалари йўқ. Бухоронинг мавжуд ҳолати тахлили шаҳарнинг фақат жанубий ва жануби-шарқий қисмларидаги турар жой ва жамоат объектларининг ва қисман бу районларнинг транспорт тизими мустаҳкамлиги ҳақида ҳулоса қилиш имконини беради. Марказни ғарб, шимол ва шарқ томондан ўраб турувчи районлар эса тўлиқ реконструкцияни ёки яқинийларда бузиб ташлашни талаб қилади. Натижада шуни айтиш мумкинки, шаҳарнинг тарихий ўзаги замонавий вазиятда энг қизиқ кўриш нуқталари бўлган ғарбий, шимолий ва шарқий томондан “очик”. Тарихан қимматли қурилишларнинг айнан қисман “очиклиги”, чамаси Бухоронинг илгаригидан шаклланган Ўрта Осиё шаҳарлари учун типик намуналигини белгилайди. Аммо бундай ўзига хосликка қарамай, охириги шаҳар планировка лойиҳасида тарихий марказ атрофдан турар жой ва ҳатто саноат бинолари билан ўралган. Бунда шаҳар планировка тузилиши радиалконцентрикка яқин (тарихий ўзакка нисбатан шимолга сурилган марказ билан) хусусият касб этади. Ривожланган Европа тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш учун бундай типик усул яқин келажакдаги ривожланишда (тарихий марказ атрофи ўралсада, ва унда маъмурий-ижтимоий бинолар қурилиши бош режа бўйича руҳсат этилмайди) мажмуанинг секин-аста вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари вилоят марказида фан-билим, маънавий фаолият, ижтимоий хизмат кўрсатиш билан банд аҳоли кўпаяди. Бу каби муассасалар асосан шаҳар марказида жойлашади. Шунингдек ҳозирги вақтда тарихий зонага келувчи шаҳар марказида, айниқса тарихий зонада сайёҳлар оқимининг кўплигини инобатга олиш керак, бунда транспорт ва пиёдалар тиғизлиги юзага келиши мумкин.

Юзага келган вазиятда тарихий марказга келётган сайёҳлар оқимларини ҳам ишчи, ҳам маданий-маиший шаҳар замонавий марказига ажратиш имконини берувчи усулларни энг оптимал деб ҳисоблаш мумкин. Бунда сайёҳларнинг келадиган асосий пунктларини (Бухорода вокзал ва автостанция) махсус магистраллар орқали тарихий зона билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Бу боғланишлар районларида меҳмонхоналар, кемпинглар, дам олиш зоналари ва сайёҳлар оқимида хизмат кўрсатувчи бошқа муассасаларни жойлаштириш керак. Агар шаҳарнинг тарихан шаклланган ўзаги унинг таркибига шаҳар

райони сифатида кирса, бу район аҳолиси учун (hozирги вақтда шаҳар аҳолисининг катта фоизини ташкил қилувчи) турмуш шароитлари анча енгил таъминланиши мумкин.

Бухорони эски шаҳарқисмини қайта тиклашни назарда тутсак тарихий марказнинг очиклиги туфайли асосли бўлиши мумкин. Лойиха таклифида Бухородаги вазият учун, маълум маънода юқорида қайд этилган талабларни қондирувчи режавий тузилишининг шартли схемалари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўрта-селитеб ҳудудлар тўғри бурчакли транспорт структурасига эга ва тарихий ҳудуднинг жанубий томонидан ғарбий йўналишда ривожланиб боради. Янги маъмурий-ижтимоий марказ селитеб зонанинг марказий қисмида шаклланади ва ғарбий йўналишда ривожланиши мумкин. Тарихий зона шаҳарнинг шимолий қисмида чекка ҳолатни олади ва вокзал ҳамда бошка ҳудудлар билан янги марказни кесиб ўтувчи режада ёй шаклидаги транспорт магистрали орқали боғланади. Бу магистраль бўйлаб асосий сайёхлик оқимларини йўналтириш таклиф этилиши лозим. Тарихий ўзак шимоли-ғарбий томонидан сайёхлик-шаҳар ахамиятидаги дам олиш зонаси шаклланади, у ерда сайёхлик базалари жойлаштирилиши мумкин, чунки бу зона ҳудудида Бухоронинг эски шаҳар манзараси яхши кўринадиган нуқталар мавжуд. Схema шаҳарнинг сайёхлик функцияларидан ишчи ва маданий-маиший функцияларни тўлиқ ажратишни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида тарихий зона шаҳар марказлари билан қулай боғланади.

Хулоса. Ҳозирги вақтда Бухоро тарихий шаҳрида марказий ўзак сақланган, у алоҳида йўналишлар бўйлаб шаклланишти ва ривожланишти (ғарб ва шимоли-шарққа ва марказнинг ривожланиш йўналиши шимоли-ғарбга). Бундай усулнинг қўлланилиши келажакда тезкор хабарни киритиш имкониятини таъминловчи қабул қилинган йўналиш бўйича шаҳарнинг эркин ривожланишини таъминлайди. Тарихий ўзак ва шаҳар темир йўл станцияси билан махсус магистрал орқали боғланади, бу станция жойлашган районда сайёхларни жойлаштириш тавсия этилади. Бу ҳолатда эски Бухоронинг марказий жойни эгаллашига қарамай, уни қисман парк зонаси билан ўраш мумкин, эски шаҳар атрофидан ўтган янги транспорт магистраллари эса маълум даражада унинг ажралиб туришини таъминлайди.

Ривожланиш имкониятларига эга бўлган янги марказнинг мавжудлиги тарихий ўзакда келажакда маъмурий иншоотлар қуриш заруриятини йўққа чиқаради. Берилган ҳолатда ривожланаётган шаҳарда “статик ўзак”нинг мавжудлиги маълум маънода мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг қатор тарихан шаклланган шаҳарларида (Самарканд, Бухоро, Хива, Қукон) маълум хусусиятлар (тарихан шаклланган ядронинг очиклиги) қатор муаммоларни хал қилиш имконини берувчи, хатто уларнинг юзага келишини бартараф қилувчи ўзига хос режалаштириш йўллари излаб топишни келтириб чиқаради.

Адабиётлар:

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.

2. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳар- созлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-кисм., Тошкент, 2009 й.

3'. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Уқув кулланма, Тошкент, 2015 й.

4. Якуб Вуек. Мифы и утопии архитектуры 20 века. М. Стройиздат, 1990.

Чет мамлакатларнинг тарихий ёдгорликлардан фойдаланиш тажрибалари.

*Джумакулов Фозил Узоқович докторант (PhD),
Бердиқулов Жасур Бегимқулович ассистент, (СамДАҚИ)*

Охириги йилларда чет эл ва Европа ва Осиё давлатларида тарихий меросдан фойдаланиш ва тарихий шаҳарларда жойлашган меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар ҳудудларини замонавий шаҳарсозлик томойлари асосида режалаштириш бўйича катта тажрибалар тўпланди. Бу тажрибага ниҳоятда турлича шароитларда эга бўлинди: Москва, Санкт-Петербург, Прага, София, Будапешт, Бухарестни қайта тиклашда; Исроил, Озарбайжон, Ироқ, Татаристон, Туркия, Қадимги Миср, Ўрта Осиёдаги тарихий шаҳарларида жойлашган меъморий ансамбллар ва мажмуаларнинг ҳозирги ҳолати ва кейинги авлодга етказиб бериш мақсадида олиб борилаётган замонавий шаҳарсозлик таъдиқотлари шулар жумласидан, уруш даврида кучли вайронагарчиликка учраган Варшава, Псков шаҳарларини тиклаш, қуришда ва ҳозирги замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида режалаштирилган; Суздаль, Ростов, Несебер, Тирново, Торун каби шаҳар-қўриқхоналарни барпо қилишда ва меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар ҳудудларини лойиҳалаштириш бўйича улкан тажрибалар орттирилган.

Фойдаланишга мослаштириш, ёдгорлик-биноларни музейлаштириш шаҳар бош реконструкцияси лойиҳасига киритилган шаҳарсозлик ғояларининг табиий ривож, меъморий ёдгорликлар ва мажмуаларнинг ҳудудларида жойлашган бинолар ва иншоотларни тиклаш режасининг аниқ ифодасидир. Бу режани амалга ошириш шаҳар тарихий қисми ва замонавий қурилишлар тузилишини синчиклаб ўрганишга асосланади.

Меъморий ёдгорликлар регенерациясининг чет эл тажрибасига мурожаат қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бинолардан музей мақсадидан ташқари кутубхоналар, ўқув ёки концерт заллари, меҳмонхоналар, туристик мажмуалар, турар жойлар, кафе ва ресторанлар учун фойдаланадилар. Европа меъморий ёдгорликларининг аксари қисми қанчалик маданий-оқартув мақсадларда фойдаланилса, туризм ва дам олиш учун ҳам шунчалик фойдаланилади. Бундай объектларнинг юксак эстетик қиймати кўплаб туристлар учун, уларни янада жозибадор қилиб кўрсатади, шундай экан улар янада даромадли бўлади.

Европа архитектура ёдгорликларининг аксарият қисми маданий-маърифий мақсадларда фойдаланилгани каби туризм ва дам олувчилар учун ҳам фойдаланилмоқда. Бундай тарихий объектларнинг катта эстетик қиймати уларни кўп сонли сайёҳлар учун жозибадор қилиб кўрсатиш билан бирга катта иқтисодий даромад келтирмоқда.

Чет эл тажрибалари: Тарихий шаҳарларда жойлашган меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар худудларини шаҳарсозлик нуқтайи назардан режалаштириш бўйича тажрибалар ва таҳлиллар мисол тариқасида: Исроил, Ироқ, Озарбайжон, Татаристон, Қадимги Миср, Туркия ва бошқалар.

Исроил Йиғи девори - Ибодатхона маълум юртда Роббилари уй ва унинг қурилиш у жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун асрлар давомида, Яҳудийлар Йиғи девори ёки Исроилдаги Ибодатхона Тоғ атрофида тўсиш деворининг бир қисми ғарбий девори (узунлиги 485 м) да ибодат, эрамизнинг 70-йилда римликлар томонидан Иккинчи уйи вайрон бўлиб қолди. Девор шоҳ Ҳирод томонидан қурилган. Ибодатхона биносининг қайта тузиш ва кенгайтириш давомида Ибодатхона Тоғдаги майдонини кенгайтириш учун сепилар еди, пломбаларнинг қўллаб-қувватлаш сақловчи девор дейилган. Йиғи девори яҳудийлар учун муқаддас жой. Зотан Исроилда ибодатхона вайрон бўлгандан сўнг биринчи асрда у яҳудийлар ибодатхона вайронлари йиғлаётганларнинг бир жойи бўлган. Ўз мамлакатда Исроил уйғониш унинг келажаги ҳақида собиқ Исроил, улуғворлиги ва қарамлигини рамзи бўлган жой экан.

Эски қалъаси жойлашган музей, Иерусалим узоқ тарихи ҳақида сўзлаб бермоқда. Иерусалим Эски шаҳарнинг тарихий қисмига кириш - бир Яффа дарвозаси яқинидаги музей ҳисобланади.

Исроилнинг пойтахти Иерусалим эди. Дунёдаги уч монотеистик динлар каби у марказига айланиб бораётганди. Доимий кўргазма шаҳар тарихининг асосий босқичлари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Кўпинча бутун оила учун вақтинчалик кўргазмалар, маданий тadbирлар, долзарб семинарлар ва ўйинлар, музейида асосий кўргазмаси билан бир қаторда бошқа маросимлар олиб борилган. Қалъа Фром ажойиб манзарасини яратди.

Иерусалим - Эски шаҳардаги Ибодатхона Тоғда жойлашган Умар масжиди ва Маккада Каъбага (Ал-Ҳарам) ва Мадинада Пайғамбаримизнинг Масжидул сўнг Ислонда учинчи мақбара бўлган. Ал-Ақса масжиди Маккага уни ўтказиш олдин Ислоннинг биринчи қиблага эди.

Қибла - бу жой Пайғамбар Муҳаммад ва унинг кўтарилишидан кечаси сафардан туфайли мусулмонлар жойи. Ушбу нуқтада, Муҳаммад унга юборган пайғамбарларни учрашди - Иброҳим (Иброҳим), Мусо (Мусо) ва Исо (Ишаё) ва имом сифатида ибодат қилган.

Миср ёдгорликлари- Қоҳирада жойлашган Миср музейи, 120 000 та дан ортиқ экспонат ўтказида, Бу ерда сиз Кинг Тутанкхамун ва лаҳитлер ва бош-бўрттирма ва ҳайкал албатта, Мўмиёларимиз олтин ниқоби кўриш мумкин.

Асуан ва Луксор шаҳрига ташриф буюриб, сиз тарихий диққатга сазовор, балки буюк Нил дарёси билан емас, балки фақат билиб оламиз. Ва Миср Қизил денгизи дам олиш ўйин-кулги, куёш ва илиқ денгиз бутун йил давомида кенг танлаш таклиф етамиз.

Қадимги подшолик даврининг энг йирик ёдгорлиги - Гизадаги эҳромлар комплекси Хеопс, Хефрен ва Микерин эҳромларидан ташкил топган ва эрамиздан олдинги 2900 -2700-йилларда қурилган. Эҳромлар ичида энг каттаст Хеопс эҳроми бўлиб, унинг баландлиги 147 метр, квадрат асасинг бир томони узунлиги 230 метрни ташкил қилади. Хсопс пирамидаси дунёдаги етти

мўжизадан бири деб тан олинган. Дарҳақиқат, у яхут ва юксак даражада мустаҳкам иншоот бўлиб, 2.300.000 та тош блоклардан ишланган. Ҳар бир блок ўртача 2,5 тонна оғирликда бўлган. Пирамиданинг ичида бир нечта бир-бири билан чалкаш йўллар бор бўлиб, улардан бин шохнинг жасади қўйилган хонага олиб боради. Пирамида ўлчовларининг қапа бўлишига қарамасдан, улкан иншоот шимол-жануб, шарқ ва ғарб томонларга аниқ йўналтирилган.

Ўрта подшолик даврида Миср архитектурасида бир неча шакллар кашф этилди, лекин у Қадимги подшолик даврига нисбатан юқори босқичга кўтарила олмади. Ўрта подшолик эраиздан аввалги 1700-йилга келиб тамом бўлди.

Эроннинг диққатга сазовор жойлари. Эрон тарихий шаҳар бўлиб бинолар анча вақт олдин ёки эскирган масжидлар, миноралар ва макбаралар фақат бир ҳил аслида, тарихи яшаётган бир парча эмас, балки фақат қадимги тарихчилар ва файласуфларнинг асарлари, куруқ саҳифаларида унутилиб ботиб ёки сақланиб, тўлиқ баҳраманд бўлишингиз мумкин. Эрон Бам лой қалъа, девори билан машҳур. Дониёр пайгамбар, парадисиасал боғлар, қадимий бозорлар ва жуда ҳам кўп макбараси рамз ва улар бизга келиб бўлган даврнинг мавжудлигининг исботи бўлади.

Эрон одатда ҳаётнинг барча соҳаларида жуда қизиқарли мамлакатдир, аммо воқеалар жуда катта турли тўлиқ бой тарихи, дунёда одамлар бу ерга келиб ва шахсан ер юзида бу афсонавий жой билан танишиш учун ундайдиган омил ҳисобланади.

Техрон - машҳур ва кўҳна шаҳар. У жойлашган мамлакат бугун Техрон йирик Эрон шаҳар ва Осиёдаги энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу 90 км жанубида Каспий денгизининг соҳили Элбрус тоғ этагидаги мамлакатнинг шимолида жойлашган. Шаҳар тоғ қиялиги бўйлаб, ғарбдан шарққа қараб 40-50 км чўзилган. Техрон шаҳар ҳудудида аҳолиси 13 миллион киши. Энгмуҳими, у мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, транспорт, савдо, молиявамаданий маркази ҳисобланади.

Шероз - гўзал шаҳар ва гўзал мамлакат, Шероз шаҳри сайёҳлик маркази ҳисобланади. Узоқ вақт давомида бу шаҳар Буюк ипак йўли унинг ҳудуди орқали маданият, санъат, тижорат, энг муҳим марказларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса килиб айтганда меъморий ёдгорликлардан идеологик ва эстетик соҳалардан ташқари фойдаланиш жиддий иқтисодий асосга ҳам эга, ёдгорликлардан замонавий жамият эҳтиёжлари учун фаол фойдаланиш мумкин, бир вақтнинг ўзида улар сақланиб қолади ва давлатга катта фойда келтиради, чунки фақат қайта тиклаш ва таъмирлаш меъморий ёдгорликнинг сақланишини ва унинг жамият ҳаётидаги иштирокини кафолатламайди. Шу сабабли илгари мавжуд бўлган бинолардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдек кўринади - бундай йўл кўплаб меъморий ёдгорликларни сақлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Маслов Н.В “Градостроительная экология” Висшая школа. 2003 й.
2. Аникев В.В “Градостроительные проблемы совершенствования административно - территориального устройство” Москва. Висшая школа. 2002 й.
3. <http://www.ziyonet.uz/> (Ахборот таълим тармоғи).

Shaharsozlikdagi muhitiy yondashuv
Xidirov M.M., Qosimova F.A. (SamDAQI)

"Muhitiy yondoshuv" atamasi asta-sekin san'atshunoslik, shaharsozlik, arxitektura, hunarmandchilik va dizayn bo'yicha eng keng tarqalgan narsalardan biriga aylanib bormoqda. Ko'pincha u boshqa atamalar va tushunchalar bilan bir qatorda "atrof-muhit", "sub'ektiv-fazoviy muhit", "yashash muhiti" kabi iboralarda yoki odatda cheklovchi ta'riflarda ishlatiladi: "yashash muhiti", "ishlab chiqarish muhiti", "shahar muhiti" va boshqalar. Bunday hollarda, "atrof-muhit" tushunchasi, boshqa tushunchalar asosida kategoriya xarakterini oladi. Ushbu yangi tushunchalarning aksariyati badiiy, dizayn va ilmiy faoliyat tabiatining zamonaviy nuqtai nazarini aks ettiradigan umumiy jihatlariga ega, chunki mualliflarning aksariyati "atrof-muhit" toifasini shaharsozlikni rejalashtirishda yangi badiiy va dizayn echimlarining semantik zaryadini oladigan asosiy yo'nalish deb bilishadi.

Atrof-muhit tasvirlarini tushinishda "subyektiv" va "ob'ektiv" muammosi mavjud. Subyektiv-fazoviy muhitni shakllantirishdagi asosiy muammolardan biri atrof-muhitni to'liq vakolatlilik qilish uchun sub'ektiv va ob'ektiv modellarning to'qnashuvi natijasida kelib chiqadi. Ilmiy va muhandislik hamjamiyatining kasblari va dizaynerlarning aksariyati uchun atrof-muhitni ob'ektiv modellarda namoyish etish odatiy holder. Rassomlar va me'morlar, qisman psixologlar va faylasuflar uchun atrof-muhit modellarining "subyektiv" versiyasi yaqinroq. Ushbu ikki turdagi vakilliklarning «ekologik yondashuv» da birgalikdagi hayotini tushuntirish oson. Bir tomondan, ilmiy o'rganish va texnik dizayn ob'ekti bo'lgan atrof-muhit ob'ektiv ravishda aniqlanib, ob'ektiv tuzilma sifatida taqdim etilishi kerak, unga muvofiq dizayn vazifalarini qo'yish va ularni hal qilish darajasini boshqarish mumkin. Turli shaxslar guruhlar uchun umumiy muhitning haqiqati bizni ob'ektiv usullar yordamida boshqarilishi mumkin bo'lgan bunday ko'rsatkichlarni izlashga majbur qiladi. Boshqa tomondan, "ekologik yondashuv" ning o'zini tutish va faoliyatning individual shakllariga to'liq yo'nalishi bizni atrof-muhit tushunchasiga ma'lum darajada sub'ektivlikni kiritishga majbur qiladi.

"Atrof-muhit" toifasiga nisbatan qo'llaniladigan sub'ektiv va ob'ektiv munosabatlarning eng batafsil tizimi tadqiqotchilar ishlarida ko'rib chiqilgan. Ba'zi "Mualliflar" yozgan "atrof-muhit" ma'nosi noaniqdir. Vaziyat, atrof-muhitni belgilashda u topologik jihatdan qarama-qarshi ma'noga ega. Bu so'zda markaz va atrof-muhit, ichki va tashqi so'zlar ajralmas tarzda berilgan. Shahar muhiti haqida gap ketganda, "atrof-muhit" so'zi shaharning markazini va uning atrofini farqlash imkoniyatini beradi. Ularning farqini ko'rmasdan, umuman shahar atrof-muhitini tavsiflash qiyin. Ularni ajratishda biz avvalo ma'lum bir markaziy vaziyatdan kelib chiqamiz. Va u o'z navbatida aniqlanadi. Birinchidan atrof-muhit nisbati - bu sub'ekt va ob'ektning, insonning ichki va tashqi dunyolarining nisbati. "Ob'ekt-ob'ekt munosabatlarni tushunishga qarab atrof-muhit haqidagi g'oyalarni ajratishga harakat qilib, biz ekologik modellarni ajratdik.

Shahar atrof-muhitini tahlil qilish tomonlaridan biri - uning markaziyligi tushunchasi, ayniqsa yuqorida ko'rsatilgan har bir modelda har xil izohlanganligi

bizni qiziqtirdi. Shu bilan birga, ushbu tipologiya kengroq uslubiy ma'noga ega bo'lib, badiiy muammolarning keng doirasini hal qilish bilan bir qatorda, ekologik voqelikni obrazli aks ettirishning asosiy turlariga mos keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati

1. Vladi imirov V.V. Aholi joylashuvi va ekologiya. M., Stroyizdat, 1996 yil.

2. Vladimirov V.V. Urboekologiya: ma'ruzalar kursi / V.V. Vladimirov. - M. : MNEPU. - 1999. -- 205 s.

3. «O'zbekiston sharoitida shahar rivojlanishining rivojlanish kontseptsiyasi yangi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning shakllanishi» T., TAI. 2008 yil.

Самарқанд шаҳри зиёратгоҳларнинг бугунги кундаги маданий-маърифий аҳамияти

*Жураева Элвир Элмурадовна (СамДАҚИ) ўқитувчи
Юсупова Азиза Исмаиловна (СамДАҚИ)*

Аннотация: *Одним из очень важных вопросов является организация архитектуры и их совершенствование с учетом современных туристических потребностей регионов вокруг города Самарканда. Поэтому основной целью исследований в маскуре является разработка и развитие научных основ организации архитектурного ландшафта с учетом туристских потребностей и современных требований исторически сложившихся паломнических зон вокруг города и в регионе.*

One of the very important issues is the organization of architecture and their improvement based on the modern tourist needs of the regions around the city of Samarkand. Therefore, the main purpose of the research in maskur is to develop and develop the scientific basis for the organization of the architectural landscape taking into account the tourist needs and modern requirements of the historically formed pilgrimage areas around the city and in the region.

Калит сўзлар: *Обида, туризм, ёдгорлик, тарх, саёхат, сайёх, меъморий, ландшафт, тарихий, моддий, маданий*

Самарқанддаги зиёратгоҳларнинг бугунги кундаги ва тарихдаги аҳамиятининг акс эттирилиши юзасидан **“Самарқанд кеча ва бугун”** деб номланган маданий-маърифий дастурини кўриб чиқамиз. Бундан асосий мақсад, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни, шунингдек мустақиллик йилларида олиб борилаётган туб ислохатлар самараси ўлароқ, шаҳримиз, қолаверса бутун мамлакат бўйлаб олиб борилаётган ободончилик ишлари ва кундан кунга чирой очиб бораётган шаҳримизни хорижлик ва маҳаллий меҳмонларга намойиш этишдир. Ушбу маданий-маърифий ўзгаришлар мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётини мустабид тузим ва мустақиллик йилларидаги ҳолатини қиёсий ёритишдан иборат.

Хусусан, мустабид тузимда бизнинг маънавиятимиз, миллийлигимиз топталиши, шунингдек, тарихимизнинг қораланиши, миллий ғуруримиз ва маънавий ҳаёт тарзимизнинг йўқотилишига уриниш ҳолатлари содир этилиб, миллатимиз ва халқимизнинг буюк ўтмишидан сўзловчи тарихий-меъморий обидаларимиз харобо ҳолатга келиб қолган эди.

XIX ва XX асрлардаги азим ва навқирон шаҳар Самарқанд XXI асрдаги қиёфаси билан қиёсланган.

Самарқанднинг тарихий ҳолатини акс эттирувчи ушбу суратлар Г.А.Панкратьев, Польшяков, шунингдек, бир қатор ҳаваскор сураткашларнинг ижод намуналари ҳисобланади. Замонавий қиёфасини ёритувчи суратлар Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими А.Рузиевнинг ижод маҳсулидир.

Мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданок, мухтарам биринчи юртбошимизнинг ташаббус ва кўрсатмалари билан асосий урғу миллий ўзликни англашга қаратилди. Зеро, ўзини, ўзлигини йўқотган ҳар қандай миллат, бугун эртанги кун учун пойдевор кура олмасди. Бу ҳақиқатни бугунги тараққий этиб бораётган дунё ҳамжамияти ҳам чуқур мамнуният билан тан олмоқда.

Шу нуқтаи назардан, биз миллий ўзлигимизни англашда, бизнинг ўтмиш аждодларимиз қилган буюк ишлари ва эзгу ҳислатларидан ибрат олиш ва ҳар биримиз уни келажак авлод етказувчи кўприк вазифасини бажаришга бурчлидирмиз. Шу билан бир қаторда, ҳадиси шарифдаги **“Уйингизни обод қилинг”** жумласига амал қилиб, буюк ва бунёдкор аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давомчиси сифатида, уларнинг бунёдкорлик, ватанпарварлик каби эзгу ҳислатларини қалбимизда жамлаб, **“Биздан озод ва обод ватан қолсин”** шиори остида мамлакатимиз ва шаҳримизнинг чиройига чирой кўшилишида ва уни мадҳ этилишида ўз ҳиссамизни кўшишимиз лозим.


Саёҳат ва туризм бир - бири билан ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар инсон ҳаёти фаолиятининг маълум бир тарзини ифодалайди. Бу - дам олиш, актив (фаол) ёки пассив (нофаол) кўнгилочарлик, спорт, атроф - муҳитни англаш, савдо, фан, даволаниш ва бошқа кўплаб нарсаларни қамраб олади. Бироқ, бунда ҳар сафар саёҳатни бошқа фаолият турларидан ажратиб турувчи ўзига хос ҳаракат - инсоннинг вақтинчалик бошқа жойга, мамлакатга, қитъага бориши, унинг доимий яшаш жойидан узоқлашиши - мавжуд бўлади. Шуни айтиш мумкинки, туризм-саёҳатнинг янги тури, унинг алоҳида ҳодисаси. Туризм аниқ ифодоловчи тавсиф ва хусусиятга эга. Саёҳатнинг туризмдан асосий фарқи - бу аниқ мақсаднинг мавжудлиги.

Ўзбекистонга келаётган туристларнинг 85% 55 ёш ва ундан кекса эканлиги Марказий Осиёда бизнинг мамлакатимиз катта ёшдаги туристлар учун ҳаммабоп бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Пензионерлар учун мамлакатимизнинг оммабоплиги сабабларидан бири Самақанд ва Бухородаги осойишталик атмосферасидир ва бу шаҳарларга барча тур оқимларнинг 90% тўғри келади

Ўзбекистон Туризм Вазирлиги томонидан тақдим қилинган статистик маълумотларга қараганда, 85% кекса ёшдаги туристлар одатда мамлакат бўйлаб

экскурсия қилишга қизиқадилар. 2008 йилда ўтказилган Интернет Статистика сўровлар натижасига қараганда эса сайёҳларнинг -39% и мамлакатимизга тарихий-маданий, архитектура ёдгорликларини кўриш мақсадида ташриф буюрадилар. Қолган 24% и юртимизни маданияти, урф-одатлари, ҳаёт тарзи билан танишиш истаклари билан келадилар. Улар Ўзбекистонга энг яхши об-ҳаво шароити бўлган мавсумда, яъни апрел вамай, сентябр-октабр ойларда келадилар. Ўзбекистонга чет элдан келувчи туристларнинг 76 % Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкентга ташриф буюришга қизиқса, қолган 24% Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларига ташриф қилади.

Самарқанд вилояти тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳаракатланадиган харита келтирилган(1-расмда).



1-расм. Самарқанд вилоятидаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар ҳаракатланадиган йўналишлар чизма-тарҳи

Комплекс GeoniCS-топоплан-генплан-трассы-сети выполняет весь комплекс автоматизации проектных решений для строительства различных объектов, трасс, сетей. Он состоит из отдельных одноименных блоков, которые предназначены для автономного решения поставленных независимых задач.

Литературы

1. Баран П.И., Видуев Н.Г. и др. Справочник по инженерной геодезии. Киев: Вища школа, 1999, - 376 с.

2. Косьюков Б.И. Справочное руководство по съемке городов. М.: Недра, 1968, 240 с.

3. Зацаринный А.В. Автоматизация высокоточных инженерно-геодезических измерений. М.: Недра, 2013, - 248 с.

4. Казачок Б.П. Прибор для уточнения местоположения подземного газопровода. Газовая промышленность. - М.: Гостоптех-издат, 1999, № 12, с. 38-40.

5. Моцков В.М и др. "Подземные гидротехнические сооружения". Москва. Высшая школа. 2006.

Қишлоқ муҳитини ривожланишининг замонавий тенденциялари
доц. М.Б. Худоярова, к. ўқитувчи Ў.Ў.Маматқулов, ўқитувчи А.И.Тохиров
СамДАҚИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ муҳитини ривожланишининг замонавий тенденцияларига боғлиқ бўлган асосий муаммолар кўриб чиқилган. Қишлоқ иқтисодиётининг кўптарзлилиги, ерга хусусий мулкчилик эгаллиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб – чиқаришини ва қишлоқ ҳаётини бошқаришнинг давлат қарамогидан чиқарилиши қишлоқ муҳитини ҳудудий даражада кескин ўзгарган тенденциялари билан ташкил қилишда ҳал қилувчи калит ва омиллар ҳисобланиши кўриб чиқилади.

Аннотация: В статье рассматриваются основные проблемы, связанные с современными тенденциями развития сельской среды. Разнообразие сельской экономики, частной собственности на землю, децентрализация сельскохозяйственного производства и управление сельской жизнью считаются ключевыми факторами в организации сельской среды с резко меняющимися тенденциями на региональном уровне.

Annotation: The article discusses the main problems associated with modern trends in the development of the rural environment. The diversity of the rural economy, private ownership of land, the decentralization of agricultural production and management of rural life are considered to be key factors in the organization of the rural environment with sharply changing trends at the regional level.

Ўзбекистоннинг ижтимоий –иқтисодий ўзгаришлари, давлатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши қишлоқ аҳолисининг ҳаётига бевосита таъсир этади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини тиклаш, ривожлантириш ва қишлоқ ҳаётининг турмуш тарзини яхшилаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Республикамиз ҳукумати қишлоқ ҳудудларини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисига умумий хизмат қилиш тизимини ривожлантириш, ҳудудларда ижтимоий инфраструктурани яратиш муаммоларига катта аҳамият бермоқда.

Республикамизнинг тезкор иқтисодий ривожланиши ишлаб – чиқариш мунособатларининг характери ва агросектордаги ишлаб чиқаришга сезиларли даражада таъсир қилади. Шунинг учун қишлоқ муҳитини ташкил қилиш муаммолари – унинг турли даражадаги ташкил қилинишида – ҳудудий, шаҳарсозликда ва объектли бўлиб турар жой, ер ва ишлаб – чиқариш билан жуда яқин боғланган тизим сифатида қараб чиқилиши керак.

Оммавий иерархиядан маҳаллий тизимлаштиришга ўтиш – қишлоқ жойлашувининг ҳозирги кундаги бош йўналиши ҳисобланади.

Қишлоқ муҳитини ҳудудий даражада кескин ўзгарган тенденциялари билан ташкил қилишда ҳал қилувчи калити ва омиллари қўйидагилар ҳисобланади: қишлоқ иқтисодиётининг кўптарзлилиги; ерга хусусий мулкчилик эгаллиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб – чиқаришини ва қишлоқ ҳаётини бошқаришнинг давлат қарамоғидан чиқарилиши.

Аҳоли манзилгоҳларини ҳамма ишларни ўз ичига олган зоналаш принциpidан функционал зоналарни ва объектларни ёйиб жойлаштиришга ўтиш қишлоқ манзилгоҳларини режалаштиришнинг бош тенденцияси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб – чиқаришининг кўптарзлилиги (шахсий хўжалик, фермер хўжаликлари, жойларни ижарага олиш, жамоа хўжаликлари) йирик ишлаб чиқаришни, ташкилотларни жойлаштириш учун катта ҳудудларни эгаллашга имконият беради. Бундай ҳолат қишлоқ манзилгоҳларини турар жойлар, ишлаб чиқариш, умумий ва рекреациявий зоналарни муфассал зоналарга бўлиш эҳтиёжини истисно қилади.

Иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигини ишлаб – чиқариш ўрта, кичик ва микроташкилотлар базасида амалга ошириш бошланган. Буни натижасида бирлаштиришнинг кўпдан кўп турли шакллари, бир жойга йиғиш, турар жой , ишлаб – чиқариш, бизнес ва хизматни блокировка қилиш ва бирлаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Мажмуаларни йириклаштиришдан кўра муҳит масшабига келтириш – қишлоқ объектлари архитектурасида бош тенденция ҳисобланади.

Ҳозирги замон шароитларида қишлоқ муҳитини жойлашув даражасида ташкил қилиш қўйидаги характерли чегараларга эга бўлади:

-қишлоқ жойларига миграция жараёнининг жонланиши қишлоқ манзилгоҳларининг типологиясини ўзгаришига имконият беради;

- функционал вазифаларни қайтадан кўриб чиқиш жараёнлари кетяпти, мавжуд қишлоқларни қайта тиклаш ва янги ерларни ўзлаштириш – ўсиб бораётган маҳсулотларга, уларнинг кўтарилаётган нархлари билан истеъмолчиларнинг таълабини ошиши;

- ер қийматини бозор механизмига ўтишини шакллантиришни бошқариш, ишлаб чиқаришнинг ўзининг шаҳарни шакллантиришдаги ва шаҳарни шакллантирувчи функциясини бажаришдаги етакчи ролини йўқотиши билан бирга давом этади;

- манзилгоҳларни йириклаштириш унга тўғридан - тўғри тескари бўлган тенденциясига алмашади: катта бўлмаган манзилгоҳларнинг на фақат ишлаб - чиқариш базасида, балки бошқа омилларни (дам олиш, туризм, спорт, таълим, бизнес ва бошқалар) ҳам ҳисобга олган ҳолда яратилиб ёйилиб жойлашиши устун келади;

- ижтимоий бўлиниш ва манзилгоҳларнинг янги турларини шакллантириш турар жойлар, жамоат ва ишлаб – чиқариш бинolari номенклатурасини, уларнинг турлари ва лойиҳалаш нормаларини қайтадан қараб чиқишни талаб қилади;

-жамиятнинг демократизациялашида ва жойлардаги ўз-ўзини бошқаришнинг фаол даражаси шароитида қишлоқлараро алоқаларнинг мазмуни ва тузилиши ўзгаради. Бу алоқалар иерархик мунособатларни йўқотади ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро фойдали мунособатларга олиб келади. Шундай қилиб умумий иерархик манзилгоҳлар ўрнига уларнинг локал гуруҳларини ёки на фақат ишлаб – чиқариш белгиси, балки кўпгина бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинадиган бутун бир тизимни пайдо қилувчи тенденция шаклланади.

- йирик ишлаб-чиқаришни инкор қилиш ва ўрта ва кичик қишлоқ хўжалик ташкилотларига ўтиш манзилгоҳларнинг тузилишида йирик ишлаб –чиқариш зонасини рад этиш имконини беради. Аста секин устувор бўлган манзилгоҳлар ҳудудини функциявий зоналарга бўлишдан чекиниш ва уларнинг ҳамма жойида ҳам турар жойлар, ҳам ишлаб – чиқариш, ҳам ижтимоий инфраструктура элементлари бор бўлган манзилгоҳларни режалаштириш ва қуриш модули принципига ўтиш тенденцияси пайдо бўлади. Қишлоқ ҳудудларини муфассал зоналаш принциpidан ёйилиб жойлашган зоналар ва объектлар принципига ўтиш билан алмаштирилади.

Қишлоқ манзилгоҳларига, аҳолиси асосан қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган қишлоқлар киради.

Ўзбекистон ҳудудидаги ландшафт-иклимий шароитлар аҳоли жойлашувидаги хилма-хилликни ва унинг чизиқли-тугунли тузилмаси шаклланишини шартлаб беради. Республикадаги арид иқлим шароитида ва ўрта тоғли ҳудудлардаги дарё водийлари, шунингдек тоғ олди ҳудудларга аҳолининг жойлашув ареаллари сув захиралари етарлича бўлган текисликлар

ва ўрта тоғли ҳудудлардаги дарё водийлари, шунингдек тоғ олди ҳудудларга

боғлангандир. Қишлоқ ҳудудлари хилма - хил жойлашуви билан характерланади. 10 -100 кишилик манзилгоҳлар ва кичик қишлоқлардан тортиб 6-10 минг кишилик ва аҳолиси ундан кўпроқ бўлган йирик қишлоқларгача бўлади. Манзилгоҳлар тизимида тарихий хўжалик фаолияти, табиий - иқлим, ишлаб - чиқариш, иқтисодий шароитлар урбанизация жараёнлари, ҳудудларни ўзлаштириш жараёни, инженерлик ҳолати ва транспорт инфраструктуралари ўз аксини топади.

Юқорида келтирилган жараёнлар жойлашув турларининг классификациясига мос келадиган зоналарга бўлиш, хизмат қилиш тизимини регионал ҳудудлардаги аниқлаш ўзига хос хусусиятларини, бинолар ва иншоотлар тармоқларининг меъморий ўлчовларини табақалаштиришнинг асоси бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 02.02.2018 й. №ПҚ – 3502. 2018 – 2022. “Аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек. Шаҳарсозлик соҳасида мутахасислар тайерлаш, сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.

2. Х.К.Турсунов, М.Умаров Сельские населенные пункты в системе расселения. Архитектура, строительство, дизайн (научно – практический журнал) – Ташкент, ТАСИ. 2006г. №4 17 – 20.

3. В.А.Новиков. Архитектурная организация сельской среды. Москва. “Архитектура – С”, 2006

4. ШНҚ 2.07.01-03* Шахарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш. Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. 2009

Bo'ylama yo'nalishda pulsatsiyali harakatlanuvchi doiraviy elastik sterjenning buralma tebranishi.

Abdurazzaqov J.N., Xoliqov D.Sh.

Annotatsiya. *Ishda bo'ylama yo'nalishda harakatlanuvchi doiraviy elastik sterjenning buralma tebranish tenglamasi keltirib chiqarilgan. Tenglamaning umumiy yechimi Furye integralini qo'llab topilgan.*

Kalit so'zlar: *buralma tebranish, doiraviy sterjen, pulsatsiyali harakat, kuchlanish, buralma ko'chish.*

Аннотация. *В работе приведено уравнение крутильных колебаний кругового упругого стержня, движущегося в продольном направлении. Общее решение уравнения получено с помощью интеграла Фурье.*

Ключевые слова: *крутильная вибрация, круговой стержень, пульсирующее движение, растяжение, крутильное смещение.*

Abstract. *The equation of the torsional oscillation of a circular elastic rod moving in the longitudinal direction is given in the work. The general solution of the equation is obtained using the Fourier integral.*

Keywords: *torsional vibration, circular rod, pulsating motion, tension, torsional displacement.*

Hozirgi zamon texnikasi, qurilish, yer osti va yer usti inshootlari, aviatsiya, geologik qidiruv ishlari va boshqa juda ko'plab sohalarda sterjenlar muhandislik qurilmalarining asosiy elementlaridan biri sifatida ishlatiladi. Eksplatatsiya jarayonida bunday sterjenlar intensiv va impulsiv dinamik yuklar ta'siri ostida bo'ladilar va juda ko'p hollarda ularning dinamik chidamlilik darajasini tajribadan emas, balki hisoblashlar yordamida aniqlashga to'g'ri keladi.

Shu sababli ishida qaralgan masala, amaliy ahamiyatga ega bo'lgan dolzarb masalalar qatoriga kiradi.

Doiraviy elastik sterjen bo'ylama yo'nalishda pulsatsiyali harakat qilsin va uning tezligi quyidagi qonuniyat bilan o'zgarsin [1]

$$v(t) = \varepsilon \sin(\omega t) \quad (1)$$

U holda, radiusi r_0 bo'lgan doiraviy elastik sterjenning buralma tebranishlarini (r, θ, z) silindrik koordinatalar sistemasida o'rganamiz.

Qarayotgan masalamiz o'qqa nisbatan simmetrik bo'lib, ko'chish va kuchlanishlar θ koordinatadan bog'liq bo'lmaydi va faqat buralma ko'chish noldan farqli bo'ladi, ya'ni :

$$U_\theta = U_\theta(r, z), \quad U_r = U_z = 0. \quad (2)$$

U holda kuchlanishlarni ko'chish orqali quyidagicha ifodalab yozamiz

$$\sigma_{r\theta} = \mu \left(\frac{\partial U_\theta}{\partial r} - \frac{U_\theta}{r} \right), \quad \sigma_{z\theta} = \mu \left(\frac{\partial U_\theta}{\partial z} \right), \quad (3)$$

bu yerda μ -Lame koeffitsienti.

Bo'ylama yo'nalishda harakatlanuvchi sterjanning (1) va (3) munosabatlarni hisobga olgandagi harakat tenglamasini quyidagi ko'rinishda yozamiz [1]:

$$\frac{\partial^2 U_\theta}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial U_\theta}{\partial r} - \frac{U_\theta}{r^2} + \frac{\partial^2 U_\theta}{\partial z^2} = \frac{\rho}{\mu} \left(\frac{\partial^2 U_\theta}{\partial t^2} + \frac{\partial v}{\partial t} \frac{\partial U_\theta}{\partial z} + 2v \frac{\partial^2 U_\theta}{\partial t \partial z} + v^2 \frac{\partial^2 U_\theta}{\partial z^2} \right), \quad (4)$$

bu yerda ρ - sterjen materialining zichligi.

(4) tenglamani yechish uchun izlanayotgan funksiyani quyidagi ko'rinishdagi integral almashtirishdan foydalanamiz [2]

$$U_\theta(r, z, t) = \int_{l_1} \int_{l_2} \tilde{U}_\theta(r, p, k) e^{pt+kz} dp dk, \quad (5)$$

bunda l_1 va l_2 - p va k kompleks tekislikdagi chegaralanmagan ochiq konturlar.

U holda quyidagi Bessel tenglamasiga kelamiz [3]

$$\int_{l_1} \int_{l_2} \left[\frac{d^2}{dr^2} + \frac{1}{r} \frac{d}{dr} - \left(\beta^2 + \frac{1}{r^2} \right) \right] \tilde{U}_\theta(r, p, k) e^{pt+kz} dp dk = 0, \quad (6)$$

bu yerda
$$\beta^2 = \frac{\rho}{\mu} (p^2 + ik + 2vpk + v^2 k^2) - k^2$$

Bu (6) tenglamaning $r=0$ da chegaralanganligini hisobga olsak, uning yechimi quyidagicha bo'ladi.

$$\tilde{U}_\theta(r, p, k) = C I_1(\beta r). \quad (7)$$

Bunda I_1 - modifikatsiyalangan Bessel funksiyasi; C - integrallash o'zgarmasi.

(7) yechimni r bo'yicha qatorga yoyamiz va sterjenning tashqi sirtida $r=r_0$ va $n=0$ bo'lganda, buralma ko'chish amplitudasining $U_{\theta,0}$ -bosh qismini kiritish orqali, C - integrallash o'zgarmasini topamiz [4], ya'ni:

$$C = \frac{2}{\beta} U_{\theta,0}(p, k) \quad (8)$$

Natijada almashtirilgan ko'chish uchun quyidagi ifodaga ega bo'lamiz

$$\tilde{U}_\theta(r, p, k) = 2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{\left(\frac{r}{2}\right)^{2n+1}}{n!(n+1)!} \beta^{2n} U_{\theta,0}(p, k) \quad (9)$$

Faraz qilaylik, buralma tebranishlar sterjenning yon sirtiga qo'yilgan kuchlar ta'sirida yuzaga kelsin. U holda quyidagi dinamik shart o'rinli bo'ladi

$$\sigma_{r\theta}(r_0, z, t) = f_{r\theta}(z, t). \quad (10)$$

Bu (10) chegaraviy shartdagi $\sigma_{r\theta}$ -kuchlanish va $f_{r\theta}(z,t)$ -tashqi ta'sirni ifodalovchi funksiyalarida ham (5) ko'rinishdagi integral almashtirishni qo'llab, unda (7) yechimni va (8) ifodani hisobga olib, soddalashtirishlardan so'ng

$$2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r_0/2)^{2n+2}}{n!(n+2)!} \beta^{2n+2} U_{\theta,0}(p,k) = \mu f_{r\theta}(p,k) \quad (11)$$

tenglamaga kelimiz.

Nihoyat hosil qilingan (11) tenglamada p va k parametrlar bo'yicha teskari almashtirishlar olsak, quyidagi xususiy hosilali differensial tenglamaga kelimiz [3]

$$c(r_0) U_{\theta,0}(z,t) = \mu f_{r\theta}(z,t) \quad (12)$$

bu yerda

$$c(r_0) = 2 \sum_{n=0}^{\infty} \frac{(r_0/2)^{2n+2}}{n!(n+2)!} \lambda^{n+1}; \quad \lambda^n = \left[\frac{\rho}{\mu} \left(\frac{\partial^2}{\partial t^2} + \frac{\partial v}{\partial t} \frac{\partial}{\partial z} + 2v \frac{\partial^2}{\partial t \partial z} + v^2 \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right) - \frac{\partial^2}{\partial z^2} \right]^n, \quad n = 0, 1, 2, \dots \quad (13)$$

operatorlar.

Agar (12) tenglamada $n=0$ va $f_{r\theta}=0$ deb hisoblab, quyidagi tashqi sirti kuchlanishsiz bo'lgan bo'ylama yo'nalishda pulsatsiyali harakatlanuvchi doiraviy elastik sterjenning buralma tebranishi tenglamasiga ega bo'lamiz

$$\frac{\partial^2 U_{\theta,0}}{\partial t^2} + \frac{\partial v}{\partial t} \frac{\partial U_{\theta,0}}{\partial z} + 2v \frac{\partial^2 U_{\theta,0}}{\partial t \partial z} + (v^2 - b^2) \frac{\partial^2 U_{\theta,0}}{\partial z^2} = 0, \quad (14)$$

bu yerda $b = \sqrt{\mu/\rho}$ - elastik sterjenda ko'ndalang to'lqin tarqalish tezligi.

Faraz qilaylik sterjenning uzunligi l ga teng va u bir uchidan kinematik qo'zg'atilgan, ikkinchi uchi esa qattiq mahkamlangan bo'lsin. U holda masalaning chegaraviy shartlari quyidagi ko'rinishda bo'ladi

$$U_{\theta,0}(z,t)|_{z=0} = g(t), \quad U_{\theta,0}(z,t)|_{z=l} = 0, \quad 0 \leq t \leq \tau, \quad (15)$$

Boshlang'ich shartlar

$$U_{\theta,0}(z,t)|_{t=0} = \varphi(z), \quad \frac{\partial U_{\theta,0}(z,t)}{\partial t} \Big|_{t=0} = \psi(z), \quad 0 \leq z \leq l. \quad (16)$$

(14) tenglamada (1) ni hisobga olib, tenglamaning yechimini Furey integralini qo'llab topamiz, ya'ni

$$U_{\theta,0}(z,t) = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} d\lambda \int_{-\infty}^{+\infty} U(\xi,t) e^{i\lambda(z-\xi)} d\xi \quad (17)$$

(17) ni (14) tenglamaga va (16) shartlarga qo'yib quyidagilarni hosil qilamiz:

$$\frac{d^2 U(\xi,t)}{dt^2} + 2i\lambda\varepsilon \sin(\omega t) \frac{dU(\xi,t)}{dt} + (i\lambda\varepsilon\omega \cos(\omega t) - \lambda^2 \varepsilon^2 \sin^2(\omega t) + b^2 \lambda^2) U(\xi,t) = 0, \quad (18)$$

$$U(\xi,0) = \varphi(\xi), \quad \frac{\partial U(\xi,0)}{\partial t} = \psi(\xi) \quad (19)$$

U holda (19) shartni qanoatlantiruvchi (18) differensial tenglamaning umumiy yechimi quyidagiga teng

$$U(\xi, t) = e^{i\lambda \frac{\varepsilon}{\omega} (\cos(\omega t) - 1)} \cdot \left(\psi(\xi) \frac{\sin(b\lambda t)}{b\lambda} + \varphi(\xi) \cos(b\lambda t) \right). \quad (20)$$

(20) ni (17) ga qo'yib, tenglamaning umumiy yechimini olamiz:

$$U_{\theta,0}(z, t) = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} d\lambda \int_{-\infty}^{+\infty} \left(\psi(\xi) \frac{\sin(b\lambda t)}{b\lambda} + \varphi(\xi) \cos(b\lambda t) \right) e^{i\lambda \left(\frac{\varepsilon}{\omega} (\cos(\omega t) - 1) + z - \xi \right)} d\xi =$$

$$= u_1(z, t) + u_2(z, t).$$

(21)

Bu topilgan $U_{\theta,0}(z, t)$ yechimga ko'ra, doiraviy sterjen kesimlaridagi istalgan nuqtadagi $U_{\theta}(r, z, t)$ kochishni hamda, $\sigma_{r\theta}(r, z, t)$ va $\sigma_{z\theta}(r, z, t)$ kuchlanishlarni, r va z koordinatalar bo'yicha, t vaqtning istalgan payti uchun talab qilingan aniqlik bilan hisoblashimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ng T.Y., Lam K.Y. Vibration and critical speed of a rotating cylindrical shell subjected to axial loading. Applied Acoustics, 1999, No.56, pp. 273-282.

2. В.Ф., Ревизников Д.Л. Численные методы. Москва, Физматлит, 2004, 400

3. Xudoynazarov X.X., Burqutboyev Sh.M., Abdurazzoqov J.N. Bo'ylama harakatdagi doiraviy sterjenning buralma tebranishlari. Me'morchilik va qurilish muammolari (ilmiy- texnik jurnal). 2016, № 1.

4. Худойназаров Х. Х. Нестационарное взаимодействие цилиндрических оболочек и стержней с деформируемой средой.- Т. Изд-во мед.лит. имени Абу Али Ибн Сина, 2003, 325 стр.

Сооувствования изолированных особых точек системы дифференциальных уравнений в трехмерном пространстве

СамГАСИ доцент Б.Хусанов, ассистент Ж.Синдаров

Рассмотрим системы дифференциальных уравнений

$$\frac{dx}{dt} = Ax + x f^k(x), \quad x = (x_1, x_2, x_3) \quad (1)$$

где A -постоянная квадратная матрица $f^k(x)$ - скалярная форма степени $k \geq 1, \det A \neq 0, n \geq 2$. Распределением изолированных особых точек системы (1) занимались многие авторы особенно, для случая $n=2$. В этой заметке будем исследовать распределение изолированных особых точек системы (1) в предположении, что собственные числа матрицы A действительные и различные, причем не равны нулю и выясним количество и тип изолированных особых точек, возможных для системы (1) когда $n=3$.

Введём линейное преобразование:

$$y = Bx \quad (2)$$

где y - новый трехмерный вектор, а B - постоянная квадратная матрица преобразованная. Так как нас интересует только неособое (невырожденное) преобразования, то $\det B \neq 0$, $x = B^{-1}y$, B^{-1} - обратная матрица к B .

Подставляя (2) в (1) систему (1) можно придать вид:

$$\frac{dy}{dt} = Cy + yf^k(B^{-1}y), \quad (3)$$

где $C = BAB^{-1}$. (4)

Система (3) имеет тот же вид, что и система (1), но матрица коэффициентов изменилась по формуле (4).

Естественно попытаться при заданной матрице A подобрать матрицу B так, чтобы матрица C при обрела, по возможности, более простой вид. В обычных курсах доказывается, что матрица всегда можно придать жордановой нормальной формы [1].

Когда все элементарные делители первой степени матрица C будет иметь диагональный вид те если все характеристического уравнения

$$\det(A - \lambda E) = 0, \quad (5)$$

где E - единичная матрица.

Пусть система (1) сведена к виду (3) и матрица C диагональная. Если перейти тепер от матричной записи к обычной скалярной записи, то получим канонический вид системы (1)

$$\frac{dy_i}{dt} = \lambda_i y_i + y_i f^k(y_1, y_2, y_3), \quad (6)$$

где $\lambda_i(0) \neq 0$, $\lambda_j(0) \neq \lambda_k(0)$ при $j \neq k$, $f^k(y_1, y_2, y_3) = \sum_{e+m+n=k} a_{emn} y_1^e y_2^m y_3^n$.

Обозначим через $\lambda_i(m)$ корняхарактеристическогоуровнения составленного для изолированной особой точки $M(y_1^0, y_2^0, y_3^0)$ системы (6). $\lambda_i(0)$ - собственные числа матрицы A , то есть корни характеристического уравнения (5) составленного для изомированных особой точки $O(0,0,0)$ системы (1); a_{emn} - постоянные вещественных коэффициенты.

Рассмотрим систему (6) в случаях

- 1) $k = 2r$ и 2) $k = 2r + 1$.

Случай $k = 2r$ была предметом исследования в работе [3].

При $k = 2r + 1$ система (6) имеет следующие особые точки: $O(0,0,0)$, $M\left(\sqrt[k]{-\frac{\lambda_1}{a_{k00}}}, 0, 0\right)$, $N\left(0, \sqrt[k]{-\frac{\lambda_2}{a_{0k0}}}, 0\right)$, $D\left(0, 0, \sqrt[k]{-\frac{\lambda_3}{a_{00k}}}\right)$ в предположении, что $a_{k00} a_{0k0} a_{00k} \neq 0$.

Тогда характеристическое уравнение для изолированной особой точки системы будет иметь вид:

Вычис
$$\begin{vmatrix} P'_{1y_1}(E) - \lambda & P'_{1y_2}(E) & P'_{1y_3}(E) \\ P'_{2y_1}(E) & P'_{2y_2}(E) - \lambda & P'_{2y_3}(E) \\ P'_{3y_1}(E) & P'_{3y_2}(E) & P'_{3y_3}(E) - \lambda \end{vmatrix} = 0 \quad (7)$$

ляя, находим, что если $\lambda_1(0) > \lambda_2(0) > \lambda_3(0) > 0$, тогда

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(M) &= -k\lambda_1(0) < 0, \lambda_2(M) = -[\lambda_1(0) - \lambda_2(0)] < 0 \\ \lambda_3(M) &= -[\lambda_1(0) - \lambda_3(0)] < 0 \end{aligned} \right\} \quad (8)$$

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(N) &= -[\lambda_1(0) - \lambda_2(0)] > 0, \lambda_2(N) = -k\lambda_2(0) < 0 \\ \lambda_3(N) &= -[\lambda_2(0) - \lambda_3(0)] < 0 \end{aligned} \right\} \quad (9)$$

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(D) &= [\lambda_1(0) - \lambda_3(0)] > 0, \lambda_2(D) = [\lambda_2(0) - \lambda_3(0)] < 0 \\ \lambda_3(D) &= -k\lambda_3(0) > 0 \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

На основании (8), (9) и (10) неравенство можно сформулировать следующая теорема.

Теорема 1: При $k = 2r + 1$, $a_{k00}a_{0ko}a_{00k} \neq 0$ система (6) в пространстве R^3 имеет только четыре изолированные особые точки из них две- узлы, две другие- седла.

Если предположим, что $\lambda_1(0) > \lambda_2(0) > 0, \lambda_3(0) < 0$, то

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(M) &= -k\lambda_1(0) < 0, \lambda_2(M) = -[\lambda_1(0) - \lambda_2(0)] < 0 \\ \lambda_3(M) &= -[\lambda_1(0) - \lambda_3(0)] < 0 \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(N) &= [\lambda_1(0) - \lambda_2(0)] > 0, \lambda_2(N) = -k\lambda_2(0) < 0 \\ \lambda_3(N) &= [\lambda_3(0) - \lambda_2(0)] < 0 \end{aligned} \right\} \quad (12)$$

$$\left. \begin{aligned} \lambda_1(D) &= [\lambda_1(0) - \lambda_3(0)] > 0, \lambda_2(D) = [\lambda_2(0) - \lambda_3(0)] > 0 \\ \lambda_3(D) &= -k\lambda_3(0) > 0 \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

В силу этих неравенств получаем, что часть изолированных особых точек O, N будут седла, а другие M, D - узлы, что требовалось доказать. В случае $a_{k00}a_{0ko}a_{00k} = 0$ исчезающие изолированные особые точка уходят в бесконечность.

Теорема 2: При нечётном k , если $a_{k00}a_{0ko}a_{00k} \neq 0$, то число изолированных особых точек системы (6) в пространстве R^3 будет три, две или седна, причем если система (6) имеет только три изолированные особые точки, то совместно существуют узел и две седла или седла и два узла; если система (6) имеет только две особые точки, то возможны случаи: а) два седла; б) два узла; в) узел и седла.

Доказательство теорема 2 аналогично доказательству теоремы 1.

Пример.

$$\left. \begin{aligned} \frac{dx_1}{dt} &= -8x_1 + x_1(x_1^3 - 3x_2^3 - x_3^3) \\ \frac{dx_2}{dt} &= 8x_2 + x_2(x_1^3 - 3x_2^3 - x_3^3) \\ \frac{dx_3}{dt} &= x_3 + x_3(x_1^3 - 3x_2^3 - x_3^3) \end{aligned} \right\}$$

система имеет четыре изолированные особые точки $O(0,0,0), (2,0,0), (0,3,0), (0,0,1)$; из них $O(0,0,0), (0,3,0)$ - седла, $(2,0,0), (0,0,1)$ - узел.

Литература

[1]. Еругин.Н.П. - «Качественные методы в теории устойчивости» ПММ.Т.19, вып5., 1995, с 593-617.

[2]. Шарипов Ш.Р., Хусанов Б., Мамашев С.Х. - «О некоторых вопросах траекторий n -мерной обобщенно-однородной дифференциальной системы» - Изб. АН. КазССР. Серия физика-матем. наук 1981, №3, с 38-43.

Физика таълими самарадорлигини оширишда

Мустақил ишларнинг ўрни

*Турдибеков Ибрагим Турдибекович, СамДАҚ доценти, ф-м. ф. н.,
Ибрагимов Сардорбек Хусанович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту, Иқтисодиёт факултети 3-курс талабаси,
Иброхимов Нодирбек Хасанович, “Ипак йўли” туризм халқаро университети,
Туризм менежменти факултети 2-курс талабаси,
Иброҳимова Гулноза Хасановна, Самарқанд давлат университети, Амалий
математика ва информатика факултети 1-курс талабаси, Самарқанд*

Аннотация: Физика фанига оид ушбу мақоланинг асосий мазмуни талабалар мустақил билим олишларининг асосий йўналиши бўлган масала ечишга қаратилган. Масала ечиш талабада умумий инсонийлик фазилатларини тарбиялаши ва умумий билим бериши билан бир қаторда таълим жараёнида политехнизм принципларини амалга оширишда катта роль ўйнаши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Аннотация: Основное содержание данной статьи, относящиеся к физическим наукам направлено решением задачи, являющемся основным видом самостоятельной работы студентов. Показано, что решение задачи наряду воспитанием студентов общечеловеческие чувства и обладанием общего знания большой роль играет в процессе образования восуществлении принципов политехнизма.

Annotation:

The main content of this article which depends on physics is aimed at solving the problem, which is the main direction of independent learning of students. It is noted that problem solving plays a significant role in the implementation of the principles of polytechnics in the educational process, as well as cultivating in students the qualities of common humanity and general knowledge.

Калит сўзлар: таълим, фаоллик, маҳорат, тафаккур, қатъиятлик, самарадорлик, баркамол.

Ключевые слова: образование, активность, способность, мысль, последовательность, успешность, совершенный

Key words: education, activity, skill, mentality, perseverance, efficiency, mature

Давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама етук, рақобатдош кадрлар тайёрлаш шубҳасиз мамлакатнинг равнақига ижобий тасир кўрсатади. Ёшлар ҳақида Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларига амал қиламиз: “Юқори малакали кадрлар - келажагимиз пойдевори”. Таълимнинг функцияси талабага аниқ билимларни бағишлашдан иборат бўлиб,

талабада амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантиради, уларни билишнинг умумилмий методлари ва принциплари билан таништиради. Талим соҳасида бўлаётган ҳар бир ўзгариш эса талабага янги билимларни етказишга хизмат қилади.

Билимларни мустақил тўлдириш ва эгаллаш – ҳозирги замонда таълимнинг энг актуал масалаларидан биридир. Қайси соҳада бўлмасин билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш – талаба фаолиятининг таълим муассасидаги ажралмас қисми ҳисобланади. Таълим тизимида мустақил билим олиш, уни назорат қилиш мустақил билим олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мустақил билим олишда аввало талабада эркин, ижодий фаолият юритиш, мустақил фикрлаш, мантиқан ўйлаш шаклланган бўлиши керак.

Физика фанига оид ушбу мақолада физика таълимида талабалар мустақил билим олишларининг асосий йўналишларидан бири бўлган масала ечиш баён қилинган. Масала ечиш таълимининг амалиёт методикасига дахлдор ва физикада таълимнинг таркибий қисми сифатида физика таълими олдида қўйилган умумий вазифаларни бажаради: билим беради, таълим тарбияни кучайтиради, уни баркамол қилади, аммо талабанинг актив таффақкур фаолиятига таянади. Тажрибалар кўрсатадики, турли хил таъриф, қоида ва қонунларнинг физик моҳияти уларни такрор – такрор айрим реал ва аниқ масалаларга тадбиқ этгандан кейингина талабага тушунарли шаклланади. Масала ечиш умумий билим беришда яна муҳим функцияни, яъни асосий физик тушунчалардан бири бўлган физик катталикларнинг шаклланиши ва бойиши вазифасини ҳам бажаради. Шу билан бир қаторда физикадан масалалар ечиш таълим жараёнида политехнизм принципларини амалга оширишда қатта роль ўйнайди. Улар эса физиканинг ҳаётийлигини, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканини кўради.

Масала ечиш умуминсонийлик фазилатларни ҳам тарбиялайди. Масала ечиш жараёнида талабанинг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, зеҳни, мустақил мулоҳаза қилиш, билим олишга қизиқиши, ирода ва характери, кўзлаган мақсадга эришишдаги қатъиятлик тарбияланади. Талаба масала ечишга ўзининг бутун таффақкур фаолиятини йўналтиради: эътибор, зеҳн, хотира, тасаввур, фикрлаш. Масала ечиш жараёнида мантиқий ва ижодий фикрлаши ривожланади.

Талабага мустақил билим беришда ўқитувчининг вазифаси масала материали орқали унга янги билимларни бағишлаш билан бир қаторда назарияда ўрганиладиган материалларни ҳам масала миқёсида етказишдан иборат. Ёзма контроль ишлар учун, машқ ва уй топшириқлари учун ҳам масалалар танлашга махсус эътибор керак. Қийинлиги ўртача бўлган назарий ҳисоблаш масалалари билан бир қаторда кузатиш ва тажриба билан боғлиқ бўлган экспериментал масалаларни қўйиш ва ечиш энг самарали бўлади. Бундай масалалар талабаларнинг физика фанининг асосий методи – экспериментни онгли ўзлаштиришга ёрдам беради. Назарий ҳисоблашни тажрибада текширувчи масалалар илмий билимларнинг мезони сифатида экспериментнинг аҳамиятини кўрсатади. Ҳар қандай мустақил иш каби бундай масалаларни ечиш чуқурроқ билим олишга ва уни мустаҳкамлашга ижобий

таъсир кўрсатади, амалий малакаларни мустаҳкамлашга, назарий ҳисоблаш масалаларни яхши ечишга ёрдам беради. Экспериментал масалалар айти пайтда талабаларда кучли қизиқишни уйғотади ва физика фанини онгли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқитувчи томонидан мустақил таълим топшириқларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатилади: масалалар ечишнинг бажарилишини назорат қилади, текширганда унинг анализи ва ечимини тушунишни талаб қилади ва ечишдаги хатолари кўрсатиб ўтилади. Мустақил билим олиш фаолиятида талаба бажарган турли йўналишдаги топшириқларни ўқитувчи томонидан текширилиб, талабада ижодий, илмий хислатлар борлигини англаши мумкин ҳамда унинг қобилияти қайси йўналишда эканлигини аниқлаб, уни ривожлантиришга яқиндан ёрдам беради.

Шундай қилиб, олий таълим талабаларининг мустақил билим олишларини, анъанавий ўқишдан фарқли ўқитувчининг аудиториядаги фаолиятини тўлдирувчи иккиламчи фаолияти сифатида қараш лозим ва бу эса ўқитувчи томонидан талабанинг асосий фаолиятини бошқариш орқали унинг пухта билимга эга бўлишини таъминлайдиган лойиха иши дейиш мумкин.

Адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т. “Ўзбекистон”, 2016 й.

2. С.А. Болтабоев, Замоनावий таълим (Современное образование), 2019, 7(80)

3. И. Турдибеков, Н. Холдоров, Ф. Джамолов. Физиканинг ҳозирги замон таълимидаги ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. Самарқанд, 2019 йил.

Замоनावий педагогик технологиянинг “Аклий ҳужум” методи ва уни жисмларнинг эркин тушиш тезланишини аниқлаш тажрибаларида қўллаш

Турдибеков Ибрагим Турдибекович, СамДАҚИ доценти, ф-м.ф.н. Джамолов Фазлиддин Нажмиддинович, СамДАҚИ катта ўқитувчиси, Муҳаммадов Абдулхай, СамДАҚИ қурилиш факултети 1-курс талабаси, Абдиев Нодирбек, СамДАҚИ қурилиш факултети 1-курс талабаси,

Аннотация: Ушбу мақолада замоनावий педагогик технология “Аклий ҳужум” методинининг мазмун ва моҳияти ҳақида маълумот берилади. “Аклий ҳужум” методини эркин тушиш тезланишини аниқлашга доир фронтал лаборатория машғулотларида қўллаш тажрибаси баён қилинган. Бу методнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамияти кўрсатилган.

Аннотация: В данной статье приведены сведения о содержании и значении метода современной педагогической технологии «Мозговой штурм». Изложено опыт о применении метода «Мозговой штурм» в фронтальных лабораторных занятиях по определению ускорения свободного падения. Показано значение этого метода для активизации учебного процесса.

Annotation: This article provides information on the essence and content of the method of “Brainstorming” in modern pedagogical technology. The experience of applying the method of “Brainstorming” in frontal laboratory exercises to determine the acceleration of free fall is described. The importance of this method in increasing the efficiency of the educational process is demonstrated.

Калит сўзлар: муаммо, фикр, ғоя, тузилма, тортишиш майдони, фронтал, лидер

Ключевые слова: проблема, мнение, идея, строение, поле тяготения, фронтал, лидер

Key words: problem, opinion, idea, structure, gravitation area, frontal, leader

“Ақлий ҳужум” замонавий педагогик технологиянинг кенг қўлланиладиган методи саналади. Бу метод ёрдамида аудиториядаги барча талабаларни актив фаолиятга келтириш мумкин. Ушбу метод юзасидан ташкил этилган машғулот жараёнида бирор муаммони ҳал этишда талабаларни кенг ва ҳар томонлама чуқур фикр юритишга ундайди ва уларда бир неча муқобил ғоялар туғилишига олиб келади. Бунинг натижасида қўйилган муаммо бўйича бир неча оригинал ечимлар топиш имконияти туғилади. Бу метод аудиториядаги барча талабаларда актив фаолият юритиш ҳиссиётини уўғотади. “Ақлий ҳужум” методидан ҳам маъруза, ҳам амалиёт машғулотларида фойдаланиш қулай.

“Ақлий ҳужум” методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:


- Яхлит мавзу, унинг бир қисми, амалиёт ёки танланган муаммо юзасидан талабаларга бериладиган саволларни ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаш;
- Машғулот жараёнида унинг иштирокчиларининг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш;
- Ғояларни ёзиб бориш учун қоғоз варақлари ёки ёзув тахтасини тайёрлаб қўйиш.

Қўйилган муаммо ечимига доир саволлар талабалар диққатига етказилади ва уларга шу саволлар бўйича ўз фикр, ғоя ва мулоҳаза билдиришларини сўралади. Бунда талабаларнинг бажараётган жавобларига ўқитувчининг ва бошқаларнинг аралашувига, ҳар қандай фикр билдиришга йўл қўйилмайди ва жавоблар баҳоланмайди. Агар уларнинг фикр-ғоялари баҳолаб бориладиган бўлса, талабалар ўз диққатини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги ғояларни илгари суришмайди. Нотўғри бўлсада талабалар ўз фикрларини билдиришга эргишишлари керак ва уларни ўзгартириши ҳам мумкин.

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг фикрлари тўғри йўлга солиб борилади ва рағбатлантирилиб турилади. Вақти-вақти билан билдирилган фикрлар умумлаштирилиб ҳам турилади. Муаммонинг ечими бўйича талабаларнинг фикр-ғоялари шаклланиб бўлгач, бу фикр-ғоялар тўпланади ва маълум белгилар бўйича гуруҳланади. Фикр-ғоялар охириги марта умумлаштирилади ва аниқ фикрга келинади. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади. Шунда талабалар ўзларининг таклиф қилган фикр-ғояларининг тўғри ёки хато эканликларини англаб етишадилар ва ўзларини ўзлари баҳолайдилар.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган:

“Ақлий ҳужум” методининг мазмун ва моҳиятини жисмларнинг эркин тушиш тезланишини лаборатория шароитида аниқлаш тажрибасида синаб кўрдик. Маълумки, эксперимент орқали физик ҳодиса ва қонунларнинг моҳиятини чуқур англаш имконияти туғилади. Шу муносабат билан методнинг физика экспериментида қўлланиши унинг самарадорлигини янада оширади. Галилейнинг умумлашган қонунига кўра барча жисмлар тортишиш майдонида бир хил тезланиш билан тушади. Бунга жисмларнинг эркин тушиш тезланиши дейилади. Ер сиртининг берилган нуқтасида \vec{g} – эркин тушиш тезланиши барча жисмлар учун бир хил бўлади. Бунинг исботи сифатида эркин тушиш тезланишини аниқлашга доир лаборатория машғулоти фронтал шаклида амалга оширдик. Бунинг учун талабалардан 3-4 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этилди. Ҳар биргуруҳ ўзларига лидерларини сайлашди. Барча гуруҳлар битта мавзу бўйича лаборатория ишларини бажаришди, яъни гуруҳлар



олдига ҳар хил усуллар ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш вазифаси қўйилди. Эркин тушиш тезланишини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд: математик маятник ёрдамида, ағдарма маятник ёрдамида, қия текислик ёрдамида, айланувчи диск ёрдамида ва ҳ.к. Одатда, 3-4 кичик гуруҳларга бир хил лаборатория иши берилиши ҳам мумкин. Бу эса физика лабораториясининг таъминотига боғлиқ.

Гуруҳлар олдига эркин тушиш тезланишини аниқлаш тажрибасида

ўлчашларнинг абсолют ва нисбий хатоликларини камайтиришнинг энг муқобил йўллари излаш ва топиш вазифаси қўйилди. Масалан, математик маятник ёрдамида ўтказилган тажрибаларда ҳар хил узунлик танланди ва тебранишлар сони (25 дан 60 гача) ўзгартирилди. Электрон секундомер ёрдамида ўтказилган тажрибаларда юк (шарча) ҳар хил баландликдан ташланади ва ҳар бир баландлик учун эркин тушиш тезланишининг қиймати уч мартадан аниқланади. Юк массасини ўзгартириб ўтказилган тажрибалар асосида эркин тушиш тезланишининг массага боғлиқ эмаслиги исботланади.

Ўлчаш ва ҳисоблашлар тугагандан сўнг гуруҳ лидерлари ўлчаш хатоликларини камайтиришга қаратилган фикр-қояларини тақдим этадилар. Дискуссияга йўл қўйилмайди. Билдирилган фикр-ғоялар умумлаштирилади ва тўғри жавоб танланади. Охирида айланувчи диск ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлашда ўлчаш хатоликлари минимумга келтирилганлиги ва унинг аниқ қийматга эришилганлиги қайд қилинди.

Шундай қилиб, “Ақлий ҳужум” методининг лаборатория машғулотида қўлланиши талабаларни фаоллаштиради ва уларни ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради.

Адабиётлар

1. Н. Камолиддинов, А.Б. Вахобов. Инновацион технологиялар асослари. Тошкент, 2010.
2. И.Т. Турдибеков, Н.Х. Холдоров, Ф.Н. Джамолов. «Табиий фанларни ўқитиш ва тадқиқ масалалари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари». Нөкис, 2017 йил.
3. Н.Т. Кодирова, Э.Э. Ражабов. «Физиканинг ҳозирги замон таълимидаги ўрни. Республика илмий-амали йанжумани материаллари». Самарқанд, 2019 й.

Zamonaviy boshlang'ich ta'limda o'quvchilar mustaqil ishlarini tashkil etish metodikasi

Turdibekova Nilufar Xusanovna, Turdibekova Malika Xamroyevna, 20-maktab o'qituvchisi, Samarqand, Izbasarova Umida Ibragimovna 5-maktab o'qituvchisi, Jizzax Usmonqulova Shaxnoza Ibragimovna 24-maktab o'qituvchisi, Sharof Rashidov tumani

Аннотация: Мақоллада бoshlang'ich sinf o'quvchilarining mustaqil ishlarini tashkil etish tartiblari va ularni amalga oshirishda o'qituvchi tomonidan bajarilishi zarur bo'lgan ishlar ketma-ket sanab o'tilgan. Agar mustaqil ta'lim so'z tushunchalari orqali emas, balki namoyishlar orqali va o'quvchilarning shaxsiy ishtirokida, faolligida kechsa, o'zlashtirish sifati va samaradorligi yuqori bo'lishi ta'kidlanadi.

Аннотация: В статье последовательно перечисляются необходимые обязанности, выполняемые со стороны преподавателей в осуществлении самостоятельной работы в начальных классах. Утверждается, если самостоятельные занятия проводятся не устным объяснением, а с помощью демонстрации и с активными участиями учеников, то качества и успешность успеваемости будут высокими.

Annotation: The article describes the procedure for organizing the independent work of primary school students and a list of tasks that the teacher must perform in their implementation. It is noted that the quality and effectiveness of learning will be higher if independent learning is not through word concepts, but through demonstrations and personal participation and activity of students.

Kalit so'zlar: innovatsiya, malaka, tafakkur, didaktik, evristik, savodxonlik, samaradorlik

Ключевые слова: инновация, квалификация, мысль, дидактик, эвристический, ученость, успешность

Key words: innovation, qualification, thought, didactic, heuristic, literacy, efficiency

Ma'lumki, mamlakatimiz taraqqiyoti va kelajagi ko'p jihatdan ta'lim-tarbiya sohasidagi sifat o'zgarishlari, yuqori samaradorlikka erishish, ularning ilg'or xorijiy tajribalarga mosligi, o'quvchilarimizning amaliy faoliyatda o'rnini qay darajada topayotganligi bilan uzviy bog'liqdir. Ta'lim-tarbiyadagi sifat o'zgarishlari va yuqori samaradorlik esa mazkur sohaga ijobiy yangilik kiritish bilan belgilanadiki, bunga innovatsion jarayon – ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy qilish orqali erishiladi. Bugungi kunda Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimining hayotimizda o'z o'rnini va ahamiyatini topishida diqqatga sazovor ishlar amalga oshirilmoqda. Birinchi va ikkinchi sinflarda bolalar maktab hayotida faoliyat ko'rsatishga tayyorlanadilar. O'quv fanlaridan umumiy tushunchalar beriladi. O'qish, yozish, hisoblash, kuzatish va mehnat malakalari hosil qilinishiga, savodxonlik to'liq egallanishga asosiy e'tibor qaratiladi; Uchinchi, to'rtinchi sinflarda esa bilim, ko'nikma va malakalar yanada mustahkamlanadi, nazariy tushunchalar hamda dastlabki amaliy tasavvurlar hosil qilinadi. Bunda amaliy ishlar ko'lami kengaytiriladi va bolalar mustaqil faoliyat ko'rsatishga, shu tariqa o'rta umumta'lim tizimida muvaffaqiyatli o'qib ketishga tayyorlanadilar. Bir so'z bilan aytganda, boshlang'ich ta'limning mazmun va mundarijasi jamiyat taraqqiyoti hamda davr talablari darajasiga mos ravishda yangilanib boraveradi. Endilikda, zamonaviy Davlat ta'lim standartlari asosidagi yangi o'quv reja hamda dasturlaridan: "Savod odobi", "Nutq odobi", "Hayo, ibrat odobi", "Qiroatxonlik, xattotlik san'ati", "Kitob ta'limi", "Nafosat tarbiyasi va ta'limi", "Fan mo'jizalari", "Mahorat va zukkolik" kabi mavzular o'rin olmoqda. Uning tarixiy asoslariga e'tibor berilganda mutaxassis- olimlarimiz fikrlari va DTSlarda qo'yilgan talablar ham ushbu ta'lim bosqichining mazmun-mohiyatini, ya'ni o'quvchilarda savodxonlik hamda hisoblash tafakkurini shakllantirish dolzarb muammo ekanligini ta'kidlaydi. Hozirgi kunda boshlang'ich ta'lim mazmuniga ham, sifatiga ham alohida talablar qo'yilgan va ular asosida Davlat ta'lim standartlari, o'quv rejalari hamda o'quv dasturlari tayyorlangan. Bunda boshlang'ich sinflar bir-birlari bilan uzviy bog'liq bo'lib, bolalarning bitta o'qituvchi qo'lida ta'lim olishi maqsadga muvofiqligi, ya'ni butun mas'uliyat "O'qituvchi – o'quvchi" birligi zamirida belgilanadi. Bunda boshlang'ich sinf o'qituvchisidan barcha fanlar asoslarini chuqur bilishligi va o'qitish metodikasini puxta egallashi lozimligi talab etiladi. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning yosh xususiyatlari, savodxonlik darajalari, shaxsiy tabiatlariga ko'ra didaktik o'yinlar orqali, evristik suhbatlar loyihalashtirish asosidagi metodlar keng qo'llanilmoqda. Agar o'qitish jarayonida har bir o'quvchi o'zining o'zlashtirish imkoniyati darajasida topshiriqlar olib ishlaganida u yuqori sifat va samaradorlikni ta'minlagan bo'lar edi. Darslarni nechog'li qiziqarli, foydali va samarali tashkil etish o'qituvchilarning ijodkorligi, tashabbuskorligiga bog'liq. Xulosa qilib aytganda:

1. O'qituvchi faqat o'qitibgina qolmay, o'quvchini mustaqil mutolaa qilish orqali ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantirishi;
2. O'quvchilarni darslik, qo'llanma, internet xabarlari, manbalarni tahlil qilish orqali bilim olishga o'rgatishi;

3. O'quvchi ta'lim jarayonida eshitib, ko'ribgina qolmay, balki dars mavzusi, mazmunini o'rganishda uning faol ishtirokchisiga aylanishini ta'minlashi zarur.

4. Agar o'qituvchi interfaol ta'lim mazmunini va mohiyatini, uning metodlarini o'qib-o'rganib, o'zlashtirib, o'z pedagogik faoliyatiga joriy qila olsa, takomillashgan Davlat ta'lim standartlarini va modernizatsiya qilingan o'quv dasturlarini to'la o'zlashtirishlarini kafolatlaydi, sifat va samaradorlikka erishishni ta'minlaydi.

5. O'tkazilgan tajriba-sinov natijalari shuni ko'rsatdiki, agar darslar so'z tushuntirish orqali olib borilsa, o'zlashtirish 10 foizni, ko'rsatish, namoyishlar orqali tashkil etilsa, 50 foizni, ta'lim jarayoni o'quvchining shaxsiy ishtiroki, faolligida kechsa, o'zlashtirish sifati va samaradorligi 90 foizni tashkil etadi.

Demakki, har bir o'qituvchi o'z o'quvchisini dars jarayonida faollashtira olsa, bolalarning o'qish, o'zlashtirish, bilim, ko'nikma, malakalarni egallash darajasi yuqori ko'rsatkichlarni tashkil etadi. Ta'lim texnologiyasida: tushuntirish, tushunish, o'rgatish, o'rganish hamda o'zlashtirish jarayonlari mavjud bo'lib, ulardan o'z o'rnida to'g'ri foydalanish yaxshi samara beradi. Ta'lim bilan bir qatorda mazkur metod tarbiyaviy xarakterdagi qator vazifalarni amalga oshirish imkonini beradi. Ular: jamoa bilan ishlash mahorati, muomalalik, xushfe'llik, ko'nikuvchanlik, o'zgalar fikriga hurmat, faollik, rahbarlik sifatlarini shakllantirish, ishga ijodiy yondashish, o'z faoliyatining samarali bo'lishiga qiziqish, o'zini xolis baholash. Bular boshlang'ich sinflarda ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirishda ta'lim texnologiyasining hammasida birdek qo'llaniladigan, rivojlanib borishda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan asosiy tarkibiy elementlardir. O'qituvchi faoliyatidagi asosiy ta'lim texnologiyasi jarayonlari esa so'zlash, ko'rsatish, vazifa berish, boshqarish, kuzatishdan, o'quvchi faoliyatidagi asosiy jarayonlar tinglash, ko'rish mashq bajarishdan iboratdir. Tushunchalarning har biri keng qamrovli bo'lib, alohida ahamiyatga egadir. Shu bilan birga bu ikki ta'lim texnologiyasi bir-biridan ajralmas tushunchalar hisoblanadi.

Ilgor pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayoni unumdorligini oshiradi, o'quvchilarning mustaqil fikrlash jarayonini shakllantiradi, o'quvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, ko'nikma va malakalarini shakllantiradi.

Pedagogik texnologiyada ta'lim jarayonining maqsadini belgilash muhim bo'lib, u rejalashtirilgan natijalarni kafolatlashi lozim. Shuning uchun ham o'qituvchilar maqsadni aniq belgilashga alohida e'tibor qaratishlari lozim. Har bir o'qituvchi avvalo o'zi o'qitadigan o'quv predmeti maqsadini va har bir o'tadigan darsi maqsadini aniq belgilashi kerak.

Belgilangan maqsad asosida o'tkaziladigan didaktik jarayonning aniq loyihasi ishlab chiqilsa uni amalga oshirish osonlashadi. Didaktik jarayon uchta bir-biri bilan bog'liq komponentlardan iborat. Yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni so'rash va mustahkamlash jarayonida didaktik o'yinlardan foydalanib, o'quvchilarning darsga qiziqishlari oshiriladi. Boshlang'ich sinfda dars jarayonida motivlarni rivojlantirish

muhim ahamiyatga ega. O'qituvchi o'quvchilarning o'quv - bilish faoliyatlarini tashkil etishda motivlarga ko'proq e'tibor berishi o'quvchilarning bilim egallash jarayonining samaradorligini ta'minlaydi.

O'qituvchi dars loyihasini tayyorlar ekan, maqsadni oydinlashtirishi va shu maqsad asosida o'quvchilarning o'quv - bilish faoliyatlarini shunday tashkil etishi lozimki belgilangan maqsad to'liq amalga oshishi kerak. Har qanday jamiyatda pedagogik tizimning maqsadi jamiyatning shaxsni shakllantirishga qo'ygan talablari asosida belgilanadi va jamiyat talablari asosida amalga oshiriladi.

Adabiyotlar

1. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Т. “Ўзбекистон”, 2016 й.

2. N.N. Azizxo'jayeva. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent, 2006.

Boshlang'ich ta'limda dars jarayonlari samaradorligini oshirishda zamonaviy o'qitish usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib dars o'tishning ahamiyati

Turdibekova Nilufar Xusanovna, Turdibekova Malika Xamroyevna, Izbasarova Umida Ibragimovna, Samarqand 20 maktab, Usmonqulova Shaxnoza Ibragimovna, 5-maktab o'qituvchisi, Jizzax, Sharof Rashidov tumani 24-maktab o'qituvchisi,

Annotatsiya: Maqolada ta'limning poydevori bo'lgan boshlang'ich ta'limda o'qish va o'zlashtirish sifat samaradorligining DTS talablariga mos bo'lishini ta'minlash maqsadida ilg'or pedagogik usullar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va internet tarmoqlaridam foydalanishning muhim ahamiyati ko'rsatilgan. 2-sinflarda “Chumoli va chivin” mavzusini Venn diagrammasidan foydalanib dars o'tishning uslubiyati bayon qilingan.

Аннотация: В статье показано высокого значения использования передовых педагогических методов, информационно-коммуникационной технологии и интернетных сетей на качества успешности учебного процесса в начальном образовании в соответствии с требованиями ГОС. Изложена методика применения диаграммы Венна в учебном процессе в 2-классах.

Annotation: The article emphasizes the importance of using advanced pedagogical methods, information and communication technologies and the Internet to ensure that the quality of learning and mastering of primary education, which is the basis of education, meets the requirements of SES. In the second grade, a method of teaching the topic of “Ant and fly” using Venn diagrams is described.

Kalit so'zlar: noan'anaviy, interfaol, malaka, kommunikatsiya, internet, evristik

Ключевые слова: необыкновенный, интерактивный, квалификация, коммуникация, интернет, эвристический

Key words: unconventional, interactive, qualification, communication, internet, heuristic

O'quvchilarning intellektual salohiyatini oshirish, ularni zamon talablari darajasida o'qitish, dars sifati va samaradorligini oshirish, o'quvchilar qalbida fanga qiziqish uyg'otish har bir o'qituvchi oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Hozirgi kun talblaridan biri amalga oshirilayotgan ta'lim sifat-samaradorligini oshirishda o'quvchilarga nazariy bilimlar bilan birga amaliy, ko'rgazmali, ya'ni noan'anaviy interfaol darslar tashkil etish asosida o'quvchilarda ko'nikma va malakalarni shakllantirishdan iboratdir.

Ta'lim – tarbiya jarayonida bola shaxsini shakllantirish bosh masalalardan biridir. Boshlang'ich ta'lim – ta'limning asosiy poydevori bo'lib, o'quvchining amaliy bilim va ko'nikmaga ega bo'lishini talab etadigan bosqich. Shu bois, boshlang'ich ta'lim o'quvchilarning qiziqishini oshirish, o'zlashtirish sifat samaradorligini DTS talblariga mos kelishini ta'minlash o'qituvchidan ko'p izlanish, chuqur bilim va mehnatni talab etadi. Bunda o'qituvchilarning ilg'or pedagogik usullar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, internet tarmoq va boshqa zamonaviy vositalardan samarali foydalana olish malakasi muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi davrda o'quvchilar an'anaviy darslik mutolaasi orqali ma'lumotlarni bilish bilan birga interfaol ta'limning zamonaviy usullari hisoblanmish elektron darslik, elektron doska yoki mavzuga oid kinofilmlar orqali ma'lumotlarni etkazishni taqazo etadi. Bunday usulda tashkil qilingan darslarda eng loqayd o'quvchi ham ozgina bo'lsa-da harakat qilishga, ya'ni, dars jarayonida bo'layotgan savol-javoblarga, bahs-munozaralarga qoshilishga harakat qiladi.

Boshlang'ich ta'lim darslarida mavzuga oid o'quv filmlaridan foydalanib dars o'tish ham noan'anaviy dars usullaridan biri hisoblanadi. Hozirgi vaqtda turli xil mavzularda o'quv filmlari mavjud bo'lib, ulardan mavzuga mos keladiganlarini tanlab olib, o'quv jarayonida foydalanish mumkin. Faqat bunda darsda to'g'ridan-to'g'ri 45 daqiqa davomida filmni namoyish etib, shunchaki vaqtni o'tkazish emas, balki ma'lum reja asosida darsni o'tish maqsadga muvofiqdir. Ya'ni, o'quv filmi ko'rsatiladigan dars kuni oldindan o'quvchilarga aytiladi. Bunda o'quvchilar daftarlariga kelgusi darsning mavzusi va o'quv filmining nomini yozib qo'yishlari kerak. Bundan tashqari o'quvchilarga dars davomida nimalarga e'tibor berishlari qisqacha tushuntiriladi. Belgilangan kunda o'tilgan mavzu yuzasidan o'quvchilarning olgan bilim va ko'nikmalari aniqlab olingandan so'ng, o'qituvchi o'quvchilarga bugungi darsda bajarilishi kerak bo'lgan vazifalarni tushuntiradi va dars boshlanadi, ya'ni o'quv filmi namoyish etiladi. O'quv filmi namoyishi jarayonida barcha o'quvchilar diqqati film namoyishiga qaratiladi. Dars davomida o'quvchilarga savollar bermaslik kerak, chunki darsda shovqin bo'lishi yoki o'quvchining diqqat-e'tibori pasayishi mumkin. Bunda o'qituvchi ayrim lavhalardagi ma'lumotlarni qo'shimcha tarzda izohlab turishi lozim.


Boshlang'ich ta'lim darslarida elektron darsliklar va o'quv filmlaridan qanday foydalanish kerak? Buning uchun quyidagilarga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiqdir. Masalan, 3– sinfda ona tili “Sifat-so'z turkumi” mavzusini o'tganda “So'z o'rnini top” o'yinidan foydalanish mumkin. Bu topshiriq orqali o'quvchilar so'zlarning o'rnini toppish orqali tugal mazmunli gap tuzadilar. Ushbu topshiriqlar slaydlar orqali namoyish etiladi.

1-guruh: og'ir, tabiatli, edi, va, ko'rkam, Otabek, oq ko'ngil, yigit.

2-guruh: uxlaydilar, quyonlar, yigirma, va, kunda, sichqonlar, marotabagacha, bir.

3-guruh: qo'nardi, nozikkina, guldan gulga, chiroyli, kapalak, bir.

Yoki 2 – sinfda o'qish “Chumoli va chivin” mavzusini o'tishda “VENN diagrammasidan foydalanish mumkin. O'quvchilarga chumoli va chivinga ta'rif berish, ularning o'xshash tomonlari haqida ma'lumot yozish topshiriladi.



Yuqorida aytib o'tilganidek, o'quvchilar darslik mutolaasi bilan birga elektron darslik, o'quv filmlarini ko'rib, ma'lumotlarni olishni afzal bilishadi. Chunki o'quvchilar faqatgina o'qib emas, ko'rib ham juda ko'p bilimlarni egallashlari haqida biz, o'qituvchilar juda yaxshi bilamiz. O'quvchilar o'quv qo'llanmalarida berilgan ma'lumotlarni jonli tasvirda ko'rsalar, ularni eslab qolishlari oson kechadi.

Hozirgi davr ta'limida o'quvchilarni mustaqil fikrlay olish, ijodiy qobiliyatni oshirish va amaliy faoliyatga yo'naltiradigan evristik texnologiyalarning ahamiyati ortib bormoqda. Chunki ta'lim samaradorligining asosiy ko'rsatkichlaridan biri – olingan bilimlarni amaliy jihatdan qo'llay olishidir. Bu esa, o'z navbatida amaliy ko'nikmalarning shakllanishiga bog'liq.

Boshlang'ich ta'limidagi amaliy bilimlar boshqa sohalarga qaraganda ko'proq ahamiyatga ega. Zotan, bu jihat o'quvchilarni kelgusi hayotga tayyorlashda, ishlab chiqarishda, bilimlarni mustaqil egallashga asos bo'ladi.

Demak, hozirgi o'qituvchi oldida turgan muhim vazifa – dars jarayonida ko'nikma va malakalarni shakllantirishga alohida e'tibor qaratishni taqazo qiladi. Har bir darsni rejalashtirishda shakllantirilishi kerak bo'lgan bilimlar o'z aksini topishi va ularni o'zlashtirish metodlari aniqlab olingan bo'lishi maqsadga muvofiq. Eng asosiysi, o'quvchi o'zi egallagan ko'nikma va malakaning amaliy ahamiyatini va qayerda ishlata olishini tushunib yetsin, shundagina o'quvchida qiziqish ortadi. Shuni unutmashlik lozimki, chuqur bilimlarsiz amaliy tajribani o'zlashtirish mumkin emas. Shu bois bu jarayon uzluksiz davom ettiriladi.

Yuqorida aytilgan muammolarning yechimini topishda bilim berishning nazariy tomoniga katta e'tibor berish kerakligi kelib chiqadi. Agar nazariy bilimlar o'quvchilar ongiga to'liq yetkazilmasa, amaliy bilimlarni bajarish ular uchun qiyinchilik tug'diradi. Nazariy bilimlarni o'quvchilar ongiga to'liq yetkazishda darslik, elektron darsliklar va oquv filmlaridan samarali foydalanish orqaligina biz maqsadimizga erishishimiz mumkin.

Bunda o`qitish metodlari alohida ahamiyatga ega. Ta`lim metodlari deganda, o`quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantiradigan, yetarlicha bilimga asoslangan to`g`ri dunyoqarash va e`tiqodini tarbiyalaydigan usullar tushuniladi.

Dars o`tish jarayonida bundan tashqari “Blits-so`rov”, “Aqliy hujum”, “BBB”, “Klaster”, “Taqqoslash”, “Hamkorlik”, “Muloqot”, “Muammo” kabi dars o`tish usullaridan foydalanish kutilgan natijani beradi.

Dars samaradorligi o`qituvchining bilim va mahoratidan tashqari zarur o`quv-metodik ta`minotga ham bog`liq. Bunda albatta elektron darsliklar va o`quv filmlari juda qo`l keladi. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining boshlang`ich sinf o`quvchilari va o`qituvchilari uchun mo`ljallangan “Multimedia darslari” yaratilganligi hammamizga ayon. Davlat ta`lim standartlariga asosan boshlang`ich ta`lim mavzularini o`zlashtirilishini osonlashtirish maqsadida ushbu o`quv filmlari tayyorlangan. Elektron darsliklar barcha mavzular, o`quv filmlari esa har bir sinflar uchun ayrim mavzular yuzasidan tayyorlangan. O`quv filmlari mavzularni tanlashda asosiy darslikda keltirilgan boblardagi ma`lumotlarning umumlashtirilishiga va ayrim qo`shimcha ma`lumotlar bilan boyitilishiga hamda mavzudagi salmog`i va dolzarbligi kabi mezonlarga amal qilinadi.

Bunday o`quv jihozlari va zamonaviy o`quv qurollaridan foydalanib o`tilgan darslarning natijasi kutilgandan ortiqcha bo`ladi, o`quvchilarning darsga bo`lgan qiziqishlari ortadi. Vaholanki, hozirgi davr shuni taqozo etadi.

Adabiyotlar

1. N.N. Azizxo`jayeva. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent, 2006.

2. I.T. Turdibekov, U.I. Izbasarova, Sh.I. Usmonqulova, N.H. Turdibekova, M.X. Turdibekova. “Архитектура ва қурилиш соҳаларида инновацион технологияларни қўллаш истикболлари” мавзусидаги халқаро илмий-техник конференция материаллари, Книга-4, Самарқанд, 2016 йил.

УДК - 725.89

Формирование и классификация водно-развлекательных центров

*Ибрагимов Нажиб Хасанович, докторант Самаркандского
Государственного архитектурно-строительного института.*

Аннотация. В статье рассматриваются формирование и классификация водно-развлекательных центров (аквапарков) и архитектурно рекреационная среда акваобъектов. Приведен типологическая классификация по основным характеристикам.

Аннотация. Мақолада сув кўнгилочар марказлари (сув парклари) ва сув объектларининг меъморий ва рекреацион муҳитини шакллантириш ва таснифлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Асосий хусусиятларга хўра типологик тасниф берилган.

Annotation. The article deals with the formation and classification of water entertainment centers (water parks) and architectural and recreational environment of water objects. A typological classification by main characteristics is given.

Ключевые слова: аквапарк, акваобъект, архитектурная среда, бассейн, городская структура, акваразвлечений, культурный досуг, оздоровления.

Калит сўзлар: сув парки, сув объекти, меъморий мухит, сузиш ҳавзаси, шаҳар тузилиши, сув кўнгилочар, маданий ҳордиқ, соғломлаштириш.

Keywords: water Park, water object, architectural environment, swimming pool, urban structure, water entertainment, cultural leisure, recreation.

Введение и актуальность исследований. Забота о здоровье населения - одна из основных социальных задач нашего государства и постоянно находится в центре внимания Президента Республики и правительства.

Анализ базового термина «аквапарк» выявляет разнохарактерность и нестыковки используемых формулировок: не имеют четкой дифференциации такие понятия как «аквапарк», «бассейн», «водный комплекс», «аквацентр» и «акваобъект» [1].

В мире уже насчитывается более тысячи сооружений, называемых аквапарками. Несмотря на то, что большинство объектов наделены широким спектром технологического оборудования и имеют развитую инфраструктуру, – все они построены по «эмпирически» разработанным правилам, что в последствии приводит к возникновению ряда проблем, связанных с их созданием и функционированием:

- на сегодняшний день очень мало удачных примеров средоформирования и эксплуатации аквапарков с учетом местных природно-климатических условий;

- при реализации ВОС недостаточное внимание уделяется условиям восприятия объекта в структуре пространственного окружения;

- в Узбекистане не осуществляется надлежащего контроля за процессом создания ВОС (аквапарков) и регулирование его со стороны госструктур, нет общепринятых стандартов по их сооружению и правил эксплуатации;

- наблюдается отсутствие профилирующих специалистов по акваобъектам, полностью представляющих проблематику темы.

«Аквапарк» – особый вид спортивно-развлекательных комплексов с доминирующей компонентой активного досуга на воде, нуждающийся в непосредственной визуально-функциональной связи с природным окружением; архитектурно решаемый как «средовой объект», облик которого складывается из типологических элементов, определяющих прямое взаимодействие с внешним пространством и объединенных в структурную систему. Следовательно, специфика построения данных сооружений, в первую очередь, зависит от экологических факторов внешней среды и от требований к внутренней, обладающей индивидуальными микроклиматическими параметрами (рисунок 1). [1]

Объект и методика исследований в работе рассматриваются следующие типы зданий и сооружений:

- открытые и закрытые купально-плавательные бассейны, бассейны с искусственным волнообразованием, комплексы бассейнов для отдыха и развлечений, водные комплексы массового активного отдыха и спорта;

- банное – оздоровительные комплексы;

Методика исследований - обусловлена целью и задачами исследования, включает изучение отечественных и зарубежных литературных источников, проектных и нормативно-инструктивных материалов, натурные обследования более 10 ВРС в городах Ташкенте, Самарканде, Навои и др. а также использование метода сравнительного анализа.



Рисунок 1 - Модель средоформирования акваобъектов.

относительно городской структуры водные комплексы подразделяются на городские, периферийные, пригородные и размещаемые в значительном удалении от города.

По величине: «мини-аквапарки» площадью от 500 до 1500 м², «средние» – строения, занимающие от двух гектар территории, «большие» – аквапарки совмещенного или открытого типов с общей площадью от 15 до 30 тысяч м² и РВК свыше 30 тысяч м² – «гигантские».

По взаимодействию с окружающей застройкой: встроено-пристроенные (мини-аквапарки), самостоятельные объекты и создаваемые как часть более крупного многофункционального досугового центра.

Бассейн выступает как неотъемлемая составляющая всех водных сооружений и может рассматриваться в качестве проверенного аналога конструктивно-технических и инженерных решений.

На основе зданий спортивных бассейнов создается и нормативно-правовая база для досуговых аквацентров.

Классификация аквапарков. Типологическая классификация по основным характеристикам [1].

По типу сооружения существуют: открытые (сезонные), закрытые (круглогодичные) и совмещенные развлекательные водные комплексы (РВК), являющие собой универсальное решение объединения первых двух типов. Следует отметить, что довольно сложно обозначить четкую грань между аквапарками закрытого и совмещенного типов.

По местоположению

По функциональному зонированию: собственно аквапарк, водный комплекс и объект акваразвлечений в составе сооружения со смежной функцией.

По спектру предоставляемых дополнительных услуг в аквапарке предпочтение отдается конкретной функции: развлечения, культурного досуга, оздоровления, спорта. Возможны также водные центры с приоритетом равнофункциональности, когда для каждой составляющей отводится автономная равнозначная по планировочной и социальной значимости зона.

По средовому наполнению аквазоны с преобладанием в композиционном решении внутреннего пространства аквапарка: игрового оборудования, озеленения, или малых архитектурных форм, выступающих в роли художественных акцентов и обогащающих впечатление от «базового» композиционного каркаса.

Результаты исследований. Сравнение работы различных по типу развлекательных водных комплексов показало, что несоответствие заключается именно в климатических особенностях района их местоположения: загрузка крытых сооружений относительно равномерна на протяжении всего года; использование же открытых в сезонные периоды понижения среднесуточной температуры не практикуется.

В связи с этим, наиболее целесообразным для нашей страны представляется создание аквапарков-комплексов смещенным в виде закрытых и открытых строений. Строгая регламентация и стабильность режимов работы последних позволяют создать оптимальные условия эксплуатации, отвечающие интересам всех групп потребителей, что является залогом высокой рентабельности.

Обсуждение и заключение исследований. 1. В результате сравнительного анализа действующих акваобъектов определено, что наиболее эффективным (с экономической и эстетической точек зрения) является вентилируемый навесной фасад, как в качестве глухих или остекленных участков стен, так и кровельного покрытия.

2. К стандартному набору систем, необходимых для поддержания рабочего состояния досуговых центров, в акваобъектах добавляется гидравлика и водоподготовка.

3. Приведенная архитектурно-рекреационная типология аквапарков как средовых объектов выполняет несколько функций: описывает их строение, определяет перечень задач в процессе проектирования, иллюстрируя возможные варианты решения, а главное – подсказывает наиболее приемлемое направление в работе с конкретным типом среды.

Список использованной литературы

1. Бакшеева, Е. Е. Архитектурно-рекреационная среда аквапарков закрытого типа / Бакшеева Е. Е. – СПб. : Петербургский гос. университет путей сообщения, 2010. – 21 с.

2. Проектирование бассейнов. Справочное пособие к СНиП. М., Стройиздат, 1991.

3. Трутнев И.А. Опыт строительства лечебно-оздоровительных бассейнов в рекреационных зонах: Обзор. -ЦНТИ по гражд. строит, иarchit.- М., 1981, вып.3, 49 с.

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyotning muammolari

*SamDAQI magistri O.Jono'zoqov, SamDAQI kata o'qituvchisi I.Egamov,
TDIU Samarqand filiali talabasi E.Yusufov*

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq b'lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrda 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Muroja'atnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib 'tdi: "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsitasi"ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini hayotga tadbiiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 40 foizga o'stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli halqaro tashkilotlar o'tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o'tish bo'yicha "yo'l haritasi" ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot havfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish zarur".

Jahondagi bir qancha rivojlangan mamlakatlar (AQSH, Xitoy, Yaponiya, Evropa Ittifoqi mamlakatlari, Rossiya va boshqalar), jahon iqtisodiyotida ro'y berishi boshlangan o'zgarishlarni jisobga olgan holda, iqtisodiyotning ko'pchilik tarmoqlarini raqamlashtirish bo'yicha jadal harakatni boshlamoqdalar. Lekin, bu ma'lumotlarni nazarda tutgan holda shuni qayd etishga majburmizki, bironta, jumladan, yetakchi mamlakatlarda ham raqamli iqtisodiyot o'zi nima ekanligi va u kelajakda qanday oqibatlariga olib kelishi mumkinligi haqida to'laqonli falsafiy tushunish yo'q. Ko'rinib turibdiki, raqamli iqtisodiyot deganda, ko'plab mamlakatlar iqtisodiy munosabatlar va boshqaruvning yangi shakllarni emas, balki, iste'molchilar bilan kommunikatsiya qilish va to'lovlarning yangi elektron raqamli shakllarini tushunadi, holos. Aftidan, ko'pchilik mamlakatlar raqamli iqtisodiyotni ongli ravishda tashkil etmaydilar, balki mavjud iqtisodiy munosabatlarni raqamlashtirish jarayoni bilan shug'ullanadi, xolos. Iqtisodiyotni raqamlashtirish jarayonining ba'zi yetakchi mamlakatlari esa qarama-qarshi yondashuvlar tanlab olishgan. Masalan, AQSH bozor yo'nalishini, Xitoy esa rejali iqtisodiyotni tanlab olgan. Qolgan mamlakatlar ma'lum bir oraliq variantlarga rioya qilishadi. Shuni alohida aytib o'tishni kerakki, xuddi Xitoy kabi, AQSH dasturi nuqtai-nazaridan ham iqtisodiyotni raqamlashtirish jarayonida biz globallashtirishning yangi bosqichini ko'ramiz. Dunyodagi eng kuchli ikkita iqtisodiyot sifatida AQSH va Xitoy uchun globallashtirish foydali, chunki iqtisodiy jihatdan kuchliroq bo'lgan o'yinchi doimo o'z ustunligini namoyish etish imkoniyatiga ega bo'ladi. Agar bu sohadagi AQSH ning ko'rib chiqadigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyotni tashkil qilish jarayonini to'rt asosiy blokka ajratish mumkinligi ma'lum bo'lib qoladi:

Bunday platformalar raqamli iqtisodiyotning tez rivojlanishi va unga mos keluvchi texnologiyalarning keng tarqalishi uchun zarur infratuzilma bazisini yaratadi. Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyot platformalari tuzishda asosiy e'tiborni quyidagi yo'nalishlarga qaratish zarur: telekommunikatsiyalar, energetika, transport, sog'likni saqlash, soliq va soliqqa tortish, dori-darmonlar logistikasi, ma'lumotlarni qayta ishlash, turizm, tashqi iqtisodiy faoliyat, ko'chmas mulk savdosi va ishlab chiqarish. Aynan shu sohalarning rivojlanishi kerakli infratuzilma va mos texnologik bazis yaratishga imkon beradi. So'ngra ularni iqtisodiyotning boshqa sohalarga ko'chirgan holda O'zbekistondaraqamli iqtisodiyotni maksimal darajada tez shakllantirish mumkinboladi. Bunday yondashuv bugungi kunda respublikamiz uchun eng maqsadga muvofiq bo'lib ko'rinadi, lekin u ham kamchiliklardan xoli emas, albatta. Ammo mos keluvchi strategiya tanlashda unga asoslanishi lozim bo'lgan raqamli iqtisodiyot konsepsiyasini shakllantiish uchun taxmin qilingan yo'l risklarini ham, raqamli iqtisodiyot risklarini ham hisobga olish lozim. Rivojlangan mamlakatlar raqamli iqtisodiyotining ko'plab dasturlari (AQSH, Avstriya, Avstraliya, Buyuk Britaniya, Koreyava boshqalar) asosiy e'tiborni "raqamli tibbiyot" va "aqlli shahar" ijtimoiy yo'nalishlariga qaratgan. Bunday loyihalarni rivojlantirish yo'nalishi jiddiy iqtisodiy samaraga ega emas, ammo bu tanlov bir qator dalillar vositasida bir qadar asoslanishi mumkin:

- har qanday keng ko'lamli rivojlanish dasturi g.,arb turidagi ochiq jamiyatda omma tomondan ma'qullanishi va qo'llab-quvvatlanishi lozim. Shu sababli, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ijtimoiy loyihalar belgisi ostida borgani ma'qul;
- yirik sanoatlarda raqamli texnologiyalar joriy qilish ertami-kechmi, o'z-o'zidan iqtisodiy maqsadga muvofiqlik tufayli ro'y beradi. Ijtimoiy loyihalar esa davlat va halq tomonidan qo'llab-quvvatlashga ehtiyoj sezadi;
- ko'pchilik rivojlangan mamlakatlar raqamli iqtisodiyotni ma'lum bir ko'rinishda amalga oshirishga imkon beradigan sezilarli texnologik asoslarga keng aholi ommasining bilimli ekanligiga tayanadi. Bizda esa raqamli iqtisodiyotni yaratish aholining keng qatlamlari uchun tushunarli tarzda amalga oshirilgani ma'qul;
- raqamli texnologiyalarni sanoatda joriy qilish (masalan, ishlab chiqarishda buyumlar interneti, 3D-printerlarni ishlab chiqarishga keng miqyosda joriy qilish kabilar) ancha tor doiradagi vazifalarni hal qilishi ko'zda tutilgan. "Raqamli tibbiyot" va "aqlli shahar" ijtimoiy loyihalarini amalga oshirish esa ko'proq murakkablik va xilma-xillikni talab qiladi hamda bunday loyihalar keng halq ommasi tomonidan qo'llab-quvvatlanadi.

Barcha zamonaviy texnologiyalar uchun, ayniqsa, raqamli boshqaruv tizimi nuqtai-nazaridan omma uchun shunday ko'rinishdagi «ijtimoiy stress-test» zarurdir. Yuqorida aytib o'tilgan fikrlar va g'oyalar tufayli, ushbu ijtimoiy yo'nalishlarning ijtimoiy muhit uchun muhimligi tushunarli bo'lgandir. Lekin ularning raqamli iqtisodiyot respublika dasturida qanday o'ringa ega bo'lishi lozimligi noaniq bo'lib qolaveradi. Respublikada raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ilk pallasida,

moddiy, ma'naviy, dasturiy, texnik va ijtimoiy zahiralар cheklanganligi sababli, sa'yi-harakatlarni qaysi yo'nalishga qaratish zarurligi haqida qaror qabul qilish zarur bo'lishi ehtimoli juda katta, ya'ni, oldimizda ikki yo'l turibdi: ularning biri texnologiyalarni ijtimoiy moslashtirish bilan shug'ullanish, ikkinchisi esa mahalliy texnologik asoslarni raqamli iqtisodiyot vositasida rivojlantirish yo'li.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrda 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Muroja'atnomasi.
2. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года.

Мактабгача таълим муассасалари тизимини ташкил этиш тамойиллари

Норқулова М., ўқитувчи, Шокирова Парвина, 204 Дизайн гуруҳ талабаси.

Шарқда қадим замонлардан бошлаб фарзандларини ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. Масалан, “Авесто” (милоддан аввалги VIII-VII асрлар) таълимотига биноан, фарзанд улғайгач ота-онаси уни, албатта, ўқишга беришлари шарт бўлган. Фарзандининг саводини чиқармаган ота-она, ҳатто жиноятчилар қаторига киритилган. Уларни маънавий етук инсон бўлиб улғайиши учун айнан ёшлиқдан боўлаб таянч ва чуқур билим замини қурилиб борилган. Илк таълим шакллари болаларга мактабгача таълим муассасаларида берилган.

Мактабгача таълим болалар муассасалари – мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий таълим-тарбия муассасаларидир. Ўзбекистонда бу муассасаларга болалар яслиси, ясли-боғча, болалар боғчаси киради. Мактабгача таълим болалар муассасалари 2 босқичдан иборат. 1-босқич болалар яслиси бўлиб, у 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларни ақлий ва жисмоний ривожлантириш, нутқини шакллантириш, уларни моддий борлиқ, атроф-олам билан таништириш ҳамда гигиена масалалари бўйича амалдаги таянч дастур асосида таълим-тарбия берилади. 2-босқич болалар боғчаси бўлиб, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларнинг маънавий камолотини таъминлаш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун йўналтирилган таълим-тарбия жараёни амалга оширилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ҳам мактабгача таълим болалар муассасалари мавжуд бўлиб, улар махсус дастур ҳамда техник воситалар билан таъминланади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим болалар муассасаларининг моддий техника базаси ҳамда методик таъминотини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинган. Мактабгача таълим болалар муассасалари учун жорий қилинган “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури педагогика ва психология фанлари ютуқлари ҳамда давлат ва жамият талабларига таянган ҳолда яратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда давлат ва

нодавлат шаклидаги мактабгача таълим болалар муассасалари мавжуд. Улар қайси ташкилот қармоғида бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уларни кадрлар билан таъминлайди ва уларнинг фаолиятига илмий-педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилади. Мактабгача таълим болалар муассасалари учун тарбиячи ва методистлар Тошкент педагогика университети, педагогика институтлари ва коллежларида тайёрланади.

2007 йил Ўзбекистонда 7865 та мактабгача таълим болалар муассасалари бўлиб, уларда 740 мингдан ортиқ бола тарбияланади.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари – болалар ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижтимоий-ташқилий ва инструкторив-методик муассасалардир. Улар мактаб билан яқиндан боғланиб иш юритишга асосланган. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлар, клублар ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, турли хил студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради. Улар йил бўйи ишлайди.

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишларига руҳсат этилган. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида умумий ўрта таълим мактабларининг барча синф ўқувчилари ўз ихтиёрлари билан мактаб ўқув дастуридан ташқари қўшимча фанлар, санъат турлари, бадий хунармандчилик ва бошқа касб-хунар, спорт турларини ўрганадилар. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчилар учун турли йўналишлар бўйича тўғарак, клуб, студия, ансамбл, гуруҳлар ташкил қилинади. Мактабдан ташқари таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фаолият олиб боришлари шарт. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 621 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатади; уларда 200 дан ортиқ мактабдан ташқари таълим йўналишлари бўйича 33 мингдан зиёд турли тўғарак, клуб, секция, студия, ансамбл ва бошқа ижодий уюшмалар ташкил этилган. 2006-2007 ўқув йили бошида мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олувчилар сони 815 минг ўқувчини ташкил этди.

Шарқ олимлари ва мутафаккирлари бизнинг мамлакатимизда нафақат илму-фанни ўрганиш ва ривожлантириш, балки таълим-тарбия тизими ва услубларини такомиллаштириш бобида ҳам иш олиб борганлар. Жумладан, Ибн Сино Шарқ олимлари ичидан биринчи бўлиб тарбия услубларининг мукамал тизимини ёзиб қолдирган ва уларнинг моҳиятини тушунтириб берган. Унинг бир нечта асарлари ушбу масалага бағишланган. Масалан, “Тадбир ул-манзил” рисоласининг бир боби ёшларни қандай қилиб маълумотли қилиш ҳақидадир. “Тиб қонунлари”нинг тўртта боби болалар соғлиги ва жисмоний тарбияси муаммоларига бағишланган. Ибн Синонинг “Аш-Шифо”

асарида ҳам болалар тарбиясига оид турли усуллар тўғрисида махсус боблар мавжуд.

Ибн Синонинг фикрича, болага ўз вақтида хат-савод, энг керакли хунарларни ўргатиш ва уни санъат асослари билан таништира бориш зарурдир.

Хуллас, ҳозирги вақтдаги мавжуд замонавий мактабгача ва мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаларининг асосида бизга узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келган ва илғор умумжаҳон таълим-тарбия тажрибаларига асосланган тамойиллар ва шакллар мавжудки, улар таълим-тарбия тизимидаги ҳозирги замон ўзбек моделининг ажралмас қисмини ташкил қилади.

“FREM C-3” qo’shimchasining putssolanportlandsement xossalariga ta’sirini o’rganish

t.f.n. dots. Shakirov T.T., magistrant Kurbanbaev F.X.

Toshkent arxitektura-qurilish instituti

Ushbu maqolada “FREM C3” superplastifikatorining sement bog’lovchisining fizik-mexanik xususiyatlariga ta’sirining tadqiqot natijalari keltirilgan.

В данной статье приведены результаты исследований влияния суперпластификатора “FREM C3” на физико-механические свойства цементного вяжущего.

This article presents the results of studies of the influence of the “FREM C3” on the physical and mechanical properties of the cement binder.

Kalit so’zlar. *“FREM C3”, kimyoviy sirt-faol modda, sement toshi, mustahkamlik, suv sement nisbati.*

Beton tarkibiga superplastifikatorlarni kiritish beton qorishmasining qulay joylashuvchanligini keskin oshiradi suv sement nisbatini kamaytiradi va betonning fizik mexanik xossalarini yaxshilaydi. Beton qorishmasining plastikligini oshirish betonning joylashuvchanligini osonlashtiradi va bunday qorishmalar bilan ko’p qavatli binolar qurilishida ham foydalanish samaralidir.

Sementning tishlashish muddati maxsus asbobda ignaning sement xamiriga botish chuqurligi bilan aniqlanib, material qattiq jismga aylanishining boshlanish va tugash jarayonini xarakterlab beradi.

Standart bo’yicha tishlashishning boshlanishi sement suv bilan qorishtirilgandan so’ng 20⁰ C haroratda 45 minutdan oldin boshlanmasligi va tugashi 10 soatdan kech bo’lmasligi talab etiladi.

“FREM C3” – plastiklikni oshiruvchi va suv sement nisbatini kamaytiradigan qo’shimchadir. Bu qo’shimcha asosan plastiklikni oshiruvchi qo’shimchalar sirasiga kiruvchi I-guruhga mansubdir (bu superplastifikatorlarga mufoviq СТБ 1112-98).

Tajriba ishlarini olib borishda sement xamirini tayyorlash uchun quyidagi hom ashyolar kerak bo’ladi.

1-jadval

№	Sement miqdori,(g)	Suv, (ml)	Suv/sement, (%)	Qo’shimcha (%)
1	400	112	28	0

2	400	106	26.5	1
3	400	96	24	1.5
4	400	92	23	2
5	400	88	22	2.5


Tayyorlangan namunalar vika asbobda ignaning sement xamiriga botish chuqurligi bilan aniqlandi. Tajriba natijalari 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

No	Sement miqdori (g)	Suv, miqdori (ml)	Suv/sement, (%)	Qo'shimcha, FREM C3 (%)	Sement xamirining tishlashish boshlanishi, (min)	Sement xamirining tishlashish tugashishi, (min)
1	400	112	28	0	190	305
2	400	106	26.5	0.5	90	400
3	400	96	24	1	60	375
4	400	92	23	1.5	45	315
5	400	88	22	2	45	180

Ilmiy tadqiqot ishida bog'lovchi sifatida Oxangaron sement zavodining putssolanportlandsement bog'lovchisidan foydalanilgan. Sementning tishlashish boshlanishi va tugashi ko'rsatkichlari ko'rib chiqildi. "FREM C3" qo'shimchasi sement massasidan kelib chiqqan holda 0,5-3,% miqdorda qo'shib tayyorlangan. Sementning tishlashish boshlanishi tugashini vika asbobida ignaning sement xamiriga botish chuqurligi bilan aniqlangan.

Tadqiqot natijalari "FREM C3" qo'shimchasi qo'shilganda Sementning tishlashish boshlanishi va tugashi quyidagi chizma orqali ifodalangan (1-chizma).



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

- H.A.Akramov, H.N.Nuritdinov “Beton va temir beton buyumlarini ishlab chiqarish texnologiyasi”. Toshkent 2011.
- U.A.Gaziyev, D.Sh. Qadirova “Beton va qorishmalar uchun qo'shimchalar” O'quv qo'llanma. Toshkent 2016.
- N.A.Samigov “Energiya va resurs tejamkor qurilish materiallari va texnologiyalari” Toshkent 2016.

Профессионал таълимда инновацион технологияларни қўллаш.

У.А.Хушвақтов, Н.Н.Тўраева катта ўқитувчилар

Замонавий педагогикада инновацион педагогик технологияларнинг таркибий қисми инновацион технологияларни қўллаш сифатида тўғрисида кўп гапирилади. Касбга йўналтириб ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш муомолари ва уни ҳал этиш истиқболлари замонавий педагогикада ўқувчи, талаба ёки тингловчи ўқитиш ҳаракатлари “объекти” сифатида номоён бўладиган кескин “авторитар бошқарув” дан воз кечади, ўқитиш объектининг билимларини эгаллашга ташаббускорлигини қўллаб –қувватлаш ва рағбатлантириш ташкиллаштириш тизимига, ижод қилиш учун шарт – шароитлар яратишга, ижодий фаолият орқали ўқитишга, ҳамкорлик педагогикаси шаклиги ўтмоқда. Ўқитувчининг сўнгги пайтларда олийгоҳларда кенг жорий қилинаётган инновацион технологияларни қўллаш муомолари ва уни ҳал этиш истиқболлари долзарб муаммога айланмоқда. Бунинг сабаби шуки, педагогик фаолиятга хос бўлган касбий билимга эга бўлиши, мустакил педагогик фаолиятга ва ижтимоий муносабатларга, шу жумладан педагогик жамоа таркибида ҳам тайёрлаш ва мослаштириш керак. Касбга йўналтириб ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш, яратиш ва уларни бошқариш, орқали таълим ва тарбиянинг бугунги долзарб вазифаларни ҳал қилиб беради. Шу боисдан ҳам педагогик инновацияларни излаб топиш ўрганиш, таҳлил қилиш орқали энг кўп самара берадиганларни танлаб олиш ва уларни амалиётга қўллаш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ўқитувчи талабани фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўللарни, усул ва услублар, ўқитиш шакллари ва воситаларни излайди, уларни такомиллаштиради.

Ҳозирги кунда бу тизимни яратиш йўлида бир қатор изланишлар, сай-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Инновациялар долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгилеклар асосида туғилиб, таълим мазмуни ривожини учун истиқболли ҳисобланади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса, бунга биноан таълим берувчи: ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан

фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин; мультимедиали объектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *ўқитиш усулидир*.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва Кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли этилишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *ўқитиш технологиясидир*.

Ўқитиш вазиятининг долзарблиги: Энг кўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган таълим усуллари қуйидагилар ҳисобланади: *суҳбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум* ва бошқалар ҳисобланади. Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Кейс таълим олувчиларга таҳлил қилиш, тенглаштириш йўллари кидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Кейсни кўриб чиқишда таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар. Ўқув жараёнини ташкил этиш, самарали натижага эришиш кўп жиҳатдан тўғри, оптимал методни танлашга боғлиқ. Энг қулай ва юқори самара берувчи методни танлашда ўқитувчи бир қанча омилларни ҳисобга олиши, уларни таҳлил қилиши ва шу таҳлил асосида маълум вазиятга мос тушувчи методни танлаш малакасига эга бўлиши талаб этилади. Бўлажак ўқитувчиларда ҳар бир дарс учун мос келувчи энг қулай методни танлаш малакасини шакллантириш ўта муҳим масала. Чунки тўғри танланган метод ўқув жараёнини самарали бўлишга олиб келади.

“FREM C-3” qo’shimchasining putssolanportlandsement xossalariга ta’sirini o’rganish

t.f.n. dots. Shakirov T.T., magistrant Kurbanbaev F.X.

Toshkent arxitektura-qurilish instituti

Ushbu maqolada “FREM C3” superplastifikatorining sement bog’lovchisining fizik-mexanik xususiyatlariga ta’sirining tadqiqot natijalari keltirilgan.

В данной статье приведены результаты исследований влияния суперпластификатора “FREM C3” на физико-механические свойства цементного вяжущего.

This article presents the results of studies of the influence of the “FREM C3” on the physical and mechanical properties of the cement binder.

Kalit so'zlar. “FREM C3”, kimyoviy sirt-faol modda, sement toshi, mustahkamlik, suv sement nisbati.

Hozirgi kunda beton va temir beton mahsulotlariga bo'lgan talab oshib boryatganligi sababli uning mexanik xossalarini yaxshilashga bo'lgan chora tadbirlar olib borilmoqda. Hozirda beton mahsulotlarini superplastifikator, giperplastifikator va yangi avlod kompleks qo'shimchalarsiz ishlab chiqarishni tasavvur qilish qiyin. Zamonaviy qurilishda kimyoviy qo'shimchalar ham betonning asosiy komponentlaridan biriga aylandi. Chunki kimyoviy qo'shimchalar betonning bir nechta xossalarini bir vaqtning o'zida yaxshilash imkonini beradi. Beton qorishmasining asosiy xossalaridan biri bu suv sement nisbatidir. Suv sement nisbatini kamaytirish betonning mustahkamligini oshiradi. Shunday ekan beton tarkibiga kiritilgan kimyoviy qo'shimchalar hozirda katta yutuqlarga erishishga olib kelmoqdadir.

“FREM C3” – plastiklikni oshiruvchi va suv sement nisbatini kamaytiradigan qo'shimchadir. Bu qo'shimcha asosan plastiklikni oshiruvchi qo'shimchalar sirasiga kiruvchi I-guruhga mansubdir (bu superplastifikatorlarga mufoviq СТБ 1112-98).

Beton tarkibiga superplastifikatorlarni kiritish beton qorishmasining qulay joylashuvchanligini keskin oshiradi suv sement nisbatini kamaytiradi va betonning fizik mexanik xossalarini yaxshilaydi. Beton qorishmasining plastikligini oshirish betonning joylashuvchanligini osonlashtiradi va bunday qorishmalar bilan ko'p qavatli binolar qurilishida ham foydalanish samaralidir.

Yuqorida keltirilgan sabablarga ko'ra ilmiy izlanishlarimiz sement bog'lovchisini fizik-mexanik xossalariga “FREM C3” qo'shimchasini qanday va qay darajada ta'sir etishini tadqiq etishga qaratildi. Beton tarkibiga “FREM C3” superplastifikatorini qo'shish orqali betonning siqilish va egilishdagi mustahkamligiga qanday tasir etishini aniqlash uchun tajriba ishlari aniqlandi. Tajriba ishlarini olib borishda beton qorishmasini tayyorlash uchun quyidagi hom ashyolar kerak bo'ladi.

1-jadval

	Sement miqdori,(g)	Qu m, (g)	Su v, (ml)	Suv/sem ent, (%)	Qo'shimcha (%)
	500	1500	200	0.4	0
	500	1500	180	0.36	1

Beton qorishmalarini tayyorlashda 2 ta tarkibda na'munalar tayyorlandi.

1-na'muna: Qo'shimchasiz oddiy beton qorishmasidan 3 ta na'muna tayyorlandi.

2-na'muna: Qo'shimcha qo'shilgan beton qorishmasidan 3 ta na'muna tayyorlandi.


Tayyorlangan namunalar 7, 14 va 28 sutkada gidravlik pressda egilishga va siqilishga bo'lgan mustahkamlik chegarasi aniqlandi. Tajriba natijalari 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

№	Qo'shimcha	Siqilishga bo'lgan mustahkamligi (kg/sm ²)		
		7 kun	14 kun	28 kun
1	0	210	280	405
2	1	330	460	510

Ilmiy tadqiqot ishida bog'lovchi sifatida Oxangaron sement zavodining putssolanportlandsement bog'lovchisidan foydalanilgan. Sementning fizik-mexanik xossalari sifatida sementning normal quyugligi va siqilishdagi mustahkamlik ko'rsatkichlari ko'rib chiqildi. "FREM C3" qo'shimchasi sement massasidan kelib chiqqan holda 0,5-3,% miqdorda qo'shib tayyorlangan. Sinov vaqtiga qadar namunalar normal namlikdagi sharoitlarda saqlangan. Tadqiqot natijalari quyidagi 2-jadvalda keltirib o'tilgan. Mustahkamlik gidravlik press ko'rsatkichini kub tamonining sirt yuzasiga bo'lish orqali baholangan holda berilgan.

Tadqiqot natijalari "FREM C3" qo'shimchasi qo'shilganda normal quyuglikdagi sement hamirini olishdagi suv qo'shimchasidan 1% olingan holatida eng yuqori mustahkamlik ko'rsatkichlariga erishilishi aniqlangan. Sementning egilishga va siqilishga bo'lgan mustahkamligi quyidagi chizma orqali ifodalangan (1-chizma).



1-rasm. Siqilishga bo'lgan mustahkamlik.
1) 0%-qo'shimchasiz. 2) 1%-qo'shimchali.

Foydalanilgan adabiyotlar

- H.A.Akramov, H.N.Nuritdinov "Beton va temir beton buyumlarini ishlab chiqarish texnologiyasi". Toshkent 2011.

- U.A.Gaziyev, D.Sh. Qadirova “Beton va qorishmalar uchun qo’shimchalar” O’quv qo’llanma.Toshkent 2016.
- N.A.Samigov “Energiya va resurs tejankor qurilish materiallari va texnologiyalari” Toshkent 2016.

Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш.

Катта ўқитувчи К.Ш. Абраев, Шокирова Парвина, 204 Дизайн гуруҳ талабаси.

Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири — бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи асосида тасдиқланган «Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисидаги намунавий Низом асосида амалга оширилмоқда.

«Касб таълимида янги педагогик технологиялар» фани бўйича талабалар мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда **қуйидаги шакллардан** фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- кўрғазмали воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш;
- талабалар ётоқхонасидаги маънавий хонаси, кутубхона, замонавий ахборот технологиялар маркази имкониятларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўқиш жараёнларида иштирок этиш;
- кафедралар ва факультетларнинг илмий ҳамда илмий-услубий ишла

Замонавий таълим технологияларини амалга ошириш шароитида талаба қуйидаги умумўқув (ҳар қандай ўқув фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган) кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак:

1) маълумот билан мустақил ишлаш: асосий ҳолатларни аниқ, чизмавий ва изчилликда консепт кўринишида қайд этиш; ўқув топшириқ ва вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни топиши, таниши, тушуниши, танқидий

баҳолаши, уни йиғиш ва реферат, ҳисобот, белгиларда, шунингдек графикли ташкил этувчилар кўринишида тақдим этиш; берилган талабларга мувофиқликда ўзининг шахсий илмий матнини (мақола, маъруза, тезис) яратиш;

2) тақдим этиш малакалари: ўқув топшириғини бажариш натижалари бўйича сўзлаётганда ўзини дадил тутиши, турли кўргазмалардан фойдаланиши;

3) ўқитувчи билан талабани ўқув ўзаро ҳаракатини ташаббуслаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва муроса йўлини топиш, суҳбатга киришиш, ҳақиқат бўйича саволлар бериш, далилий жавоблар бериш, мунозара қоидаларига риоя этиб уни олиб бориш, тортишувларда иштирок этишнинг мулоқотлашув малакалари;

4) гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёрлиги ва қобилиятида – ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорлик фаолиятини жамоавий режалашда, умумий вазифани ечишда ҳамкорий мулоқот ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашда намоён бўладиган ҳамкорликда ишлаш малакалари;

5) муаммоли маърузада фаол иштирок этишни ва таълимий вазиятларни (Кейс-стади) ва бошқаларни ечишни таъминловчи муаммоли вазифаларни таҳлил қилиш, ўқув топшириғини ечишнинг оддий бўлмаган йўллари топиш, ғояларни ишлаб чиқиш ва хулосаларни қабул қилиш малакалари;

6) ахборот излаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологияларини қўллашнинг амалий малакалари.

Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган. Мустақил таълим олишда талаба ўзи мустақил равишда адабиётлар, дарсликлар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, интернет ресурслари, Ziyonet материаллари ва ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиши назарда тутилади. Мустақил таълим — ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир. Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир. Талабаларнинг фаол мустақил иши фақат жиддий ва мустаҳкам асосларгагина таянади. Энг кучли асословчи омил — бу кейинги самарали касбий фаолиятга тайёргарликдир. Яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, бироқ шунга қарамай, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради.

Талабаларнинг мустақил таълим олишларини муваффақиятли ташкил этиш учун фанни ўрганишда услубий қўлланмалар зарур бўлади. Услубий қўлланмаларда ишнинг батафсил алгоритми, муаммоли баҳслар учун мавзулар, мустақил ўрганиш учун адабиётлар, топшириқлар, компьютер тест ва тақдимотларни бажариш бўйича маслаҳатлар, ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва тестлар келтирилган назарий материал, амалий вазифалар, глоссарий ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши керак.

Талабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотида мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

Бундан ташқари талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда амалиётларнинг аҳамияти жуда катта. бир амалиёт турлар танишув, малакавий ва педагогик амалиётлар киради. ҳар қайси амалиёт талаб даражасида ташкил этилса талабаларнинг мустақил таълимга ижобий таъсир кўрсатади. яъни талабалар амалиёт вақтида кўрган ёки ўз қўллари билан бажарган ишлар натижаларига баҳс бериб, кўникма ҳосил қиладилар.

Мутахассиснинг шаклланишида мустақил фикрлашнинг роли

Б. Усмонов катта ўқитувчиси, Ашуров Зоҳир 301 ҚМБваҚИЧ талабаси

Республикамизда илғор технологиялар ва чет эл инвестициялари келиб кириши натижасида меҳнат бозори талабларига мос ўзгаришларга олиб келмоқда. Бундай шароитда малакали кадрлар тайёрлашнинг вазифаси олий ва ўрта махсус, касб-ҳунари таълими тизимларининг ҳозирги кун талабларига мос ҳолда юқори малакали, ҳар томонлама ривожланган, замон талабларига жавоб бера оладиган, чуқур билимли, ўз соҳасини севадиган, мустақил фикрлай оладиган мутахассисларни тайёрлашдир.

Узлуксиз таълимнинг “Касб-ҳунар коллежи – Олий таълим муассаси” тизимида шахснинг касбий муҳим сифатларини шакллантиришга ва ривожлантириш учун таълим жараёни самарадорлигини оширишдан ҳамда шу асосда узлуксиз касбий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга, мустақил фикрлай оладиган ва шахсий ўз фикрига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўқув жараёнида талабаларнинг билим ва кўникмаларини ўзлаштиришга йўналтирилган методларни қўллаш билан бир қаторда уларнинг ҳар томонлама ақлий ва фикрлаш қобилиятини, хотира, диққат ва кузатувчанлигини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди.

Бунда талабаларда ақлий фикрлаш, ирода, тиришқоқлик, ҳаракатчанлик мустақил фикрлаш, ўз ишини режалаштириш, натижаларни таҳлил қилиш ва тўғри хулосага келиш каби хусусиятлар ривожланади.

Агарда ўқув жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган бўлса, ўқув материаллари таълим олувчи имкониятига мос бўлса таълим жараёни янада самарали ва унумли бўлади. Агар ўқув материаллари талаба имкониятига мос бўлмаса, яъни жуда мураккаб ёки жуда содда бўлса ривожланиш кўзда тутилганидек амалга ошмайди.

Талабаларда қийинчилик ривожланиш жараёнини кучайтиради. Бундай қийинчиликларни яратиш ва талабаларга уларни енгишда ёрдам бериш, машқларни бажаришда ёрдам бериш орқалигина талабалар билим даражасини ривожлантириш мумкин.

Талабаларнинг қобилият ва хусусиятларини ривожлантириш, бу фақат мустақил фикрлашни шакллантиришгина бўлиб қолмасдан, балки ривожланишда шахсий фикрлашнинг асосий рол ўйнашини тушунтиришдан иборат.

Билим олувчиларнинг фикрлаш тажрибаси ва малакаси ўз ўзидан ҳосил бўлмайди. Фикрлашга ўрганиш ва уни ўзлаштириш, хулосага келишни ривожлантириш лозим, шу туфайли билим олувчилар, талабалар аста-секин кўникмаларга эга бўладилар ва бўлажак мутахассис сифатида шакллана борадилар.

Талабаларнинг билим олишини, ақлий фаолиятини унумли, тўғри йўналишда олиб бориш учун, педагогнинг ўзи мустақил фикр юритувчи, тажрибали инсон бўлиши лозим.

Талабаларнинг фикрлаш қобилиятини самарали ривожлантириш учун уларда керакли миқдорда билимлар захираси бўлиши лозим. Ана шундагина улар атрофлича фикрлаш қобилиятига эга бўладилар ва тўғри хулоса чиқара оладилар. Ундан ташқари билим олувчиларда ақлий қобилият ҳам бўлиши зарур, чунки ақлий қобилият ёрдамида чуқур билим ўрганилади ва табиийки мустақил фикрлаш қобилияти ҳам шаклланади ва ривожланади

Фойдаланилган адабиётлар.


1. Мавлянов А., Юсупова ., Асқаров Б., Абдалова С. Илмий-интерфаол технологиялар. Т. Ворис, 2011-72 б.

Zamonaviy uy joy qurilishida g'isht devorlarining issiqlik himoyasini oshirish

К. Х. Хайдарова (SamDAQI Qurilish mexanikasi va materiallar qarshiligi kafedrasida o'qituvchisi), 406- BvaIQ talabasi Sharipov S.

Hozirgi davrda barcha mamlakatlarda binolarni energiya samaradorligini oshirish maqsadida ularni tashqi to'siq konstruksiyas isifatida issiqlik himoyasi oshirilgan turli tashqi devor va tom yopma konstruksiyalari qo'llanilmoqda. Hozirda tashqi to'siq konstruksiyalarini issiqlik ximoyasini oshirish uchun va energiya

samarador binolarni loyixalash va energiya samarali issiqlik energiyasi oshirilgan konstruksiyalarni tavsiya qilish va qabul qilish Q.M.Q.2.01.04-97* talablariga asosan tavsiya etish lozim .Butashqi devorning hisobiy sxemasi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm.Issiqlik ximoyasi “penopleks35” bilan oshirilgan g’isht devorning hisobiy sxemasi.

1-sement-ohak-qumlisuvoq - $\gamma_0 = 1700 \text{ kg/m}^3, \delta_1 = 0.015\text{m};$

2-g’ishdevor- $\gamma_0 = 1200\text{kg/m}^3, \delta_2 = 0.38 \text{ m};$

3-“penopleks35”plitasi - $\gamma_0 = 38.5 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}, \delta_3 = ? ,$

4-sement qumlishuvoq - $\gamma_0 = 1800\text{kg/m}^3, \delta_4 = 0.015\text{m};$

Bu konstruksiyani amaliyotda qo‘llash uchun uni issiqlik fizik jihatdan nazariy asoslash lozim. Buning uchun g’isht devor konstruksiyani umumiy issiqlik uzatish qarshiligi aniqlanib, bu qarshilik QMQ 2.01.04-97* talabiga asosan issiqlik himoyasini birinchi, ikkinchi va uchinchi darajalari bo‘yicha keltirilgan issiqlik uzatish qarshiligi bilan taqqoslab, devorni samarali qalinligini tavsiya etish lozim. Bundan tashqari QMQ 2.01.04-97* ni 2.1-bandi talablariga asosan bu konstruksiya qatlamlarida kondensat namlik hosil bo‘lish yoki bo‘lmasligini grafoanalitik uslub yordamida asoslash lozim.

Issiqlik-fizikhisoblar quyidagi tartibda bajariladi:

Issiqlik himoyasi “penopleks35” plitasi bilan oshirilgan devor konstruksiyasini umumiy issiqlik uzatish qarshiligini aniqlaymiz.

$$R_u = R_I + R + R_T = 0.115 + 0.021 + \frac{\delta_3}{0.029} + 0.81 + 0.019 + 0.043 =$$

$$= 1.003 + \frac{\delta_3}{0,029};$$

Demak, $R_u = 1.003 + \frac{\delta_3}{0,029}.$

QMQ 2.01.04-97* ga asosan tashqi devor uchun issiqlik himoyasini birinchi darajasi uchun keltirilgan issiqlik uzatish qarshiligi $R_o^{tr} = 0.94 (m^2 \cdot ^\circ\text{C})/Bt$ ikkinchi darajasi uchun $R_o^{tr} = 1.8 (m^2 \cdot ^\circ\text{C})/Bt$ va uchinchi daraja uchun $R_o^{tr} = 2.6 (m^2 \cdot ^\circ\text{C})/Bt$ ekan.

Bu $1.003 + \frac{\delta_3}{0,029} = 1.8$ tenglamadan “penopleks 35” plitaning qalinligini aniqlaymiz.

$$\delta_3 = 0.029(1.8 - 1.003) = 0.023 \text{ m ekan.}$$

Demak, nominal o‘lcham $\delta_2 = 0.05 \text{ m}$ qabul qilamiz.

U holda

$$R_u = \frac{0.05}{0,029} = 1.724 (m^2 \cdot ^\circ C) / Bt;$$

$$R_u = 1.724 + 1.003 = 2.727 \geq R_0^{tr} = 2.6 (m^2 \cdot ^\circ C) / Bt \text{ ekan.}$$

Demak biz issiqlik himoyasi “penopleks 35” plita bilan oshirilgan tashqi devor konstruksiyasi umumiy issiqlik uzatish qarshiligi QMQ 2.01.04-97* da keltirilgan issiqlik himoyasini birinchi, ikkinchi va uchinchi daraja talablariga javob berar ekan.

Ammo QMQ 2.01.04-97* ni 2.1-bandi talablariga asosan ko‘p qatlamli konstruksiya qatlamlarida kondensat namlik hosil bo‘lish yoki bo‘lmasligini aniqlash lozim. Shu sababli biz bu konstruksiyada kondensat namlik hosil bo‘lish yoki bo‘lmasligini quyidagi grafoanalitik uslubda aniqlaymiz:

Tashqi devor konstruksiyasini qatlamlaridagi haroratni quyidagi formula yordamida aniqlaymiz:

$$\tau_i = t_i - \frac{t_i + t_T}{R_U} R_i; \quad (1)$$

Bu yerda, τ_i – tashqi devor ichki sirtining harorati, $^\circ C$; t_i – ichki havo harorati, $^\circ C$; t_T – tashqi havoning eng sovuq davri uchun o‘rtacha oylik harorati, $^\circ C$; R_u – tashqi devorni umumiy issiqlik kuzatish qarshiligini $m^2 \cdot ^\circ C / Vt$; R_i – tashqi devor ichki sirtini issiqlik kuzatish qarshiligi $m^2 \cdot ^\circ C / Vt$;

$$\tau_i = 20 - \frac{20 - 0.4}{2.727} \cdot 0.115 = 20 - 7.18 \cdot 0.115 = 19.17^\circ C; \quad E_n = 16.6^\circ mm. sm. ust.$$

$$\tau_1 = 20 - 7.18 \cdot (0.115 + 0.021) = 19.02^\circ C; \quad E_1 = 16.69^\circ mm. sm. ust.$$

$$\tau_2 = 20 - 7.18 \cdot (0.115 + 0.021 + 0.81) = 13.2^\circ C; \quad E_2 = 11.38^\circ mm. sm. ust.$$

$$\tau_3 = 20 - 7.18 \cdot (0.115 + 0.021 + 0.81 + 1.72) = 0.86^\circ C; \quad E_3 = 4.87^\circ mm. sm. ust.$$

$$\tau_T = 20 - 7.18 \cdot (0.115 + 0.021 + 0.81 + 1.72 + 0.019) = 0.72 E_T = 4.82^\circ mm. sm. ust.$$


Harorat chizig‘iga asosan tashqi to‘siq konstruksiyasi qatlamlarida suv bug‘ining maksimal elastiklik chizig‘ini aniqlaymiz. Undan keyin shu konstruksiyada suv bug‘ining haqiqiy elastiklik chizig‘ini aniqlab ma‘lum masshtabda chizamiz. Agar suv bug‘ining maksimal elastiklik chizig‘i E va haqiqiy elastiklik chizig‘i e bir-biri bilan kesishmasa, to‘siq konstruksiyada kondensat namlik hosil bo‘lmaydi. Aksincha bo‘lsa kondensat namlik hosil bo‘ladi.

Yuqorida aniqlangan qiymatlarga asosan 2-rasmda harorat chizig‘ini chizamiz. Shu rasmdagi harorat chizig‘iga asosan suv bug‘ining maksimal elastikligini^[1] aniqlab suv bug‘ining maksimal elastiklik chizig‘ini chizamiz. Tashqi to‘siq konstruksiyasini ichki va tashqi sirtidagi suv bug‘inig haqiqiy elastikligi e ni Samrqand uchun quyidagi tartibda aniqlaymiz.

$$e_i = \frac{\varphi_i \cdot E_i}{100} = \frac{55 \cdot 16.6}{100} = 9.13 \text{ mm. sm. ust.}$$

$$e_t = \frac{58 \cdot 4.82}{100} = 2.80 \text{ mm. sm. ust.}$$

Barcha aniqlangan ko'rsatkichlarni 2-rasmda ifodalaymiz.



2-rasm. Issiqlik himoyasi “penopleks 35” plita bilan oshirilgan g’isht devor konstruksiyasini namlik holati. 1-sement-ohak-qumli suvoq; 2-g’isht; 3-“penopleks 35” plita; 4-sement qumli suvoq

Rasmdan ko‘rinib turibdiki, suv bug‘ining maksimal elastikligi E va suv bug‘ining haqiqiy elastikligi e chiziqlari bir-biri bilan kesishmaydi, demak bu konstruksiyada kondensat namlik hosil bo‘lmaydi.

Yuqoridagi nazariy issiqlik-fizik tadqiqotlardan quyidagilarni xulosa qilish mumkin:

1. Hisoblar natijasita devor konstruksiyasi qatlamlarida kondensat namlik hosil bo‘lmasligini ko‘rsatdi;
2. Hisoblar natijasidan ma‘lum bo‘ldiki issiqlik himoyasi “penopleks 35” plita bilan oshirilgan devor konstruksiyasini issiqlik himoyasi O‘zbekiston sharoiti uchun yetarli bo‘lib, QMQ 2.01.04-97* talablariga javob beradi;
3. Bu g’isht devor konstruksiyasi turli-tuman energiya samarador turar-joy binolarini qurish imkoniyatini beradi.

Adabiyotlar.

1. Shukurov G‘.SH., Islomova D.G‘. Qurilish fizikasi. Darslik- Samarqand,. 2015 y., 222 b.
2. Shukurov G‘.SH., Boboev S.N. Arxitektura fizikasi 1-qism. Darslik Qurilish issiqlik fizikasi-Toshkent, Mehnat, 2005 y.160 b.
3. QMQ 2.01.04-97* Qurilish issiklik texnikasi.-Toshkent, 2011y.
4. QMQ 2.01.04-94 Loyihalash uchun iqlimiy va fizikaviy-geologik ma‘lumotlar.- Toshkent, 1996y.

Talabalarning liderlik faoliyatini ta'lim jarayonida shakllantirish omillari


M.N. Boboqulova - SamDAQI katta o'qituvchisi

F.R. Radjabova - NavDPI "Pedagogika va psixologiya" kafedrasida o'qituvchisi.

Har bir fan o'qituvchisi ta'lim berish jarayonida talabalarning fanni o'zlashtirish jarayoni bilan qiziqishlari tabiiy hol, albatta. Talaba-yoshlarning fanni mukammal o'zlashtirishi, qo'shimcha savollar bilan murojaat qilishi, yanada chuqurroq bilim olishga harakat qilishi har qanday ustozni quvontirishi ham tabiiy holdir. Lekin bu hol har bir guruhdan ikki yoki uch talaba bo'lishi mumkinligi hech kimga sir emas. Chunki to'laqonli o'z ongi, aql-zakovati, zukkoligi bilan bilim olishga va ijod qilishga qiziquvchi talaba-yoshlarning yetakchilik xususiyatini rivojlantiruvchi maqsad va vazifalarni ishlab chiqish va dars jarayonida unga amal qilish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. O'qituvchining bugungi mashaqqatli mehnati mahsulini kelajak ko'rsatadi. Bugungi kunda iqtidorli, iste'dodli yoshlarimiz ham kam emas. Faqatgina biz ularni dars jarayonida aniqlab olishimiz va ularni qiziqishlarini inobatga olishimiz, yetakchilik qobiliyatga erishishi uchun to'g'ri yo'l-yo'riqlarni ko'rsata olishimiz kerak.

Buning uchun har bir talabaning psixologik dunyoqarashi bo'yicha ma'lum xulosalarga ega bo'lishni maqsad qilib qo'ymog'imiz lozim:

1-Chizma



Yoshlarning umumiy faoliyat turlarini birma-bir o'rganmasdan turib ularning ijodiy salohiyatiga baho bera olmaymiz. Chunki, talabalar o'rganilayotgan fanni "a'lo" va "yaxshi" o'zlashtirishiga qarab uning iste'dodini baholashimiz ham noto'g'ri uslubdir. Ma'lumki, bir yo'nalishni chuqur o'zlashtirib tor mutaxassislik doirasida "a'lo" bo'lib ixtisosligi bo'yicha o'qitilayotgan fanlarni yaxshi o'zlashtira olmasligi mumkin. Buning uchun barcha ta'lim maskanlarida tahsil berayotgan ustozlarimiz o'z shogirdlarining ijodiy salohiyati va mahoratini rivojlantirish uchun talabaning intellektual sifatlarini o'rganishi zarur bo'ladi:




Talabalarining boshqaruvchilik sifatlarini o`rgangan holda ular bilan muntazam ish olib borish uchun ta`lim jarayonida quyidagi usullardan foydalanishni nazarda tutish muhim ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari har bir ta`lim maskanida o`tkaziladigan ta`limiy tadbirlar, tanlov va musobaqalar ham yoshlarning ilmiy va ijodiy salohiyatini oshirishga, ulardagi yashirin iste`dod, yetakchilik qobiliyatlarini namoyon qilishga juda katta yordam beradi. Buning uchun har bir ustoz o`zi tanlagan shogirdining mahoratini oshirib borish uchun barcha usullarni qo`llay olishi, o`quv maskani ma`muriyati tomonidan tashkil etilayotgan tadbirlarni o`z vaqtida muntazam o`tkazilishini o`rganib borishi lozim. Ko`rik-tanlov, musobaqa, olimpiadalar o`tkazishdagi demokratik erkinlik, odilona va oqilona baholash, yoshlarning yetakchilik qobiliyatlarini rivojlantiruvchi omillarni ilgari surish barchamizning muhim vazifalarimizdan biri ekanligini unutmasligimiz kerak.

Yetakchilikni shakllantirish har bir bolaning iqtidoriga bog`liq. Iqtidorli talabalarni aniqlash ularning salohiyatini rivojlantirishni maqsad qilib qo`yishdan oldin, qanday bola iqtidorli bo`ladi?- degan savol tug`iladi, ushbu savolning javobini barcha barobar o`ylash kerak.

Talaba-yoshlarning liderlik xususiyatlarini shakllantirishda ta`lim-tarbiyaning ahamiyati muhim rol o`ynaydi. Yetakchilik qobiliyatini oshirish uchun tarbiya jarayonining mohiyati shu jarayon uchun xarakterli bo`lgan va muayyan qonuniyatlarda namoyon bo`ladigan ichki aloqa va munosabatlarni aks ettiradi. Talaba-yoshlarning liderlik xususiyatlarini shakllantirish jarayonida talabalarda jamiyatga naf keltiradigan, shaxsga qo`yiladigan kasbiy talablarga muvofiq keladigan ijodiy malaka va ko`nikma hosil qilinadi. Bunga erishish uchun talabaning ongiga, dunyoqarashi va irodasiga tizimli, muntazam ta`sir etib boriladi. Liderlik xususiyatini rivojlantirish jarayonida bulardan birortasi e`tibordan chetda qolsa, ko`zlangan

maqsadga erishish qiyinlashadi. Mana shu psixologik jihatlar e'tiborga olingandagina talaba-yoshlarning yetakchilik qobiliyatlarini shakllantirib uni rivojlantirishga imkon yaratiladi. Talaba-yoshlarning yetakchilik qobiliyatlarini shakllantirish va uni rivojlantirishning ijtimoiy pedagogik manbalarini quyidagi shaklda ifodalab beramiz:



Ta'lim-tarbiya berish jarayonida ta'limning ma'lum bir maqsadga qaratilishi muhim ahamiyatga ega. Ta'lim jarayonida talaba-yoshlarning yetakchilik qobiliyatlarini rivojlantirmasdan turib, jamiyat ehtiyojidagi yetakchi-rahbarlarni shakllantirib bo'lmaydi.

Talaba-yoshlarning yetakchilik qobiliyatini rivojlantiruvchi har qanday maqsadga qaratilgan ta'lim-tarbiya jarayonining mohiyati va vazifalari o'qituvchi tomonidan rejalashtiriladi va ketma-ket bajariladigan omillar belgilab olinadi:

1. Talaba-yoshlarning yetakchiligini shakllantiruvchi hislatlarini uyg'otish va rivojlantirish rejalashtiriladi.
2. Mana shu hislatlarni rivojlantirishni amalga oshiruvchi usullarni yaratish yoki yetakchiligini oshirib borishga xizmat qiluvchi manbalar izlab topiladi.
3. Belgilangan maqsad uchun xizmat qiladigan nazariy va amaliy manbalardan qaysini va qaerda ishlatish rejalashtiriladi.

Mana shunday rejaga solinib olib boriladigan ishlarni amalga oshirish ta'lim-tarbiya tizimi jarayonida ham yoshlarning yetakchilik qobiliyatini rivojlantirib boradi.

Adabiyotlar

1. Raximova D. Bekmurodov M. Liderlik va tashkilot madaniyati. –T.: "Akademiya", 2006.
2. Alimov O.K. Korxonada boshqaruvchilarida liderlik xususiyatlarini shakllantirish va rivojlantirish. – T.: 2008.

UDK 692.23.536.2

Zamonaviy turar-joy binolarining ichki va tashqi devor tutashgan burchaklaridagi temperatura maydoni ta'siri

O'qituvchi: Xaydarova K.X. (Qurilish mexanikasi va materiallar qarshiligi kafedrası)

Ushbu maqola, zilzilabardoshlikni oshirish maqsadida qo'llaniladigan monolit temirbeton elementlarning g'ishtdan barpo etiladigan binolarning ichki va tashqi devorlarining temperatura rejimiga ta'sirini o'rganishga, shuningdek devor burchaklarida kondensat hosil bo'lishini bartaraf qilish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqishga bag'ishlangan.

Данная статья посвящена изучению влияния монолитных железобетонных элементов на температуру внутренних и наружных стен кирпичных стен зданий, используемых для повышения сейсмостойкости, а также разработке рекомендаций по предотвращению образования конденсата в углах стен.

This article is devoted to the study of the effect of monolithic reinforced concrete elements on the temperature of the interior and exterior walls of brick buildings, as well as the development of recommendations for the prevention of condensate formation in the corners of walls.

Oddiy pishgan g'isht hozirgi kunda republikamizning deyarli barcha xududlarida ko'plab ishlab chiqarish korxonalari tomonidan hozirgi kun talablari miqdorida ishlab chiqarilmoqda. Shu bois respublikamizning barcha shaxar va qishloqlarida pishgan g'ishtdan ommaviy tartibda qurilayotgan turar-joy va ijtimoiy sohaga tegishli kam va o'rta qavatli binolarda g'isht asosiy devor materiali sifatida keng qo'llanilmoqda.




1-rasm. Samarqand shaxrida g'ishtdan barpo etilayotgan ko'p qavatli turar-joy binolaridan biri.

Bunday binolar qurilishda zilzilabardoshlikni oshirish maqsadida binolarning tashqi burchaklarida, ichki va tashqi devorlar tutashgan joylarda, deraza va eshiklar proyomlarining yonida, ayrim hollarda yaxlit devorlarning uzunligi katta bo'lgan

uchaskalarida ham monolit temirbetondan karkas qilish va ustunlarning orasini pishgan g'isht termasi bilan to'ldirish usuli ommaviy tus olgan.

Turar-joy binolaridagi yashash xonalari uchun ichki havoning normativ temperaturasi $+20^{\circ}\text{C}$ va nisbiy namligi 55% qilib belgilangan. Bunday muhit uchun shudring nuqtasining temperaturasi $+10,7^{\circ}\text{C}$ ga eng. Demak, agar temirbeton karkasli g'isht devorli binoning burchagidagi zarur tadbirlar ko'rilmasa, qishda burchakdagi sirtida va unga yaqin joylarda nafaqat kondensat, balki qirov hosil bo'lishi ham mumkin.

O'tkazilgan tadqiqotlar ichki va tashqi g'isht devorlarni tutashgan joylarda temperatura maydoni ta'sirini o'rganishga bag'ishlangan. O'rta devor xisobiy sxemasi 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm. Bir yarim g'isht qalinlikdagi tashqi va ichki devor tutshgan joyining xisobiy sxemasi.

Zilzilbardoshlikni oshirish maqsadida g'isht devorlarning ichki va tashqi devor tutashgan joylarda monolit temirbeton karkas joylashtirilganda ahvol bundan xam yomonlashishiga shubxa qilmasa xam bo'ladi. Bunday xodisaning qay darajada sodir bo'lishini aniqlash maqsadida devor burchagidagi temperature hisoblash xonaning ichki havosi $+20^{\circ}\text{C}$ tashqi havo temperaturasi -15°C bo'lgan sharoit uchun bajarildi.

Temperaturaning devor qalinligi bo'yicha o'zgarishi devorning ichki burchagidan 1m masofada statsionar sharoitdagi bir o'lchamli issiqlik harakati sodir bo'ladi degan taxmin asosida hisoblandi. Bunda devorda qo'llanilgan materiallar-pishgan g'isht , ohak-qum qarishmasi, monolit temirbetonning hisobiy teplofizik ko'rsatkichlari A ekspluatatsiya sharoiti uchun qabul qilindi.(1) Hisobiy sxemadagi boshqa nuqtalardagi temperatura qiymatlarini hisoblash zarur bo'lgan chiziqli tenglamalar sistemasinikeltirib chiqarish uchun chekli farqlar metodiga asoslangan va (2) da bayon qilingan usuldan foydalanildi. Natijada 2-rasmda ko'rsatilgan xisobiy sxemaga asosan 33 ta noma'lumli 33 ta tenglama keltirilib chiqarildi. Olingan tenglamalar sistemasini yechish uchun EXCEL dastur ta'minotidagi МОПРЕД funksiyasidan foydalanildi. Hisoblash natijalari 1-jadvalda keltirilgan.


1-jadval.

Hisobiy nuqta	Temperatura, °C	Hisobiy nuqta	Temperatura, °C	Hisobiy nuqta	Temperatura °C
1	-12,72	12	-11,68	23	+14,18
2	-12,92	13	+0,42	24	+14,61
3	-13,08	14	+1,32	25	+12,09
4	-13,14	15	+1,96	26	+14,54
5	-13,04	16	+10,6	27	+15,23
6	-12,99	17	+12,75	28	+17,21
7	-11,22	18	+13,28	29	+18,53
8	-11,55	19	+1,57	30	+18,81
9	-11,84	20	+2,36	31	+19,37
10	-11,93	21	+2,26	32	+19,69
11	-11,75	22	+12,43	33	+19,74

Natijalardan ko'rinib turibdiki, yilning tashqi havo temperaturasi -15 °C ni tashkil qilgan paytlarda bino devorning ichki burchagida (21-nuqta) sirt temperaturasi+2,26 °C gacha pasayishi mumkin.

Turar-joy binolaridagi yashash xonalari uchun ichki havoning normativ temperaturasi +20°C va nisbiy namligi 55% qilib belgilangan. Bunday muhit uchun shudring nuqtasining temperaturasi +10,7°C ga tengligini(3) hisobga olsak, bunday sirtida kondensat xosil bo'lish ehtimoli kattaligini ko'ramiz

Bunday salbiy hodisa sodir bo'lmasligi uchun mutaxassislar isitish sistemasining stoyaklarini burchakda joylashtirish, devor burchagida tashqari tomonidan pilyastra sifatida tashqaridan kengligini temirbeton ustun kesimining kengligini teng qilib 40 mm qalinlikda penopleks plita yopishtirilgan va ustidan ohak-qum qarishmasi bilan suvalgan g'isht devor konstruksiyasidagi temperature maydoni tadqiq qilindi. Tadqiq qilingan tashqi va ichki devor tutashgan burchagining hisobiy sxemasi 3-rasmda ko'rsatilgan va natijalar 2- jadvalda keltirilgan.



3-rasm: qalinligi 40mm penopleks plitadan qilingan va suvalgan pilyastrali temirbeto karkasli ichki va tashqi devor tutashgan burchagining xisobiy semasi.

2-jadval

Hisobi y nuqta	Temperatu ra °C	Hisobi y nuqta	Temperatu ra °C	Hisobi y nuqta	Temperatu ra °C	Hisobi y nuqta	Temperatu ra °C
1	-14,41	13	+1,69	25	+10,45	37	+18,28
2	-14,20	14	-1,68	26	+11,04	38	+19,21
3	-13,41	15	-2,58	27	+11,27	39	+19,36
4	-14,04	16	-10,59	28	+14,51	40	+19,6
5	-9,72	17	-11,47	29	+14,68	41	+19,79
6	-10,55	18	-11,64	30	+14,7	42	+19,82
7	-6,15	19	+0,97	31	+12,00		
8	-4,79	20	+3,71	32	+13,76		
9	-3,33	21	+3,13	33	+14,67		
10	-12,33	22	-1,16	34	+14,82		
11	-12,87	23	-2,56	35	+17,72		
12	-12,96	24	-3,00	36	+18,16		

Yuqoridagi natijalardan ko'rinib turiptiki burchak nuqta ya'ni 27- nuqtada temperatura $+11,27^{\circ}\text{C}$ ga teng, shudring nuqtasi bilan solishtirganda $11,27^{\circ}\text{C} > 10,7^{\circ}\text{C}$.

Demak o'rta devorni temirbeton o'zagini ichkari siljitib, tashqi tomondan 40 mm li penopleksdan pilyastra yopishtirsak, ichki sirtida kondensatsiya xosil bo'lmas ekan, ya'ni sirtida xona havosidagi suv bug'laridan kondensat hosil bo'lishi bartaraf qilish mumkin.

Foydalanilgan manbalar:

1. QMQ 2.01.04—97*. Qurilish issiqlik texnikasi. Qurilish meyorlari va qoidalari/ O'zR davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi; -Toshkent:2011-98b.-Tit.b.matn.paral.o'zb va rus tillarida.
2. Mahmudov M.M. binolar tashqi to'siq konstruksiyalarining murakkab tugunlaridagi temperature maydonini hisoblash bo'yicha uslubiy qo'llanma.- Samarqand: SamDAQI,2016-88b.
3. К.Ф.ФОКИН .Строительная теплотехника ограждающих частей зданий Учебник/ К.Ф.ФОКИН;изд-е 5-е, перераб.-москва: АВОК Пресс,2006-270с.

УДК: 712.5 (28)

Фавворалар, шаршаралар ва уларнинг турлари

Рахматова Мехринисо Муродовна, СамДАҚИ “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси ўқитувчиси, Самарқанд

***Аннотация:** Ушбу мақолада ландшафт дизайнида қўлланиладиган сув қурилмаларидан – фавворалар, шаршаралар турлари, ҳамда уларнинг қисқача тарихий ривожланиши бир қатор мисолларда кўриб чиқилмоқда. Мақола охирида тадқиқот натижалари ва хулосалар бериб ўтилган.*

***Аннотация:** В данной статье рассматривается ряд примеров использования водных устройств в ландшафтном дизайне - фонтанов, типов водопадов, а также их краткая историческая справка. В конце статьи приведены результаты исследования и выводы.*

***The summary:** This article discusses a number of examples of the use of water devices in landscape design - fountains, types of waterfalls, as well as their brief historical background. At the end of the article are the results of the study and conclusions.*

***Калит сўзлар:** фаввора, погонали шаршара, насадка, сув устунчалари, сопол қувурлар.*

***Ключевые слова:** фонтан, ступенчатый водопад, насадка, водяные столбы, керамические трубы.*

***Key words:** fountain, stepped waterfall, nozzle, water columns, ceramic pipes.*

Кириш

Сувни ландшафт дизайни композициясида қўллашда, унинг барча табиий хусусиятларини тўлалигича ва юқори эстетик дид билан намоён этишга ҳаракат қилиш лозим. Инсонга эмоционал таъсир этиш даражаси сувнинг ҳажми ва кудрати, баландлиги ва тушиш тезлиги, сув оқимининг ҳаракатланиш шаклига боғлиқ. Фавворалар ландшафт композицияларининг энг кўримлилик ва

масъулиятли жойларида жойлаштирилади. Улар парк, боғ, майдон, сквер, хиёбон, пиёда кўчаларининг ва бошқа рекреацион объектларнинг мунтазам жиҳозидир. Улар ҳайкалтарошлик асари кўринишидаги фазовий композиция шаклида ёки сув қурилмаси кўринишида ҳам ишланиши мумкин[1].

Тадқиқот объекти ва усуллари. *Тадқиқот объекти* сифатида фавворалар, шаршаралар ва шалолалар белгилаб олинган.

Тадқиқотда илмий умумлаштириш, классификациялаш ва яхлитлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. *Фавворалар* – сунъий босим остида юқорига отилувчи сув оқими ва уни ҳосил қилувчи иншоотлардир. Дастлаб фавворадан ичимлик суви манбайи сифатида ҳам фойдаланилган, кейинчалик улар шаҳар майдонлари, сарой ва боғларни безаш, ҳавони салқинлаштириш, соғлом микроклим яратиш воситаси сифатида қўлланилган. Фавворада меъморлар томонидан сувнинг бадий-эстетик жиҳатлари ва ҳавони соғломлаштириш жиҳатлари намоён қилинган(1-расм). Фавворалар қудуқ, чашма, ҳовуз каби сув иншоотлари билан боғлиқ.



1-расм. Монте-Карлодаги фаввора шалола қурилмаси



2-расм. Сунъий шаршара ва

Ҳозирги замон фавворалари фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда. Оқшомлари улар ҳаракатдаги рангли нурлар билан ёритилади. Сувнинг шовуллаш овози мусиқий оҳанглар билан мувофиқлаштирилади[2].

Фаввораларни тархий ечимига, сув тизгинларининг сони ва отилиш шаклларига, фаввора қурилмасининг ҳажмий шаклига қараб хилма-хил турларга бўлиш мумкин:

Тархий ечими бўйича – квадрат, олти ва саккиз бурчакли, доира ва бошқа ихтиёрий шаклдаги фавворалар; *сув тизгинининг сонига кўра* – бир ва кўп тизгинли фавворалар; *сув тизгинининг отилиш шаклига кўра* – вертушка, балиқ думи, тюлпан, Тиффани, доира, кўнғироқ, яримшар (сфера) ва бошқа кўринишдаги фавворалар; *фаввора қурилмасининг ҳажмий тузилишига қараб* – бир чашалик ва кўп чашалик хиллари мавжуд.

Фавворалар сув тизгинининг шакллари сувнинг отилишини белгилаб берувчи “насадкаларга” боғлиқ бўлиб, ҳозирги вақтда уларнинг янги хиллари ишлаб чиқилмоқдаки, сувнинг қандай шаклда отилиши уларга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда фаввораларнинг тизгинли типи энг кўп тарқалган. Бирок, замонавий “насадкалар” сувни кўзни қувонтирувчи юпқа плёнкалар тарзида, турли-туман жўшқин шаклларда отилувчи шаффоф шакл тизгинларни ҳосил қила олиш имкониятига эга[3].

Ўрта Осиёда фавворалар қурилиши XIV – XV асрларда кенг ривож-ланган. Амир Темур боғларига ишланган фавворалар ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Бу фаввораларга сувлар махсус мосламалар (сопол қу-вурлар) дан келиб, ҳовузларга тушиб ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Ҳовуз атрофи ҳар хил рангдаги мрамор тошлар, рангбаранг гуллар тасвири билан безатилган. Ҳовузларга қўйиладиган ариқчаларнинг қирғоклари ҳам мрамор тошлар билан қопланган. Ўзбекистонда фавворалар, асосан, маданият ва истироҳат боғларида, шаҳар майдонларида, жамоат бинолари олдида бунёд этилган(Тошкентдаги театр майдони, 1947; Навоийдаги «Фарҳод» ва «Ўзбекистон дарёлари», 1970 ва бошқалар). Мустақиллик майдонидаги фавворалар(1970-1974) катта техник имкониятга эга бўлган, қатор жўмракли, ажойиб манзарали мураккаб муҳандислик иншооти ҳисобланади.

Ҳозирги замон фавворалари фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда, оқшомда улар ҳаракатдаги рангли нурлар билан ёритилади. Сувнинг шовуллаш овози мусиқий оҳанглар билан мувофиқлаштирилади.

Шаршара – дарё ўзанидаги тик жарликлардан ёки бир нечта табиий поғоналардан сувнинг пастга оқиб тушиши шаршаралар қаторини ҳосил қилиши мумкин. Дарё юмшоқ ва қаттиқ жинслардан таркиб топган жой-лардан ўтганда, юмшоқ жинсли жойни уйиб қириб поғона ҳосил қилади ва шу поғоналардан пастга отилиб тушади. Шаршаралар поғонаси бетўхтов емирилиб туради ва шаршара оқимнинг юқори томонига силжиб боради. Поғона тез емирилиб борган жойларда шаршара ўрнига остона ҳосил бўлади. Ўрта Осиё дарёларининг тоғли худудларидаги ирмоқлари, сойлар баъзи жойларда унча катта бўлмаган шаршаралар (масалан, Сангардақдарё шаршараси) ҳосил қилган[2].

Шалола – дарё ва каналларда сувнинг юқоридан тик пастликка шиддат билан қўйилиб тушадиган жойи. Каналларда сувнинг емирувчилик таъсирини пасайтириш мақсадларида имкони борича нишаблик кескин ортадиган участкаларда сув энергиясини қисқа масофада сўндиришга ва бу билан ўзани ювилишидан сақлашга хизмат қиладиган бир ва кўп поғонали шаршаралар қурилади(2-расм).

Қўйилишига қараб шаршараларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) *поғонали;*
- 2) *кенг паст оқимли шаршаралар.*

Поғонали шаршаралар зинапоя шаклини олган бир неча кичик “сув устунча”ларидан ташкил топади. Поғонали шаршара ва айвончалар – бу рельефни ўнқир чўнқир жойларини тушаётган сув ва ўсимликларни ишлатилишида рельефга ўзига хос ишлов бериш услубидир. Улар яруслар ва поғоналардан ишланиши мумкин, мунтазам ва эркин (манзарали ёки абстракт) композицияларга эга бўлиши мумкин.

Кенг-паст оқимли шаршаралар эса фақат битта ва кенг қўйилиш қисмидан иборат мумтозлардир. Бундай шаршаралар битта поғонадан иборат бўлади.

Аксарият шаршаралар виқорли тоғлар бошидаги оппоқ қорларнинг эриб, майда жилғалар ҳосил қилиши натижасида пайдо бўлади, улар умрининг узоқлиги тоғларга қор қанчалик кўп ва кам ёғиши билан боғлиқ бўлади[4].

Дунёда шаршаралар сони кўп. Улар ичида энг баланд ва ҳайбатлилари мавжуд, уларга Жанубий Америкадаги Анхел (баландлиги 1054 м), Африкадаги Тугела (933 м) ва Шимолий Америкадаги Ёсемити водийсида жойлашган Ёсемит (727 м) шаршаралари киради[3].

Жаннатмонанд Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимли вилоятларидан бири Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани шимолий-шарқидagi Боботоғда нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўзига хос улуғворлик кашф этган Ўзбекистондаги энг баланд ва гўзал шаршаралардан бири “Сангардак” ҳам айнан шу ерда жойлашган. Табиати ажойиб, ўсимликлар дунёси ранг-баранг, ҳайвонот олами турфа бу манзил зилол суви, минглаб булоқ ва чашмалари билан ном қозонган. Баландлиги қарийб 150 метр, ёйсимон шаклдаги эни 80 метрча келадиган шаршара тошдан-тошга урилиб тушади.

Шаршаралардан айни кунда фақат гўзаллик тимсоли сифатида эмас, балки гидроелектр станцияларини яратишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бинобарин, юқоридан кучли тезланишда урилган оқим махсус динамик мосламани ҳаракатлантиради. Ниагара шаршарасида шундай станция қурилган ва у тарқатган электрдан асосан, шаршара яқинидаги ҳудудлар баҳраманд бўлмоқда[4].

Тадқиқот муҳокамаси ва хулосалар.

Шундай қилиб, биз юқорида фаввора ва шаршараларнинг тарихи, кўкаламзорлаштириш ва ландшафтни шакллантиришдаги имкониятларини кўриб чиқдик.

Эндиги навбат улардан мақсадли фойдаланиш, уларни қўллаш усулларини ўрганиш, режали ва сифатли тарзда амалга ошириш, замонавий электрон автоматик тизимлардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Бугунги кунда фаввора ва шаршаралардан ҳавони салқинлаштириш, инсонларнинг кайфиятини кўтариш учун, ҳамда уларни инновацион лойиҳалаш усулларида кенг фойдаланган ҳолда қуриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исамухамедова Д., Адилова Л.А. Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси. – Тошкент, 2010.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 9-жилд.
3. Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. – Тошкент, 2014.
4. geografiya.uz/o'zbekiston-sharsharalari

Noan'anaviy (muqobil) energiya manbalaridan foydalanishning zamonaviy holati va kelajagi

*Xudoyqulov U. Ch., Yuzbayeva M. Z. SamDAQI,
SamDU talabasi Chorshanbiyeva B.U.*

Yurtimiz noan'anaviy (qayta tiklanadigan) energiya manbalarini rivojlantirishda katta salohiyatiga ega. Bu qariyb 51 milliard t.n.e. miqdorida baholanmoqda.

O'zbekistonda qayta tiklanadigan barcha energiya manbalarining katta miqdordagi salohiyatining mavjudligi qayta tiklanadigan energetikani muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun muhim asos hisoblanadi. O'zbekistonda qulay iqtisodiy muhitning yaratilishi esa ushbu texnik salohiyatning sezilarli qismini o'zlashtirish imkonini beradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 26 maydagi "2017-2021 yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi to'g'risida"gi qarorida quyidagilar tasdiqlangan: - qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirishning maqsadli parametrlari, bunda 2025 yilga kelib elektr energiyasini ishlab chiqarish quvvatlari tarkibida qayta tiklanuvchi energiya manbalarining hissasini 12,7 foizdan 19,7 foizga yetkazish ko'zda tutilmoqda, jumladan, gidroelektrostansiyalar bo'yicha 12,7 foizdan 15,8 foizga, quyosh energetikasi bo'yicha 2,3 foizga, shamol energetikasi bo'yicha 1,6 foizga; - qayta tiklanuvchi energetikani rivojlantirish bo'yicha investisiya loyihalarining ro'yxati, bunda 2017-2025 yillarda umumiy qiymati 5,3 milliard dollar bo'lgan 810 ta loyihani amalga oshirish ko'zda tutilmoqda.

Rivojlanib borayotgan dunyoni elektr energiyasiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Bugungi kunda texnikaning aksariyat qismi elektr energiyasi bilan ishlaydi. Elektr energiyasi ishlab chiqarish juda katta mablag', tabiiy sharoit talab qiladi.

Tabiatda foydalaniladigan energiya manbalarini ikki guruhga ajratish mumkin: an'anaviy (qayta tiklanmaydigan) va muqobil (qayta tiklanadigan) energiya manbalari.

Hozirgi kunda yer yuzida energiyaga bo'lgan ehtiyoj tabiiy yoqilg'ilar deb ataluvchi ko'mir, neft, tabiiy gaz va boshqa yoqilg'ilarni yoqish natijasida olinmoqda. Bu tur energiya manbalaridan foydalanishning o'ziga xos qulay va noqulay tomonlari mavjud. Bu turdagi energiya manbalarining yerdagi zaxiralari chegaralangan bo'lib, u vaqt o'tishi bilan kamayib boradi. Tabiiy yoqilg'ilar yana bir necha o'n yil asosiy energiya manbai bo'lib qoladi. Keyin esa energiya olishning boshqa yo'llarini topishga to'g'ri keladi. Bundan tashqari, bu turdagi energiya manbalaridan foydalanish natijasida atrof-muhitga turli chiqindilar chiqarilib, uni zaharlaydi.

Hozirda muqobil (qayta tiklanadigan) energiya manbalari deb ataluvchi energiyalar (quyosh, shamol, geotermal, daryo, dengiz suvining ko'tarilish va pasayish kabilar) dan foydalanish muammolariga e'tibor qaratilmoqda. Yoqilg'i yoki elektr energiyasi o'rnini bosishi mumkin bo'lgan, noan'anaviy usullarda hosil qilinadigan vositalar ko'p. Ammo ular orasidan atrof-muhitga zarar yetkazmaydigan, foydalanishda samarali va ayni paytda mablag' jihatidan maqbulini tanlash muhim ahamiyatga egadir.

Muqobil energiya manbalaridan foydalanish ko'pgina dunyo mamlakatlarining jadal rivojlanishiga olib kelmoqda. Aholi sonining oshishi, ko'pgina qazib olinuvchi yoqilg'i zaxiralarining qisqarishi, uglevodrodga nisbatan narxning oshishi natijasida yangi energiya manbalaridan foydalanish kengaymoqda.

Muqobil energiya manbalari deganda, tabiat jarayonida tabiiy oqim hisobidan uzluksiz ravishda tiklanib turuvchi energiya manbalari tushuniladi. Bunga quyosh energiyasi, shamol energiyasi, suvning gidrodinamik energiyasi, geotermal energiya,

tuproq issiqligi energiyasi, daryo, tabiiy suv havzalari, shuningdek birlamchi energiya zaxiralarining antropogen manbalari: biomassa, biogaz va boshqa organik chiqindilardan olinadigan yoqilg'ilar kiradi.

O'zbekistonda muqobil energiya manbalari ichida quyosh energiyasidan foydalanish boshqa energiya manbalariga qaraganda ancha qulay hisoblanadi. Mamlakatimizda bu turdagi energiya manbasidan foydalanish imkoniyatlari katta. Respublikamizda quyoshli kunlar bir yilda 2880 soatni tashkil qiladi. Janubiy viloyatlarda bir yillik quyoshli kunlar 280-300 kunni tashkil qiladi. Yozda bir kecha kunduzda 16 soat davomida Quyosh nur sohib tursa, qish kunlarida o'rtacha 6-7 soat atrofida bo'ladi. Quyosh energiyasining yillik o'rtacha qiymati, ya'ni 1 m² maydonga tushadigan energiyasi 5460 mln. Joulni tashkil qiladi, bu taxminan 300 kg ko'mirni yoqqandagi ajralib chiqadigan energiyaga teng hisoblanadi.

Sky Power Global kompaniyasi (Kanada) O'zbekistonda quyosh elektrstansiyalari qurilishi uchun 1,3 milliard dollar investisiya kiritadi. Quyosh elektr stansiyalarini Toshkent, Samarqand, Navoiy, Jizzax, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarida qurish rejalashtirilgan. O'zbekiston 2021 yilgacha umumiy quvvati 500 MVtli beshta fotoelektr stansiyasi qurishni rejalashtirgan.

2016 yil dekabrda oyida Xitoy kompaniyasi Samarqand viloyatida Markaziy Osiyodagi birinchi fotoelektrstansiyasini qurish bo'yicha tenderni yutib olgan. U yiliga 200 mln.kVt/s elektr energiyasi ishlab chiqaradi. 275,8 million dollarlik loyiha Osiyo taraqqiyot banki kreditlari, O'zbekiston rekonstruksiya va taraqqiyot fondi hamda «O'zbekenergo» mablag'lari hisobidan moliyalashtirilishi ko'zda tutilgan. Samarqand viloyatining PastDarg'om tumanidan 254 gektar va Nurobod tumanidan 150 gektar yer maydoni ajratilgan.

O'zbekistonda hozirda qayta tiklanuvchi muqobil energiya manbalaridan foydalanish bo'yicha birmuncha ilmiy ishlar amalga oshirilib, amaliy natijalarga erishilmoqda.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, muqobil energiya yer biosferasida to'xtovsiz qayta tiklanadigan va insoniyat miqyosida tuganmas hisoblanadi. Muqobil energiyaning asosiy foydali tomoni shundaki, tugamasligi va ekologik sofligidir. Undan foydalanish sayyoramiz energiya muvozanatini o'zgartirmaydi, ya'ni tabiat jarayonlariga ta'sir etmaydi. Qayta tiklanadigan energiya katta potensialga ega, atrof-muhit musaffoligini saqlaydi, ehiyojga yarasha talabni qondiradi, sof atrof-muhit, yangi ish o'rinlari yaratilishiga imkoniyatlar yaratadi. Undan tashqari, qayta tiklanadigan energiya manbalari, chekka, tog'li va mavjud energiya manbalaridan uzoq, borish qiyin bo'lgan tumanlar uchun yagona iqtisodiy, oson erishish mumkin bo'lgan energiya manbasi bo'lishi mumkin. Hozirda bu energiya turlaridan ko'pincha qo'shimcha energiya manbalari sifatida foydalanilmoqda. Kelajakda bu energiya turlaridan insoniyat turmush tarzining barcha sohalarida asosiy energiya manbalari sifatida samarali foydalanish mumkin.

Hozirgi davrda energetika va ekologik muammolar uyg'unlashib borayotgan sharoitda talabalarni muqobil energiya manbalari bilan tanishtirib borish dolzarb vazifalardan hisoblanadi. Yuqoridagi muammolarni hal etish uchun aholida, ayniqsa, yoshlarda energiyadan oqilona foydalanish madaniyatini talab darajasida shakllantirish lozim bo'ladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 26 maydagi "2017-2021 yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi to'g'risida"gi qarori.
2. 2018 yil 28 aprelda "Qayta tiklanadigan energiya manbalari sohasida investisiya loyihalarini amalga oshirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-3687-son qarori.
3. Qahhorov S.Q., Jo'rayev H.O. Muqobil energiya manbaalari. Darslik. – T.: «NisoPoligraf», 2016.
4. Muxammadiyev M. M., Potoyenko K. D. Vozobnovlyayemiye istochniki yenergi. Ucheb. posob., Tash. GTU, 2005.

УДК: 72.01. (575.1)

Цифровые технологии и их использование в архитектурном творчестве
Валиев Санжар Рафаэлевич, Самостоятельный соискатель (PhD) СамГАСИ

Аннотация: Архитектurada raqamli texnologiyalardan foydalanish, ayniqsa ochiq osmon ostidagi muzeylar va qo'riqxonalar uchun arxitektura loyihalarini yaratishda, sayyohlarni jalb qiladigan yangi shakllar va dizayn echimlarini yaratilishini ta'minlaydi va shu bilan birga arxeologik merosni saqlab qolishi mumkin

Использование цифровых технологий в архитектуре, особенно при создании архитектурных проектов для музеев-заповедников под открытым небом, способны обеспечить создание новых форм и дизайнерских решений привлекательных для туристов и обеспечивающих одновременно сохранность археологического народного наследия

The use of digital technologies in architecture, especially when creating architectural projects for open-air museums and reserves, can ensure the creation of new forms and design solutions that are attractive to tourists and at the same time preserve the archaeological heritage

Kalit so'zlar: Raqamli texnologiyalar; raqamlashtirish arxitektura; Axsikent; ochiq osmon ostidagi muzey

Ключевые слова: Цифровые технологии; цифровизация; архитектура; Ахсикент; музей под открытым небом

Key words: Digital technology; digitalization architecture; Akhsikent; open-air museum

В настоящее время информационные технологии и телекоммуникации являются необходимыми атрибутами современного человека. Как известно, 2020 год в Узбекистане объявлен «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики». Президентом страны Ш. М. Мирзиёевым в послании Олий Мажлису сделан посыл, - В целях устойчивого развития мы должны глубоко освоить цифровые знания и информационные технологии, это даст нам возможность идти по самому короткому пути к достижению прогресса» [1]. В связи с указанным были созданы специальные системы, такие как «Электронное правительство» [2],

фонд «Цифровое доверие», а также Постановлением правительства утверждена стратегия развития цифровизации Узбекистана получившая название «Цифровой Узбекистан 2030» [3].

Особенно цифровые технологии важны при создании новых инновационных проектов, каким является тема научной работы, выполняемая под руководством д.т.н., проф. Рахимова К.Д. «Ахсикентский музей заповедник под открытым небом».

Как цифровые технологии изменяют мир?

1. В ближайшие годы будут активно развиваться сеть 5G и так называемый интернет вещей, когда каждый предмет имеет адресацию в сети. Сейчас можно дистанционно включить сигнализацию или кондиционер, а еще через несколько лет практически любой прибор. Ведутся разработки по внедрению цифровизации во всех отраслях промышленности, экономики, государственных услуг, сферы обслуживания и др. В США разработана и уже продемонстрирована спутниковая система 5G Iona Maska;

2. Благодаря развитию цифровых технологий «Умные дома» позаботятся не только о безопасности и комфорте пользователя, но и о его здоровье – датчики движения, камеры и специальные браслеты смогут контролировать температуру, пульс и другие параметры, даже такие как манера поведения человека. Собранные данные проанализирует система и в случае опасности окажет своему владельцу первую медицинскую помощь или вызовет врачей. Такими системами могут быть оснащены не только дома, но и общественные пространства, школы, детские сады, музеи (например, именно таким предполагается быть Ахсикентскому музею – заповеднику под открытым небом) и даже целые города. Благодаря этому можно будет следить за состоянием здоровья каждого. Это стало технически реализуемо, когда мы научились энерго-эффективно передавать огромное количество коротких пакетов информации, хранить большие объемы данных, а также быстро интерпретировать и извлекать из них полезную информацию;

3. Более того, в последнее время широко обсуждается даже чипирование человека. Специальное чипирование человека изобрел Bill Gates (США). Однако, по мнению некоторых специалистов, чипирование может влиять на поведение и сознание населения формируя ту или иную выгодную для владельца патента ситуацию в их поведении. Поэтому цифровые технологии, в частности чипирование человека, в той или иной мере могут быть небезопасными и требующими осторожности.

Следовательно, цифровые технологии во всех сферах жизни человека могут и уже играют определенную положительную роль. Какую же роль они играют в Архитектуре?

1. Архитектурное проектирование (эскизирование) архитектурных проектов уже отпало и в практике встречается очень редко;

2. Компьютерная Архитектура. Используется набор компьютерных программ, таких как ArchiCAD, 3D Max, Lumion 10, Cinema 4D и др. Преимущество компьютера очевидно. Во-первых, на компьютере гораздо проще вносить какие-либо изменения в проект; во-вторых, появляется возможность легко создавать любое количество чертежей; в-третьих, гораздо проще создавать объемные

изображения и показать фасады, интерьер, перспективу т.е. показать объект со всех сторон, и, последнее, что органично связано с завершением проектной части и это будет в-четвертых, визуализация проекта, без показа которой уже не представляется ни одна презентация завершающей стадии проекта заказчику или даже защита дипломного проекта студентом и диссертаций магистрантом или докторантом.

Опыт знаменитого архитектора Заха Хадид, где она, используя проекции обычных вещей и моделируя ими на компьютере, создавала неповторимые формы, а ее архитектурные проекты, с помощью опытных строителей, инновационных материалов и технологий с успехом претворялись в жизнь. Однако не всегда проект и то, что выходит в итоге совпадают (см. Рис 1 и Фото 1 - фасад ТРЦ «SAMARQAND DARVOZA» в г. Ташкенте).



Рис. 1. Проектное предложение



Фото 1. Законченное строительство

3. Параметрическая Архитектура. В конечном итоге, опытные архитекторы уже приняли на вооружение такое направление в архитектуре, как Параметрическая архитектура. Здесь компьютер сам генерирует создание проектного объекта в зависимости от заданного архитектором алгоритма. В чем суть? Архитектор задаёт параметры и соответствующий алгоритм повторов с

меньшей или большей амплитудой, а компьютер сам все делает по заданной программе. Это способствует созданию неповторимых и фантастических фасадов и интерьеров [4, 5]. В качестве примера, приводим Параметрическую стену, переходящую в потолок и совмещенную с освещением через заданный определенный алгоритм, которая специально была разработана нами для использования в офисных зданиях и галереях «Ахсикентского музея – заповедника под открытым небом» (Рис.2);




Рис. 2. Параметрическая стена и потолок с освещением (Ахсикентский музей-заповедник под открытым небом)

4. Кинетическая Архитектура. Существует также и понятие кинетической (динамичной) архитектуры. При котором здания сконструированы таким образом, что их части могут двигаться, относительно друг друга, не нарушая общую целостность структуры.

Учитывая климатические условия нашей страны, где преобладает большое число солнечных дней в году, а весна характеризуется выпадением большого количества осадков в виде дождей, то кинетическая архитектура дает возможность в автоматическом режиме, например, открывать и закрывать жалюзи или же выдвигать и раздвигать крыши галерей, при этом создавая новое фасадное решение. Именно такое решение вводится нами в проект «Ахсикентский музей - заповедник под открытым небом».

Параметрическая и кинетическая архитектура дают фантастические результаты как в проектировании отдельных зданий и сооружений, так и при градостроительстве. Здесь мы уже вплотную подходим к такому понятию, как «Архитектура искусственного интеллекта», где проектировать архитектурное здание или сооружение будет искусственный интеллект.

ВЫВОДЫ: Современный образ человека немислим без развития цифровых технологий. Подготовка высококвалифицированных кадров в ВУЗах страны, в частности в стенах Самаркандского Государственного Архитектурно-строительного института им. М. Улугбека с углубленной цифровой грамотой по соответствующим специальностям приобретает всё большее значение и накладывает определенную ответственность.

Список использованной литературы:

1. Ш.М.Мирзиёв. Ежегодное послание сенату Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 24 января 2020 г. Правда Востока, № 19 от 25 января 2020 г.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «О совершенствовании инфраструктуры цифровой экономики и системы «Электронное правительство». - ПП-4321 от 18.05.2019 г.

3. Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции национальной стратегии «Цифровой Узбекистан 2030», ID-10574.

4. Надыршин Н. М. [Параметризм - как стиль в архитектурном дизайне](#). Вестник ОГУ, 2013, № 1 (150), с. 53-57.

5. Schumacher P. Parametricism - A New Global Style for Architecture and Urban Design, London, 2008, vol. 79, no. 4.

Направления совершенствования качества подготовки кадров в области архитектуры и строительства

*Ешниязов Рустам Наурызбаевич, кандидат экономических наук,
Кайыпбергенов Даулетбай Кадирбаевич, стажёр преподаватель
Каракалпакский государственный университет, Нукус*

Аннотация: Асосан, бугинги шароитда кадрлар тайёрлаш сифати ўсиши аҳамиятли муоммо, ушбу мақолада қатор тавсия ва таклифлар берилган.

Маълумки бу борада хорижий иновацияларни қўллаш аҳамиятли йўналишлардан ҳисобланади.

Аннотация: На основании того, что в современных условиях рост качества подготовки кадров важная проблема, в статье дан ряд рекомендаций и предложений. Отмечено, что важнейшим направлением является трансферт зарубежных инноваций, проводимый на системной основе

Abstract: Based on the fact that currently the growth of the quality of training is an important problem, the article gives a number of recommendations and suggestions for its improvement. It is noted that one of the important way for this is the transfer of foreign innovations, carried out on a systematic basis

Калит сўзлари: кадрлар тайёрлаш, сифат, анализ, сифат ўсиш йўналишлари, архитектура ва қурилиш соҳаси учун кадрлар.

Ключевые слова: подготовка кадров, качество, анализ, направления роста качества, кадры для строительства и архитектуры.

Keywords: personnel training, quality, analysis, directions of quality growth, personnel for construction and architecture.

Сравнительный анализ и изучение опыта зарубежных вузов по подготовке кадров архитектурно-строительного профиля показали что принятая в республике Узбекистан система подготовки специалистов в области архитектуры, включающая творческий отбор абитуриентов, двухступенчатое образование (бакалавр, магистр), сочетание теоретических и практических занятий, учебных планов и программ в целом являются передовой и отвечает мировым стандартам.

Вместе с тем, в учебных планах зарубежных вузов большое внимание уделяется практическим занятиям, как в ходе обучения в бакалавриатуре, так и между двумя ступенями образования (в отдельных университетах до поступления в магистратуру обязательно требуется 6-12 месячный опыт практической работы), а по завершению образования требуется минимум 2 года практической работы в качестве стажера-архитектора для присвоения звания архитектора.

Также выявлено, что имеются некоторые различия в учебных дисциплинах, включенных в учебные планы зарубежных вузов.

Считаем необходимым, исходя из опыта зарубежных вузов, целесообразность введения в учебный план архитектурных направлений ряд дисциплин, например: конструкции энергосберегающих зданий, генезис и трансформацию формы в архитектуре, правовой режим территорий, инновации в современной архитектуре, градостроительстве и ландшафтной архитектуре и др.

Также считаем необходимым отметить, что в современных условиях в качестве приоритетных направлений роста качества подготовки кадров для строительной отрасли являются:

- реализация широкомасштабных мероприятий по информатизации учебного процесса, включая резкое увеличение аудиторий, оснащенных мультимедийными средствами;

- дальнейшее усиление инновационного сотрудничества с ведущими строительными и проектными организациями и предприятиями;
- рост оснащённости учебных лабораторий современным оборудованием, предусмотрев возможность его использования сторонними организациями на хоздоговорной основе;
- рост доли преподавателей с учеными степенями;
- расширение (обновление) материально-технической базы вузов;
- в целях дальнейшего развития системы управления качеством обучения, необходимо совершенствовать мониторинг учебного процесса, регламентировав это соответствующими нормативными документами (ИСО-9001), в которых предоставляется возможность объективной и комплексной оценки качеств обучения студентов архитектурного и строительного направления;
- для подготовки кадров «инженер-архитектор» необходимо открытие специальности в магистратуре. При этом следует учесть, что эти кадры должны владеть знаниями не только об экстерьере зданий, но и о конструкциях, технологии строительства, формировании ландшафтной среды. Очевидно, что здесь необходимо использование опыта строительных университетов индустриально развитых стран. Это позволит обеспечить уход от создания фантастических проектов к проектированию реально претворяемых в жизнь и экономически эффективных проектов на базе знания современной техники и технологий. Безусловно, что этот проверенный мировой практикой подход повысит результативность практической деятельности будущих специалистов;
- учитывая динамичность инновационного процесса в строительстве и архитектуре следует резко сократить сроки подготовки учебной литературы;
- расширить практику проведения лекций и встреч среди студентов и преподавателей с приглашением известных архитекторов Республики и зарубежных стран;
- следует изыскать пути эффективного внедрения дистанционного обучения;
- проведение межвузовских дистанционных занятий, мастер-классов и видеоконференций.

Для совершенствования учебного процесса по подготовке бакалавров для строительства в первую очередь необходимо конкретизировать направления образования и специальности магистратуры. Считаем целесообразным разделить направления образования «Строительство зданий и сооружений» по таким сферам как «Строительство гражданских и промышленных зданий и сооружений», «Строительство зданий и сооружений транспорта», «Строительство зданий и сооружений энергетики» и «Строительство сельскохозяйственных зданий и сооружений».

Считаем целесообразным пересмотреть соотношение учебных часов, выделяемых на отдельные блоки дисциплин. В действующих учебных планах направлений образования по строительству количество часов для изучения дисциплин по специальности составляет всего 10% от общего объема учебных часов, что крайне мало. Даже вместе с учебными часами, выделенными для

дисциплин общепрофессионального курса этот показатель составляет всего 43%. Предлагаем 3, 4 и 5 блоки не регламентировать и дать вузу возможность предусмотреть этих блоков в объеме 60-70% от общего объема. При этом следует регламентировать только первый блок дисциплин.

Важнейшим же направлением роста качества подготовки кадров следует считать обеспечение эффективного трансферта передового зарубежного опыта. При этом следует исключить слепое копирование и осуществлять системную работу по трансферту инноваций, которая включает такие этапы работы:

- мониторинг инноваций в ближнем и дальнем зарубежье ;
- оценку приемлемости инноваций и формирование их портфеля;
- проведение работ по адаптации приемлемых инноваций;
- формирование графиков по применению инноваций;
- осуществление опытного внедрения и оценку эффективности результатов;
- масштабное внедрение инновации.

Безусловно, что должная реализация изложенных предложений послужит росту качества подготовки кадров. Очевидно, что деятельность по обеспечению качества носит постоянный характер и является непрерывным процессом количественного и качественного роста и развития.

Список использованной литературы

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 июля 2012 г. № УП-4456 «О дальнейшем совершенствовании системы переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров. - Т.: Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006 г., № 6-7.

2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28 декабря 2012 г., № 365 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы послевузовского образования и аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации». – Т.: *Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г.*

3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 29 декабря 2012 г. № 371 «О внедрении системы рейтинговой оценки высших образовательных учреждений республики». Т.: *Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г.*

4. Аналитическая записка. Высшее образование в Узбекистане: состояние и рекомендации. 2009 г. - www.undp.uz.

5. Ахлиддинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 1999 г.

6. Беззубко Л. В., Гончарова Л. О., Беззубко Б. И. Трудовой и кадровый потенциал: Монография. Донецк : Норд прес, 2008. 198 с.

7. Беззубко Л.В., Гончарова Л.А. Совершенствование кадров для строительства//электронный журнал: Донецкая национальная академия строительства и архитектуры, 2015.

8. Журнал «Экономическое обозрение».

9. Dale, R. (2005). Globalization, knowledge economy and comparative education. *Comparative Education Review*, Chicago, 2, 117-149.

10. <http://www.pedagog.uz>

Анъанавий турар жойлар хусусиятларини урганиш

*Хидиров М.М., СамДАКИ доценти
Асатуллаева Б., АНТАЁТ магистранти*

Бугунги кунда мамлакатимизда янги хаёт, янги жамият пойдеворини мустахкамлаш, ёркин фукаролик маънавиятини шакллантириш ва кенг халк оммалари учун фаровон хаёт яратиш масаласи биз учун ғоят долзарб ахамиятга эга. Хаётимизнинг барча сохаларида амалга оширилаётган кенг куламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халк маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меъросимизнинг чуқур урганилиши, анъана ва урф одатларимизнинг сакланиши, маданият, санъат, ракамли фан ва таълим ривожини, энг мухими, жамият тафаккурининг узгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир..

Мазкур кенг қамровли ишлар мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзияев томонидан олиб борилаётган доно ва оқилона сиёсат самарасидир. 2016 сентябридан бошлаб Ўзбекистонда жамият хаётининг барча сохаларида катта узгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат ва аҳоли кенг катламлари орасидаги муносабатлар сифат даражасидан янги даражага кутарилди. Давлат ва жамият келажак ривожланишининг янгича уфклари яратилмоқда. Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатда янги давр бошланди.

Мамлакатимиз 2017-2021 йиллардаги иктисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларида кенг халк оммаларини арзон ва қулай тураржойлар билан таъминлаш учун қуйидаги масалалар ечилиши кузда тутилган: жамият ривожланишининг юкори суратларини таъминлаш, кенг халк оммалари хаёт даражасини кутариш, аҳолининг тураржой билан таъминланганлик даражасини кутариш, хар томонлама қулай ва замонавий турдаги кам каватли ва куп каватли масканларни шаҳар ва кишлокларда барпо этиш (1).

Шунингдек, иктисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларида тураржойларга хизмат курсатувчи шаҳар коммунал хужалиги фаолиятини яхшилаш, тураржойларни мухандислик ободонлаштириш ва жиҳозлаш, тураржойлар қурилиши эксплуатациясини замонавий энергия самарадор технологиялар асосида ташкил қилиш ва бу ишларни амалда жонлантиришга қаратилган.

Тураржой масканларини замонавий турларини барпо этиш ва бу билан боғлиқ холда тураржойлар қурилиши хажмларини қупайиши тураржойларни қуриш учун серхосил кишлок хужалиги ерларидан фойдаланиш ва шу билан боғлиқ булган мавжуд ер ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни хал қилишининг ечимини бир томондан тураржой масканлари зичлигини ошириш булса, иккинчи томондан шаҳар ва кишлокларда қурилаётган тураржой бинолари хажмий-фазовий ечимларини замонавий талаблар асосида ташкил қилиниши ва юкори самарали қурилиш ашёларидин фойдаланишни такозо қилади.

Тураржой бинолари хажмий-фазовий ечимларини ташкил қилиниши ва юкори самарали қурилиш ашёларидин фойдаланишни урганиш учун анъанавий

турар жой биоларининг таркибий кисмлари ва режавий хусусиятларини тадқиқи муҳим аҳамиятга эга. Айниқса анъанавий турар жойларда қулай микроклимни ташкил қилувчи элементларни тузилиши ва улардан фойдаланиш йуллари катта аҳамиятга эгадир. Турар жой режавий элементлари орасида микроклимни ташкил қилувчи элемент сифатида очик ховли сахни ва айвонларни курсатиб этиш керак. Очик ховли сахнида ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш ва сугориш каби лойихавий тадбирларни ташкил қилиш анъанавий турар жойларда кенг тарқалган (2).

Тадқиқот асосий объекти сифатида тарихий шаҳарларда туражойларни шакллантириш танланган. Тадқиқот чегаралари тураржойларнинг лойихавий структураси ва ҳажм – фазовий тузилишини ташкиллаштириш масалалари ва уларнинг элементларини урганиш билан чекланган. Маълумки, кейинги йилларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида архитектура ва шаҳарсозликда олиб борилаётган изланишлар меъморчиликни атроф муҳит билан уйғунлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бешинчи тарз бўлмиш ташқи муҳит рельефининг пластик ечими, бино ва иншоотларларнинг умумий қурилишида ва тузилишида қулай табиий ва иклимий шароитлардан фойдаланиш кенг қуламда амалга оширилмоқда (3).

Тураржойларни лойихалашда табиий – иклимий омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Табиий – иклимий омиллар доимий таъсири остида тураржойлар режавий ечимлари қабул қилинади. Республикамиз табиий – иклимий шароитлари хилма хиллик билан тавсифланади. Аммо бу хилма-хилликда ҳам умумий бўлган шароитлар мавжуд ва улар иклимининг кескин континенталлиги, ҳавонинг қуруқлиги ва қуёш нурланишининг ҳаддан ортиқлиги билан ажралиб туради.

Ўрта Осиё анъанавий шаҳарлари ва тураржой масканлари маҳаллий иклимий шароитларга мос равишда барпо этилган. Асосий эътибор очик куча ва майдоилар билан боғлиқ бўлиб, бунда асосий ечим шаҳар морфологик тузилиши ва тураржойларнинг тузилиши, яъни уларнинг гиламсимон барпо этилиши ва ховли муҳитига қаратилганлигидир. Қуёш нурларидан ҳимоялаш ва етарли ҳаво алмашувини таъминлаш асосий масалалардан ҳисобланади. Иморатлар жойлашуви зичлиги ва уларнинг мос равишда қучалар билан боғланиши очик ҳудудларининг микроклимий курсаткичларини аниқлаб беради. Тадқиқотлар шу нарсани курсатадики, юқори даражадаги иморатлар зичлиги қуёш нурланишини чеклаб, иклимий мувозанатни ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу эса анъанавий тураржойларнинг асосий хусусиятларидан биридир. Анъанавий турар жойларни қурилиш ашёлари ҳам қулай микроклимни ташкил қилишда фаол қатнашувчи элемент ҳисобланади ва анъанавий меъморчиликда бир неча турдаги конструктив тизимлар ишлаб чиқилган (4).

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Абдурасулов Р.Р. Архитектура народного жилища. В кн.: Архитектурное наследие Узбекистана –Т.: 1990.

3. Аронин Дж.Э. Климат и архитектура (Пер.с англ.). - М.: Госстройиздат, 1999. - 251 с.

4. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. –М.: Госиздат архитектуры и градостроительства. М.1981.

Masofaviy ta'lim tizimida o'quvchi talabalarning kompyuter grafikasi bo'yich bilim va malakasini shakillantirish

*Dotsent Qulnazarov B.B. SamDAQI,
o'qit. Kulnazarova Sh.B. Samarqand sh., 54-maktab*

Keyingi yillarda barcha sohalar qatori ta'lim sohasida ham rivojlanishning sifat darajasi yangi bosqichga ko'tarildi. Ta'lim muassasalarida bo'lajak mutaxassislarning bilim olishlari uchun etarli shart-sharoitlar yaratilmoqda, shu jumladan, masofaviy ta'lim tizimi yo'lga qo'yildi. Ayniqsa ta'limda kompyuter grafikasi madaniyatini rivojlantirish masalasi dolzarb bo'lib bormoqda. Bu o'quv jarayonini qiziqarli, mazmunli va shu bilan birgalikda murakkab ma'lumotlarni qo'lay usulda etkazishning yangi usuli va g'oyalarini ishlab chiqish hamda amaliyotga joriy etish bilan bevosita bog'liqdir. Bu albatta axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanib, o'quv jarayonini yangi grafik-pedagogik vositalar bilan ta'minlashni nazarda tutadi.

Kompyuter grafikasi madaniyati – shaxsda umumiy madaniyatning ajralmas tarkibiy qismi bo'lib, o'quvchi talabalarning grafik bilim madaniyati darajasi faqatgina grafik tushinchalarini bilish, kompyuter grafikasiga oid ma'lumotlardan xabardor bo'lishidagina iborat bo'lmay, balki grafikaviy qonunlar, (ECKD) ya'ni konstruktorlik hujjatlarining yagona tizimi(KHYaT) va Davlat standartlari(ГОСТ) talablariga amal qilish va bo'ysunish madaniyati, ya'ni ijodiy-grafik tafakkurli va grafik faol bo'lishi demakdir. Har bir o'quvchi, talaba grafik madaniyati ma'lumoti bo'lishi uchun, birinchidan, grafik bilim, malaka va ko'nikmalarni, ikkinchidan ijodiy-grafik tafakkurini egallagan va nihoyat, uchinchidan keng fazoviy tasavvurga ega bo'lishi zarur, ular quyidagi komponentlardan iborat:

- 1) grafik bilimlarning muayyan darajasi;
- 2) grafik ijodiy tafakkurning muayyan darajasi;
- 3) grafik faoliyat sohasidagi amaliy ko'nikma va malakalarning ko'lami;
- 4) kompyuter grafikasi sohasida bilim va malakalar.

Fan texnika va texnologiyalar taraqqiyotining hozirgi bosqichi sharoitida o'quvchi, talabalar egallashi zarur bo'lgan girafik bilim va malakalarni uch guruhga ajratish mumkin:

1.*Nazariy grafik bilimlar* – grafik jarayonlar (fazoviy jismlarni tekislikka proektsiyalash va chizma yordamida har xil fazoviy masalalarni tekislikda echish usullari, shuningdek, chizma hosil qilishning nazariy asoslari).

2.*Metodologik bilimlar* - grafik faoliyatini amalga oshirish metodlari va yo'llari.

3. *Amaliy grafik malaka va ko'nikmalar* - grafik faoliyatida arxitektura ishoatlarini, buyumlarni to'g'ri burchakli(ortogonal) va aksonometrik proektsiyalash usullarida tasvirlash.

Kompyuter grafikasi(chizma) xozirgi zamon ishlab chiqarish jarayonida mehnat sharoitidan kutilgan natijalar haqida tasavvurni hosil qilishning asosi hisoblanadi. Chizmada inson ijodiy tafakkuri natijasida yaratiladigan arxitektura ishoatlarini, buyum yoki narsalarni loyihalash yoki konstruksiyasini yorqin aks ettiradi. Chizma bo'yicha buyumlar yasaliib, arxitektura inshoatlari qad ko'taradi, chizma asosida inson ijodiy tafakkurning turmushga yunaltirilgan mehnat harakatlari tizimi rejalashtiriladi. Chizma bo'yicha ijodiy mehnat natijalari amalga oshiriladi va nazorat qilinadi. Ilg'or arxitektor, dizaynerlar, konstruktorglar o'zining ratsionalizatorlik, innovatsion va kreativ takliflarini o'z fazoviy tasavvuridagi loyihalarni chizmalar vositasida ifoda etadilar. Shuning uchun "chizma texnika tili" deb bekorga aytilmagan. Shu sababli u barcha ma'lumoti bor xalqlar uchun tushinarli bo'lgan xalqaro til hisoblanadi. U maktablardan boshlab litseylar, kasb-hunar kollejlari va nihoyat Oliy ta'limning texnika yunalishidagi barcha o'quvchi talabalari foydalanishi va amaliy jihatdan samarali qo'llash malakasi muhim ahamiyatga ega bo'lib, ular kasbiy va harbiy tayyorgarlikning ajralmas va tarkibiy qismi hisoblanadi.

Grafik ta'lim oliy pedagogik kasb ta'limida ya'ni o'qituvchilik kasbiy, ham umumta'limiy ahamiyatga egadir. U ishlab chiqarish fanlari bilan birgalikda tanlangan kasb bo'yicha amaliy faoliyat uchun zarur bo'lgan grafik bilim, malaka va ko'nikmalarning shakillanishini ta'min etadi. Shu sababdan masofaviy o'qitish tizimi orqali bo'lajak mutaxassislarining faoliyatida grafik savodxonlik muhim o'rin tutib, ularda grafik madaniyatni shakillantirish dolzarb vazifalardan biridir. Masofaviy ta'lim tizimida o'qitish, grafik savodxonlikning quyidagi komponentlar talablarining grafik madaniyatini tashkil etadi:

- Masofadan o'qitish talablariga muvofiq buyum tayyorlashda chizmani aniq o'qiy olish va kam vaqt sarflash;

- Masofadan o'qitishda detallar chizmalarini bajarishda kam mehnat sarflash: bu birinchi navbatda detal shakli, uning barcha elementlari – bosh ko'rinishini tanlash, tasvirlar soni, ularni ratsional joylashtirishda aks ettiradi;

- Chizmada standartlashtirish tizimini to'g'ri, ijodiy va to'liq qulay bilish.

Fan texnika va texnologiyalar taraqqiyotining hozirgi zamon bosqichi sharoitida pedagogik faoliyatda kirishgan pedagog-mutaxassislarining grafik tayyorgarlik darajasi ishlab chiqarishida tayyorlanayotgan mahsulotlar belgilangan darajasi sifatiga bog'liqdir. Bu masofadan o'qitish tizimi oliy-pedagogik o'qituvchilarning kasbiy-grafik madaniyatini shakillantiruvchi -"Chizma geometriya va muhandislik grafikasi"ning umumkasbiy o'quv fani sifatida zarur kasbiy bilim, malaka va ko'nikmalarni shakillantiruvchi omillar sifatida o'qitilishiga e'tiborni kuchaytirishni talab etadi.

Adabiyotlar:

1.Василенко Е.А. и др. Карточки - задания по черчению для 8 класса. М.:«Просвещение», 1995.

2.Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Т.: 2001.

3.Рихсибоев Т. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш методологияси – Т.; 2011.

Sfera sirtida joylashgan ikkiburchak va uchburchakning yuzasini hisoblash

*Mardonov Baxodir Axmadovich, SamDAQI katta o'qituvchisi,
Chorshanbiyeva Baxtiniso Ural qizi, SamDU "Mexanika-matematika" fakulteti
303-guruhi talabasi, Samarqand charshanbiyeva.baxtiniso@mail.ru,*

Maqolada sfera sirtida joylashgan ikkiburchak va uchburchak tushunchasi, uning yuzasini topish masalasi qaralgan. Sferada joylashgan geometrik figuralarning xarakterli munosabatlarini trigonometrik formulalar orqali izohlash astronomiya va geodeziyada ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: sfera, sferada joylashgan ikkiburchak, sferada joylashgan uchburchak, sferik ortiqlik, yuza.

В статье рассмотрено понятие двуугольника и треугольника в сфере, нахождение площади её поверхности. Изучение характерных отношений геометрических фигур в сфере с использованием тригонометрических формул важно в астрономии и геодезии.

Ключевые слова: сфера, двуугольник размещенная на сфере, треугольник размещенная на сфере, сферический избыток, площадь поверхности.


In article the concept of a two-square and a triangle of sphere, a finding of the area of its surface is considered. Studying of characteristic relations of geometrical figures in sphere with use of trigonometrical formulas important in astronomy and a geodesy.

Keywords: sphere, a two-square placed on sphere, a triangle placed on sphere, spherical surplus, the surface area.

Kirish. Shiddat bilan rivojlanayotgan mustaqil respublikamizda aviasozlik, mashinasozlik, gidrotexnika, qurilish, yer tuzilishi, geodeziya, kartografiya, asrtonomiya va boshqa ko'plab fanlarning masalalarini yechishda matematikaning trigonometrik munosabatlariga murojaat qilinadi.

Tadqiqotning dolzarbligi. Bunda tekislikdagi trigonometrik munosabatlardan tashqari sferik sirtida joylashgan figuralarning xarakterli munosabatlarini trigonometrik formulalar orqali izohlashga zarurat tug'iladi. Bunday zaruriyatlarni "Oliy geodeziya", "Astronomik geodeziya", "Sferik geodeziya" kabi fanlarini o'rgatishda ko'rish mumkin. Ushbu maqola sfera sirtida joylashgan eng sodda sferik figura - sferik ikkiburchak va sferik uchburchaklar elementlari orasidagi geometrik va trigonometrik bo'g'lanishlar yordamida uning yuzasini topish formulasini keltirib chiqarish va xulosalar olish maqsadida tayyorlandi.

Tadqiqot ob'yekti va usullari. Sfera markazidan o'tuvchi istalgan tekislikning sfera bilan kesishishidan hosil bo'lgan aylanasi katta aylana,



1-rasm

boshqa barcha aylanalar kichik aylanalardir. Sferada joylashgan ikkita turli nuqtalarni sfera bo'ylab yo'ylar bilan tutashtirish mumkin. Bunday yo'ylar cheksiz ko'p bo'ladiki, ularning ichidan eng qisqa uzunlikka ega bo'lgan yoy alohida xarakterlidir, chunki bunday yoy uzunligini qaralayotgan sfera radiusi va mos markaziy burchak orqali ifodalasa bo'ladi. Sferaning ikkita nuqtasi orasidagi qisqa masofa deganda ularni tutashtiruvchi katta aylana yoyi tushuniladi [2].

Sferaning ikkita katta aylanalari chegaralab turgan qismiga *sferik ikki burchak* deyiladi(1-rasm). Sferik ikki burchakning burchaklari o'zaro teng, tomonlari ham o'zaro tengdir. Radiusi R bo'lgan sferadagi sferik ikkiburchakning tomonlari katta aylana uzunligining yarmi bo'lgani uchun, sferik ikkiburchak tomoni uzunligining gradus o'lchovi 180^0 ga tengdir, yoki radian o'lchovi uchun ushbu tenglik o'rinli


$\cup MM_1 = \frac{2\pi R}{2} = \pi R$ bo'ladi. Sferik ikkiburchakning yuzisini hisoblash uchun uning burchagini M , yuzini S_{MM_1} deb olib, ushbu proporsiyani tuzish mumkin:

$\frac{S_{MM_1}}{4\pi R^2} = \frac{M}{360^0}$, bu yerda $4\pi R^2$ – sfera sirtining yuzasi. Tuzilgan proporsiyadan sferik ikkiburchak yuzini hisoblash uchun quyidagi formulani hosil qilish mumkin

$$S_{MM_1} = \frac{M}{90^0} \cdot \pi R^2 \quad (1)$$

yozilgan tenglikdan ko'rinadiki sferik ikkiburchak yuzi uning burchagini 90^0 ga bo'lishdan hosil bo'lgan sonni katta aylana chegaralab turgan doira yuziga ko'paytirishdan hosil bo'ladigan miqdorga teng ekan.

Sferaning bitta katta aylanasi ustida yotmaydigan uchta nuqtalarining har ikkitasidan o'tuvchi katta aylanalarning yo'ylari chegaralab turgan sferik sirt, sfera sirtida joylashga uchburchak yoki qisqacha *sferik uchburchak* deyiladi. Sferik uchburchakning uchlari va ularga mos burchaklarini bir xil bosh harflar bilan, burchaklar qarshisidagi tomonlarni (yo'ylarni) mos ravishda bir xil mos kichik harflar bilan belgilanadi. Masalan ABC - sferik uchburchak deganda A, B, C - sferik uchburchakning bir vaqtda uchlari va burchaklarini belgilanishini, a, b, c - sferik uchburchakning A, B, C burchaklari (uchlari) qarshisidagi tomonlari (mos katta aylana yo'ylari) belgilanishini bildiradi(2-rasm).




2-rasm

ABC sferik uchburchak a, b, c tomonlari va A, B, C burchaklari uchun quyidagi munosabalar o'rinlidir: 1) $a+b>c, a+c>b, b+c>a$; 2) $a-b<c, a-c<b, b-c<a$; 3) $0<a+b+c<360^0$; 4) $180^0<A+B+C<360^0$; 5) $A+B-C<180^0, A+C-B<180^0, B+C-A<180^0$.

Sferik uchburchak ortiqligi (eksessi) deganda A, B va C burchaklari orqali topiluvchi $e=A+B+C-180^0$ tenglik bilan aniqlanadigan, hamda a, b va c tomonlari

orqali esa $\operatorname{tg} \frac{\varepsilon}{4} = \sqrt{\operatorname{tg} \frac{p}{2} \cdot \operatorname{tg} \frac{p-a}{2} \cdot \operatorname{tg} \frac{p-b}{2} \cdot \operatorname{tg} \frac{p-c}{2}}$ tenglik(bunda $2p=a+b+c$) bilan aniqlanadigan miqdor tushuniladi[1].

Radiusi R bo'lgan sferadagi ABC sferik uchburchakning S_{ABC} yuzasini hisoblash formulasini keltirib chiqaramiz. Qaralayotgan ABC sferik uchburchak uchun $A_1B_1C_1$ simmetrik sferik uchburchak bo'lsin. U holda ABC sferik uchburchakning a, b, c tomonlari bo'yicha qo'shma bo'lgan A_1BC, B_1AC, C_1AB sferik uchburchaklar paydo bo'ladi(3-rasm). Qo'shma sferik uchburchaklar yuzalarining yig'indisi ularning umumiy tomoniga mos burchakka to'g'ri keluvchi sferik ikkiburchakning yuziga teng bo'ladi. Bu tengliklarni belgilashga muvofiq quyidagicha yozib olamiz: $S_{ABC} + S_{A_1BC} = S_{AA_1}$, $S_{BAC} + S_{B_1AC} = S_{BB_1}$, $S_{CBA} + S_{C_1BA} = S_{CC_1}$. Yozilgan uchala tenglikning o'ng tomonida qaralayotgan sferik uchburchak burchaklariga mos sferik ikkiburchaklar yuzalarini topish formulalarini yozib, so'ngra uchala tenglikni o'zaro qo'shamiz



3-rasm

$$3S_{ABC} + S_{A_1BC} + S_{B_1AC} + S_{C_1BA} = \frac{\pi R^2}{90^0} \cdot A + \frac{\pi R^2}{90^0} \cdot B + \frac{\pi R^2}{90^0} \cdot C$$

bundan,

$$2S_{ABC} + S_{A_1BC} + S_{B_1AC} + S_{C_1BA} = \frac{A+B+C}{90^0} \cdot \pi R^2 \quad (2)$$

tenglikni hosil qilamiz. Keltirilgan 3-rasmga muvofiq C_1BA sferik uchburchak CB_1A_1 sferik uchburchakka simmetrikdir. Simmetrik sferik uchburchaklarning yuzalari miqdor jihatdan o'zaro teng, ya'ni $S_{C_1AB} = S_{CB_1A_1}$ shart bajariladi. Bu shartni (2) tenglikning chap tomonida inobatga olib va oxirgi to'rtta qo'shiluvchi qaralayotgan sfera sirti yuzasining yarmi ekanligidan, $2S_{ABC} + 2\pi R^2 = \frac{A+B+C}{90^0} \cdot \pi R^2$ yoki, bundan

$$S_{ABC} = \frac{A+B+C-180^0}{180^0} \cdot \pi R^2$$

Oxirgi tenglikda $A+B+C-180^0 = \varepsilon$ ekanini inobatga olib, sfera sirtida joylashgan uchburchak ya'ni sferik uchburchak yuzasini hisoblash formulasiga ega bo'lamiz:

$$S_{ABC} = \frac{\pi R^2}{180^0} \cdot \varepsilon \quad (4)$$

Tadqiqot natijalari. R radiusli sfera sirtida joylashgan MM_1 sferik ikkiburchakning yuzasi $S_{MM_1} = \frac{M}{90^0} \cdot \pi R^2$ formula bilan, ABC sferik uchburchakning

yuzasi $S_{ABC} = \frac{\pi R^2}{180^0} \cdot \varepsilon$ formula bilan topilar ekan.

Misol. Agar radiusi $R = 6700000$ m bo'lgan sferada joylashgan ABC sferik uchburchakning burchaklari $A = 79^033'20''$, $B = 65^028'20''$, $C = 37^052'40''$ ga teng bo'lsa, sferik uchburchakning eksessini va yuzini toping.

Δ Sferik uchburchak eksessini topish formulasi $\varepsilon = A + B + C - 180^0$ ga ko'ra $\varepsilon = 79^033'20'' + 65^028'20'' + 37^052'40'' - 180^0 = 0^003'03''$ demak, $\varepsilon = 0^003'03''$.

ABC sferik uchburchakning yuzini topish formulasi

$S_{ABC} = \frac{\pi R^2}{180^0} \cdot \varepsilon$ dan foydalanib, berilgan kattaliklarni inobarga olib, smartfon

kalkulyatorida hisoblaymiz: $\varepsilon = 0^003'03'' = \left(0 + \frac{3}{60} + \frac{3}{3600}\right)^0 = 0,0508^0$,

$R = 6700000$ m = 6700 km, $S_{ABC} = (\varepsilon \div 180) \times \pi \times R^2$, $S_{ABC} = 39800,698$ km² ▲.

Tadqiqot muhokamasi va xulosalar. Sferada joylashgan ikkiburchak va uchburchak xossalariidan, ularning yuzasini topish formulalaridan foydalanib, geodezik va astronomik tadqiqotlarda foydalanish mumkin bo'ladi. Yer sharida joylashgan katta miqdordagi maydonlarning yuzalarini uni uchburchaklar shaklida qismlarga ajratib, uchlari joylashish nuqtasi koordinatalari yordamida oson topish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Степанов Н.Н. Сферическая тригонометрия /Учебное пособия/- Ленинград «ОГИЗ», 1948. 155-с.

2. Mamasoliyev Q., Mardonov B. Sferik trigonometriya /O'quv qo'llanma/- Toshkent. "MASHHUR-PRESS", 2019.-144с.

Самарканд халқаро аэропорти сув таъминоти тизимида сув ресурсларини барқарор бошқариш ва экологик муҳофазасини таъминлаш тамойилларини ишлаб чиқиш

Гадаев А.Н. профессор, Файбуллаев Н. 201-СТКСРМҚ гуруҳи магистри
СамДАҚИ

Аннотация: Разработка и применение принципов устойчивого развития в системе водоснабжения предприятия обслуживания необходимо анализ имматериализация производства и сферы обслуживания. Данная статья посвящена к исследованиям по анализу работы системы водоснабжения Самаркандского международного аэропорта в этом плане. Научные исследования, связанные с обеспечением надежного источника и обеспечение их бесперебойной работы продолжаются.

Abstract: To develop and application of the principles of sustainable development in the water supply system of a service enterprise requires analysis of

the materialization of production and the service sector. This article is devoted to studies on the analysis of the water supply system of the Samarkand International Airport in this regard. Scientific research related to providing a reliable source and ensuring their smooth operation continues.

Ҳар қандай соҳаларда сув ресурсларини барқарор бошқариш шартларида улардан тежамкор фойдаланиш ва ишлатилган сувларни тозалаб табиий сув ҳавзаларига ташлаш биргаликда баҳоланади. Самарқанд шаҳри такилотларидан бири Самарқанд халқаро аэропорти бўлиб, унда фойдаланилган ер ости сувларини тўплаб, тозалаб табиий ҳавзага ташлаш ҳолати ва шартларини ўрганамиз. Маълумки, йиллар давомида ишлабчиқариш/хизмат кўрсатишнинг ўсиши сув ресурсларига бўлган талабни оширади. Лекин бизнинг мақсадимиз табиий манбадан олинadиган сув ресурслари миқдорини оширмасдан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичини оширишдир. Бу барқарор ривожланиш талаблари асосида амалга оширилади. Аввал барқарор ривожланиш ва сув ресурслари боғлиқлигини англаш учун ҳолатни назарий таҳлилини кўраимиз. Бунда **ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг имматериализацияси** тамойили муҳим аҳамият касб этади. Бу нима дегани? Бу ялпи ички маҳсулот даражаси ва экологик стресс ўртасидаги боғлиқлик ҳисобланади. Бу тамойил кўпчилик томонидан шубҳа остига олинади. Бизнинг ўйлашимизча тўғрироқ ҳулоса ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини одамлар турмуш даражаси билан ўлчаш кўрсаткичи деб ҳисоблаш, ва ялпи ички маҳсулот билан экологик стресс ўртасидаги боғлиқлик мавжуд деб қараш тўғрироқ бўлади. Жаҳон иқтисодиётида товарларга ёки хизматларга эҳтиёж даражасини аҳоли жон бошига кўрсаткичи ялпи ички маҳсулот орқали баҳоланади. Барқарор ривожланиш ялпи ички маҳсулот ўсиш даражасини манфий бўлишини талаб қилади, яъни $B < 0$. Лекин бу кўрсаткич кўпчилик давлатлар томонидан қабул қилинган ва жаҳон савдо иқтисодий-сиёсат мақсадларига зид келади. Барқарор ривожланиш концепсиясини бундай қарама-қарши кўрсаткичи унинг ахлоқ масалаларини рад этиб бўлмаслигини кўрсатади. Қуйида ялпи ички маҳсулот ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги боғлиқликни қайта кўриб чиқиш баъзи фактларни чуқур таҳлил қилиш фаровонлик даражасини пасайиш тенденциясига ухшаб кўринади. Товарлар истеъмоли ёки хизматлар реализацияси иқтисодий ўсиш фаровонлик даражасининг якуний кўрсаткичи эмас. Бу фақат унга етишнинг воситалари холос. Демак, биринчи навбатда фаровонлик концепсиясини ахлоқ нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ва фақат бундан кейин материал истеъмол даражаси қандай эканлигини ва унга етишиш учун талаб этилган. Барқарор ривожланиш шароитида фаровонликнинг шундай иқтисодий ўсиш даражасига интилиш керакки, бунда аҳоли жон бошига тушадиган товарларни камайишига, лекин турмуш даражасини кўтарилишига эришилсин. Бир қараганда қизиқ кўринади, яъни бу ерда гап самарадорлик ва фаровонлик ўртасидаги мутаносиблик ҳақида кетаяпти. Барқарор ривожланиш асосий мақсадларидан бири бу фаровонликнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Глобал масштабда бу тамойилни қуйидагича ифодалаш мумкин: “Фаровонлик

самарадорлигини ошириш бу материал истеъмолини пасайишидир”. Яъни талабни “имматериализацияси”га фаровонлик даражасини туширмасликка айтилади. Амалда бу хулоса бизнинг талабларимизни материалдан ижтимоий, маданий ва маънавий бойликлар томонига силжишини билдиради. Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиёти товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уни истеъмолидан ишлаб чиқариш ва хизматлар истеъмоли томонига ўзгармоқда.

Хўш, бу тамойилларни Самарқанд халқаро аэропорти сув таъминоти тизими самарадорлиги мисолида қандай амалга ошириш мумкин? Шу ўринда табиий ресурслар миқдори ва унга бўлган эҳтиёж графиги (1-расм)дан фойдаланамиз. Агар юқорида қайд этилган назарий таҳлилларга эътибор қаратсак, бу кам сув билан кўп эҳтиёжни қаноатлантириш десак тўғри бўлади. Буни амалда қўллашнинг қандай талаблари мавжуд? Сув таъминоти тизими ишидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар киритилади:

1. Сув тежамкор технологияларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимига тавсия қилиш;
2. Сувдан фойдаланишнинг кетма-кет, қайта ва аланма тизимларини қўллаш;
3. Ишлатиладиган сув ҳисоби ва уни тизим иншоотлари ҳамда тармоқларида бефойда оқиб кетиши(авария)ни олдини олиш;
4. Фойдаланган сув учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;
5. Юқоридаги тадбирларни қўллаган истеъмолчиларни имкон қадар кам солиқлар тўловини ташкил этиш, яъни уларни молиявий енгилликларга интилишларига эришиш.



1-расм. Табиий ресурслар миқдори ва уларга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариш графиги

Таклиф қилинаётган тадбирларни амалда қўллаш қийин туюлсада, уларни реализациясига эришиш қуйидаги амалий натижаларга олиб келади:

1. Кам сув ресурсларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори кўрсаткичларга эришиш;

2. Ресурслар тежамкорлиги, иншоотлар ихчамлиги, молиявий тежамкорлик, хизматлар таннархини камайтириш;

3. Табиий ҳавзалардан кам сув олиш уларни келажак авлодланга тўла етказишни таъминлаш, бу эса айнан барқарор ривожланиш тамойилларига мос келади;

4. Кам сув олиш, кам ифлосланишга эришиш, кам миқдорда ифлосликларни ҳавзаларга ташлаш атроф муҳит экологик балансини сақлашни таъминлайди.

Самарқанд халқаро аэропорти сув таъминоти тизимида ишлатилган сувлар тозаланиб Қорадарё ҳавзасига ташланади. Демак, уни миқдорини камайтиришнинг юқоридаги кўрсаткичларига эришиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Қуйидаги мақолада Самарқанд халқаро аэропортида сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва сув манбалари экологик муҳофазасига бағишланган илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. Тадқиқотлар Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси қошидаги UZWATER миллий сув марказида бажарилган ва ушбу бажарилаётган тадқиқотлар характериға кўра янги бўлиб, уларни бошқа истеъмолчилар учун ҳам қўллаш имкониятлари мавжуд. Маълумки, Самарқанд шаҳридаги истеъмолчиларни деярли ҳаммасининг сув эҳтиёжлари ер ости сувларидан фойдаланиб таъминланади. Бу ҳудудда ер ости сув ресурсларини олиш ва ишлатишдаги замонавий тежамкор технологияларини амалда қўллаш лойиҳалари масаланинг амалий ечими ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Michael Edelstein, Astrid Cynry, Abror Gadaev, Disaster by Design: Aral Sea Sustainability and its lessons. UK, London Emerald 2012

2. Жанубий Ўзбекистоннинг арид ҳудудларида сув барқарорлигини назарий асослаш, диссертацияс, Тошкент 2016, Ш.Муродов.

3. Томчилатиб суғориш тизими, Тошкент 2016, С.Маматов

4. Соатов У.А., Гадаев А.Н., Бобоева Г.С. “Сув қабул қилиш иншоотлари” Самарқанд-2006 й.

УДК (UDC) 374.1

Ўзбекистонда масофавий ўқишнинг долзарб масалалари

Байзаков А.А. т.ф.н., доцент. Кумаков Қ.Б. (207-БваИҚ гуруҳи талабаси).

СамДАҚИ. Самарқанд

Аннотация: Мазкур мақола масофавий ўқишнинг муаммолари ва истиқболларига бағишланган бўлиб, муаллиф масофавий ўқишнинг қисқача тавсифи, хорижий мамлакатларда қўлланилиш ҳолати, ижобий сифатлари ва камчиликлари ҳамда республикамизда мазкур йўналишнинг бугунги аҳволи, муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни келтирган.

Калит сўзлар: масофавий ўқиш, Интернет алоқа, ахборот-коммуникация таълим, компьютер саводхонлик.

Аннотация: Данная статья посвящена проблемам и перспективам дистанционного обучения, автор дает краткое описание дистанционного обучения, состояние его применения в зарубежных странах, его положительные качества и недостатки, а также современное состояние в республике, проблемы и предложения по их решению.

Ключевые слова: дистанционное обучение, интернет-соединение, информация и коммуникация, образование, компьютерная грамотность.

Resume: This article is devoted to the problems and prospects of distance education, the author gives a brief description of distance education, the state of its use in foreign countries, its positive qualities and shortcomings, as well as the current state of the republic, problems and suggestions for solving them.

Keywords: distance learning, Internet connection, information and communication, education, computer literacy.

Ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларидаги ҳозирги кунда компьютерда ишлаш, Интернет-манбаларда керакли маълумотларни қидириш муҳим ўрин тутмоқда. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, бевосити Интернет глобал компьютер тармоғининг ривожланиши, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши, анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги - масофавий ўқиш тизими яратилишига асос бўлди.

Масофавий ўқиш - бу замонавий ахборот ва таълим технологиялари ва электрон почта, телевидение ва Интернет каби телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасасига бормасдан таълим хизматларини олишдир. Мазкур таълим - бу ҳар хил ёшдаги талабаларнинг турли тоифаларини ва таълим имкониятлари ва эҳтиёжларини қамраб олишга имкон берадиган демократик таълим шакли, шунинг учун у дунё бўлаб тобора оммалашиб бормоқда, ҳар йили масофадан ўқишни хоҳловчилар сони кўпаймоқда.

Бугунги кунда АҚШ ва Европанинг етакчи мамлакатлари Германия, Испания, Италия, Финляндия, Швеция, Франция, Чехия, Буюк Британия масофавий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича етакчи ҳисобланади.

Ушбу мамлакатларининг масофавий таълимнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: масофадан ўқитиш соҳасида кўп йиллик тажриба; кўплаб миллий порталлар томонидан қўллаб-қувватланадиган мустаҳкам маълумот базаси; турли мамлакатларда ўқув марказлари тармоғининг мавжудлиги; дипломларнинг бутун дунёда тан олинishi; таълимда замонавий мултимедиа технологияларини, шу жумладан компьютер тармоқлари ва сунъий йўлдош телевидениесини қўллаш; файлларни юбориш тизимининг йўлга қўйилганлиги, талабаларни аттестациядан ўтказиш ва тескари алоқаларнинг ўрнатилганлиги, юқори малакали ўқитувчилар; юқори сифатли ва тан олинган ўқув дастурлари.

Европа мамлакатларида ушбу таълим шакли, авваламбор, олий таълим соҳасида ва илғор малака ошириш шакли сифатида ривожланмоқда ва катта

худудларга эга ва аҳоли зичлиги паст бўлган мамлакатларда (Австралия, Янги Зеландия), масофадан ўқитиш таълимнинг барча босқичларини камраб олмақда. Масофавий таълимнинг имкониятлари ва кенг тарқалиши таълим соҳасидаги глобал мақсадни ҳал қилишга ёрдам беради, яъни сифатли таълим олишда барча инсонларнинг тенглиги таъминланади [1].

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида масофавий таълим ҳозирча ривожланган мамлакатлар даражада бўлмасада, кейинги йилларда замонавий мазкур таълим тизимини шакллантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2018 йил 21 майда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Махсус сиртки таълимда ўқув жараёнини электрон таълим ресурслари асосида қўллаб-қувватлашни ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи асосида Ўзбекистонда электрон таълимнинг илк бор олий таълим тизими амалиётига жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон фармонида кўра таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш тадбирларларини амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 3 мартдаги ПФ–5953-сон Фармонида мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилади.

Мазкур ўқишнинг оммалашшига сабаб, унинг қатор афзалликлари, улар қуйидагилардан иборат [2]:

Масофавий таълим олувчилар дунёнинг исталган жойида бўла туриб, ўзига қулай вақтда, қулай шароитда билим олиш имкониятига эга бўладилар;

Талаба тегишли рўйхатдан ўтгандан сўнг барча зарурий адабиётлардан фойдаланиш ваколатига ёки ўқув материалларини почта орқали олиши, телекоммуникация воситалари орқали (электрон почта, тескари алоқа тизими, ижтимоий тармоқ) ўқитувчи билан маслаҳатлашиши шахсан учрашувга қараганда тез ва самаралироқ бўлади;

Масофавий таълимда ўқитиш кундузги ва сиртки бўлимга қараганда арзонроқ ва масофадан ўқитиш ишдан ажралмаган ҳолда, меҳнат стажининг узлуксизлигини ҳамда талаба олган билимларини тезкорликда иш фаолиятида қўллашга имкониятини беради;

Масофавий технологиялар индивидуал ёндашувни ташкил қилиш учун мос ва аттестация жараёнини онлайн-тест шаклда ўтказилиши, талаба билимини субъектив баҳолашни чеклайди.

Юқоридагиларга қўшимча равишда мазкур ўқитишнинг афзалликларин қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин; талабаларнинг электрон кутубхоналар ва билимлар базаларига тезкор киришлари; жамиятдаги ижтимоий аҳволи ва

соғлиғидан қатъий назар ҳар ким томонидан таълим олиш имконияти (ногиронлар, ёш болали оналар); ўқишнинг юқори натижадорлиги; кенг тарқалган коррупция схемаларининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга, масофадан ўқитиш бир қатор жиддий камчиликларга эга [2]:

Масофадан ўқишни истаганларнинг ҳаммасининг ўқув жараёнига жалб қилинишга имкониятлари бўлмаслиги (компьютер бўлмаслиги, Интернетга уланиш), потенциал билим олувчилар аудиториясини камайтиради;

Масофавий таълим жараёнидаги кўплаб потенциал иштирокчиларнинг етарли компьютер тайёргарлиги ёки амалий билимларининг етишмаслиги;

Мунозарали майдон ва шахсий муносабатларнинг етишмаслиги; Билим олувчида ўқишга бўлган кучли туртки ва юқори даражада интилиш зарур.

Юқоридагиларга қўшимча равишда мазкур ўқитишнинг камчиликлари: талабада ўқитувчи ёки бошқа талабалар билан шахсий жонли муносабатнинг йўқлиги; амалий билимларнинг етишмаслиги; вазифаларни бажаришда фирибгарлик муаммоси мавжудлигидир.

Масофавий ўқитишнинг бой имкониятларига қарамай, ҳозирда ушбу тизимни ривожлантириш учун зарур бўлган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ечими шуҳбасиз мазкур таълимнинг ривожланишига хизмат қилади.

Мазкур таълимнинг кенг тарқалиши учун аввало, Интернет алоқаларининг яхши даражаси ва аҳолининг компьютер саводхонлиги даражаси ҳамда талабаларнинг техник ускуналар (компьютер) билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ. Бу омиллар масофавий таълимнинг ривожланишини қийинлаштирмоқда, яъни Интернет алоқаси республикамиздаги марказий шаҳарларидан бошқа ҳудудларда паст даражада, кўплаб талабаларнинг компьютер саводхонлик ва компьютер билан таъминланганлик даражаси қониқасиз аҳволда.

Бугунги кунда қонунчиликда масофадан туриб ўқитиш мақомини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш муҳимдир. Жумладан, таълим муассасаларининг масофавий ўқишни амалга ошириш борасидаги стандарт куйидагиларни ўз ичига олиши лозим [3]: масофадан ўқитиш соҳасидаги тушунчаларнинг таърифлари (уларнинг ягона қўлланиши ва маълумотларнинг мувофиқлиги); ушбу фаолият учун зарурий моддий-техник базага, профессор-ўқитувчилар, техник ва ёрдамчи ходимларга қўйиладиган махсус талаблар; масофавий шаклдаги ўқув жараёнига қўйиладиган баъзи бир умумий мажбурий талаблар.

Ўзбекистонда олий маълумот олувчилар сони йил сайин ортиши кузатилмоқда. 2019-2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига 1 066 925 абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, 2019 йил аҳолини олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи жами битирувчилар сонига нисбатан 20 фоизни ташкил этган бўлиб, бу олий маълумотга эга бўлиш даражаси пастлигини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич дунёдаги ривожланган давлатларда 60–70 фоизни ташкил этади. Келгуси йилларда бу борадаги ишларни янада изчил давом эттириш асосида, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан оширилиши

режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли сонинг ошиши баробарида, ОТМ да малакали профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги кўп сонли талабаларнинг ўқиш имкониятларини камайтирмоқда. Кўплаб асосий олий ўқув юртлари пойтахтда жойлашган, шунинг учун узоқ худудлар аҳолисининг кўпинча уларда ўқиш имконияти чекланмоқда ёки чет эл ОТМда ўқиш сарф харажатлари талабалар учун жуда қимматлиқ қилиши кузатилмоқда.

Юқоридаги фикрлар Ўзбекистонда масофавий таълимнинг жорий этилиши долзарблигини тасдиқлайди ва олий таълимда катта муваффақият ва ижобий ўзгаришларга олиб келади. Зеро таълим, жумладан олий таълим ишсизлик, қашшоқлик муаммоларини ҳал қилиш, одамлар турмуш даражасини яхшилаш, мамлакатларнинг тараққиётини юксалтиришда, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун энг кучли воситадир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда масофавий таълимни жорий этиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Мазкур тизимни шакллантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар қуйидагилардан иборат, яъни:

- профессор-ўқитувчиларнинг масофавий ўқитишга бўлган малакавий тайёргарлиги даражаси. Масофавий ўқитишдаги муваффақият аввало ўқитувчининг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси ва амалиётга самарали қўллашига боғлиқ бўлади. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун касбий мулоқот майдончаларини ва қўшимча шароитлар яратиш

- талабаларнинг масофавий ўқишга тайёрлиги. Масофавий ўқитиш жараёнида талабалар шахсий хусусиятлари, ўқиш шароитлари, компьютер технологиялари ва Интернет ресурсларидан фойдаланиш қобилиятлари кўринишида бир қатор тўсиқларга дуч келишади. Шунинг учун талабаларнинг танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари, компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш ҳамда масофавий ўқишга мослаштиришга қаратилган муҳитни яратиш лозим;

- бу таълим муассасаларида ахборот технологияларини татбиқ қилиш ҳажмининг имкониятлари чекланганлиги. Бу ишларни амалга ошириш учун катта маблағ ва вақт талаб этилади. Масофавий таълим хизматлари кўрсатаётган ОТМ электрон ўқув адабиётлар, миллий электрон таълим ресурслари, масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизими, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш имкониятига жиҳозлар билан таъминланган бўлиши зару;

- масофавий таълимга доир асосий меъёрий ҳужжатлар ва ягона стандартларнинг ишлаб чиқилмаганлиги. Олий таълим муассасаси томонидан масофавий таълимга доир яратилаётган таълим дастурларини тартибга солиш ва ушбу соҳадаги жуда паст сифатли дастурлардан халос бўлиш учун ягона таълим стандартлари ишлаб чиқиш керак. Профессор-ўқитувчиларнинг интеллектуал ишларини ҳимоя қилиш, ўқув юкламаларини ҳисоблашдаги вақт меъёрлари ҳамда талабаларнинг билимини баҳолашнинг доир кўплаб мазкур

таълим фаолиятини амалга оширишнинг энг муҳим жиҳатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат яратиш зарур.

Шубҳасиз, ушбу юқоридаги мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун вақт талаб этилади, зеро бугун ва яқин келажакда замонавий жамият талабларига жавоб берадиган масофавий таълим тизимининг тўғри ташкиллаштирилиши олий таълимда катта муваффақият ва ижобий ўзгаришлар олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Долгая О.И. Дистанционное обучение за рубежом на современном этапе. Журнал “Школьные технологии”, 2. 2019. сайт.-URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/distantcionnoe-obuchenie-za-rubezhom-na-sovremenном-etape> (мурожаат санаси 17.05.2020).

2. Ламинина О. Г. Технологии и принципы дистанционного обучения: зарубежный опыт. Педагогический журнал. 2016. №4. С.380-389. сайт.-URL: <https://docplayer.ru/40905977-Tehnologii-i-principyu-distancionnogo-obucheniya-zarubezhnyy-opyt.html> (мурожаат санаси 30.04.2020).

3. А. Х. Абдуллаев, А. А. Алимов, М. Ю. Хегай. сайт.-URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-ormirovaniya-normativnoy-bazy-distantcionnogo-obucheniya-v-uzbekistane> (мурожаат санаси 30.04.2020).

Исследования обеспечения инновационного развития строительных организаций

Искандаров Э.Б., инженер

В современных условиях инновационное развитие экономики является приоритетным направлением в обеспечении устойчивого экономического роста мировой и национальной экономики.

В настоящее время мировое сообщество стоит на пороге четвертой технологической революции. Создание искусственного интеллекта, квантового компьютера, освоение 4D технологии, цифровизация экономики и всех сфер человеческой деятельности дело недалекого будущего. Уже сейчас в развитых странах более 2/3 валового внутреннего продукта создается на базе развития инновационной деятельности.

В условиях инновационного развития экономики строительный комплекс, являющийся важнейшим этапом инвестиционно-строительного процесса, приобретает особое значение. Именно поэтому активизация инновационного процесса в этой отрасли позволит обеспечить требуемые сроки, качество и эффекты внось капитального строительства.

Безусловно, на современном этапе либерализации экономики в Узбекистане инновационное развитие становится одним из узловых направлений роста конкурентоспособности отраслей экономики. В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису отмечено: “Сегодня Узбекистан переходит на путь инновационного развития, направленного на коренное улучшение всех сфер жизни государства и общества. Именно поэтому в стране в 2017 году организовано Министерство инновационного развития Республики Узбекистан, которое должно выполнять

роль своеобразного локомотива в реализации важнейших проектов не только в экономической сфере, но и в жизни всего узбекского общества. В частности, в центре его внимания будут находиться задачи по развитию научно-исследовательской и инновационной деятельности... »⁵. В Послании Президентом Республики Узбекистан было объявлено, что 2020 год назван «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики», что ярко подтверждает актуальность исследований в области развития инновационной деятельности.

В связи с этим актуальную значимость имеет разработка научно обоснованных рекомендаций и предложений по активизации инновационной деятельности в строительстве с формированием методических обоснований и практических механизмов и повышению эффективности отрасли на основе кластерного подхода.

Исследование данной диссертации в в большой мере нацелены на осуществление задач, определенных указами Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и УП-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», а также, и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

Отметим, что рассматриваемой проблеме посвящены труды зарубежных ученых, которые внесли большой вклад в изучение законов инновационного развития. В ряде этих работ рассмотрены методологические подходы: эволюционная теория экономики инновационных изменений, экономического развития, анализа организаций и институтов, модель международной конкуренции др.

Отечественные ученые С.Г.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, Б.Б.Беркинов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Г.Юлдашев, Б.К.Гойибназаров, М.А.Махкамова, Р.И.Нуримбетов, А.Ф.Расулов, А.М.Кодиров, Ш.И.Отажонов и другие ученые внесли существенный вклад в развитие инновационной деятельности и изучение системы управления ею в Узбекистане⁶.

С учетом этих разработок в Ташкентском архитектурно-строительном институте ведутся исследования по активизация инновационного развития в строительстве с целью разработки научно-практических рекомендаций и предложений по обеспечению устойчивого инновационного развития строительной отрасли.

⁵Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. – Ташкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. –Б. 23.

⁶Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAPLAMBERTAcademicPublishingRU, 2018. –С. 49; Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. –Т.: 2008. С.19-21.; Нуримбетов Р.И., Калмуратов Б. Инновацион бошқариш стратегиясининг ахамияти // Jamiyat va boshqaruv. –Т.: 2010 йил, № 2–Б. 73-75.

